556
П81

656.8

# ПОЧТА ҚОИДАЛАРИ

2058731

O'QUV ZALI

TATU
KUTUBXONASI

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти,
Тошкент - 2004

## Сўз боши

1 Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН

2 Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг биринчи ўринбосари томонидан ТАСДИҚЛАНГАН

3 Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 21. 10. 2002 даги 127-сон буйруғи билан АМАЛГА ЖОРИЙ ҚИЛИНГАН

4 Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигининг 1992 йил 2 ноябрдаги 254-сон буйруғи билан амалга киритилган Почта қоидаларининг ўрнига ЖОРИЙ ҚИЛИНГАН

5 Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2003 йил 26 декабрдаги 366-сон буйруғига мувофиқ ўзгартиришлар КИРИТИЛГАН

**НАШРИЁТ ҲАЙЪАТИ**

М.М. Маҳмудов (раҳбар), Г.С. Абдулазизова, К.А. Алимов, Е.С. Антонова, Т.Т. Бажанова, И.С. Елизарова, Т.А. Калашникова, В.П. Коваль, С.С. Матчонова, Р.Ф. Мухаммедова, Ю.Р. Мухчи, К.Т. Тулебаев, Т.Г. Чекашкина

Ушбу ҳужжат Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг рухсатисиз тўлиқ ёки қисман қайта ишланиши, кўпайтирилиши ва тарқатилиши мумкин эмас

O'QUV ZALI

© Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2004 йил.

O'QUV ZALI

# МУНДАРИЖА


| | | |
|---|---|---|
| 1 | Қўллаш соҳаси | 8 |
| 2 | Таърифлари | 8 |
| 3 | Почта алоқаси объектларининг номли буюмлари, почта жўнатмаларини жўнатиш учун идиш (тара)лар | 8 |
| 3.1 | Почта алоқаси объектларининг номли буюмлари | 8 |
| 3.2 | Почта жўнатмаларини жўнатиш идиш (тара)лари | 16 |
| 3.2.1 | Почта идиш (тара)ларининг умумий тавсифи | 16 |
| 3.2.2 | Почта идиш (тара)ларидан фойдаланиш тартиби | 17 |
| 4 | Почта жўнатмалари ва пул ўтказмаларини қабул қилишнинг умумий тартиби | 23 |
| 5 | Ички почта жўнатмалари ва пул ўтказмаларини қабул қилиш, ишлов бериш, топшириш ва тўлаш | 29 |
| 5.1 | Оддий ва буюртмали хатлар, оддий ва буюртмали бандероллар, оддий ва буюртмали почта варақчалари | 29 |
| 5.1.1 | Хатлар, бандероллар ва почта варақчаларини қабул қилиш | 29 |
| 5.1.2 | Жўнатилувчи ва транзит хат-хабарларга ишлов бериш | 31 |
| 5.1.3 | Олувчининг манзилидаги почта алоқаси объектлари (почта алоқаси боғламалари, почтамтлар)да хат-хабарларга ишлов бериш | 40 |
| 5.1.4 | Почта алоқасининг элтиб бериш объектларида келувчи хат-хабарларга ишлов бериш | 42 |
| 5.1.5 | Хат-хабарларни топшириш | 49 |
| 5.2 | Қиммати эълон қилинган хатлар ва қиммати эълон қилинган бандероллар | 51 |
| 5.2.1 | Қиммати эълон қилинган хатлар ва қиммати эълон қилинган бандеролларни қабул қилиш | 51 |
| 5.2.2 | Жўнатилувчи ва транзитли қиммати эълон қилинган хатлар ҳамда қиммати эълон қилинган бандеролларга ишлов бериш | 57 |
| 5.2.3 | Қиммати эълон қилинган хат ва қиммати эълон қилинган бандеролларга ишлов бериш | 60 |
| 5.2.4 | Қиммати эълон қилинган хат ва қиммати эълон қилинган бандеролларни топшириш | 64 |
| 5.3 | Посилкалар | 66 |
| 5.3.1 | Посилкаларни қабул қилиш | 66 |
| 5.3.2 | Жўнатилувчи ва транзит посилкаларга ишлов бериш | 75 |
| 5.3.3 | Келувчи посилкаларга ишлов бериш | 79 |
| 5.3.4 | Посилкаларни топшириш | 80 |
| 5.4 | Пул ўтказмалари | 83 |
| 5.4.1 | Пул ўтказмаларини қабул қилиш ва расмийлаштириш. Уларни назорат қилишга узатиш | 83 |
| 5.4.2 | Пул ўтказмали телеграммаларни тузиш | 91 |

| | | |
|---|---|---|
| 5.4.3 | Жўнатилаётган пул ўтказмаларини назорат қилиш ва жўнатиш | 95 |
| 5.4.4 | Келувчи оддий пул ўтказмаларини қабул қилиш, назорат қилиш ва уларга ишлов бериш | 101 |
| 5.4.5 | Келувчи пул ўтказма телеграммаларни олиш, назорат қилиш ва уларга ишлов бериш | 102 |
| 5.4.6 | Пул ўтказмаларини тўлаш | 105 |
| 5.4.7 | Пул ўтказмаларини олувчиларнинг банк бўлимларидаги ҳисоб рақамларига ўтказиш | 108 |
| 5.4.8 | Пул ўтказмаларини далолатномалар бўйича тўлаш | 109 |
| 5.4.9 | Тўланган пул ўтказмаларини 10 - шаклдаги реестрга ёзиш | 112 |
| 5.4.10 | Тўланган пул ўтказмаларини назорат қилиш. Келган тезкор (телеграф) пул ўтказмаларини 114 - шакл бўйича текшириш | 115 |
| 5.4.11 | Нотўғри расмийлаштирилган, бошқа жойга жўнатилган ва кечиктирилган пул ўтказмалари бўйича текширув | 119 |
| 5.4.12 | Пул ўтказмаси операциялари бўйича ҳисоботни пул ўтказмаларига ишлов бериш ва назорат қилиш марказига юбориш | 120 |
| 5.5 | Ҳукуматга оид почта жўнатмалари | 124 |
| 5.5.1 | Ҳукуматга оид почта жўнатмаларини қабул қилиш, ишлов бериш ва жўнатиш | 124 |
| 5.5.2 | Ҳукуматга оид почта жўнатмаларини эгасига топшириш | 127 |
| 5.6 | Олинганлиги тўғрисида хабарномаси бўлган почта жўнатмалари ва пул ўтказмалари | 127 |
| 5.6.1 | Олинганлиги тўғрисида хабарномаси бўлган почта жўнатмалари ва пул ўтказмаларини қабул қилиш | 127 |
| 5.6.2 | Почта жўнатмалари ва пул ўтказмаларини хабарномаси билан топшириш. Почта жўнатмаларини топширган, пул ўтказмаларини тўлаган почта алоқаси объектларида хабар қоғозларини расмийлаштириш | 131 |
| 5.6.3 | Хабарномаларга ишлов бериш ва уни почта жўнатмалари ҳамда пул ўтказмаларини жўнатувчиларга топшириш | 134 |
| 5.6.4 | Олинганлиги тўғрисидаги навбатдаги хабарномалар | 136 |
| 5.7 | Устама тўловли почта жўнатмалари | 137 |
| 5.8 | Ҳарбий почта жўнатмалари ва пул ўтказмалари | 141 |
| 5.8.1 | Жўнатилувчи ҳарбий почта жўнатмалари ва пул ўтказмаларини қабул қилиш ҳамда уларга ишлов бериш | 141 |
| 5.8.2 | Ҳарбий қисмларга ва уларнинг шахсий таркибига почта жўнатмаларини топшириш, пул ўтказмаларини тўлаш | 142 |
| 5.9 | Авиажўнатмалар | 149 |
| 5.10 | Тўпламли ички почта жўнатмалари ва пул ўтказмалари | 149 |
| 5.11 | Хизматга оид почта жўнатмалари | 157 |
| 6 | Халқаро почта жўнатмалари ва пул ўтказмаларини қабул қилиш, ишлов бериш ва топшириш | 158 |

6.1 Умумий қоидалар........................................................................ 158
6.2 Оддий ва буюртма халқаро хатлар, почта варақчалари, оддий ва буюртмали бандероллар, оддий ва буюртмали секограммалар ва «М» белгили қоплар.................................. 162
6.2.1 Халқаро хатлар, почта варақчалари, бандероллар, секограммалар ва «М» белгили қопларни қабул қилиш ва топшириш.................................................................................. 162
6.2.2 Халқаро почта жўнатмаларини қабул қилиш, ишлов бериш ва жўнатиш.................................................................... 163
6.3 Майда пакетлар........................................................................ 167
6.3.1 Майда пакетларни қабул қилиш ва ишлов бериш.................. 167
6.3.2 Келувчи майда пакетларга ишлов бериш ва уларни топшириш........................................................................................ 170
6.4 Қиммати эълон қилинган халқаро хатлар............................... 171
6.4.1 Қиммати эълон қилинган хатларни қабул қилиш, ишлов бериш ва топшириш.............................................................. 171
6.5 Халқаро почта посилкалари..................................................... 174
6.5.1 Посилка бланкаларини ва божхона декларацияларини тўлдириш.......................................................................................... 174
6.5.2 Халқаро почта посилкаларини қабул қилиш.......................... 177
6.5.3 Халқаро почта посилкаларига ишлов бериш ва топшириш.............................................................................................. 180
6.6 Халқаро пул ўтказмалари.......................................................... 185
6.6.1 Умумий қоидалар........................................................................ 185
6.6.2 Оддий халқаро пул ўтказмаларини қабул қилиш ва расмийлаштириш. Уларни назоратга топшириш........................... 186
6.6.3 Жўнатилаётган оддий халқаро пул ўтказмаларини назорат қилиш ва жўнатиш.............................................................. 190
6.6.4 Оддий халқаро пул ўтказмалари тўлови.................................. 191
6.6.5 Оддий халқаро пул ўтказмаларини далолатномалар бўйича тўлаш................................................................................... 193
6.6.6 Нотўғри расмийлаштирилган, бошқа жойга юборилган оддий халқаро пул ўтказмалари бўйича текшириш.............. 195
6.7 Олинганлиги тўғрисидаги хабарнома билан, «Ўз қўлига топширилсин», «Шахсан қўлига топширилсин» халқаро почта жўнатмалари, авиажўнатмалар......................................... 195
6.8 Халқаро почта жўнатмалари тўпламини қабул қилиш.......... 199
6.9 Корхоналар, ташкилотлар ва муассасалардан босма нашрларни махсус «М» белгили қопларда қабул қилиш............ 200
6.10 Халқаро почта жўнатмаларини қайта юбориш ва қайтариш..... 201
7 Почтани жўнатиш ва алмаштириш............................................. 203
7.1 Почтани жўнатишнинг умумий тартиби.................................. 203
7.2 Почта жўнатмаларини автомобил ва от-улов йўналишлари бўйича жўнатиш. шу йўналишларда жойлашган почта алоқаси объектлари билан почта алмашуви............................ 208
7.3 Почта вагонлари билан почта алмашуви. Почта алоқаси объектларидан почтани жўнатиш............................................ 212

| | | |
|---|---|---|
| 7.4 | Почтани йўловчи вагонларнинг купеларида ёки юк багаж билан жўнатиш | 221 |
| 7.5 | Ҳаво кемаларида почтани жўнатиш ва алмаштириш | 223 |
| 7.6 | Махсус вазифали почта алоқаси боғламалари (таркибий бўлинмалари) билан почта алмашуви | 235 |
| 8 | Почталарни қабул қилиб олиш ва ишлов бериш | 237 |
| 8.1 | Темир йўл қошидаги почта алоқаси объектларида почта жўнатмаларига ишлов бериш тўғрисидаги умумий қоидалар | 237 |
| 8.2 | Темир йўл қошидаги почта алоқаси объектларида ишлов берилган почта ҳужжатларини назорат қилиш | 239 |
| 8.3 | Почтани қабул қилиш ва текширишнинг умумий тартиби. Текширишда аниқланган шикастланиш ва хатоликларни расмийлаштириш | 240 |
| 8.4 | Почта жўнатмалари ва буюмларни очиш тартиби | 255 |
| 9 | Олувчиларнинг манзилларини аниқлаш. Почта жўнатмалари ва пул ўтказмаларини сақлаш муддатлари, уларни қайта жўнатиш ва қайтариш. Тарқатилмаган почта жўнатмалари, тўланмаган пул ўтказмалари | 257 |
| 9.1 | Олувчиларнинг манзилларини аниқлаш. Белгиланган жойдаги почта алоқаси объектларида почта жўнатмалари, пул ўтказмаларини сақлаш муддатлари | 257 |
| 9.2 | Ички почта жўнатмалари, пул ўтказмаларини қайта жўнатиш ва қайтариш | 259 |
| 9.3 | Ҳарбий почта жўнатмалари, пул ўтказмаларини қайта жўнатиш ва қайтариш | 266 |
| 9.4 | Қабул қилиш жойидаги почта алоқаси объектларида қайтарилган почта жўнатмалари, пул ўтказмаларини сақлаш. Тарқатилмаган почта жўнатмалари, тўланмаган пул ўтказмалари | 268 |
| 9.4.1 | Қайтарилган почта жўнатмалари, пул ўтказмаларини сақлаш муддатлари. Уларни тарқатилмаганлар қаторига ўтказиш тартиби | 268 |
| 9.4.2 | Охирги сақлаш жойларида тарқатилмаган почта жўнатмаларига, тўланмаган пул ўтказмаларига ишлов бериш ва уларни ҳисобга олиш. Почта жўнатмаларини очиш ва унинг жойланмаларини сотиш | 270 |
| 10 | Операция кунининг бошланиши ва тугаши | 275 |
| 10.1 | Операция кунининг бошланишига тайёргарлик. Почта жўнатмаларини топшириш, пул ўтказмаларини тўлаш ва уларни топшириш, қабул қилиш натижаларини якунлаш. Иш кунининг тугалланиши. Ишлаб чиқариш ҳужжатларини сақлаш | 275 |
| 10.2 | Пуллар, шартли бойликлар ва почта жўнатмаларини сақлаш | 283 |
| 10.2.1 | Пуллар, почта жўнатмалари сонини ва ҳақиқий қолдиғини, тўловнинг тўғри тўланганлигини текшириш. Пулларни бош | |

| | | |
|---|---|---|
| | (асосий) кассага топшириш | 283 |
| 10.2.2 | Пуллар, почта жўнатмалари ва бошқа бойликларни сақлаш жойи ҳамда тартиби | 285 |
| 10.2.3 | Почта алоқаси объектларининг кассаларида пуллар ва бошқа бойликлар мавжудлигини текшириш | 286 |
| 10.2.4 | Операция куни тугаши билан омборхоналарни муҳрлаш | 287 |
| 10.2.5 | Пуллар ва почта жўнатмаларининг ўғирланиши ва камомади тўғрисида хабар бериш. Улар бўйича текширув ўтказиш | 288 |
| 11 | Ёзишма сирини сақлаш, почта жўнатмалари, пул ўтказмаларини ҳуқуқни сақлаш идоралари томонидан кўздан кечириш, тўхтатиб қолиш ва олиб қўйиш шартлари | 289 |
| | Илова-А | 292 |

# ПОЧТА ҚОИДАЛАРИ

*Жорий қилиш санаси 2003 йил 1 апрель*

## 1 Қўллаш соҳаси

1 Ушбу Қоидалар Жаҳон Почта уюшмасининг ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикасининг «Алоқа тўғрисида»ги, «Почта алоқаси тўғрисида»ги, «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунлари, Почта алоқаси TSt 45 006:1999 Атамалар ва таърифлар, Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш Қоидаларига мувофиқ ишлаб чиқилган ва почта жўнатмаларини қабул қилиш, ишлов бериш, жўнатиш, ташиш ва топшириш, пул ўтказмаларини тўлаш тартибини белгилайди.

2 Ушбу Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ равишда фойдаланувчиларга почта алоқаси хизматларини кўрсатувчи барча почта алоқасининг ҳудудий (вилоят) ташкилотлари (бундан кейин - почта алоқаси ҳудудий ташкилотлари), Халқаро почтамт ва почта алоқаси объектлари томонидан бажарилиши мажбурийдир.

## 2 Таърифлари

3 Ушбу Қоидаларда қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган TSt 45 006:1999 тармоқ стандарти, Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидаларига мувофиқ атама ва таърифларидан фойдаланилган.

## 3 Почта алоқаси объектларининг номли буюмлари почта жўнатмаларини жўнатиш учун идиш (тара)лар

### 3.1 Почта алоқаси объектларининг номли буюмлари

4 Қуйидагилар почта алоқаси объектларининг номли буюмлари ҳисобланади: почта тақвим тамғаси, (бундан кейин матн бўйича тақвим тамғалар), маҳсус тамғалари, суғурта муҳри, пломбир пуансон, тасма изини тушириш мосламаси, термо пайвандлаш машина пластиналари, назорат - геральдли муҳрлар, почта - касса аппаратлари муҳри (номли модули).

Номли буюмлар почта алоқаси ҳудудий ташкилотларининг буюртмалари бўйича Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш

агентлигининг намуналари ва техник шартларига мувофиқ ҳолда тайёрланади.

5 Ҳар бир номли буюмга (пломбир пуансони, из тушириш мосламаси бундан мустасно), *«O'zbekiston»* сўзи, почта алоқаси объектининг номи, шунингдек вилоятнинг номи (Қорақалпоғистон Республикасида – *«Qoraqalpog'iston»* сўзи) ўйиб ёзилади. Почта алоқасининг рақамли объектлари мавжуд бўлган аҳоли пунктларидаги номли буюмларда аҳоли пунктларининг номидан ташқари почта алоқаси объектининг рақами ҳам бўлиши керак, масалан: *Samarqand 13.* Бундан ташқари, почта алоқаси объектининг суғурта муҳрида - тармоқ эмблемаси, *«Sug'urtali»* сўзи; назорат-геральдли муҳрда, почта-касса аппарати муҳри (хос модули)да-тармоқ эмблемаси, етти та рақамдан иборат рақамли белги ўйиб ёзилади.

Вилоят (Қорақалпоғистон Республикаси)да бир хил номдаги почта алоқаси объектлари мавжуд бўлса, туманнинг номи ҳам кўрсатилади.

Халқаро почтамти учун номни ифодалашда *«Toshkent XP PI-2»* шаклида ёзилади.

Почтамтлар ва почта алоқасининг шаҳар боғламалари билан бир қаторда почта алоқасининг туманлараро ёки туман боғламалари мавжуд бўлган шаҳарларнинг номли буюмларида шаҳар ва туман ифодаси кўрсатилади: масалан - *«Toshkent Chilonzor TPAB»*.

Почта вагонлари, почта автомобиллари йўналишларининг тақвим тамғасида вагон, автомобил йўналишининг бошланғич ва охирги пунктлари кўрсатилади.

Тошкент, Нукус шаҳарлари, вилоятларнинг марказларида почта алоқаси объектларининг тасма изини тушириш мосламасига почта алоқаси объекти жойлашган жойнинг индекси ва шаҳарнинг номи ўйиб ёзилади, масалан: *«Toshkent 700115»*.

6 Почта алоқаси объектининг номи ва манзили номли буюмларга ўзбек тилида лотин алифбоси билан ўйиб ёзилади.

7 Почта алоқаси объектлари, почта вагонларида, иш шароити бўйича биттадан ортиқ тақвим тамға, суғурта муҳри, пломбирга эга бўлиши керак бўлган жойларда, тайёрлаш вақтида уларга алифбо тартиби бўйича, тартиб ҳарфи, зарур бўлган жойда эса рақам ўйиб ёзилади.

8 Пул ўтказмаларига ишлов бериш ва назорат қилиш маркази (бундан кейин матн бўйича-ПУИНҚМ) ўз фаолиятларида почта алоқаси объектлари учун белгиланган намунадаги номли буюмлардан фойдаланадилар.

9 Корхона, ташкилот, муассасаларга Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш Агентлиги (бундан кейин - Агентлик) тизимига кирувчи почта алоқаси объектлари учун белгиланган намунадаги номли буюмларни қўллаш ман этилади.

**10** Номли буюмлар, уларга зарурат қолмаганида ва уларни алмаштириш керак бўлган ҳолларда (назорат геральдли муҳрлар ва почта-касса аппаратининг муҳрлари бундан мустасно) почта алоқаси ҳудудий ташкилотининг комиссияси томонидан жойларда механик яроқсизлантириш йўли орқали йўқ қилинади, бу ҳақда номли буюмлар ва уларнинг йўқ қилиниш сабаблари кўрсатилиб далолатнома тузилади. Назорат-геральдли муҳрлар ва почта-касса аппаратининг муҳри ПЎИНҚМ га топширилиб, у ерда далолатнома бўйича йўқ қилинади.

**11 Тақвим тамғаси** (1-расм) почта маркаларини муҳрлаш ва почта жўнатмалари, пул ўтказмалари бланкалари, квитанциялар ва ҳужжатларда почта жўнатмалари, пул ўтказмаларини қабул қилиш, жўнатиш, олиш ёки элтиб бериш (топшириш) жойи ва сана изини тушириш учун мўлжалланган. **Тақвим тамғасизини истеъмолчиларнинг илтимосига кўра турли хилдаги филателистик ва бошқа материаллар (конвертлар, очиқ хатлар, маркалар ва ҳ.к.)га босиш ман этилади.**

Тақвим тамғалар почта алоқаси объектларига берилади ва почта алоқаси ҳудудий ташкилотлари, почта алоқаси боғламалари, почтамт-ларда махсус дафтарларда тақвим тамғаси излари туширилиб, ҳисобга олинади ва уларни ишга тушириш санаси кўрсатилади. Тақвим тамғалар иш жойларига почта алоқаси объектининг раҳбари томонидан ёзма равишда бириктирилади ва алоқа ходимларига тилхат билан берилади. Уларнинг кундалик ҳисоби почта алоқаси объектининг раҳбарлари томонидан юритилади.

**12 Махсус тақвим тамғаси** (2-расм) махсус ҳисобдан чиқариш тамғаси бўлиб, у муҳим давлат ҳодисалари, тарихий ва хотира жойлари ҳамда саналар, кўргазма ва шу кабиларга бағишланган тадбирларни ўтказишда почта маркаларини ҳисобдан чиқариш (муҳрлаш) учун қўлланилади.

Бу тамғалар улардан фойдаланиш муддатлари тугаши билан почта алоқаси объектлари томонидан ҳисобга олиш ва сақлаш учун «Ўзбекистон маркаси» Нашриёт марказига таъминланган тартибда жўнатилади.

**13 Суғурта муҳри** (3-расм) қиммати эълон қилинган хатлар ва қиммати эълон қилинган бандеролларни, посилкаларни, суғуртали қоплар, брезент сумкалар, контейнерлар, шунингдек қимматбаҳо жўнатмалар сақланадиган омборхоналарни сурғич билан муҳрлаш учун мўлжалланган.

**14 Пломбир пуансони** почта алоқаси объекти номининг изини пластмасса ёки қўрғошин пломбирларга тушириш учун мўлжалланган бўлиб, (4-расм) бу пломбалар билан ёпиқ почта жўнатмалари ва почта буюмлари, шунингдек қимматбаҳо жўнатмалар сақланадиган омборхоналар пломбаланади.

**15 Из тушириш мосламаси** посилкалар ва қиммати эълон қилинган бандеролларни ўраб жойлашда, (5-расм) шунингдек халқаро почта алмашинуви жойларида келувчи майда пакетларни ўраб жойлашда ишлатиладиган қоғоз тасмаларига почта алоқаси объектининг номи ва почта индекси изини тушириш учун мўлжалланган.

**16 Термопайвандлаш машинасининг пластинаси** - почта алоқаси объектининг номи ўйиб ёзилган металл пластина бўлиб, (6-расм) бандеролларни ўраб жойлашда термопайвандлаш машиналарида полиэтилен плёнкаларни пайвандлаш учун, шунингдек келувчи майда пакетларни полиэтилен пакетларга жойлаш билан бир вақтда уларга почта индекси изини ва почта алоқаси объектининг номини тушириш учун мўлжалланган.

**17 Назорат-геральдли муҳр** - (7-расм) пул ўтказмалари, 5-шаклдаги дафтарлар, 10-шаклдаги реестрлар ва пул ўтказмалари бўйича хизматга оид ёзишмалари ҳамда алоҳида йўриқномаларга мувофиқ бошқа ҳужжатларни расмийлаштириш учун мўлжалланган. Назорат-геральдли муҳр учта пастки тўғри бурчакда - еттита рақамдан иборат рақамли белгига эга бўлиши керак. Дастлабки учта рақам почта алоқаси ҳудудий ташкилотига берилган шартли рақамни, кейинги иккита рақам эса почтамт ёки почта алоқаси боғламасига берилган рақамни, охирги иккитаси алоқа бўлимининг рақамини англатади. Почта алоқаси объектларига рақамли белгини ПЎИНҚМ беради.

**18 Почта-касса аппаратининг муҳри (номли модули)** (8-расм) пул ўтказмалари бланкаларини ва посилкалар бланкаларини расмийлаштириш учун мўлжалланган.

Зарур бўлган ҳолларда муҳрида вилоят ва туман номи ифодаланади.

**19 Почта алоқаси объектида назорат**-геральдли муҳр, почта-касса аппарати муҳри (номли модули) алмаштирилганда ёки муомаладан олиб ташланганда, почта алоқаси объекти (алоқа бўлими)нинг бошлиғи биринчи жўнатилаётган почта билан уларни таъминланган тартибда ўз тобелиги бўйича почта алоқаси объекти (почта алоқаси боғламаси, почтамт)га, у эса таъминланган тартибда почта алоқаси ҳудудий ташкилотига, охирида эса - ПЎИНҚМга жўнатади.

Назорат-геральдли муҳр ёки почта-касса аппаратининг муҳри (номли модули) йўқотилганда ёки ўғирлатилганда почта алоқаси объекти (алоқа бўлими)нинг бошлиғи бу ҳақда дарҳол телеграф (телефон) ёки ўз қўли билан почта алоқаси объекти (почтамт, почта алоқаси боғламаси)нинг раҳбарига хабар беради, у эса дарҳол текширув ўтказади ва юз берган ҳодиса тўғрисида ўз тобелигига кўра почта алоқаси ҳудудий ташкилотига ёзма равишда нусхаси билан «Ўзбекистон почтаси» ДАК ва ПЎИНКМ га юборилади.

ПЎИНҚМ ушбу почта алоқаси объектига янги рақамли белги




1-расм Тақвим тамға изининг намуналари:

беради, почта алоқаси ҳудудий ташкилоти эса, унинг учун янги назорат-геральдли муҳрни ёки почта-касса аппаратининг муҳри (номли модули)га буюртма беради.

**20** Номли буюмлар озода тутилиши ва таъминланган тартибда сақланиши керак.

Суғуртали ва назорат-геральдли муҳр, почта-касса аппарати муҳри (номли модули), пломбир, тасма изини тушириш мосламаси, термопайвандлаш машинасининг пластинасидан почта алоқаси объекти, почта вагонларининг бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари ва почта алоқаси ҳудудий ташкилоти, почта алоқаси объекти бўйича буйруқ билан расмийлаштирилган шахслар фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар. Шунингдек, номли буюмларнинг бутлигига ва тўғри фойдаланишига масъул бўлган шахслар ҳам буйруқ билан тайинланадилар.




2-расм Махсус тақвим тамғаси изининг намунаси




3-расм Почта алоқаси шаҳар (1) ва қишлоқ (2) объектлари учун суғуртали муҳр изининг намунаси

1 - почта алоқасининг шаҳардаги объектлари учун, 2 - почта алоқасининг қишлоқдаги объектлари учун, 3 - Қорақалпоғистон Республикасининг почта алоқаси объектлари учун, 4 - Халқаро почтамт учун, 5 - почта вагонлари учун, 6 - автойўналиши учун мўлжалланган.




4 - расм Пломбир изининг намунаси




5-расм Из тушириш мосламаси тасмага туширган изнинг намунаси




6-расм Термопайвандлаш машинаси пластина изининг намунаси




7-расм Назорат-геральдли муҳр изининг намунаси




8-расм Почта-касса аппарати муҳр изининг намунаси

Иш куни (навбатчилик) бошланганда алоқа ходими назоратгеральдли ва суғурта муҳрлари, тақвим тамғаси, тасма изини тушириш мосламаси, пломбирни қабул қилиб олиши ва иш тугаши билан пул ўтказмага ишлов бериш (суғурта почта) почта алоқа объектининг (цехи (участкаси))нинг бошлиғи (ўринбосарлари)га топшириши шарт. Қабул қилиш-топшириш махсус дафтарга қабул қилинган, топширилган сана, ой ва вақтини махсус дафтарга қайд қилган ҳолда қабул қилувчи ва топширувчи алоқа ходимининг имзоси билан амалга оширилади.

### 3.2 Почта жўнатмаларини жўнатиш идиш (тара)лари

#### 3.2.1 Почта идиш (тара)ларининг умумий тавсифи

**21** **Почта идиш (тара)ларига** қоплар, контейнерлар киради. Почта идишлари Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг техник шартлари бўйича тайёрланиб, уларда *«O'zbekiston pochtasi»* деган трафаретли ёзув бўлиши керак. «қопга қоп» алмашувига тааллуқли бўлмаган қопларнинг ёзувида бундан ташқари уларга қарашли бўлган почта алоқаси ҳудудий ташклоти, Халқаро почтамт, ПЎИНҚМ, «Ўзбекистон маркаси» нашриёт марказининг номи ёзилган бўлиши керак.

**22** Контейнерларга 1 рақамдан бошлаб (чексиз) тартиб бўйича рақам берилади, брезент қопларга эса 1001 дан 9999 гача бўлган тартиб рақами берилади. Қопларнинг тартиб рақамлари бир йўла трафаретли ёзув билан ёзилади. Зиғир, каноп жун толали ва бўз қопларга тартиб рақами ёзилмайди.

Халқаро тезкор почта жўнатмаларини жўнатишда лотин алифбосида *«EMS»*, *«Ouzbekistan Postes»* трафарет ёзувли тўқ сариқ рангдаги қоплардан фойдаланилади.

Почта жўнатмаларини ҳорижга ер усти транспорти билан жўнатишда ишлатиладиган қоплар исталган (оч жигарранг, жигарранг, оқ ва ш.к) рангда бўлиб, *«Ouzbekistan Postes Tachkent»* деган трафаретли ёзуви бўлиши керак. Халқаро авиа почталарни жўнатиш учун тўлиқ ҳаво рангдаги қоплар ёки икки ён томонида кенг ҳаво ранг чизиғи, *«Postes Par avion Tachkent»* деган трафаретли ёзуви бўлган қоплардан фойдаланилади.

Халқаро хат-хабарларни жўнатиш учун қоплар 10000 гача бўлган сонлар билан рақамланади.

### 3.2.2 Почта идиш (тара)ларидан фойдаланиш тартиби

**23 Почта жўнатмаларини яроқсиз ҳолга келган ёки белгиланган трафаретга эга бўлмаган идишларда, ҳошияланмаган ва ўлчами бўйича стандартга тўғри келмайдиган қопларда, шунингдек рақамланмаган брезент қопларда жўнатишга йўл қўйилмайди.**

24 Почта вагонларида, шунингдек почта автомобил йўналишлари бўйича зиғир, каноп жун толали ва бўз қопларда почта ташиганда «қопга қоп» тартибида алмаштирилади.

Почтани поездлар, автобуслар, шунингдек ҳаво кемаларида багаж билан жўнатишда, қоп-идишлар бўйича ҳисоб-китоб ушбу жўнатишлар тўғридан-тўғри улар ўртасида амалга ошириладиган почта алоқаси ҳудудий ташкилотлари, почта алоқаси объектлари томонидан олиб борилади.

Почтани ҳаво кемаларидан ер усти транспортида жўнатиш учун оралиқ аэропортларда почтани тушириб олинганда жўнатиш пунктлари билан қоплар учун ҳисоб-китоб шундай почтани ҳаво кемасидан олган почта алоқаси объектлари томонидан амалга оширилади. Бундай ҳолларда, почта идишлари қайтариладиган 16-шаклнинг ички юкхатларида қуйидаги белги қайд қилинади: *«... -сон рейсдаги ҳаво кемасида ....га (умумий юкхат қаерга манзилланганлиги кўрсатилиши керак) жўнатилган (жўнатиш санаси) почта қоплари учун ҳисоб-китоб».*

Ҳаво кемасидан бошқа қўниш пунктига манзилланган почтани тушириб олинганлиги тўғрисида уни қайта жўнатишни амалга оширувчи почта алоқаси объекти дастлабки жўнатиш пунктига тезкор (телеграф) хабарномани йўллайди.

Агар ҳаво транспорти орқали жўнатилган почтали қоплар бундан кейин почта вагонида жўнатиладиган бўлса, унда вагон бригадаси уларнинг эвазига юк ортиш пунктидаги почта алоқаси объектига тегишли миқдорда бўш қопларни топширади.

Ўз навбатида, бу бригада ушбу қопларни топширишда, улар учун шунча миқдорда бўш қопларни олади.

Контейнерлар бўйича ўзаро ҳисоб-китоблар почтани контейнерларда ташиш тизимига киритилган почта алоқаси объектлари ўртасида почтани контейнерларда ташиш режаси бўйича, лекин алмаштириш вақтида 10 кеча-кундуздан кечиктирмай ўтказилади.

**25** Халқаро почтамт, ПЎИНҚМ, «Ўзбекистон маркаси» Нашриёт марказидан, вилоятлар (Қорақалпоғистон Республикаси)нинг шартли бойликлар участкалари томонидан жўнатиладиган қоплар, халқаро почтали қоплар, шунингдек «матбуот» деган трафарет ёзувли қоплар **«қопга қоп» бўйича алмаштиришга** тааллуқли эмас.

*26 «Қопга қоп»* алмашувига тааллуқли бўлмаган қоплар почта алоқаси ҳудудий ташкилотлари, Халқаро почтамт, ПЎИНҚМ, «Ўзбе-



O'QUV ZALI
TATU KUTUBXONASI

кистон маркаси» Нашриёт маркази томонидан 17-шаклдаги варақчалар бўйича ёки манзилига қоплар жўнатиладиган ёки олина-диган барча почта алоқаси объектлари учун тузиладиган худди шу шакл (9-расм) дафтаридаги шахсий ҳисоб рақамлари бўйича ҳисобга олинади.

«Қопга қоп» алмашувига тааллуқли бўлган қоплар бўйича қарздорлик, шунингдек 16-шакл юкхатидаги белгилар асосида 17-шаклдаги варақча бўйича ҳисобга олинади.

Брезент қоплар 16-шакл юкхати тузилган уларнинг рақамлари ва санаси бўйича, зиғир, каноп жун толали ва бўз қоплар эса умумий сони бўйича ҳисобга олинади.

Контейнерларни ҳисобга олиш ва почтани контейнерлар билан ташиш тизимига киритилган почта алоқаси объектлари ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар 17-шаклдаги варақчалар бўйича олиб борилади.

Почта алоқаси объектлари бўйича контейнерларнинг ўтишини тезкор ҳисобга олиш ва назорат қилиш учун контейнерларни бирламчи ҳисобга олиш учун махсус дафтарлар юритилади (10,11-расмлар).

Бирламчи ҳисобга олиш контейнерларда олиб келинган почта жўнатмаларининг турлари бўйича сонини аниқ ҳисоблаш имкониятини таъминлаши керак.

**27** «Қопга қоп» алмашувига тааллуқли бўлмаган қабул қилинган қоплар ишловдан ўтказилгандан кейин ҳар бир почта алоқаси объекти биринчи қайтувчи транспорт орқали қопларни қайси объектдан жўнатилган бўлса, ўша ерга қайтаришга мажбур.

«Қопга қоп» алмашувига тегишли бўлган қопларнинг тўлиқ алмашилмаганлиги тўғрисида белги қўйилган 16-шакл юкхатининг нусхаси олиниши билан қоплар бўйича қарздорлик дарҳол тўланади. Бўш қоплар тегишли почта алоқаси объектларига жўнатилади, жўнатиш санаси эса 17-шаклдаги варақчаларда белгиланади.

Ҳисобот ойи тугаши билан варақча (шахсий ҳисоб рақами)да жўнатилган қопларнинг турлари бўйича сони, ҳисобот ойи тугагандан сўнг, 15 кундан кейин қайтарилган қоплар сонига якун ясалади. Ана шу якуний маълумотлар асосида почта алоқасининг ҳар бир объектида узил-кесил ҳисоб-китоб учун тегишли почта идишларининг зарур сонини жўнатиш йўли билан почта идиши бўйича ўзаро ҳисоб-китоблари тўлиқ ёпилади.

**28** Қайтариладиган бўш қоплар, шу қоплардан бирортасига жойланади, унга 16-шаклдаги юкхат ҳам солиб қўйилади. Зиғир, каноп жун толали ҳамда бўз қоплар юкхатга ҳисоби (сони) бўйича, брезент қоплар эса, идиш турини кўрсатган ҳолда рақамлари бўйича кўрсатилади. Юкхатта ёзишдан олдин уларга *«Бўш идиш (тара)-лар»* деган белги қўйилади. Қоплардаги ёзув қаршисига *«. . . ойи учун қарз ҳисобига»* деб белги қўйилади.

| 2003 йил учун почта идиш(тара)лари бўйича «Халқаро почтамт» билан ҳисоб-китоб ВАРАҚЧАСИ (17-шакл) | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Жўнатилган | | | | | | | Олинган | | | | | | |
| Умумий юкхатни тузиш санаси | Рейс (суратда) ва самолётнинг рақами (махражда) ПВ ва поезд рақами | Умумий юкхат бўйича буюмларнинг сони | Улардан | | | Қарз ҳисобига бўш қоплар | Умумий юкхатни тузиш санаси | Рейс (суратда) ва самолёт рақами (махражда) ПВ ва поезд рақами | Умумий юкхат бўйича буюмларнинг сони | Шулардан | | | Қарз ҳисобига бўш қоплар |
| | | | айирбошланувчи канон қоплар | контейнерларнинг рақами | брезент қопларнинг рақами | | | | | айирбошланувчи канон қоплар | контейнерларнинг рақами | брезент қопнинг рақами | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 |
| 1/1 | XU / 1345 | 120 | 10 | | 1902 | -- | 1/1 | XU / 1051 | 12 | 3 | | -- | -- |
| 1/1 | 206 / 254 | 393 | 18 | | -- | -- | 2/1 | XU / 1153 | 42 | 8 | | 1902 | -- |
| 2/1 | XU / 1345 | 98 | 15 | | -- | -- | 2/1 | XU / 1153 | 16 | 4 | | 1554 | -- |
| 31/1 | XU / 1327 | 112 | 11 | | -- | -- | 31/1 | 206 / 280 | 217 | 17 | | 1960 | 93 |
| Бир ой учун жами | | | 522 | | 10 | -- | Бир ой учун жами<br>Бир ой учун қарздорлик | | -- | 409 | | 10 | 93<br>20 |
| Э с л а т м а - Почта вагони (ПВ) ва поездларнинг рақами варақчаларда айирбошланадиган қоплар билан тўлиқ ҳисоб-китоб бўлмаганда ёки брезент қоплар жўнатилганда (келганда) кўрсатилади | | | | | | | | | | | | | |

9-расм 17-шаклдаги почта идиш(тара)лари бўйича ҳисоб-китоб варақчасини тўлдириш намунаси

## Темир йўл транспортида контейнерларни ташишни тезкор қайд этиш
## Д А Ф Т А Р И

________________________________
(почта алоқаси объектининг номи)

| Поездларнинг келиши бўйича | | | | | | | Поездларнинг кетиши бўйича | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Сана | Поезд ва вагон кузовининг рақами | Посилкали контейнерлар | Матбуотли контейнер-лар | Халқаро суғуртали қопқари бор контейнерлар | Бўшлари | Контейнер-лар жами | Сана | Поезд ва вагон кузовининг рақами | Посилкали контейнерлар | Матбуотли контейнерлар | Халқаро суғуртали қопқари бор контейнерлар | Бўшлари | Контейнер-лар ҳаммаси бўлиб, шу жумладан хусусий юк ортилган ва уларнинг ичида турлари бўйича почта жам-ланмалари бўлган |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 |
| 1 | | | | | | | | | | | | | |
| 2 | | | | | | | | | | | | | |
| . | | | | | | | | | | | | | |
| 31 | | | | | | | | | | | | | |

Жами бир ой учун

Э с л а т м а л а р:

1 Контейнерларнинг келиш ва жўнатилиш ҳамда ундаги почта турлари сонининг якуни, уларга бир кеча-кундуз олдин илова ҳужжатлардан олиб қўйилади.

2 Ҳар 10 кунда контейнерларни айирбошлаш пунктидан келиш ва кетиш бўйича сонининг якуни ўтказилади, контейнерларни жўнатувчи (олувчи)лари билан айирбошлаш балансини қайд этиш учун маълумотлар 17-шаклдаги варақчага ёзилади.

3 Барча устунлар бўйича, стат ҳисоботи ўз вақтида тузиш учун зарур бўлган бир ойлик якун ўтказилади.

4 Ёпиқ йўналишларда айирбошлаш баланси бўйича контейнерларнинг ўзаро ҳисоб-китоби КПП ни ташкил этиш учун тузилган шартномаларга кўра амалга оширилади.

5 Зарур ҳолларда почта алоқаси объектлари дафтар шаклини ўзгартиришлари мумкин.

10-расм Темир йўл транспортида контейнерларни ташилишининг тезкор қайд этиш дафтарининг намунаси

Автотранспортда контейнерларни ташишни ва уларнинг алмашувини тезкор ҳисобга олиш

**ДАФТАРИ**

________________________________________

(почта алоқаси объекти номи)

| АВТОМАШИНАЛАРННИНГ КЕЛИШИ БЎЙИЧА | | | | | АВТОМАШИНАЛАРНИНГ ЖЎНАЛИШИ БЎЙИЧА | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Автомашиналар йўналишининг рақами | Контейнерларни етказиб берувчи, кузатувчининг фамилияси, 81-шаклдаги гувоҳнома рақами | Келиш вақти | Тўғри, транзит, бўш контейнерлар (шу жумладан сектор) қаерга ва қайси машинага етказиб берилган | Контейнер рақами ва почтанинг ҳар биридаги турлари бўйича миқдори | Жўнатиш вақти | Тўғри транзит, бўш контейнерлар (шу жумладан сектор) қаердан ва қайси машинага жўнатилган | Контейнерлар рақами ва почтанинг ҳар биридаги турлари бўйича сони |
| | | | | | | | |

________________________

(йил, кун, ой)

Эслатма:

1 Бир смена учун ёзувларнинг охирида якун чиқарилади:

а) ____________ контейнерлар келди, уларда почта (турлари бўйича) _________________________

б) ____________ контейнерлар жўнатилди, уларда почта (турлари бўйича) __________________________

2 Якунлар дафтарда 10 кун, ой учун чиқарилади.

11- расм Автомобил транспортида контейнерларни ташишни тезкор ҳисобга олиш дафтарининг намунаси

Қайтариладиган бўш идишли қопларга 10-шаклдаги манзил ёрлиғи бириктирилади, шундан кейин қоплар сурурта муҳри билан муҳрланади ёки пломбаланади ва 16-шаклдаги юкхатга ёзилиб, жўнатилади. Агар фақат битта қоп қайтариладиган бўлса, унга ҳам шу хилдаги юкхат илова қилинади ва у юқоридаги тартибда ёзилади, лекин у муҳрланмаган (пломбаланмаган) ҳолда жўнатилади. Бўш қопларнинг манзил ёрлиқларида ва 16-шаклдаги юкхатда умумий белгиланган маълумотлардан ташқари *«Bo'sh»* ёки *«Bo'sh qoplar bilan»* белгиси қўйилади. Почта билан олинган брезент қоплар уларни жўнатган почта алоқаси объектининг манзилига почтани беркитиш учун фойдаланишга рухсат этилади. Бунда 16-шаклдаги юкхатда, албатта *«. . . ойи учун қарз ҳисобига»* белгиси қўйилади. Юкхат нусхалари почта алоқаси объектида қолади.

29 Мунтазам равишда қатнаб турадиган ер усти транспортига эга бўлмаган почта алоқаси объектлари бўш қопларни ҳаво транспорти орқали хизматга оид посилкаларида оддийўраб жойланган ҳолда жўнатадилар. Бундай посилкалар худди авиа хат-хабарли қоплардек беркитилади. Уларга ёрлиқ бириктирилиб, унинг бир томонига манзил ёрлиғи, иккинчи томонига эса 2-шаклдаги ёрлиқ ёпиштирилади. Посилканинг боғлови муҳрланади, манзил томондаги ёрлиғига ва илова ёрлиғига эса *«Бўш қоплар билан»* белгиси қўйилади.

Бўш қоплардан иборат посилкаларнинг оғирлиги 10 кг дан ошиб кетмаслиги керак. Бундай послкалар, уларнинг сонидан қатъи назар, бутун босиб ўтадиган йўли давомида 16-шаклдаги алоҳида юкхатларга ёзилган ҳолда жўнатилади.

**30 Оралиқ пунктлари ва почта вагонлари томонидан жўнатилаётган бўш қоплардан хат-хабарларни жўнатиш ҳамда бошқа мақсадларда фойдаланишга йўл қўйилмайди.**

31 Агар почта алоқаси ҳудудий ташкилоти, Халқаро почтамт, ПЎИНҚМ, «Ўзбекистон маркаси» Нашриёт маркази томонидан ўтказилган текширишларда уларга тегишли бўлган қоплар жўнатиш учун зарур бўлган (тўғридан-тўғри ва қайта юборилган) вақтдан ошириб юборилиб, ўз муддатида қайтарилмаганлиги аниқланган ҳолларда, улар қопларнинг ўзлари мустақил равишда белгилаган қимматини тўлашларини талаб қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Почта алоқаси ҳудудий ташкилоти, ўзининг манзилига йўлланган қопларнинг ўрнини тўлаш тўғрисидаги талаби, етишмайдиган қопларни қайтариб бериш тўғрисидаги далилни исботлаб бера олган ҳолдагина тўловдан бош тортиши мумкин. Тўлов ундириладиган ҳолларда қопларни алмаштириш нархини ҳисобга олиш керак.

32 Техник талабларга жавоб бермайдиган (ифлос, йиртиқ, ҳошияланмаган, трафарет ёзуви бўлмаган) қоп қарзни тўлаш ҳисобига қабул қилинмайди ва жўнатувчига 51-шаклдаги далолатнома тузилиб қайтарилиши керак.

**33** Матбуот нашрларидан бўшаган зиғир толали қоплар почта алоқасининг тегишли объектлари манзилига қайтариб юборилади. Бундай қоплар бошқа турдаги қоплардан алоҳида ҳолда жўнатилади. Уларда ҳеч қандай почта жўнатмаларини жўнатиш мумкин эмас.

**34** Матбуотдан бўшаган зиғир толали қопларни ҳисобга олиш ва қайтариб жўнатиш зиғир толали қопларда почта жўнатмаларини жўнатиш тартиби бўйича амалга оширилади.

Матбуот нашрларини ўраб жойлаш ва жўнатиш учун қоғоз (полиэтилен) қоплардан фойдаланиш, ҳамда уларни қайтариш тартиби алоҳида кўрсатмалар орқали белгиланади.

**35** Халқаро почта идиши (тара)дан фойдаланиш ва уни ҳорижий почта хизматига қайтариш тартиби Бутунжаҳон почта конвенцияси қоидалари ва унинг ижро регламенти томонидан маълум тартиб ва қоидаларга бўйсундирилади.

## 4 Почта жўнатмалари ва пул ўтказмаларини қабул қилишнинг умумий тартиби

**36** Почта жўнатмалари Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш Қоидаларининг 59-63-бандларини талабларига жавоб бера оладиган яроқли ўровда, жўнатувчи ва олувчининг тўлиқ ҳамда аниқ манзиллари билан, шунингдек почта жўнатмаларининг манзили ёзиладиган томонида, посилкаларни қабул қилишда эса бланкада ҳам зарур бўлган қўшимча ёзувлар билан қабул қилинади. (12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19-расмлар).

Агар жўнатма манзили етарли даражада тўлиқ ёзилмаган ёки манзили алоқа ходими учун ноаниқ бўлса, у Ўзбекистон Республикаси почта алоқаси объектларининг Алифбо рўйхати бўйича тегишли маълумотни суриштиради ва жўнатувчидан етишмаётган маълумотлар билан манзилни тўлдиришини сўрайди.

**37** Рўйхатга олинадиган почта жўнатмаси, пул ўтказмасини қабул қилишда бериладиган квитанция алоқа ходими томонидан тўлдирилади ва имзоланади. Квитанциянинг орқа томонига почта алоқаси объектининг тақвим тамғаси аниқ қилиб туширилади. Буюртмали почта жўнатмаларини қабул қилишда қабул қилиш санаси элтиб бериш участкасини айланиб чиқиш вақтида почтальон томонидан, шунингдек штатдан ташқари бўлган алоқа ходими томонидан квитанция қўлда ёзилади.

Агар почта жўнатмаларининг манзили Тошкент, Нукус шаҳарлари ёки вилоят маркази бўлмаса, у ҳолда квитанцияларда Қорақалпоғистон Республикаси ёки вилоятнинг номи ҳамда почта алоқаси объектининг номи кўрсатилади.

Рўйхатга олинадиган почта жўнатмаларини қабул қилиш кви-

танцияларига рақам қўйиш ой давомида олиб борилади. Қиммати эълон қилинган хатлар, қиммати эълон қилинган бандероллар ва посилкалар бир кеча-кундузда 1000 тагача қабул қилинадиган почта алоқаси объектларида квитанцияларга рақам қўйиш кеча-кундуз давомида амалга оширилади.

Бир турдаги почта жўнатмаларини қабул қилиш, пул ўтказмаларидан ташқари, бир вақтнинг ўзида, бир неча кассаларда амалга ошириладиган почта алоқаси объектларида асосийсидан ташқари барча дафтарларда тартиб рақамига операция кассасининг шартли рақами махраж қилиб қўшимча қилинади: масалан; 101/1, 151/2 ва ҳ.к.

5-шаклдаги квитанцияни рақамлаш ой давомида олиб борилади ва улар ҳар қайси касса учун пул ўтказмаларининг ўртача ойлик сонига қараб белгиланади. Масалан, асосий кассада ой давомида 5000 тадан ва иккита қўшимча кассаларда эса 1500 тадан пул ўтказмалари қабул қилинса. Ушбу ҳолда тартиб рақамлари кассаларга қуйидаги кетма-кетликда ажратилади: асосий кассага - 1 дан 5000 гача, биринчи қўшимча кассага - 5001 дан 6500 гача, иккинчи қўшимча кассага - 6501 дан 8000 гача.

Асосий дафтарнинг муқовасида ушбу почта алоқаси объектида бир турдаги почта жўнатмалари, пул ўтказмаларини қабул қилиш бўйича қанча қўшимча дафтар юритилиши ва операция кассаларининг қандай рақам ёки тартиб рақамлари билан олиб борилиши кўрсатилади. Бу белги почта алоқаси объектининг бошлиғи (ўринбосари) томонидан тасдиқланади.

**38 Қиммати эълон қилинган ички хатлар, посилкаларнинг суммаси чекланмайди ва у жўнатувчи томонидан жойланманинг ҳақиқий нархига кўра тўлиқ сўмларда белгиланади**.

Қоғозга ўраб жойланган қиммати эълон қилинган бандероллар ва посилкаларнинг суммаси Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақининг уч бараваридан кўп бўлмаслиги керак (бундан кейин матн бўйича энг кам иш ҳақи).

Арилар, ўсимликлар (институтлар ва тажриба намуна хўжаликларидан алоҳида фуқаролар номига устама ҳақ тўлови билан жўнатиладиган кўчатлардан ташқари), янги чиққан ҳўл мева ва сабзавотлар, аниқ (маиший техника буюмлари ва маиший асбоб-ускуналардан ташқари, ойнали ёки тез шикастланувчи қисмлари бўлган ўлчов, назорат ва бошқа) асбоблар солинган посилкаларни жўнатиш учун қиммати эълон қилинмаган ҳолда қабул қилинади.

| Aloqa korxonasi indeksi | va jo'natuvchi adresi |
|---|---|

*Мамедова И.А.*
*16-хонадон*
*11-мавзе, 5-уй,*
*Тошкент ш. 123*
*700123*

*Малика Содиқовна Азизовага*
*Улуғбек кўчаси , 4-уй, 23-хонадон*
*Самарқанд ш. 1*
*703001*

12-расм Хатлар ва почта варақчаларида манзилни ёзиш намунаси

*Oddiy banderol*

| Aloqa korxonasi indeksi | va jo'natuvchi adresi |
|---|---|

*Б.С. Олимжонова*
*2-уй, 38-хонадон,*
*Чилонзор 11-мавзеси*
*Тошкент ш. - 123*
*700123*

*Шаҳноза Бахтиёровна Жўраевага*
*Ленинград колхози 2-бригада*
*Қушкўпир тумани,*
*Ҳайробод п/б*
*Хоразм вилояти*
*741105*

13-расм Бандеролларда почта индексини кўрсатиб, манзил ёзиш намунаси

| Aloqa korxonasi indeksi | va jo'natuvchi adresi |
|---|---|

*Д.Р. Азизова*
*Юнус-обод, 9-мавзе, 35-хонадон*
*Тошкент ш. 190*
*700190*

*Зуҳра Одиловна Олимовага*
*Йўқлаб олинадиган*
*Тошкент ш., почтамт*
*700000*

14-расм «Йўқлаб олинадиган» хатга манзил ёзиш намунаси

*Buyurtma xabarnoma bilan*
*Qiymati 2000 (Ikki ming) so'm deb*
*e'lon qilingan xat*

| Aloqa korxonasi indeksi | va jo'natuvchi adresi |
|---|---|

*Зоҳидов Исмоил Аҳмедович*
*Чилонзор, 12-мавзе, 5-уй, 8-хонадон*
*Тошкент ш. – 123*
*700123*

*Алишер Зокирович Мирзаевга*
*Фурқат кўч., 9-уй 10-хонадон*
*Олмалиқ ш., Тошкент вил.*
*702413*

15-расм Қиммати эълон қилинган хатга манзил ва қўшимча ёзувларни ёзиш намунаси

*Qiymati 2000 (Ikki ming) so'm deb e'lon qilingan banderol.*
*Ustama to'lov 1999 so'm*

| Aloqa korxonasi indeksi | va jo'natuvchi adresi |
|---|---|

*Камол Артурович Раҳимов*
*Қурбонов кўч, 6-уй, 3-хонадон*
*Тошкент ш. - 187*
*700187*

*Эркин Эргашевич Сафаровга*
*Амир Олимхон кўч.*
*3-уй, 11-хонадон*
*Андижон ш.*
*710000*

16-расм Устама тўловли қиммати эълон қилинган бандеролга манзил ва қўшимча ёзувларни ёзиш намунаси

| B | Toshkent 3<br>127-сон |
|---|---|

*O'z qo'liga topshirilsin*
*Buyurtma xabarnoma bilan*

| Aloqa korxonasi indeksi | va jo'natuvchi adresi |
|---|---|

*Эркин Абдуллаевич Усмонов*
*Каримов кўч, 5-уй*
*Тошкент ш. - 147*
*700147*

*Бахтиёр Усмонович Камоловга*
*Бобур кўч, 14-уй, 3-хонадон*
*Самарқанд ш. - 4*
*703004*

17-расм Конвертда «Ўз қўлига топширилсин. Буюртмали хабарнома»ли хатларни расмийлаштириш намунаси

АВИА
PAR AVION

| Aloqa korxonasi indeksi | va jo'natuvchi adresi |
|---|---|

*Ш.В. Мирзаев*
*Хувайдо кўч., 9-уй, 50-хонадон*
*Тошкент ш., Ўзбекистон, 700169*
*Tachkent, Ouzbekistan, 700169,*

*Ferri Silvano*
*P. O. B. 2587 Curch Street*
*Station Manhattan,*
*New York, 10007, USA*
*Нью-Йорк, США*

18-расм Халқаро хатларга манзил ёзиш намунаси

АВИА
PAR AVION

| Aloqa korxonasi indeksi | va jo'natuvchi adresi |
|---|---|

*Т.Р. Ташхўжаев*
Чилонзор кўч. 15-уй, 65-хонадон
*Тошкент, Ўзбекистон, 700115*
*Tashkent, O'zbekiston, 700115,*

*Калинину Ивану Петровичу*
*ул. Садовая, д. 5*
*г. Липки,*
*Киреевский район*
*Тульская область, Россия, 301264*

19-расм Халқаро хатларга манзил ёзиш намунаси

Халқаро почта жўнатмаларининг эълон қилинган қиммати жўнатувчи томонидан ичидаги жойланманинг ҳақиқий нархига қараб белгиланади, лекин у халқаро почта жўнатмаларининг айрим тур ва тоифаларини қабул қилишда рухсат этилган мамлакатлар ва ҳудудлар рўйхатида (бундан кейин матн бўйича - Мамлакатлар рўйхати) ҳамда Халқаро почта жўнатмаларини қабул қилиш бўйича Қўлланмада (бундан кейин матн бўйича - Қўлланма) кўрсатилган қимматлиликнинг чегаравий суммасидан ошиб кетмаслиги керак.

Почта жўнатмаларининг қиммати эълон қилинган суммаси унинг ўровида ва посилканинг бланкасидаги рақамларда ҳамда қавс ичида сўзлар билан тўлиқ сўмларда кўрсатилади.

**39 Қуйидагилар элтиб бериш шарти билан қабул қилинмайди:**

- энг кам иш ҳақининг ўн баробаридан ортиқ бўлган суммадаги пул ўтказмалари (пенсия ва нафақаларни тўлашга мўлжалланган пул ўтказмаларидан ташқари);
- энг кам иш ҳақининг ўн баробаридан кўп бўлган суммадаги қиммати эълон қилинган хатлар;
- корхона, муассаса ва ташкилотлар манзилига;
- қиммати эълон қилинган хатлар ва қиммати эълон қилинган бандероллар;
- посилкалар;
- устама тўловли почта жўнатмалари;
- *«Йўқлаб олинадиган»* почта жўнатмалари ва пул ўтказмалари;
- ҳарбий қисмларга манзилланган почта жўнатмалари ва пул ўтказмалари;
- фойдаланувчининг қутисига манзилланган почта жўнатмалари ва пул ўтказмалари.

**40 Корхона, муассаса ва ташкилотлар томонидан ушбу Қоидаларга риоя қилинмаган ҳолда расмийлаштирилган почта жўнатмалари ҳамда пул ўтказмалари жўнатиш учун қабул қилинмайди ва жўнатувчига қайтарилади.**

## 5 Ички почта жўнатмалари ва пул ўтказмаларини қабул қилиш, ишлов бериш, топшириш ва тўлаш

### 5.1 Оддий ва буюртмали хатлар, оддий ва буюртмали бандероллар, оддий ва буюртмали почта варақчалари

#### 5.1.1 Хатлар, бандероллар ва почта варақчаларини қабул қилиш

**41** Ташқи почта қутисига фақат 114х162 мм ва 110х220 мм ўлчамдаги конвертга жойланган оддий хатлар ва 105х148 мм ўлчам-

даги почта варақчалари ташланиши мумкин. **Бошқа ўлчамдаги стандарт конвертларга жойланган хатлар, бандероллар, шунингдек франкирлаш машиналарида расмийлаштирилган хатлар ва барча буюртмали почта жўнатмалари почта алоқаси объектларига топширилади.**

42 Фуқаролардан буюртмали хатларни қабул қилишда алоқа ходими жойланманинг хусусиятини текшириши ва жойланмада пул, ҳужжатлар ва қимматли қоғозлар жўнатилаётган бўлса, уларни пул ўтказмалари, қиммати эълон қилинган хатларда жўнатишни тавсия этиши керак.

Бандероллар алоқа ходими томонидан очиқ ҳолда, ичидаги жойланмани текшириб қабул қилинади. **Бандеролларда жўнатиш мумкин бўлмаган жойланмалар борлиги аниқланганда, улар қабул қилинмайди.**

Ичига уруғлик жойланган бандеролларни қабул қилишда ушбу уруғликнинг карантин гувоҳномаси бор-йўқлиги текширилади. Карантин гувоҳномаси жойланмани жойлашдан олдин бандерол ичига солиб қўйилади. Бандерол манзилининг юқорисига *«Karantin guvohnomasi bilan»* деган белги қўйилади.

43 Буюртмали почта жўнатмаларини қабул қилишда жўнатувчига 3-шаклдаги дафтарга нусха кўчирувчи қоғоз ёрдамида ёзилган квитанция берилади. Қабул қилинган почта жўнатмасининг тури (хат, бандерол) квитанцияда кераксизини ўчириш йўли билан кўрсатилади. Агар почта жўнатмаси хабарнома билан жўнатилаётган бўлса, унда «Алоҳида белгилар» сатрида *«Хабарнома билан»* деб ёзилади ва тури аниқ кўрсатилади (20-расм).

*«O'z qo'liga topshirilsin»* ёки *«Chaqiruv qog'ozi»* белгиси бўлган буюртмали хатларни қабул қилишда ҳам 3-шаклдаги квитанцияга шундай белги қўйилади.

Фуқаролардан бир вақтнинг ўзида бешта ва ундан ортиқ буюртмали хат ва буюртмали бандероллар қабул қилинганда, жўнатувчи томонидан тартиб бўйича олувчининг манзили, номи рақамлари кўрсатилган 103-шаклдаги рўйхат икки нусхада тузилади. Алоқа ходими буюртмали хат ва буюртмали бандеролларни рўйхатдаги ёзувлар билан номма-ном солиштириб текширади, ҳар бир почта жўнатмасининг оғирлиги, уни жўнатиш ҳақи, 3-шакл дафтари бўйича рақамларини қўйиб чиқиб, якун ясайди, рўйхатни имзолайди ва унга қабул қилиш санасининг тақвим тамғаси изини туширади.

Қабул қилинган буюртмали хат ва буюртмали бандеролларга 3-шаклдаги дафтардан битта умумий квитанция тўлдирилиб, унда почта жўнатмаларининг рақамлари (... -сондан ... -сонгача) қўйилади, «Қаерга» сатрида рўйхат бўйича қабул қилинган буюртмали хат ва буюртмали бандеролларнинг сони, «Кимга» сатрида 103-шакл-

даги дафтарга *«Руйхат буйича»* белгиси қуйилади, «оғирлиги» сатрида-қабул қилинган буюртмали хат ва буюртмали бандеролларнинг умумий оғирлиги, «жўнатиш учун тўлов» сатрида жўнатиш учун тўловларнинг умумий суммаси ёзилади.

44 Қабул қилинган буюртмали почта жўнатмаларига ёпиштирилган почта маркалари тақвим тамғаси билан ҳисобдан чиқарилади. Почта жўнатмаси манзил томонининг чап қисмидаги бўш жойга алоқа ходими почта жўнатмасини қабул қилиб олган почта алоқаси объектининг номи, 3-шаклдаги дафтарнинг квитанция рақамига мос келувчи почта жўнатмасининг тартиб рақами қўйилган 3-шаклдаги ёрлиқни ёпиштиради (21-расм). Ёрлиқ ўрнига унинг ўрнини босувчи тамға изи туширилиши мумкин.

Полиэтилен халтада юбориладиган бандеролларнинг манзил ёрлиқлари ҳам худди шу тартибда расмийлаштирилади. Бунда ёрлиқ полиэтилен халтанинг ўрови остидан қўйилади.

### 5.1.2 Жўнатилувчи ва транзит хат-хабарларга ишлов бериш

45 Почта алоқаси объектларида жадвалда белгиланган муддатларда қабул қилинган буюртмали почта жўнатмалари номма-ном текширилиб, ишлов бериш ва жўнатишга ва 3-шаклдаги дафтарга имзо қўйилиб топширилади. 3-шаклдаги дафтарнинг охирги квитанция нусхасининг бўш жойида топшириш санаси, топшириладиган хатлар (почта варақчалари, бандероллар, хабарномалари)-нинг сони, қайси рақамдан қайси рақамгача бўлган почта жўнатмаларининг топширилганлиги, масалан, *«8 дан 17 гача 10 та хат»* деб кўрсатилади.

Буюртмали почта жўнатмаларини қабул қилиш ва уларга ишлов бериш турли хоналарда ўтказиладиган почта алоқаси объектларида буюртмали хатлар (почта варақчалари, бандероллар, хабарномалари)га ишлов бериш учун бир нусхада ёзиладиган 11-шаклдаги реестрнинг 3-шаклдаги дафтарига имзо қўйилиб билан топширилади. Реестрда уларнинг рақамлари ва умумий сони сўз билан ёзилади.

Буюртмали хатлар (почта варақчалари, бандероллар, хабарномалари)ни қабул қилувчи алоқа ходими унга имзо қўйишидан аввал, жўнатмаларнинг ташқи ҳолатини кўздан кечириши, бунда айниқса ташқи ўровининг бутунлигига аҳамият бериши зарур.

Буюртмали почта жўнатмалари (хатлар, почта варақчалари, бандероллар, хабарномалар) 11-шаклдаги реестрга номма-ном ёзилади, жўнатмалар йиғиндиси бўлиниб ва ушбу Қоидаларнинг 52-56-бандларида кўрсатилган тартибда жўнатилади.

3-шакл

"Ўзбекистон почтаси" Давлат-акциядорлик компанияси

**21-сон КВИТАНЦИЯ**

буюртмали хат / бандерол *б / хабарнома* (алоқада белгиси) қабул қилишда

Кимга *Махкамовга*

Қаерга *Самарқанд ш.*

**Оғирлиги** *20* г

**Жўнатиш учун тўлов** *60* сўм *00* тийин

Қабул қилди *Азизова* (имзо)

20 - расм Буюртмали хатни қабул қилишда 3-шаклдаги квитанцияни тўлдириш намунаси

B Toshkent 70
27-сон

21 - расм Буюртмали жўнатмалар учун 3-шаклдаги ёрлиқ ёки тамға изининг намунаси

46 Почта қутиларидан чиқариб олинган, почта алоқаси объектлари ва почтальонлар томонидан қабул қилинган хат-хабарлар манзиллари бўйича танланади, турлари бўйича (хатлар, почта варақчалари, бандероллар) ажратилади ҳамда маҳаллий, шаҳардан ташқари, халқаро, ҳарбий, махсус тақвим тамғаси излари мавжуд бўлган гуруҳларга ажратилади.

Хат-хабарларга ишлов беришнинг маҳаллий шароитларини ҳисобга олган ҳолда бошқа гуруҳларга ҳам ажратилиши мумкин.

47 Агар почта қутиларидан олинган ёки саралаш машинасидан ўтган хат ва бандероллар орасида ўрови шикастланган почта жўнатмаси бўлса, у эҳтиётлик билан ёпиштирилади (устидан ўраб жойланади). Бундай почта жўнатмасининг орқа томонига (манзили ёзилмайдиган томонига), шунингдек ғижимланган ёки ифлосланган почта жўнатмасининг ўровига аниқ қилиб *«Почта қутисидан шикастланган (ғижимланган ёки ифлосланган) ҳолда олинди»* ёҳуд *«Қайта ишлаш вақтида шикастланган»* деган белги қўйилади. Бу белги почта жўнатмаларига ишлов берувчи алоқа ходими томонидан имзоланади ва тақвим тамғасининг изи туширилиб тасдиқланади.

48 Барча жўнатилувчи хат-хабарлар тахловдан ўтгандан сўнг дарҳол тамғаланади. Маркалар эса улардан иккинчи марта фойдалана олмайдиган қилиб тақвим тамғаси изи билан ҳисобдан чиқарилади. **Портретли почта маркаларини тақвим тамға билан бекор қилишда юз тасвирининг ифлосланишига йўл қуймаслик керак (22-расм), бадиий варақчалар ва почта конвертларини тамғалашда тамға изи расм устига босилмаслиги керак.**

49 Агар жўнатилувчи хат-хабарлар жўнатувчи томонидан махсус тақвим билан тамғалангандан кейин иккинчи куни ёки кейинги кунлари топширилган бўлса, ёки махсус тақвим тамғасини ўтказиш санасига эга бўлмаса ва ундан бир кундан ортиқ муддатларда фойдаланиш кўзда тутилганда махсус тақвим тамғаси изи босилган жўнатилувчи хатлар махсус тақвим тамғаси изи амалга оширилган почта алоқаси объектида оддий тақвим тамғаси изи билан қўшимча тамғаланади. Почта алоқасининг бошқа объектларида бундай хатлар оддий тақвим тамғаси изи билан умумий асосларда тамғаланади. **Тақвим тамғаси изи махсус тақвим тамға изининг устига туширилмаслиги керак.**

50 Тўловлари маркалари бўлмаган ва яроқсиз маркали хатлар (ҳарбий хатлардан ташқари), почта варақчалари ва бандероллар қўл билан ишлов беришда тамғаланмай жўнатувчининг манзилига қайтарилади. Ҳисоб-китоб қилишга яроқсиз бўлган маркаларнинг ўнг ва чап томонига қавс белгиси қўйилади, бу маркаларнинг яроқсизлигини ифодалайди (23-расм).

51 Хат-хабарлар тамғаланганидан кейин саралаш учун топширилади. Буюртмали хат-хабарлар махсус ажратилган иш жойларида сараланади.




22-расм Портретли маркаларни бекор қилиш намунаси




23-расм Бекор қилинган маркаларни белгилаш

O'QUV ZALI

Хат-хабарларни саралаш, жўнатишга тайёрлаш ва йўллашнинг умумий тартиби **Ёзма хат-хабарлар, посилкали ва суғуртали почтани саралаш ва йўллаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага мувофиқ белгиланади.**

Маҳаллий хат-хабарларни элтиб берувчи алоқа бўлими ёки элтиб бериш участкаси бўйича сараланади.

52 **Сараланган ёзма хат-хабарлар ва пул ўтказмаларининг бланкалари жўнатма йиғиндиларга жойланади.** Бунда хатлар шундай жойланиши керакки, йиғиндиларга ўраб жойлашда улар шикастланмасликлари керак. Қуйидагилар алоҳида йиғиндиларга ажратилади:

- катта ўлчамдаги почта жўнатмалари;
- буюртмали хатлар (почта варақчалари, хабарномалари);
- пул ўтказмаларининг бланкалари.

Почта жўнатмалари, пул ўтказмаларининг бланкалари ва йиғиндиларини 11-шаклдаги реестрга қуйидаги тартибда ёзилади:

а) жўнатиладиган пул ўтказмалари - рақами, суммаси ва манзилланган почта алоқаси объектларини кўрсатиб, транзитли пул ўтказмалари – рақами, суммаси, уларни қабул қилиш жойи ва манзилланган почта алоқаси объектларини кўрсатиб;

б) жўнатиладиган буюртмали хатлар (почта варақчалари, хабарномалари, бандероллар) - рақами ва манзилини кўрсатиб, транзитли - рақами, уларни қабул қилиш жойи ва манзилланган почта алоқаси объектларини кўрсатиб;

в) почта алоқаси транзит объектлари ўртасидаги пул ўтказмалари ва буюртмали хати бўлган йиғиндилар алоҳида турлари бўйича рақами ва беркитиш жойининг почта алоқаси объектини кўрсатиб амалга оширилади.

Жўнатиладиган пул ўтказмалари 11-шаклдаги реестрнинг махсус ажратилган жойига ёзилади. Улардан кейин буюртмали бандероллар, пул ўтказмаси, буюртмали хатлар (почта варақчалари, хабарномалари) бўлган йиғиндилар ёзилади. Ёзувдан аввал *«буюрт. банд.»*, *«ўтказ. йиғин.»*, *«буюрт. хати йиғин.»* сарлавҳалари ёзилиб, тагига чизилади.

53 11-шаклдаги реестрлар нусха кўчирувчи қоғоз ёрдамида икки нусхада тузилади ва ой давомида тартиб рақами билан рақамланади. Ҳар куни йиғиндиларни кўп миқдорда жўнатадиган почта алоқаси объектлари беш кунлик бўйича ёки бир кеча-кундуз бўйича, шунингдек алоҳида иш жойлари бўйича рақамлашни мунтазам равишда олиб бориши мумкин. Реестр уни тузган алоқа ходими томонидан, лавозимини кўрсатган ҳолда, (аниқ) имзоланади. Реестрнинг иккала нусхасига тақвим тамға изи туширилади. Биринчи нусхаси буюртмали йиғинди ичига солиб қўйилади.

**54** Оддий йигинди боғичи остига 9-шаклдаги манзил ёрлиғи, буюртмали (пул ўтказмали ва буюртмали почта жўнатмали) йигинди боғичлари остига 11-шаклдаги манзил ёрлиғи солинади (24-расм).

Ёрлиқларда йигиндиларнинг мўлжалланган ва беркитиш жойлари, саралаган ходимнинг фамилияси кўрсатилади ҳамда уларга йигиндини жойлаш санасини акс эттирувчи тақвим тамғаси изи босилади. Автомат равишда саралашда, йигиндиларни тузиш санаси компьютерда ёзилади.

11-шаклдаги ёрлиққа, бундан ташқари, йигинди ичига солинадиган 11-шаклдаги реестр рақамига мос келадиган тартиб рақами ёзилади, пул ўтказмалари йигиндисининг ёрлиғига эса *«Пул ўтказмаси билан»* белгиси қўйилади.

Ҳар куни бир пунктнинг ўзига кўп миқдорда хат-хабарларни жўнатувчи почта алоқаси объектлари ўзларининг ва мўлжалланган пунктнинг номлари босмахона ёки бошқа усулларда ёзилган ёрлиқларини тайёрлаб олишлари керак.

Буюртмали хатлар йиғиндиси шаҳар ёки ҳудудий почта алоқаси объектлари ўртасида жўнатилганда 11-шаклдаги ёрлиқлардан фойдаланилмайди, бунда 11-шаклдаги реестр манзил ёрлиғи бўлиб ҳисобланади.

**55** Почта алоқаси объектлари ўртасидаги оддий ва буюртмали хатлар йигиндиси почта вагонлари, ҳаво кемалари орқали қоплар (зиғир, каноп жун толали ва бўз қоплар)да жўнатилади, шу билан бирга оддий йигиндилар қопнинг тагига, буюртмали йигиндилар эса битта катта яхлит ўрамга боғланган ҳолда қопнинг устига жойланади.

Ер усти транспорти билан жўнатиладиган катта ўлчамдаги оддий ва буюртмали бандероллар (харитали, схемали ва ҳ.к.) шикастланишининг олдини олиш учун қоғозга ўраб жойланади ва 16-шаклдаги юкхат билан қопларга жойланмай (оддийлари сонини кўрсатиб, буюртмалилари эса тартиб рақами ва топшириш жойини кўрсатган ҳолда) жўнатилади.

**56** Буюртмали хатлар йигиндиси жойланган ҳар бир қопга 11-шаклдаги йиғма реестр солиб қўйилади (25-расм). Агар қопда битта буюртмали йигинди жўнатиладиган бўлса, ушбу хатлар йигиндиларининг реестри йиғма реестр сифатида расмийлаштирилади.

Буюртмали хатлар йигиндиларни йиғма реестрга ёзиш ушбу Қоидаларнинг 52-бандида кўзда тутилган тартибда амалга оширилади. Йиғма реестр рақамланмайди. Унга 10-шакл манзил ёрлиғидаги рақамга мос келадиган қопнинг рақами ёзилади. Йиғма реестр икки нусхада тузилади ва уни тузган алоқа ходими томонидан, лавозимини кўрсатилган ҳолда, имзоланади. Реестрнинг иккала нусхасига тақвим тамғаси изи қўйилади. Биринчи нусхаси буюртмали йигиндилардан бирининг боғичи остига (манзил ёрлиғи устига) жойланади.

9-шакл

**ОДДИЙ**

**ХАТЛАР ЙИҒИНДИСИ**

Қаерга *Самарқанд ш.*

*Халқаро почтамт* дан

*Толибжонов* беркитди
(имзо)




(жўнатиш жойи тақвим тамғаси изи)

а)

11 шакл

**35 - сон БУЮРТМАЛИ ХАТЛАР ЙИГИНДИСИ**

Қаерга *Урганч ш.*

*Самарканд АП* дан

*Шукурова* беркитди
(имзо)




(жўнатиш жойи тақвим тамғаси изи)

б)

24-расм Манзил ёрлиқларини расмийлаштириш намунаси:
а) оддий хатлар йигиндиси учун - 9-шакл;
б) буюртмали хатлар йигиндиси учун - 11-шакл

Агар қопларда оддий йигиндилар жўнатилаётган бўлса, 11-шаклдаги йиғма реестр тузилмайди.

57 Хат-хабарлар жойланган ҳар бир қопга 10-шаклдаги манзил ёрлиғи ёпиштирилиб, (26-расм) унда қоп қаердан ва қаерга жўнатилаётганлиги, шунингдек унга берилган рақам кўрсатилади.

Ёрлиқлар ой давомида тартиб рақамлари билан рақамлаб борилади ва қопларни беркитган алоқа ходими томонидан имзоланади. Ҳар бир ёрлиққа тақвим тамғаси изи босилади.

11-шакл

Жўнатилаётган почта жўнатмалари, пул ўтказмаларига

____ - сон *йиғма* РЕЕСТРИ




(жўнатиш жойи тақвим тамғаси изи)

*Халқаро почтамт* дан

*Қарши* манзилига

7 - сон қопда

Пул ўтказмалари

| | | |
|---|---|---|
| *Буюрт. банд.* | *14* | *Тошкент 12* |
| | *28* | *Тошкент 2* |
| | *17* | *-II-* |
| | *3* | *-II-* |
| *пул ўтказма. йиғин.* | *10* | |
| | | *Тошкент 1* |
| *б/хат. йиғин.* | *11* | *Тошкент 15* |

*Опр. Исаев*

25-расм 11-шаклдаги йиғма реестрга буюртмали бандерол ва жўнатмалар йигиндисини ёзиш ҳамда уни расмийлаштириш намунаси




26-расм Оддий ва буюртмали хат-хабарли қоплар учун 10-шаклдаги манзил ёрлиғини расмийлаштириш намунаси

Фақат оддий йиғиндилар жўнатиладиган қопларнинг ёрлиғига *«Oddiy»* белгиси қўйилади. Агар қопларга оддий ва буюртмали хатлар йиғиндиси ёки фақат буюртмали хатлар йиғиндиси ва пул ўтказмалари солинган бўлса, у ҳолда ёрлиғига *«Buyurtmali»* белгиси қўйилади, қоп сурғучли муҳр билан муҳрланади (пломбаланади).

58 Почта алоқасининг махсус тайинланган боғламалари (бўлинмалари)га жўнатиладиган ёзма хат-хабарли қоплар, жўнатишнинг барча босқичларида ушбу Қоидаларнинг 83-бандида кўзда тутилган тартибда беркитилади. Бунда 17-шаклдаги ёрлиқ ўрнига *«Oddiy»* ёки *«Buyurtmali»* белгиси қўйилган 10-шаклдаги ёрлиқдан фойдаланилади.

59 Қопларни беркитиш ва жўнатиш ишлари турли иш жойларида ўтказиладиган почта алоқасининг йирик объектларида беркитилган қоплар рақамдан рақамгача ёзилган 16-шаклдаги юкхат бўйича жўнатиш учун топширилади. Юкхат икки нусхада тузилади. Қопларни қабул қилувчи алоқа ходими юкхатнинг иккинчи нусхасига қабул қилинган вақтни кўрсаттан ҳолда имзо қўяди.

### 5.1.3 Олувчининг манзилидаги почта алоқаси объектлари (почта алоқа боғламалари, почтамтлар)да хат-хабарларга ишлов бериш

60 Почта алоқаси объектлари (почта алоқа боғламаси, почтамт)га келган хат-хабарли қоплар ушбу Қоидаларнинг 502-бандида кўзда тутилган тартибда очилади. Улардаги буюртмали йиғиндилар 11-шаклдаги йиғма реестр билан солиштирилади. 9- ва 11-шакллар-даги манзил ёрлиқлари бўйича келган йиғиндиларнинг сони ва улар йўналишининг тўғрилиги текширилади. Шундан сўнг, ушбу почта алоқаси объектида манзилланган буюртмали ва оддий йиғиндилар очилади.

Йиғиндилар очилгандан сўнг хат ва бандероллар ўровларининг шикастланмаганлиги текширилади. Шикастланган почта жўнатмалари ўровига *«Шикастланган ҳолда олинди»* деган белги қўйилади, ушбу хат-хабарлар тўпламига ишлов берган алоқа ходимининг тўлиқ қилиб ёзилган имзоси ва тақвим тамғасининг изи билан тасдиқланади. Жўнатманинг шикастланган жойи эҳтиётлик билан ёпиштирилади ёки ўраб боғланади.

Почта жўнатмаларида ҳисобдан чиқарилмаган маркалар борлиги аниқланганда, кейингилари ручка билан чизиб, ҳисобдан чиқарилади. **Портретли маркалар юз тасвири ифлосланмайдиган қилиб чизилади.**

Буюртмали бандероллар 11-шаклдаги реестр бўйича текширилади, унга текширувчи имзо қўяди ҳамда тақвим тамғаси изини туширади.

Почта алоқаси объектлари (почта алоқа боғламалари, почтамтлар)да келувчи реестрлар текширув ўтказувчи ҳар бир алоқа ходими томонидан тикилади, тақвим тамғасининг изи ва текширилганлиги тўғрисидаги белги ҳар бир рўйхатга эмас, балки ушбу навбатчилик, смена учун ҳужжатлар тўпламининг уровига туширилади. Транзит ва нотўғри юборилган йигиндилар очилмасдан, мўлжалланган манзил бўйича жўнатилади.

**61** Почта алоқаси объекти (почта алоқа боғламаси, почтамт)га бошқа шаҳардан келиб тушган, ушбу почта алоқаси объекти (почта алоқаси боғламаси, почтамт)га бириктирилган алоқа бўлимлари томонидан элтиб беришга тааллуқли бўлган бошқа шаҳарга юбориладиган хатлар, почта варақчалари ва бандероллар, шунингдек нотўғри юборилган почта жўнатмалари **дарҳол тамғаланади.**

Почта алоқаси объекти (почта алоқаси боғламаси, почтамт)-да хатлар, почта варақчалари, бандероллар ва пул ўтказмаларига дастлабки ишлов берилганидан сўнг, элтиб бериш алоқа участкалари, иш жойлари ва бириктирилган элтиб бериш алоқа бўлимлари бўйича сараланади.

Саралаш жараёнида тўланмаган ва тўлиқ тўланмаган почта жўнатмалари (аскарлар, матрослар, муддатли хизмат сержантларининг номига жўнатилган, оғирлиги 20 г гача бўлган хатлар ва почта варақчаларидан ташқари) ажратилади, улар почта жўнатмасини бериш жойидаги почта алоқаси объекти (почта алоқаси боғламаси, почтамт)нинг манзилига 30-шаклдаги билдиришномани илова қилган ҳолда алоҳида йигиндиларга ўраб жойланади.

**62** Сараланган хат-хабарлар ва пул ўтказмалари йигиндиларга, сўнг ҳар бир элтиб бериш алоқа бўлимигача қопларга беркитилади ва манзилига почта транспортининг навбатдаги рейси билан юборилади.

Жўнатмалар йигиндисини беркитиш олдидан буюртмали почта жўнатмалари рақами ва узатиш жойини кўрсатган ҳолда 11-шаклдаги реестрга ёзилади. Ушбу почта алоқаси объекти (почта алоқаси боғламаси, почтамт) *(«Йўқлаб олинадиган», «фойдаланувчининг қутиси»)*нинг иш жойларига топшириладиган келувчи буюртмали почта жўнатмалари 11-шаклдаги реестрга худди шундай тартибда ёзилади.

Бириктирилган қишлоқ алоқа бўлимларига жўнатиладиган кам миқдордаги пул ўтказмалари, буюртмали хат ва буюртмали бандеролларни бошқа почта жўнатмалари билан бирга, 16-шаклдаги юкхатга рақами ва узатиш жойини кўрсатган ҳолда қайд қилиб, суғуртали қопларда жўнатиш мумкин.

### 5.1.4 Почта алоқасининг элтиб бериш объектларида келувчи хат-хабарларга ишлов бериш

**63** Келган хат-хабарли қопларни очгандан кейин унинг ичидаги йиғиндилар, почта жўнатмалари, пул ўтказмалари йиғма реестр ва 11-шаклдаги реестри (16-шаклдаги юкхат)нинг ёзувлари билан солиштирилади. Текширишда аниқланган ҳолатлар ушбу Қоидаларнинг 60-бандида кўрсатилган тартибда расмийлаштирилади. Пул ўтказмалари ушбу Қоидаларнинг 150-154-бандларига мувофиқ назорат учун жўнатилади.

Барча келган хат-хабарлар почта алоқасининг элтиб бериш объектларида албатта тамғаланади. Хат-хабарлар элтиб бериш участкалари, *«Йўқлаб олинадиган»*, фойдаланувчининг қутилари ва бошқа ажратилган иш жойлари бўйича сараланади. Буюртмали хатлар алоҳида катакларга саралаб жойланади ёки шу катакларнинг ўзида ёнламасига (кўндаланг равишда) жойлаштирилади. Буюртмали почта жўнатмалари 11-шаклдаги реестрга номма-ном ёзилади ва ажратилган иш жойларига тилхат билан берилади.

Саралаш жараёнида тўланмаган ва тўлиқ тўланмаган почта жўнатмалари (аскарлар, матрослар муддатли хизмат сержантларининг номига жўнатилган, оғирлиги 20 г гача бўлган хатлар ва почта варақчаларидан ташқари) ажратилади, улар бериш жойидаги почта жўнатмасини почта алоқаси объекти (почта алоқа боғламаси, почтамт)нинг манзилига 30-шаклдаги билдиришномани илова қилган ҳолда алоҳида йиғинди ҳолатида жўнатилади.

**64** Буюртмали почта жўнатмалари, шу жумладан халқаро, ҳукуматга оид (оддий ва буюртмали), олинганлиги тўғрисидаги буюртмали хабарномалар, тезкор (телеграф) пул ўтказмалари олинганлиги тўғрисидаги тезкор хабарномалар (119-шакл) почта алоқаси объектларида берилиши керак бўлган бирламчи билдиришномалар, тезкор (телеграф) пул ўтказмалари, *«Йўлланма билан»*, *«Чипта билан»*, *«ҳужжатлар билан»* белгили қиммати эълон қилинган хатлар, қиммати эълон қилинган посилкалар ва қиммати эълон қилинган бандероллар, шунингдек барча иккиламчи билдиришномалар ҳар бир элтиб бериш участкаси бўйича ва почта алоқасининг элтиб бериш объектларида берилиши керак бўлган почта жўнатмалари алоҳида юритиладиган 8-шаклдаги дафтарларга (27-расм) ёзиб қўйилади.

8-шаклдаги дафтарнинг иккинчи устунида олинганлиги тўғрисида хабарнома билан буюртмали почта жўнатмаларини ёзишда *«Хабарнома»* деб ва *«Ўз қўлига топширилсин»* белгиси бўлган буюртмали хат ва буюртмали почта варақчаларини, *«Чақирув қоғози»* белгиси бўлган буюртмали хатларни ёзишда, айнан қайси хабарнома эканлиги қўшимча равишда кўрсатилади. Қайтарилган ёки қай-

та жўнатилган буюртмали почта жўнатмалари келганда 4-устунга мос равишда *«Қ»* ёки *«ҚЖ»* ҳарфлари ёзилади, узатиш жойи ва буюртмали почта жўнатмаси қаердан қайтганлиги ёки қайта жўнатилганлиги кўрсатилади.

8-шаклдаги дафтарда элтиб беришга топширилган почта жўнатмаларининг рақамланиши ҳар куни, почта алоқасининг элтиб берувчи объектларида топшириладиган почта жўнатмаларининг рақамланиши эса ҳар ойда олиб борилади.

65 Бир корхона, ташкилот ёки муассаса манзилига кўп миқдорда буюртмали почта жўнатмалари келганда, уларни 11-шаклдаги (28-расм) реестрга тилхат билан беришга рухсат этилади, унда ҳам 8-шаклдаги дафтарга ёзилган маълумотлар кўрсатилади. Реестрнинг охирида барча почта жўнатмаларининг якуни чиқарилади. Реестр бир нусхада (таянч пунктлари орқали элтиб бериш учун - икки нусхада) тузилади ва алоқа ходими томонидан имзоланади. Почта жўнатмалари топширилгандан сўнг реестрлар иш ҳажмига боғлиқ равишда ўн кунлик, ойлик ёки бошқа даврлар бўйича тўплам қилиб тикилади.

(8-шаклдаги дафтарнинг ички вароқлари)

| т/р | Почта жўнатмасининг тури ва алохида белгилари (хабарнома) | Жўнатиш рақами | Бериш жойи | Кимга манзилланган | Олинганлиги тўғрисидаги хабарномани жўнатиш санаси | Олинганлик санаси ва тилхати ҳамда хизматга оид белгилари |
|---|---|---|---|---|---|---|
| *1* | *6Fx т/хабарнома* | *45* | *Фарғона 2* | *Юсуповга* | *13.02.01* | |
| *2* | *б/банд.* | *102* | *Бухоро 5* | *Азимовага* | | |
| *3* | *б/х шахс.топ.* | *506* | *Тўй-тепа* | *Каҳҳоровага* | | |
| *4* | *б/х* | *73* | *Қўқон* | Усмоновга | | |
| *5* | *пос.иккин.билд.* | *61* | *Геофизика* | *35-сон дўконга* | | |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| | | | *оператор* | *Матчанова* | | |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| | | | | | | |

27-расм 8-шаклдаги дафтарга буюртмали почта жўнатмаларини ёзиш намунаси

11-шакл

*Тошкент 84* дан
*ФТМТМ* манзилига

__________ - сон копда

O'ZBEKISTON
02 02 01
a
TOSHKENT 84

(жўнатиш жойи тақвим тамға изи)

Жўнатилаётган почта жўнатмалари, пул ўтказмаларига
*15* - сон РЕЕСТРИ

Пул ўтказмалари

| | |
|---|---|
| *Буюрт. банд.* | *216 - Владивосток* |
| | *219 - Минск 16* |
| | *89 - Марғилон* |
| | *69 - Қоқон* |
| | *372 - Қарши 15* |
| | *19 - Термиз 10* |
| | *772 - Санкт-Петербург 241* |
| | *511 - Бекобод* |
| | *25 - Уральск* |
| | *212 - Душанба 14* |
| | *Ўнта* |
| | *Опер. Шамшиева* |

*Ўнта б/жўнатмани 2001 й. 2 февралда Салимов қабул қилди*

28-расм. 11-шаклдаги реестрга буюртмали почта жўнатмаларини ёзиш намунаси ва уларни қабул қилишда ваколатланган корхона (муассаса, ташкилот)ларнинг тилхати

Почта алоқасининг элтиб бериш объектларида берилиши керак бўлган буюртмали почта жўнатмаларига 22-шаклдаги (29-расм) билдиришнома ёзилади. Ҳар бир билдиришномага шунингдек, 8-шаклдаги дафтар бўйича почта жўнатмасининг ёзув рақами ёзиб қўйилади ва тақвим тамғаси изи туширилади.

66 Ҳукуматга оид жўнатмаларидан ташқари, **оддий** почта жўнатмалари почтальонларга элтиб бериш учун **тилхатсиз** топширилади.

Буюртмали почта жўнатмалари, шу жумладан халқаро, ҳукуматга оид (оддий ва буюртмали), олинганлиги тўғрисидаги буюртмали хабарномалар, тезкор (телеграф) пул ўтказмаларининг олинганлиги тўғрисидаги тезкор хабарномалар (119-шакл), почта алоқасининг элтиб бериш объектларида берилиши керак бўлган тезкор (телеграф) пул ўтказмаларига бирламчи бидиришномалар, *«Йўлланма билан», «Чипта билан», «Ҳужжатлар билан»* белгили қиммати эълон қилинган хатлар, посилкалар ва қиммати эълон қилинган бандероллар, шунингдек барча иккиламчи билдиришно-малар почта алоқасининг элтиб бериш объектларида 55-шаклдаги дафтарга (30-расм) ёзилиб, почтальонларга тилхат билан берилади, почтальонларга элтиб бериш учун бериладиган почта жўнатмалари, пул ўтказмалари ва билдиришномалар 55-шаклдаги дафтарга турлари бўйича сони алоҳида қилиб ёзилади. Бу почта жўнатмалари, пул ўтказмаларининг ҳисоби 16-шаклдаги юкхат бўйича ёки 11-шакл реестрлари бўйича олиб борилади.

**67** Иш кунининг охирида почтальон почта алоқасининг элтиб бериш объекти бошлиғи (ўринбосари)га ёки назорат қилувчи шахсга барча топширилмаган почта жўнатмалари, пул ўтказмалари 20-шакл маълумотномалари билан (31-расм), шунингдек *«Ўз қўлига топширилсин»* ва *«Чақирув қоғози»* белгили буюртмали почта жўнатмаларини олинганлиги тўғрисидаги хабарномаларни тақдим этади.

**Почтальон ҳар бир элтиб беришдан сўнг пул ўтказмаларини тўланганлиги ва почта жўнатмаларини топширилганлиги тўғрисида ҳисобот беради.**

Почтальонлар ишини назорат қилувчи шахслар:

а) 8-шаклдаги дафтар (11-шаклдаги реестр) бўйича почта жўнатмалари олинганлиги тўғрисида олувчининг имзоси борлиги ёки почтальонлар почта жўнатмаларини мижознинг почта қутичаларига ёки фойдаланувчининг қутилари (бундан кейин матн бўйича-мижознинг қутилари, фойдаланувчининг қутилари)га жойлаганликлари ҳақида белги қўйганликларини текширишга;

б) почта жўнатмалари, пул ўтказмаларини элтиб берилмаганлиги сабабларини аниқлаш ва зарур бўлган ҳолларда, уларни элтиб беришни таъминлашга;

в) 8-шаклдаги дафтарларнинг охирги устунига топширилмаганлик ҳақида белги қўйишга;

г) участкаларда почтальонлар томонидан қабул қилиб олинган буюртмали почта жўнатмаларини ушбу Қоидаларнинг 45-бандида келтирилган тартибда олишга;

22-шакл




(тақвим тамғаси изи)

25-сон БИЛДИРИШНОМА

Кимга *Хабибулло Хамидуллаевич Убаевга*

Манзил *Охунбобоев майдони 2- уй, 21-хонадон*

Сизнинг номингизга *Карши 15* дан __-__ сўм __-__ тийинга баҳоланган __-__ сўм __-__ тийин устама тўловли *103* -сон билан *б/бандерол* олинди, жўнатиш учун тўлов __-__ сўм __-__ тийин. оғирлиги ____ кг __-__ г.

Почта жўнатмасини олиш учун ушбу билдиришнома ва шахсни тасдикловчи ҳужжатни кўрсатиш зарур. Билдиришномада шу хужжат хақидаги маълумотни кўрсатинг.

*Охунбобоев майдони, 1 уй* манзили бўйича ______ соат *8* ____ дакика. дан соат *18* ____ дак. гача бериш амалга оширилади

Билдиришномани топширди ________________
(имзо)

Элтиб бериш учун тўлов ________ сўм _____ тийин

29-расм 22-шаклдаги билдиришномани тўлдириш ва расмийлаштириш намунаси

д) «*O'z qo'liga topshirilsin*» ва «*Chaqiruv qog'ozi*» белгили буюртмали почта жўнатмаларининг олинганлиги тўғрисидаги хабарномани тўғри расмийлаштирилганлигини текширишга мажбурдир.

Кўрсатилган текширувлардан сўнг назорат қилувчи шахс 8-шаклдаги дафтар (11-шаклдаги реестр)га имзо қўяди ва олинганлиги ҳақидаги барча хабарномаларни расмийлаштиради.

**68** Почта алоқасининг элтиб бериш объектига «Йўқлаб олинадиган» манзилли буюртмали почта жўнатмалари келганда, уларга 22-шаклдаги билдиришнома ёзилиб, у «Йўқлаб олинадиган» почта жўнатмаларини сақлаш қутисига қўйилади, почта жўнатмаларининг ўзи эса уларнинг 8-шакл дафтаридаги ёзувлари рақамлари бўйича ажратиб олиниб алоҳида сақланади, уларни рақамлари почта жўнатмасининг орқа томонига ёзилади.

Почта алоқасининг элтиб бериш объектларида керакли почта жўнатмаларни қидиришни тезлаштириш учун «Йўқлаб олинадиган» почта жўнатмаларини сақлаш қутиси олувчилар фамилияла-

рининг дастлабки учта ҳарфи бўйича тузилади. «Йўқлаб олинадиган» почта жўнатмаларини сақлаш қутисига фақат хат-хабарни берувчи алоқа ходими ва назорат қилувчи шахсга рухсат берилади. Ишдан ташқари вақтларда почта жўнатмаларини сақлаш қутиси таъминланган тартибда сақланади.

«Йўқлаб олинадиган» буюртмали почта жўнатмалари 8-шаклдаги дафтарга санасини кўрсатган ҳолда, имзоланиб берилади. Бундай почта жўнатмалари берилгандан сўнг билдиришномалар йўқ қилиб юборилади.

| Сана | ЭЛТИБ БЕРИШ УЧУН БЕРИЛГАН | | ҚАЙТАРИЛГАН | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Почтальон Ф.И.Ш; пенсия топшириқномаси (рақами, умумий суммаси) пул ўтказмалари сони, умумий суммаси суғурта жўнатмалари (16-шаклдаги нақлат бўйича келувчи рақам)лари; ҳукуматга оид, халқаро, буюртмали жўнатмалар, судга чақирув қоғозлари, 22-шаклдаги билдиришномалар | Почтальоннинг почта жўнатмалари пул ўтказмаларини (сони рақам билан) ва пулларини (суммаси сўз билан) қабул қилиб олганлиги ҳақидаги тилхат | Тўланган пенсия топшириқномалари, пул ўтказмалари, элтиб берилган почта жўнатмаларига билдиришномалар | | | Тўланмаган пенсия топшириқномалари (рақами), пул ўтказмалари (рақами), суғурта жўнатмалари (16-шакл бўйича олувчи рақамлари), ҳукуматга оид, буюртмали почта жўнатмалари, судга чақирув қоғозлари, 22-шаклдаги билдиришномалар | Қайтарилган пулларнинг суммасини (сўз билан) кўрсатган ҳолда тўлиқ ҳисоб-китоб ўтказилганлиги ҳақидаги тилхат |
| | | | Сони | умумий суммаси | | | |
| | | | | сўм | тийин | | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 |
| 7 . 05 | Мирзаевага А.И. | | | | | | |
| | 18250 сўмлик 6та | 6 та пенсия | 5 | 15209 | | 1 | Уч минг беш |
| | топшириқномаси | топшириқномаси | | | | | юз кириқ |
| | 1780 сўмлик 5та | | 3 | 1280 | | 2 | бир сўм |
| | пул ўтказма | 5 та пулли ўтказмалар | | | | | Етказилмаган |
| | 15-, 19-сон | | 2 | | | | почта жўнат- |
| | қиммати эълон | 3 суғурталаш | | | | | малари ва ҳи- |
| | қилинган хат | жўнатмалар | | – | - | N 2 | соботни |
| | 2-сон қиммати | | | | | | Б.Б. Алиева |
| | эълон қилинган | | | | | | қабул қилди |
| | бандерол | | | | | | Мирзаева |
| | 1та ҳукуматга оид | 1 ҳукуматга оид | 1 | – | - | | топширди |
| | 1та халқаро, | 1 халқаро, | 1 | – | - | | 2003 й. 7 май |
| | 4та буюртмали , | 4 буюрт. жўнатма | 3 | – | - | 1 | |
| | 4та 22-шаклдаги | 4та 22-шаклдаги | 4 | – | - | | |
| | билдиришнома | билдиришнома | | | | | |
| | | ва йигирма минг | | | | | |
| | | ўттиз сўм сум- | | | | | |
| | | масидаги нақд | | | | | |
| | | пулни Мирзаева | | | | | |
| | | қабул қилди | | | | | |
| | | | | | | | |

30-расм 55-шаклдаги дафтарни юритиш намунаси

20-шакл

**МАЪЛУМОТНОМА**

Топширмаслик сабаби: *Таубаев*

*шаҳардан чиқиб кетган*

______________ манзил бўйича кетган

*манзили номаълум*

Почтальон *Исаева*
(имзо)

*2001 йил 24 апрел*
(сана)



(тақвим тамғаси изи)

31-расм 20-шаклдаги маълумотномани расмийлаштириш намунаси

Оддий ва буюртмали почта жўнатмалари, шунингдек почта алоқасининг элтиб бериш объектларида берилиши лозим бўлган почта жўнатмалари, пул ўтказмаларига билдиришномалар сараланади ва фойдаланувчининг қутилари бўйича ҳамда «Йўқлаб олинадиган» почта жўнатмаларини сақлаш қутисига алифбо бўйича тахлаб қўйилади.

69 Фойдаланувчининг қутилари бўйича буюртмали почта жўнатмаларини тахлашда 8-шаклдаги дафтарга *«Ф/қ.га солинди»* (куни) белгиси қўйилади, у фойдаланувчининг қутиларини бошқарувчи алоқа ходими томонидан имзоланади.

Почта алоқасининг элтиб бериш объектларида фойдаланувчининг қутилари алоҳида ички қулфлар билан жиҳозланади, уларга тартиб рақамлари қўйилади. Тараққий этишини ҳисобга олган ҳолда қўшимча рақамлар кўзда тутилади.

Фуқаролардан аризалар қабул қилишда алоқа ходими аризада кўрсатилган манзилни рўйхатда қайд қилинган манзил билан солиштиради. Фойдаланувчиларга калитлар аризага имзо қўйилгандан кейин берилади.

Фойдаланувчининг қутиларини ажратиш ҳақидаги аризалар тўплам қилиб тикилган ҳолда сақланади ва улар бўйича қутиларда фойдаланишни назорат қилиш амалга оширилади. Ундан ортиқ фойдаланувчилар мавжуд бўлганда аризалар қуйидаги шакл бўйича махсус дафтарда рўйхатга олинади:

| Т/р | Фойдаланувчининг номи ва унинг манзили | Фойдаланувчига бириктирилган қутининг рақами | Фойдаланувчига бириктириш санаси | Фойдаланишга бериш муддати | Тўланганлиги тўғрисида белги ва квитанция рақами | Ҳисобдан чиқариш санаси |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 |

Фойдаланувчи қутидан кейинчалик фойдаланишдан воз кечса, у ариза берилган вақтдан бир ой ўтмасдан ёки фойдаланишга бериш муддати тугаганидан сўнг бошқа мижозга фойдаланиш учун берилиши мумкин.

Ариза берилгандан сўнг келадиган хат-хабарлар қайта жўнатилади (қайтарилади) ёки (орқага қайтариш манзили кўрсатилмаган бўлса) тарқатилмаганлар қаторига ўтказилади.

### 5.1.5 Хат-хабарларни топшириш

**70** Фуқароларнинг номига манзилланган оддий почта жўнатмалари ва пул ўтказмалари олинганлиги тўғрисидаги бирламчи билдиришномалар (почта алоқасининг элтиб бериш объектларида берилиши керак бўлган тезкор (телеграф) пул ўтказмалари, *«Yo'llanma bilan», «Chipta bilan», «Hujjatlar bilan»* белгили қиммати эълон қилинган хатларнинг билдиришномаларидан ташқари) фойдаланувчи жавонларининг қутичалари ёки фойдаланувчи қутилари орқали тилхатсиз топширилади.

**71** Буюртмали, шу жумладан халқаро, ҳукуматга оид (оддий ва буюртмали) почта жўнатмалари олинганлиги тўғрисидаги буюртмали хабарномалар, тезкор (телеграф) пул ўтказмалари олинганлиги тўғрисидаги тезкор (телеграф) хабарномалар (119-шакл), почта алоқасининг элтиб берувчи объектларида берилиши керак бўлган тезкор (телеграфли) пул ўтказмаларининг бирламчи билдиришномалари, *«Yo'llanma bilan», «Chipta bilan», «Hujjatlar bilan»* белгили қиммати эълон қилинган хатлар, посилкалар ва қиммати эълон қилинган бандеролларнинг биринчи билдиришномалари, шунингдек барча иккиламчи билдиришномалар олувчиларга 8-шаклдаги дафтарга имзо қўйиб топширилади.

Олувчи ва оиланинг катта ёшдаги аъзолари бўлмаганда тезкор (телеграф) пул ўтказмаларига бирламчи билдиришномалар, *«Yo'llanma bilan», «Chipta bilan», «Hujjatlar bilan»* белгили қиммати эълон қилинган хатларнинг бирламчи билдиришномалари ва иккиламчи билдиришномалари қўшниларга топширилади ёки мижознинг почта қутичасига ёҳуд фойдаланувчининг қутисига, билдиришномада топширилмаганлик сабабларини кўрсатган ҳолда солинади.

Иккиламчи билдиришнома элтиб берилганидан уч кун ўтгандан кейин почта алоқасининг элтиб бериш объекти олувчининг келмаганлик сабабларини аниқлайди.

Агар буюртмали почта жўнатмалари, олинганлиги тўғрисидаги буюртмали хабарномалар, тезкор (телеграф) пул ўтказмалари олинганлиги тўғрисидаги тезкор (телеграф) хабарномалар (119-шакл) олувчининг ёзма равишдаги розилиги билан мижознинг почта қутичаларига ёки фойдаланувчининг қутиларига жойланган бўлса, почтальон 8-шаклдаги дафтарга *«Ф/қ га солинди»* белгисини қўяди, санасини кўрсатади ва уни имзолайди.

72 *«O'z qo'liga topshirilsin», «Chaqiruv qog'ozi»* белгили почта жўнатмалари олувчининг шахсан ўзига топширилади. Агар олувчи уйида бўлмаса, мижознинг почта қутичасида ёки фойдаланувчининг қутисида ёхуд қўшниларга олувчини почта жўнатмасини почта алоқасининг элтиб бериш объектида олишга таклиф этилган билдиришнома қолдирилади.

73 Олувчи *«O'z qo'liga topshirilsin», «Chaqiruv qog'ozi»* белгили буюртмали почта жўнатмаларини олишда 8-шаклдаги дафтарга ва почтальон томонидан почта алоқасининг элтиб бериш объектларига қайтариладиган хабарномага имзо қўяди.

74 Корхона, ташкилот ёки муассасаларнинг ваколатланган вакили бир вақтнинг ўзида бир неча почта жўнатмаларини ёки 8-шаклдаги дафтар (11-шаклдаги реестр)га ёзилган билдиришномаларни олаётганда олинган почта жўнатмалари (билдиришномалари)нинг умумий сонини сўз билан ёзиб, лавозими ва фамилиясини кўрсатиб имзо қўяди.

75 Агар олувчи почта жўнатмаси, пул ўтказмасида кўрсатилган манзилда яшамаса, вақтинча бўлмаса, ёки янги турар жойга кўчиб кеттан бўлса, почта алоқасининг элтиб бериш объекти почтальонга ёки бошқа алоқа ходимига манзил бюроси, турар жойлардан фойдаланиш ташкилоти, маҳалла қўмитаси, қишлоқ (овул) кенгаши, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг раҳбарлари ва бошқалар орқали олувчининг янги турар жойини аниқлашни топширади. Натижалар бўйича шу алоқа ходимининг имзоси билан 20-шаклдаги маълумотнома тузилади, у элтиб берилмаган хат ёки бандеролнинг манзил ёзилмайдиган томонига ёхуд почта варақчасининг манзил ёзиладиган томонига ёпиштирилади.

Олувчини қидиришнинг барча чоралари қўлланилгандан кейин топширилмаган почта жўнатмалари, пул ўтказмалари уларда кўрсатилган жўнатувчининг манзили бўйича қайтарилади. Агар қайтариб жўнатиш манзили кўрсатилмаган бўлса почта жўнатмалари ушбу Қоидаларнинг 550-бандида белгиланган тартибда, 20-шаклдаги маълумотнома билан бирга тарқатилмаганлар қаторига ўтказилади.

## 5.2 Қиммати эълон қилинган хатлар ва қиммати эълон қилинган бандероллар

### 5.2.1 Қиммати эълон қилинган хатлар ва қиммати эълон қилинган бандеролларни қабул қилиш

**76** Фуқаролардан қиммати эълон қилинган хат ва қиммати эълон қилинган бандероллар фақат очиқ ҳолда, жойланмани текшириб, барча жўнатилаётган буюмларнинг рўйхати билан қабул қилинади. Қиммати эълон қилинган бандероллар жўнатувчининг хоҳишига кўра жойланманинг рўйхати билан ва жойланманинг рўйхатисиз қабул қилиниши мумкин.

107-шаклдаги жойланма рўйхати жўнатувчи томонидан тўлиқ почта манзилини ва олувчининг номини кўрсатган ҳолда икки нусхада тузилади. Жўнатилаётган жойланма рўйхатига эълон қилинган қийматнинг суммасини кўрсатган ҳолда, номма-ном ёзилади. Рўйхатнинг иккала нусхаси ҳам жўнатувчи томонидан имзоланади. Жўнатувчининг хоҳишига кўра қиммати эълон қилинган хат ёки қиммати эълон қилинган бандерол ичига солинадиган 107-шаклдаги рўйхатнинг биринчи нусхасида буюмларнинг эълон қилинган қийматнинг суммаси кўрсатилмаслиги мумкин.

**Қиммати эълон қилинган хат ёки қиммати эълон қилинган бандеролни қабул қилишда** алоқа ходими жойланмани рўйхат билан, жойланманинг эълон қилинган қиймат суммасига мувофиқлигини, шунингдек манзилнинг айнан ўхшашлиги, олувчининг номи, почта жўнатмаси ва рўйхатнинг иккала нусхасида кўрсатилган эълон қилинган қиймат суммаси ҳамда алоҳида белгиларини солиштиради, уларга имзо қўяди ва тақвим тамғаси изини туширади (32-расм). Расмийлаштирилган рўйхатнинг биринчи нусхаси қиммати эълон қилинган хат ва қиммати эълон қилинган бандерол ичига солинади, иккинчи нусхаси эса, жўнатувчига берилади.

Қиммати эълон қилинган хат ва қиммати эълон қилинган бандероллар жўнатувчининг иштирокида ўраб жойланади, ёпиштирилади ва сурғута муҳри билан шундай мўлжалда муҳрланадики, бунда хатнинг барча қопқоқлари ёки бандеролнинг барча ўровлари жойланма сақланишини таъминлайдиган қилиб, сурғута муҳри билан сурғучлаб беркитилади.

Ўлчами 114х162 мм, 110х220 мм бўлган стандарт конвертларда жўнатиладиган, баҳоси энг кам иш ҳақининг бир баробаридан ошмайдиган қиммати эълон қилинган хатларни конвертнинг барча қопқоқларини бирлаштирган ҳолда сурғута муҳрини бир марта босиш билан муҳрлашга рухсат этилади. Баҳоси бундан юқори бўлган ёки ўлчами 162х229 мм ва 229х324 мм бўлган стандарт конвертларда жўнатиладиган хатларда туширилган муҳр изининг сони бештадан кам бўлмаслиги керак.

107-шакл

**Р Ў Й Х А Т**

Кимга *И.С Баҳодиров* номига
(олувчи)
*қиммати эълон қилинган хат* жойланмасида
Қаерга *Учар кўч., 8-уй, 10-хонадон*
(олувчининг манзили)
*Хива 1, 740001*

| т/р | Буюмларнинг номи | Буюмлар-нинг сони | Эълон қилинган қиммати (сўм) |
|---|---|---|---|
| *1* | *Шифокор маълумотномаси* | *1* | *125* |
| *2* | *Сурат* | *1* | *125* |
| *3* | *Лола Комиловна* | | |
| | *Азизованинг туғилганлик* | | |
| | *ҳақидаги гувоҳномаси* | *1* | *420* |

Эълон қилинган қимматнинг умумий суммаси *670*
(рақам билан)

Эълон қилинган қимматнинг умумий суммаси СПЗда
(рақам билан)

Жўнатувчи *Зоҳидова*
(имзо)




(қабул қилиш жойи тақвим тамғаси изи)

Текширди *оператор Усмонова*
(почта алоқаси ходими лавозими, имзоси)

Тузатишларга йўл қўйилмайди

32-расм 107-шаклдаги рўйхатни тўлдириш намунаси

Фуқаролар томонидан жўнатиладиган оғирлиги 500г дан ортиқ бўлган қиммати эълон қилинган хатлар ва қоғоз ўровли қиммати тувчи томонидан тузилган, алоқа ходими томонидан расмийлаштирилган манзил ёрлиғи билан зич қилиб ёпиштиралади.

Қиммати эълон қилинган хат ёки қиммати эълон қилинган бандерол расмийлаштирилгандан ва муҳрлангандан кейин тарозида тортилади ҳамда жўнатувчидан белгиланган тўлов ундирилади. Хат ёки бандерол ўровининг бўш жойига рақам билан унинг оғирлиги ва алоқа ходимининг имзоси билан тасдиқланган ҚҚСни ажратган ҳолда, олинган тўловнинг умумий суммаси қуйилади (33-расм).




33-расм Қиммати эълон қилинган бандеролнинг олд томонини расмийлаштириш намунаси

Бандеролни полиэтилен ўровларда жўнатиш учун қабул қилишда унинг ичига расмийлаштирилган манзил ёрлиғи ёпиштирилиб, ўраб жойланган жойланма солинади. Полиэтилен қопларнинг очиқ томони жўнатувчининг иштирокида термопайвандлаш машинасида почтанинг индекси ва бандеролни қабул қилиб олган почта алоқаси объекти номининг чокига тушириб пайвандланади.

77 Бандеролнинг қопқоқларига жўнатувчи томонидан тўлдирилган манзил ёрлиқларини ёпиштиришга рухсат этилади.

Манзил ёрлиқлари алоқа ходими томонидан бандеролларни ёпиштиришга қадар расмийлаштирилади.

Қиммати эълон қилинган хат ёки қиммати эълон қилинган бандерол манзил томонининг юқори қисмига ёҳуд бандеролнинг манзил ёрлиғига алоқа ходими 1-шаклдаги ёрлиқни ёпиштиради ёки унга мувофиқ келадиган тамға изини туширади ва унга сиёҳ билан почта жўнатмасининг 1-шаклдаги дафтар бўйича ёки почта-касса аппарати, электрон мажмуа квитанциясининг тартиб рақамини ёзиб қўяди (34-а, б-расм). Хат ёки бандерол манзил томонининг юқоридаги ўнг бурчагига ёҳуд манзил ёрлиғига тақвимли тамға изи туширилади.

Мўрт буюмлар жойланган қиммати эълон қилинган бандеролларни қабул қилишда унга *«Эҳтиёт қилинг»* белгили 8-шаклдаги ёрлиқ ёпиштирилади (35-расм). Агар манзил маълумотлари тўғридан-тўғри бандеролга ёзилган бўлса, у ҳолда унга тақвим тамғаси изи туширилмай, қабул қилиш санаси қўлда ёзиб кўрсатилади.

**Ҳаво кемалари орқали жўнатиладиган қиммати эълон қилинган бандеролллардаги мўрт буюмларнинг шикастланганлиги учун почта алоқаси объектлари, авиакорхоналар жавобгар бўлмайдилар.**

78 «Экспресс» почта жўнатмаларини қабул қилиш ажратилган почта алоқаси объектлари томонидан амалга оширилади. «Экспресс» қиммати эълон қилинган хат ёки қиммати эълон қилинган бандеролни қабул қилишда жўнатувчи тезкор хабарнома (телеграмма-хабарнома)ни тўлдиради, унда олувчининг манзили ва ўзининг қайтар манзилини кўрсатади ва алоқа ходимига почта жўнатмаси билан биргаликда топширади (36-расм).

Агар жўнатувчи телефон орқали экспресс жўнатмани жўнатиш ҳақидаги маълумотни олувчига етказишни ўз зиммасига олса, у ҳолда алоқа ходими бу ҳақида квитанция орқасига белги қўяди, хат ёки бандерол ўровида *«Жўнатувчининг хабарномаси телефон орқали»* деб кўрсатади ва уни ўз имзоси билан тасдиқлайди. Почта жўнатмасининг олд томонига ёрлиқ ёпиштирилади ёки «Экспресс» тамғаси изи туширилади, агар олувчининг телефони бўлса унинг рақамлари ҳам кўрсатилади. Тезкор хабарнома (телеграмма) бланкасида алоқа ходими қиммати эълон қилинган хат ёки қиммати эълон қилинган бандеролнинг рақамини, ўтиш назорат муддатини ҳисобга олган ҳолда, олувчининг почта жўнатмасини олган санаси, маълумот учун телефон рақами ва жўнатувчининг фамилиясини кўрсатади. Жўнатилган тезкор хабарнома (телеграмма)нинг рақами почта жўнатмасининг ўровида кўрсатилади.

1-шакл

"Ўзбекистон почтаси" Давлат-акциядорлик компанияси

52 – сон КВИТАНЦИЯ

*рўйхат билан* | *қимм. эълон қилин.бандер.* қабул қилишда

(алоҳида белгиси) (жўнатма тури)

Эълон қилинган қиммати сўмда *икки юз йигирма беш сўм*

(сўз билан)

Эълон қилинган қиммати СПЗ да

(рақам билан)

Устама тўлов

(рақам билан)

Қаерга *Гулистон*

Кимга *Камиловага*

| Оғирлиги | Тўлов | | | Қабул қилди |
|---|---|---|---|---|
| - кг *200* г | Оғирлиги учун | *58* | | *Акбаров* |
| | Эълон қилинган қиммати учун | *11* | | (имзо) |
| | *Рўйхатни тузиш учун* | *50* | | |

Жами *Бир юз ўн тўққиз сўм 00 тийин*

(сўм сўз билан, тийин рақам билан)

*Шу ж. ККС 19 сўм 83 тийин*

а)

ТОШКЕНТ
ПОЧТАМТИ

КВИТАНЦИЯ 11 07 01

ҚАЕРГА Гулистон
КИМГА Камиловага

ОПЕРАТОР Акбаров

0052 . . . . . . . 119.00. 6 17
. . . . . . . . . . . 0.20В
. . . . . . . . . . . 225.00Ц
Шу ж. ККС 19 сўм 83 тийин

б)

34-расм Қиммати эълон қилинган бандеролни қабул қилишда квитанцияни тўлдириш намунаси: а) қўлда; б) почта-касса аппаратида




35 - расм 8-шаклдаги «Эҳтиёт қилинг» ёрлиғининг намунаси

**ТЕЛЕГРАММА**

| | | | |
|---|---|---|---|
| ҚАБУЛ:<br>соат __да__дақ<br>__- сон бл.<br>Қабул қилди:____ | ЎЗАТИШ<br>соат __да __ дақ.<br>____- сон алоқа<br>Ўзатди________ | | <br><br>Манзил: Наманган - 5 Олмазор 12<br>8-хонадон телефон 2 -35-40 |
| Тошкент ______ дан ___21/ 1701_ – сон<br>29 сўз_16/7__да соат_9___дақ 15__дан | | | Феруза Зафаровна Зафарова га |
| Хизматга оид<br>белгилар | | | |

қиммати эълон қилинган 640 хатни Наманган почтамтидан
2001 йил 17 июлда олинг Маълумотлар 6 –36-25 телефон буйича = Муротова

Жўнатувчининг фамилияси ва манзили Е. Д. Муротов а
Тошкент 80
Файзиобод кўчаси,21 уй, 17 -хонадон

36-расм Экспресс-хатга тезкор хабарнома (телеграмма-хабарнома)ли бланкасини тўлдириш намунаси

79 Қиммати эълон қилинган хат ёки қиммати эълон қилинган бандероллар 1-шаклдаги дафтарга нусха кўчирувчи қоғоз қўйиб ёзилади, жўнатувчига эса квитанция ёзиб берилади (34-расм). «Ҳукуматга оид» туркумида жўнатиладиган олинганлиги тўғрисидаги хабарнома билан, уйга элтиб бериш билан, жойланма рўйхати билан, *«Ehtiyot qiling»* белгиси билан қиммати эълон қилинган хат ёки қиммати эълон қилинган бандеролларни, шунингдек *«O'z qo'liga topshirilsin»*, *«Yo'llanma bilan»*, *«Chipta bilan»*, *«Ekspress»* белгили қиммати эълон қилинган хатларни, қиммати эълон қилинган авиа бандеролларни қабул қилишда 1-шаклдаги квитанциянинг «Алоҳида белгилар» сатрига тегишли белгилар қўйилади, квитанция жўнатувчига берилади.

Қиммати эълон қилинган хат ёки қиммати эълон қилинган бандеролни қабул қилишни почта-касса аппарати, электрон мажмуада расмийлаштириш вақтида квитанцияда почта алоқаси объектининг номи, қабул қилинган сана, рақами, оғирлиги, эълон қилинган қимматининг суммаси, операция шифри ва тўлов суммаси кўрсатилади. *«Қаерга»* ва *«Кимга»* ёзувлари, ҚҚС суммаси, шунингдек алоҳида манзили тўғрисидаги белгилар алоқа ходими томонидан қўйилади, сўнгра у квитанцияга имзо чекади.

Агар қиммати эълон қилинган хат маркаланган конвертда берилса, 1-шаклдаги квитанцияда почта-касса аппарати, электрон мажмуа кундалиги ва квитанциясида маркалар билан суммаси кўрсатилади.

### 5.2.2 Жўнатилувчи ва транзитли қиммати эълон қилинган хатлар ҳамда қиммати эълон қилинган бандеролларга ишлов бериш

80 Почта алоқаси объектларида қабул қилиб олинган қиммати эълон қилинган хат ва қиммати эълон қилинган бандероллар жадвалда белгиланган муддатларда қабул қилувчи томонидан 1-шаклдаги дафтар бўйича номма-ном текширилиб, унга имзо қўйиб, ишлов бериш ва жўнатишга берилади. Охирги квитанция нусхасининг бўш жойида нечта хат, бандерол қабул қилингани, қайси рақамдан қайси рақамгача, масалан, *«8 дан 17 гача 10 та хат»*, деб кўрсатилади.

Қиммати эълон қилинган хат ва қиммати эълон қилинган бандеролларни қабул қилиш ва уларга ишлов бериш турли хоналарда ўтказиладиган почта алоқаси объектларида қиммати эълон қилинган хат ва қиммати эълон қилинган бандероллар бир нусхада тузиладиган 16-шаклдаги юкхат билан 1-шаклдаги дафтар бўйича тилхат билан жўнатиш учун берилади. Юкхатда уларнинг рақамлари ва умумий сони ёзма равишда кўрсатилади. Энг кам иш ҳақидан юқори баҳоланган қиммати эълон қилинган хатлар рақами, эълон қилинган қимматини кўрсаттан ҳолда 16-шаклдаги юкхатга ёзилади. Устама тўловли қиммати эълон қилинган хатлар ва қиммати эълон қилинган

бандероллар 16-шаклдаги юкхатга рақами, эълон қилинган қимматини ва устама тўлов суммасини кўрсатган ҳолда ёзилади.

Агар қиммати эълон қилинган хат ва қиммати эълон қилинган бандеролларни қабул қилиш почта-касса апаратида, электрон мажмуада расмийлаштирилган бўлса, жўнатмаларни қабул қилиш ва ишлов бериш бир ёки турли хоналарда амалга оширилганлигидан қатъи назар қабул қилинган қиммати эълон қилинган хат ва қиммати эълон қилинган бандеролларнинг манзилини қўшимча равишда кўрсатган ҳолда 16-шаклдаги юкхатлар икки нусхада тузилади.

Юкхатнинг нусхасига имзо қўйишда қабул қилинган қиммати эълон қилинган хат ва қиммати эълон қилинган бандеролларнинг умумий сони ва қабул қилиш вақти сўз билан ёзилади. Почта жўнатмаларини қабул қилган алоқа ходимининг имзоси қўйилган 16-шаклдаги юкхатнинг бир нусхаси қабул қилиш кассасида қолади.

Қиммати эълон қилинган хат ва қиммати эълон қилинган бандеролларни қабул қилувчи алоқа ходими имзо қўйишдан аввал ўровнинг, боғичлар ва муҳрларнинг бутунлигига аҳамият берган ҳолда, уларнинг ташқи ҳолатини кўздан кечириши керак.

**81** Қиммати эълон қилинган хат ва қиммати эълон қилинган бандероллар ёзма хат-хабарларни, посилка ва суғуртали **Почтани саралаш ва йўллаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага** мувофиқ сараланади ва қопларда жўнатилади.

**82** Қиммати эълон қилинган хат ва қиммати эълон қилинган бандеролларни қопларга жойлашдан аввал нусха кўчирувчи қоғоз орқали икки нусхада тузиладиган 16-шаклдаги алоҳида юкхатларда ёзилади (37-расм). Ўз жойида қабул қилинадиган қиммати эълон қилинган хат ва қиммати эълон қилинган бандеролларни 16-шаклдаги юкхатга ёзишда уларнинг рақамлари, эълон қилинган қиймат суммаси ва манзили қайд қилинади. Агар қиммати эълон қилинган хат ёки қиммати эълон қилинган бандероллар устама тўлов билан қабул қилинган бўлса, унда 16-шаклдаги юкхатга устама тўлов суммаси ёзиб қўйилади. Транзитли қиммати эълон қилинган хат ва қиммати эълон қилинган бандеролларга, бундан ташқари жўнатиш жойи хам қўшиб ёзилади.

«Экспресс» қиммати эълон қилинган хат ва қиммати эълон қилинган бандеролларни бериш жойидаги почта алоқаси объектларига қадар алоҳида суғуртали қопларга жойланади. 17-шаклдаги ёрлиққа, 16-шакл юкхатига *«Экспресс»* белгиси қўйилади. Умумий юкхат манзилига шартномада кўрсатилган самолёт рейсининг рақами уч нусхада ёзилади. 16-шаклдаги юкхатнинг иккинчи нусхасида авиакорхона ходими қабул қилинган суғуртали қоплар учун имзо қўяди.

Қиммати эълон қилинган хат ва қиммати эълон қилинган бандеролларнинг 16-шаклдаги юкхатларида якуний сўзлар билан ёзилиб, уларга ишлов беришда иштирок этган иккита алоқа ходими

томонидан имзоланади. Штатида битта ходими бўлган почта алоқа-си объектларида (почтальонларни ҳисобга олмаганда) юкхат фақат ўша ходим томонидан имзоланади.

16-шаклдаги ҳар бир юкхат ва унинг нусхаларига, юкхат тузилган санани кўрсатган ҳолда тақвим тамғаси изи туширилади.

16-шакл

Почта соат ____дан _____дақиқада
________________ кузатувида жўнатилди
(фамилия)
___________ - сон гувоҳнома
______қоплар алмашувига тааллуқли

**жўнатилган почтага**
**ЮКХАТ**

*Термиз - 1* ________________ дан
*Термиз* ________________ ПА
манзилига
*3452* - сон қопда
контейнерда



тақвим тамға изи)

| Почта жўнатмалари ва буюмларининг номи | Сони |
|---|---|
| Контейнерлар.............................. | |
| Суғурталик қоплар ........................ | |
| Хат-хабарли қоплар .................. | |
| Матбуотли қоп ва боғламлар ..... | |
| Хукуматга оид қоплар .............. | |
| Халқаро қоплар ........................ | |
| Қиммати эълон қилинган хатлар ва қиммати эълон қилинган бандероллар ............................ | *6* |
| «Эҳтиёт қилинг» белгили посилкалар.............................. | |
| Эълон қилинган қиммати энг кам иш ҳақининг беш баробаридан юқори бўлган посилкалар.......................................... | |
| Бўш буюмлар.......................... | |
| Жами........... | *6* |

| Т/р | Почта жўнатмалари ва буюмларининг номи | Рақами | Эълон қилинган қиймати, сўм | Устама тўлов суммаси, сўм | Каерга, каердан | Алоҳида белгилар | Келувчи суғурта-ли почта жўнатмаларининг рақами |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | *қ.э.қ/ банд.* | *2* | *100* | | *Тошкент 115* | | |
| 2 | -‖- | *7* | *45* | *44-20* | *Фарғона 3* | | |
| 3 | -‖- | *12* | *150* | | *Марғилон* | *хабарнома* | |
| 4 | -‖- | *13* | *200* | | *Тўй-тепа* | | |
| 5 | -‖- | *19* | *250* | | *Бухоро 5* | | |
| 6 | -‖- | *21* | *220* | | *Бухоро 15* | | |
| 7 | | | | *Олти* | | | |
| | | | | | *АББ Ахмедов* | | |
| | | | | | *опр. Зиёева* | | |
| | | | | | | | |

37-расм Копларда жўнатилувчи қиммати эълон қилинган хат ва қиммати эълон қилинган бандерол ва хатларга 16-шаклдаги юкхатни тузиш ва расмийлаштириш намунаси

16-шаклдаги юкхатнинг асл нусхалари қоп ичига солинади, нусхалари эса почта алоқаси объектида қолади.

Қиммати эълон қилинган хатлар, ажратилган тартибда, алоҳида суғуртали қопларда жўнатилади.

Иш ҳажми унчалик катта бўлмаган алоқа бўлимларидан почта алоқаси боғламалари (почтамт, почта айирбошлаш пункти)гача қиммати эълон қилинган хат ва қиммати эълон қилинган бандероллар, майда посилкалар билан биргаликда битта 16-шаклдаги юкхатларда ёзилган ҳолда жўнатилади.

Агар қопда икки ва ундан ортиқ қиммати эълон қилинган хатлар жўнатилаётган бўлса, у ҳолда улар каноп ип билан хочсимон қилиб боғланади.

**83** Қиммати эълон қилинган хат ва қиммати эълон қилинган бандероллар солинган суғуртали қоплар қўйидаги тартибда беркитилади:

Суғуртали қопнинг оғзи йиғилади ва олдиндан *«Sug'urta»* ёзуви қайд қилинган 17-шаклдаги ёрлиқ қопнинг оғзига, каноп ип билан икки марта айлантирилади ва ўраб боғланади (38-расм). Қиммати эълон қилинган хатларни суғуртали қопларда жўнатишда 17-шаклдаги манзил ёрлиғида *«Qiymati e'lon qilingan xatlar bilan»* ёзуви қўшимча кўрсатилади. Канопнинг учлари ўзаро бирлаштирилади, бирининг учи иккинчиси орқали икки марта айлантирилган ип тагидан ўтказилади, шундан сўнг уни таранг қилиб тортиб, учлари икки қайта тугун қилиб боғланади (39-расм). Боғлов шундай мўлжал қилиб боғланадики, қопдаги жойланма аралашиб кетмаслиги керак. Қоп пломбаланади ёки муҳрланади. 17-шаклдаги ёрлиққа ишлов беришда ва қопни беркитишда иштирок эттан алоқа ходимлари томонидан имзоланади.

Суғуртали қопларни беркитишда беркитувчи қурилмалардан фойдаланиш мумкин (40-расм). Бундай қурилмадан фойдаланиш тартиби алоҳида йўриқномада баён этилган.

### 5.2.3 Қиммати эълон қилинган хат ва қиммати эълон қилинган бандеролларга ишлов бериш

**84** Почта алоқаси объектларида суғуртали қопларни очиш ушбу Қоидаларнинг 502-бандига мувофиқ амалга оширилади.

Келувчи қиммати эълон қилинган хат ва қиммати эълон қилинган бандероллар келган жойларида тузилган 16-шаклдаги юкхатга имзо қўйиш орқали иш жойлари (омборхона)га ўтказилади. Агар қиммати эълон қилинган хат ва қиммати эълон қилинган бандеролларни очадиган ва тарқатадиган иш жойлари бир хонада бўлмаса ҳамда бу ишлар алоқанинг турли ходимлари томонидан бажарилса, қиммати эълон қилинган почта жўнатмаларини 16-шаклдаги юкхат тўлиқ маълумотлар ва қўшимча белгиларни кўрсаттан ҳолда икки нусхада тузилади.




38-расм Суғуртали қоплар учун 17-шакл манзил ёрлиқларини расмийлаштириш намунаси

Қиммати эълон қилинган хат ва қиммати эълон қилинган бандеролларни қабул қилувчи алоқа ходими уларни 16-шаклдаги юкхат ёзувлари билан номма-ном солиштиради. Ўровларнинг бутунлигини, муҳрлар, пломбалар, тасмалар, ёпиштирмаларнинг бутунлигини, полиэтилен ўровни машина ёрдамида елимлашда қабул қилиш жойи почта алоқаси объекти номи туширилган изнинг мавжудлигини текширади.




9-расм Каноп ип ёрдамида суғуртали қопларни
беркитиш намунаси

Қайтарилган ёки қайта жўнагилган почта жўнатмаси келганда 16-шаклдаги юкхатга (қиммати эълон қилинган хат ва қиммати эълон қилинган бандеролнинг ёзиб қўйиш сатрига) *«Қ»* ёки *«ҚЖ»* ҳарфлари ёзиб қўйилади ва остига чизилади ҳамда узатиш жойи ва почта жўнатмаси қаердан қайтарилганлиги ёки қайта жўнатилганлиги кўрсатилади.

Қиммати эълон қилинган хатнинг орқа томонига тақвим тамғаси изи туширилади, қиммати эълон қилинган бандеролда эса келган санаси қўлда ёзиб кўрсатилади. Ўша ернинг ўзида, 16-шаклдаги юкхатда рақамдан-рақамгача кўрсатиладиган кириш тартиб рақамлари қўйиб чиқилади.

Қиммати эълон қилинган хат ва қиммати эълон қилинган бандеролларни тартиб билан рақамлаш ой давомида олиб борилади.



40-расм Суғуртали ва халқаро қопларини беркитишда қўлланиладиган ёпувчи қурилманинг умумий кўриниши

Текширув вақтида аниқланган қиммати эълон қилинган хат ва қиммати эълон қилинган бандеролларни ўраб жойлаш ва расмийлаштиришда йўл қўйилган нуқсонлар 51-шаклдаги далолатнома ёки 30-шаклдаги билдиришномалар орқали расмийлаштирилади.

85 Ҳар бир қиммати эълон қилинган хат ёки қиммати эълон қилинган бандеролга 22-шаклдаги билдиришнома тузилиб, унга почта жўнатмасининг келувчи тартиб рақами, олувчининг манзили, фамилияси, исми, отасининг исми (корхона, ташкилот, муассасанинг тўлиқ номи), почта жўнатмасининг тури, эълон қилинган қимматини (зарур ҳолларда устама тўлов суммаси), жўнатиш жойи ва узатиш рақами ёзилади. Агар қиммати эълон қилинган хатларда *«O'z qo'liga topshirilsin»* *«Yo'llanma bilan»*, *«Chipta bilan»*, *«Hujjatlar bilan»*, *«Ekspress»*, *«Xabamoma bilan»* ва айнан қайсиниси билан *«Eltib berish bilan»* белгилари бўлса, у ҳолда шундай белгилар билдиришнома олд томонининг юқори қисмига ҳам қўйилади, шунингдек топшириш амалга ошириладиган манзил ва почта алоқаси объектининг иш вақти ҳам кўрсатилади.

Беш ва ундан ортиқ қиммати эълон қилинган хат ёки қиммати эълон қилинган бандероллар бир корхона, ташкилот, муассасанинг номига келиб тушса, барча почта жўнатмалари учун битта 22-шаклдаги билдиришнома ёзилади ва 16-шаклдаги юкхат бир нусхада тузилиб, унга қиммати эълон қилинган хат ёки қиммати эълон қилинган бандероллар номма-ном ёзилади ва сони кўрса-

тилади. Бундай ҳолда 22-шаклдаги билдиришномада қиммати эълон қилинган хат ёки қиммати эълон қилинган бандеролларнинг сони, эълон қилинган қимматини умумий суммаси, зарур бўлган ҳолларда эса устама тўловнинг умумий суммаси ва уни жўнатиш учун тўлов суммаси кўрсатилади.

### 5.2.4 Қиммати эълон қилинган хат ва қиммати эълон қилинган бандеролларни топшириш

**86** Элтиб бериш тўлови тўланган қиммати эълон қилинган хат ва қиммати эълон қилинган бандероллар билдиришномалар билан бирга элтиб бериш учун почтальонларга турлари ва келувчи рақамлари бўйича ёзилган 55-шаклдаги дафтарга имзо қўйиш орқали топширилади (30-расм). Почтальонларга элтиб бериш учун топшириладиган хат ва бандероллар қимматининг умумий суммаси почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқа боғламаси (почтамт)нинг раҳбари томонидан белгиланади.

**87** Қиммати эълон қилинган хат ва бандеролларни элтиб бериш учун қабул қилишда почтальон уларнинг ўрови, муҳри, пломбаси, тасмаси, ёпиштирмасини диққат билан кўриб чиқади, оғирлигининг қанчалик тўғрилигини текширади ва 55-шаклдаги дафтарга қабул қилган почта жўнатма-ларининг сонини кўрсатиб имзо қўяди.

**88** Қиммати эълон қилинган хат ва қиммати эълон қилинган бандероллар олувчиларга 22-шаклдаги билдиришномага имзо қўйганларидан сўнг берилади. Қиммати эълон қилинган хат ёки қиммати эълон қилинган бандеролларнинг топширилганлигини алоқа ходими ўз имзоси билан тасдиқлайди.

Жойланмаларнинг рўйхати билан қабул қилинган қиммати эълон қилинган хат ёки қиммати эълон қилинган бандеролларни олувчиларга уйларида топширишда, улар очилади.

**Қиммати эълон қилинган хат ёки қиммати эълон қилинган бандеролни топширишда олувчининг хоҳишига кўра очилмаслиги мумкин, лекин бу ҳақда 22-шаклдаги билдиришномага олувчининг имзоси билан тасдиқланган *«Даъвоим йўқ»* деган тегишли ёзув ёзиб қўйилиши керак.**

Жўнатма ўрови шундай кесиладики, бунда унинг муҳри ва ичидаги жойланма шикастланмаслиги керак.

Агар қиммати эълон қилинган хат ёки қиммати эълон қилинган бандеролларни очишда ичидаги жойланманинг камлиги аниқланса, бунда 107-шаклдаги рўйхатга айнан нима йўқлиги ҳақида белги қўйилади, 107-шаклдаги рўйхат йўқ бўлганда эса 22-шаклдаги билдиришноманинг орқа томонида жойланманинг мавжудлиги кўрсатилади ва бу белги олувчи ҳамда алоқа ходими томонидан

имзоланади. Бундай қиммати эълон қилинган хат ёки қиммати эълон қилинган бандерол почта алоқасининг элтиб берувчи объектига далолатнома тузиш учун қайтарилади ва жойланма почта алоқасининг элтиб бериш объекти томонидан тузилган далолатноманинг нусхаси билан бирга олувчига топширилади.

**89** Элтиб беришдан қайтиб келган алоқа ходими эгаларига топширилмаган қиммати эълон қилинган хат ва қиммати эълон қилинган бандеролларга 20-шаклдаги маълумотномани тузади, билдиришномаларни ва топширилмаган почта жўнатмаларини топширади.

Ҳисоботни қабул қилувчи алоқа ходими элтиб берилмаган почта жўнатмаларининг ўрови ва муҳрлари (тасмалар, пломбалар, ёпиштирмалари) бузилмаганлигини, зарур бўлганда эса, оғирлигини ҳам текширади. 55-шаклдаги дафтарда элтиб берилмаган қиммати эълон қилинган хат ва қиммати эълон қилинган бандеролларнинг рақамларини кўрсатади ва ҳисоботни қабул қилиб олганлиги ҳақида имзо қўяди.

**90** Почта алоқаси объектларида қиммати эълон қилинган хат ва қиммати эълон қилинган бандероллар худди уйга элтиб бериш тар-тибидаги каби, лекин почта жўнатмаларининг ўровида кўрсатилган оғирлиги унинг ҳақиқий оғирлигига мувофиқ келишини текшириб берилади. Белгиланган сақлаш муддатларига риоя қилинмаган ҳолатларда уларни сақлаганлик учун тўлов ундирилади.

Корхона, ташкилот ва муассасаларга қиммати эълон қилинган хат ва қиммати эълон қилинган бандеролларни битта билдиришнома бўйича топширишда кўрсатилган ҳужжатлар тўғрисидаги маълумот, олинган почта жўнатмаларининг сони ва умумий суммаси ҳақидаги маълумот 16-шаклдаги юкхатда ваколатланган вакиллар томонидан кўрсатилади ва имзоланади.

**91** «Экспресс» белгили қиммати эълон қилинган хат ва бандеролларни олувчиларга топшириш почта алоқаси объектларида бунинг учун ажратилган телеграмма - билдиришномалар бўйича амалга оширилади. Почта жўнатмалари келиб тушган куни олинмай қолса, иккинчи куни бу ҳақда олувчига почта жўнатмаси ўровида кўрсатилган телефон рақами орқали эслатиб қўйилади. Телефон рақами йўқ бўлганда, алоқа ходими олувчи яшайдиган хизмат кўрсатиш ҳудудидаги почта алоқасининг элтиб бериш объектига қўнғироқ қилади ва «Экспресс» белгили почта жўнатмаларини топшириш тўғрисида почта алоқаси объектининг иш тартиби ва манзилини кўрсатган ҳолда 22-шаклдаги билдиришномани ёзиш учун маълумотларни, шунингдек почта жўнатмаси олиниши мумкин бўлган охирги муддатни хабар қилади. Почта жўнатмасининг ўровида 22-шаклдаги билдиришномани ёзиб берган почта алоқасининг элтиб бериш объекти ходимининг фамилияси кўрсатилади. Билди-

ришнома олувчига ўша куниёқ 8-шаклдаги дафтарга имзо қўйдириб элтиб берилади. Уч кун давомида талаб қилиб олинмаган почта жўнатма-лари (бунга жўнатма келиб тушган кун ҳам киради) алоҳида юкхат бўйича, одатдаги тартибда топшириш учун олувчи яшайдиган хизмат кўрсатиш ҳудудидаги почта алоқасининг элтиб бериш объектига қайта жўнатилади.

92 51-шаклдаги далолатнома тузилган барча қиммати эълон қилинган хат ва қиммати эълон қилинган бандероллар уйга элтиб берилмасдан, олувчиларга почта алоқаси объектининг ўзида топширилади. Бундай почта жўнатмалари топширишдан аввал олувчининг иштирокида очилади. Агар жойланма бешикаст бўлса, почта жўнатмаси умумий белгиланган тартибда топширилади. Жойланма етишмай қолганда, унинг қолган қисми 51-шаклдаги далолатноманинг нусхаси билан бирга, олувчи 51-шаклдаги далолатномага имзо қўйгандан сўнг берилади ва у почта жўнатмасининг ўрови билан бирга, идоравий текширув ўтказиш ва натижаларини олувчига маълум қилиш учун почта алоқаси объекти, почта алоқаси ҳудудий ташкилотининг раҳбарига топширилади.

93 Агар қиммати эълон қилинган хат ёки қиммати эълон қилинган бандеролни почта алоқаси объектида очишда рўйхатда кўрсатилган жойланманинг бир қисми йўқлиги аниқланса, бу ҳақда 51-шаклдаги далолатнома уч нусхада тузилади ва у алоқа ходимларидан ташқари олувчи томонидан ҳам имзоланади. 51-шаклдаги далолатнманинг нусхаси жойланма билан бирга олувчига берилади, почта жўнатмасининг ўрови ва далолатноманинг бошқа нусхалари эса текширув ўтказиш учун почта алоқаси объектида қолдирилади. Жойланмалар рўйхатга мос келса, далолатнома тузилмайди.

### 5.3 Посилкалар

#### 5.3.1 Посилкаларни қабул қилиш

94 Оддий ва энг кам иш ҳақининг уч бараваригача бўлган қиммати эълон қилинган посилкалар «крафт» қоғози ёки шундай қалинликдаги бошқа ўров қоғози билан икки қават қилиб ўралади ва икки (манзилли ва унга қарама-қарши) томонига фанердан ёки қаттиқ картондан тайёрланган қистирма қўйилади.

95 Энг кам иш ҳақининг уч бараваригача бўлган қиммати эълон қилинган **майда посилкалар** худди қиммати эълон қилинган бандероллар каби ўраб жойланиши мумкин.

96 Почта операцияларини амалга оширувчи Молия вазирлиги муассасалари, Ўзбекистон Республикаси банклари, почта алоқа-

си объектларига пуллар ва бойликларни фақат махсус брезент сумка (қоп)ларда жўнатишга рухсат этилади.

97 Мато билан қоплаб тикилмаган, ёғоч (фанер) қутиларидаги посилкалар алоқа ходими томонидан қути қирраларидаги ўйиқ жойлар орқали яхлит пишиқ каноп ип билан боғланади. Агар посилканинг узунлиги 30 см гача бўлса, посилка хочсимон (41-расм) қилиб боғланади, узунлиги 30 см дан ортиқ бўлган посилкаларнинг эса икки жойидан кўндалангига ва бир жойидан узунасига ўтказиб боғланади (42-расм). Каноп боғич таранг қилиб тортилади ва туташган жойлари канопни чиқариб олмайдиган ёки жойидан сурилмайдиган равишда тугун қилиб боғланади. Каноп ипининг охирги учлари посилканинг чап ён томонига (манзилидан) чиқариб қўйилади, боғичининг қийшайишига йўл қўйилмайди.

Кўчатлар ва ўсимликлар, кинофильмлар, кинотасмалар ва магнитофон тасмалари жўнатувчи томонидан панжарали катакларга жойланган аниқ (ўлчов ва б.) асбоблар, автопокришкали, қанор тикиладиган матоларга ўраб жойланган катта ҳажмдаги буюмлар, шунингдек очиқ ҳолда жўнатиладиган синмайдиган яхлит буюмлар жойланган посилкаларга, почта операцияларини амалга оширувчи молия идоралари, банклар, почта алоқаси объектларининг брезент сумка (қоп)ларига жўнатувчилар томонидан манзил маълумотлари кўрсатилган фанер ёрлиқлари бириктириб қўйилади. Бундан ташқари, бу маълумотлар тўғридан-тўғри шундай посилкаларнинг ўровлари ёки уларнинг жойланмаларида такрорланади.

Посилкаларни боғлаш учун пишиқ (иложи борича эшилган) канопли ипдан фойдаланиш керак. Посилкаларга ишлов бериш жараёнида чўзилиб, жойланмани олинишига йўл қўймайдиган полипропиленли ва бошқа турдаги пишиқ иплардан фойдаланиш мумкин.

Гофрокартонли қутиларга жойланган, юмшоқ ўровли, қаттиқ идишли, мато билан қопланган, шунингдек янги сабзавот ва ҳўл мевали, асаларили посилкалар **боғланмайди**.

Картонли ўровларга қоғоз тасмалар ёпиштирилади. Тасма қутининг таги ва устига ҳамда қутининг металл сим билан тикилган қиррала-рига ёпиштирилади (43-расм).

**98 Посилкалар жўнатувчилардан фақат очиқ ҳолда қабул қилинади.** Қиммати эълон қилинган посилкалар жўнатувчининг хоҳишига кўра жойланманинг рўйхати билан қабул қилинганидек, рўйхатсиз ҳам қабул қилиниши мумкин. Қиммати эълон қилинган посилкаларни қабул қилишда 107-шаклдаги рўйхат худди қиммати эълон қилинган хат ва/ёки қиммати эълон қилинган бандеролларни топширишдаги каби тартибда тузилади.

Ҳар бир посилка учун жўнатувчи 116-шаклдаги бланкасини тўлдиради (44-расм).



41-расм Узунлиги 30 см гача бўлган посилкаларни боғлаш намунаси



42-расм Узунлиги 30 см бўлган посилкаларни боғлаш намунаси

Корхона, ташкилот, муассасалар томонидан бир олувчи манзилига жўнатиладиган, эълон қилинган қиммати энг кам иш ҳақининг беш бараваригача бўлган, сони 40 тадан ошмайдиган, оддий ва қиммати эълон қилинган посилкалар ва сони 10 тадан ошмайдиган катта ўлчамли посилкалар битта бланка билан қабул қилиниши мумкин.

**99** Посилкаларни қабул қилиш вақтида алоқа ходими:

а) посилка транспортнинг қайси тури (ер усти транспорти, авиатранспорт ёки аралаш усул) орқали жўнатилишини аниқлаши;

б) посилкаларнинг тўғри манзилланганлигини, 116-шаклдаги бланкада кўрсатилганларини ва посилка ўровидаги олувчи ҳамда жўнатувчининг манзилларини солиштириб текшириши, тегишли ҳолларда эса, Почта алоқаси хизматини кўрсатиш қоидаларининг 70-бандида кўзда тутилган қўшимча белгилар ва ёзувларнинг мавжудлиги ҳамда тўлиқлигини текшириши;

в) бланкада *«Жўнатиш учун рухсат этилмаган жойланмалар йўқ»* деган матндан сўнг жўнатувчининг имзоси борлигини текшириши;

г) жўнатувчининг иштирокида жўнатиладиган жойланмадаги буюмларнинг *«жўнатиш учун рухсат этилмаган жойланмалар йўқ»* белгиси билан мувофиқлигини текшириши;




43-расм Гофрокортондан ясалган қутиларга посилкаларни ўраб жойлаштириш намунаси

д) посилкани ўраб жойлаши, посилка ўрови ва бланкадаги манзилланган жойдаги почта алоқаси объектининг индекси ва номини рангли қалам билан чизиб қўйиши;

е) жўнатувчининг иштирокида посилкани боғлаши, муҳр (пломба)лаши ва оғирлигини тортиб кўриши керак;

2-шаклдаги ёрлиқда (45-расм) қабул қилиш жойидаги почта алоқаси объектининг номини, посилканинг рақамини ва оғирлигини кўрсатилиши;

Бланкада унинг рақамини, оғирлигини, жўнатиш учун тўлов суммасини кўрсатиши, ҚҚС суммасини ажратиши ва имзо қўйиши;

Посилка рақами 2-шаклдаги ёрлиқда (агар у босмахона усулида ёки почта- касса аппарати, электрон мажмуа ёрдамида кўрсатилмаган бўлса) ва бланкада рақамлагич билан қўйилади ёки қўлда ёзилади.

ж) 2-шаклдаги ёрлиқни ва бланкани тамғалаши 2-шаклдаги ёрлиқни посилка манзилини чап тарафидаги ён томонга ёпиштириши;

"Ўзбекистон почтаси"
Давлат-акциядорлик компанияси
______________________ - сон
(16-шаклдаги юкхат бўйича)
Посилкага
БИЛДИРИШНОМА

116-шакл

| Қабул қилиш санаси (тақвим тамға изи) | 1-шакл бўйича рақами | Жўнатиш хизмат турлари учун тўлов суммаси |
|---|---|---|

*БИР МИНГ СЎМ*

(эълон қилинган қиммати суммаси сўз билан)

Кимга *Улуғбек Исмоилович Мирзаевга*

Каерга *Шодлик кўч. 12 уй, 49-хонадон*

(почта индекси ва тўлиқ манзил)

*Бухоро, 16, 705016*

Кимдан *Азиз Камолович Каримовдан*

Манзил *Али кушчи кўчаси, 1 уй, 16 хонадон*

(почта индекси ва тўлиқ манзил)

*700133, Тошкент-133*

Жўнатиш учун рухсат этилмаган жойланмалар йўқ *Каримов*

(имзо)

*1998 йил «7» майда Тошкент ш. Чилонзор ТИИБ* томонидан берилган *СА N1573580* серияли *паспорт* тақдим этилди

Оғирлиги

кг_____г_____

Тўлов:

оғирлик учун

____с._____т.

эълон қил. қиммат учун ____с.___т.

____с.___т.

____с.___т.

Жами:____с._____т.

______________________

(оператор имзоси)

Йўғон қора чизиқ билан ажратилган жойни жўнатувчи тўлдиради

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

"Ўзбекистон почтаси"
Давлат-акциядорлик компанияси

______________________ - сон
(16 шаклдаги юкхат бўйича)

__________ - сон посилкага манзил
(1-ш. даф. бўйича)

Қиймати эълон қилинган суммаси *Бир минг* сўм

Кимга *Улуғбек Исмоилович Мирзаевга*

Каерга *Шодлик кўч. 12-уй, 49-хонадон*

*Бухоро-16, 705016*

44-расм 116-шаклдаги бланкани тўлдириш намунаси




45-расм 2-шаклдаги ёрлиқни расмийлаштириш намунаси

з) 1-шаклдаги дафтардан квитанцияни нусха кўчирувчи қоғоз ёрдамида ёзиб олиши керак (46-расм).

Тегишли ҳолларда «*Алоҳида белгиси*» сатрига «Мевалар», «Сабзовотлар», «Эҳтиёт қилинг», «Авиа», «Рўйхат билан», «Хабарнома» ва айнан қайси бирилигини кўрсатиб *«Экспресс»* ва бошқа белги қўйилади. Квитанциянинг асл нусхаси тамғаланади ва жўнатиш учун тўлов олингандан кейин жўнатувчига берилади.

**100** Посилкаларни қабул қилиш почта касса аппарати, электрон мажмуада расмийлаштирилганда алоқа ходими квитанциянинг *«Қаерга»* ва *«Кимга»* сатрига қўшимча қилиб манзили ва олувчининг номини қўлда ёзиб имзо қўяди, квитанциянинг пастки қисмида қўшимча равишда қўлда «шу жумладан ҚҚС» деб ёзилади. Тегишли ҳолларда, бундан ташқари, *«Мевалар»*, *«Сабзавотлар»*, *«Эҳтиёт қилинг»*, *«Авиа»*, *«Рўйхат билан»*, *«Хабарнома»* ва айнан қайси бирилиги ҳақида *«Экспресс»* ва бошқа белгилар қўйилади.

Почта-касса аппарати, электрон мажмуада расмийлаштирилган бланканинг билдиришномасида қабул қилиш жойидаги почта алоқаси объектининг номи, посилканинг қабул қилиш санаси ва рақами, шунингдек жўнатиш учун тўлов суммаси киритилади, белгиланган жойга алоқа ходими имзо қўяди ва почта алоқаси объекти рақамли белгини чизиб қўяди.

**101** Қиммати эълон қилинган посилкани жойланма рўйхати билан қабул қилишда, бундан ташқари, қуйидагилар бажарилиши зарур:

а) посилка жойланмасини, буюмларнинг эълон қилинган қиммати суммасига мувофиқлигини, шунингдек олувчининг манзили ва номини 107-шаклдаги рўйхат ёзувлари билан солиштириш;

б) 107-шаклдаги рўйхатнинг ҳар иккала нусхасига тақвим тамғаси изини тушириш ва уларга имзо қўйиш;

в) 107-шаклдаги рўйхатнинг биринчи нусхасини посилка жойланмасининг ичига солиш ва уни ўраб жойлаш;

г) 107-шаклдаги рўйхатнинг иккинчи нусхасини жўнатувчига бериш.

Посилка жойланмасини текшириш билан боғлиқ бўлган расмиятчилик учун жўнатувчидан қўшимча тўлов ундирилади.

1-шакл

"Ўзбекистон почтаси" Давлат-акциядорлик компанияси
**52-сон КВИТАНЦИЯ**

**рўйхат билан** | посилка кабул килинда
(алоҳида белгиси) | (жўнатма тури)

Эълон қилинган қиммати, сўмларда *Икки минг беш юз сўм*
(сўз билан)

Эълон қилинган қиммати СПЗда ____
(рақам билан)

Устама тўлов ____
(рақам билан)

Қаерга *Фарғона*

Кимга *Юсуповага*

| Оғирлиги | Тўлов | | | Қабул қилди |
|---|---|---|---|---|
| | | Оғирлиги учун | 200 | |
| 5 кг 00 г | | Эълон қилинган қиммати учун | 125 | *Акбаров* (имзо) |
| | | *Рўйхатни тузиш учун* | 50 | |

Жами *Уч юз етмиш беш сўм 00 тийин*
(сўм сўз билан, тийин рақам билан)

*Шу ж. ҚҚС 75 сўм 00 тийин*

46-расм Қабул қилинган посилкага 1-шаклдаги квитанцияни тўлдириш намунаси

Ветеринар-санитарлик назорати 1-шакл

______________________________
(муассаса, ташкилот, корхона номи)
Ўзбекистон Республикаси
Вилоят__________________________
Туман (шаҳар)_________________
200__йил «__» ____________________

Жониворлар (қушлар, балиқ-лар, асаларилар) жўнатиш жойдаги ветеринар-шифокор томонидан берилади.жойлаш-тиришда, йўлда назорат учун кўрсатилади ва мўлжалланган жойда олувчига берилади

___-сон Ветеринарлик гувоҳномаси

Берилди_____________________________________________________________________
(кимга-корхона, ташкилот номи, жўнатувчининг фамилияси, и. ш.)
шу хақдаки, жўнатишга тегишли бўлган, ветеринарлик кўригида ____________________
_____________________________________________________________миқдорида
(жониворларнинг турлари (қуш, балиқ, асаларилар) кўрсатилсин)
______бош (жой) касал ва юқумли касаллик бўйича шубҳа қилинганлар топилмади ва улар, юқумли касалликлар бўйича бехатар жониворлар
_____________________________________________________________________
(аҳоли пункти, жамоа хўжалиги. Акциядорлик давлат хўжалиги ва
_____________________________________________________ дан олиб чиқадилар
шу кабиларнинг номи)
Жониворларни жўнатиш олдидан __________________________________________
(қайси текширувлар, ғыш эмлаш ёки бошқа
_____________________________________________________________________
ишловлар қилинганлиги ва санаси кўрсатилсин)
Юборилувчи жониворлар ______________________________________________
(манзил (бекат) кўрсатилсин)
200_____й________________________даги____-сон махсуслаштирилган тўда қайдномаси бўйича
______________________________________________________учун ва: ҳайдаб, темир йўл
(сўйиш, боқиш, сотиш, кўпайтириш ва шу каби)
билан автомобилда, ҳаво транспортида (кераклисини тагига чизилсин) йўналиши бўйича жўнатилади ___________________________________________________________
_____________________________________________________________________
(асосий бориш манзили ёки станция ва юклаш йўли кўрсатилсин)
Алоҳида белгилари:__________________________________________________
(оқсил касаллиги билан касалланган жониворларни
_____________________________________________________________________
жўнатишда тўлдирилади,санаси кўрсатилсин ва шу кабилар ижобий
_____________________________________________________________________
таъсирланувчи алоҳида шароитларда ва махсус кўрсатма бўйича уни ким
_____________________________________________________________________
берган, ташилувчи рақами ва санаси)
Ветеринар-шифокор __________________________
(имзоси ва лавозимининг тўлиқ номи фамилияси ва исми, шарифи кўрсатилсин)

М.Ў.

47-расм 1-шаклдаги ветеринарлик гувоҳномасининг намунаси

Ветеринар-санитарлик назорати — 2-шакл

______________________
(муассаса, ташкилот, корхона номи)
Ўзбекистон Республикаси
Вилоят ______________________
Туман (шаҳар) ______________________

Жониворлардан олинган маҳсулот ва хом ашёлар жўнатиш жойдаги ветеринар-шифокор томонидан берилади, жойлаштиришда, йўлда назорат учун кўрсатилади ва манзилланган жойда берилади

200__ й. "__" ________

___-сон Ветеринарлик гувоҳномаси

Берилди ______________________
(кимга-корхона, ташкилот номи ёки жўнатувчи шахс фамилияси)
шу хақдаки, жўнатишга тегишли бўлган, ветеринарлик кўригида ______________________ миқдорда жой (дона)
(маҳсулот ёки хом ашё тури)
умумий оғирлиги ______________кг______________
______________________
(қандай ҳолатдалиги кўрсатилсин: янги, совутиб музлатилган, тузсиз қуритилган намли тузланган, жунювилган, ювилмаган ш. к. ўров тури (ўровсиз)
келиб чиқиши
______________________
(гўшт кушхонаники, хомашё, йиғилган, хором ўлган ва шу каби)
______________________дан
чиқадилар
(аҳоли яшаш жойи ва хўжалик, корхона ва шу кабилар номи)
юқумли касалликлар юқмаган жониворлар. Чўчқа гўшти трихинеллезга текширилган (йўқ); отлар сўйилишдан олдин маллеинизация қилинган; хом ашё сибир яраси касалига текширилган (йўқ); дезинфекцияланган (йўқ) (кераклигининг тагига чизилсин)
Маҳсулотлар, хом ашёлар ______________________
(манзил (станция) кўрсатилсин)

200___ й. "_____" ________ даги ________-сон маҳсусликда темир йўл орқали автомобил, хаво транспортида (кераклигининг тагига чизилсин), станцияда, йўлда ортиш билан
______________________
(ёки автотранспорт ҳаракатланувчи йўналиш кўрсатилсин)
Айрим белгилар: ______________________
махсулотлар (хом ашё)ларни жўнатишда махсус кўрсатма
______________________
бўйича ким томонидан берилган, рақами, санаси)
Ветеринар-шифокор ______________________
(имзоси ва лавозимининг тўлиқ номи, фамилияси исми, шарифи кўрсатилсин)

М.Ў.

48-расм 2-шаклдаги ветеринарлик гувоҳномасининг намунаси

102 Кемирувчиларнинг мўйна ва териларини, фабрика ишловидан ўтмаган жун, дағал жун, соч, пат ва парлар, тирик асаларилардан иборат жойланмалар солинган посилкаларни қабул қилишда алоқа ходими ветеринария гувоҳномалари мавжудлигини текширади (47, 48-расмлар). Гувоҳномалар берилаётган посилканинг илова манзилига мустаҳкам қилиб бириктирилади.

103 «Экспресс» посилкаларни қабул қилишда ушбу Қоидаларнинг 78-моддасига амал қилиш керак.

104 Посилка боғловидаги суғурта муҳри (пломбаси)нинг сурғучли изи бевосита тугун яқинига (тугун посилка қиррасида бўлмаслиги керак) туширилади. Мато билан қопланган посилкаларда ташқи чоклар шундай муҳрланиши керакки, бунда туширилган суғурта муҳрининг сурғучли изи албатта ташқи чокларнинг четига қўйилиши шарт, туширилган муҳр изларининг маркази ўртасидаги оралиқ 10 см дан ошмаслиги керак. Агар посилканинг манзили ёрлиққа ёзилган бўлса, канопнинг охирги учлари ёрлиққа ёпиштириб муҳрланади.

Картонли ўровларга ёпиштирилган қоғоз тасмаларининг кесишган жойига махсус из тушириш мосламаси ёрдамида диагонал бўйича бирининг устига иккинчисини кўндаланг қилиб, посилкани қабул қилувчи почта алоқаси объектининг номи кўрсатилган муҳр босилади (43-расм). Из тушириш мосламаси туширилган муҳр изи посилка қиррасига ёпиштирилган қоғоз тасманинг икки томони бўйлаб шундай жойлаштириладики, бунда муҳрнинг бир қисми тасмада бўлса, иккинчи қисми посилка қутисида бўлади.

Елимли тасма ва из тушириш мосламалари бўлмаган ҳолларда, посилкани «крафт» қоғози билан ёпиштириш, тақвим тамғаси изининг бир қисмини тамғага, бошқа қисмини қутига тушадиган қилиб босиш мумкин. Тақвим тамға излари ўртасидаги оралиқ 10 см дан ортиб кетмаслиги керак.

105 Корхона ташкилот ва муассасалар томонидан жўнатиладиган посилкалар уларга тегишли муҳрнинг сурғучли изи билан муҳрланади ёки белгиланган тартибда пломбаланади.

Айрим ҳолларда, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг посилкалари почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти раҳбарининг рухсати билан почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объектининг сурғучли муҳри билан муҳрланиши мумкин.

Корхона, ташкилот ва муассасалар посилкаларни картонли ўровларда жўнатадиган бўлса, картон қопқоқларининг уланган жойи фирмали қоғоз тасма билан муҳрланади ёки ёпиштирилган, оддий қоғоз тасмалари билан кесишган бурчакларига ушбу корхона, ташкилот ва муассасаларга тегишли муҳр излари босилади. Муҳр излари қути қирраларига ёпиштирилган тасмаларга ҳам босилади.

### 5.3.2 Жўнатилувчи ва транзит посилкаларга ишлов бериш

106 Почта алоқаси объектларида қабул қилинган посилкалар бланкалари билан бирга жадвалда белгиланган муддатларда, ушбу Қоидаларнинг 80-бандида кўзда тутилган тартибда ишлов беришга ва жўнатишга берилади.

**107** Почта алоқаси объектларидан жўнатишдан олдин посилкалар қуйидагиларга ажратилади:

а) ҳукуматга оид;

б) авиапосилка;

в) қиммати энг кам иш ҳақидан ортиқ баҳоланган *«Ehtiyot qiling»* белгили авиапосилкалар;

г) *«Mo'yna. Veterinariya guvohnomasi bilan»* белгили;

д) кинофильмлар, кинотасмалар, магнит тасмалар билан;

е) *«Ehtiyot qiling»* белгили;

ж) майда;

з) оддий ва қиммати энг кам иш ҳақининг беш бараваригача баҳоланган посилкалар;

и) қиммати энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ортиқ баҳоланган;

к) қиммати энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ортиқ баҳоланган;

л) катта ўлчамли;

м) асаларилар билан;

н) *«Mevalar»*, *«Sabzavotlar»* белгили;

о) *«Ko'chat»* - белгили;

н) *«Ekspress»* - белгили.

**108** Почта алоқаси ҳудудий ташкилотларининг алмашув пунктларида, Халқаро почтамтда посилкалар махсус назоратдан ўтказилгандан сўнг **Ёзма хат-хабарлар, посилка ва суғуртали почтани саралаш ва йўллаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага** мувофиқ гуруҳлар бўйича сараланади.

Посилкалар гуруҳи 10 ва ундан ортиқ посилкалар бўлганда тузилади.

Бир гуруҳга 40 тадан ортиқ бўлмаган посилкалар киритилади, аммо агар бир корхонадан бир манзилга ва бир тақвим кунида бир нечта гуруҳ жўнатилса, уларга сони бир хил бўлмаган посилкалар киритилади (масалан: 40, 39, 38).

Қиммати энг кам иш ҳақидан ортиқ баҳоланган, *«Ehtiyot qiling»* белгили авиапосилкалар гуруҳи бир рейсда 10 тадан ошмаслиги керак.

Қабул қилиш жойларида сон миқдоридан қатъи назар, лекин 10 донадан ортиқ бўлмаган катта ўлчамли ва вазни оғир посилкалар белгиланган манзилдаги почта алоқаси объектигача гуруҳларга ажратилади.

Қиммати энг кам иш ҳақининг беш баробаридан ортиқ баҳоланган посилкалар, шунингдек *«Hukumatga oid»*, *«Ehtiyot qiling»*, *«Avia»*, *«Mo'yna. Veterinariya guvohnomasi bilan»*, *«Mevalar»*, *«Sabzavotlar»*, *«Ekspress»* белгили посилкалар қабул қилинган пайтдан бошлаб бутун ўтиш йўли давомида алоҳида қўйилади ва бошқа посилкаларнинг гуруҳларига қўшилмайди.

Бир манзилга жўнатиладиган кинофильмли посилкалар бир вақтнинг ўзида жўнатилиши керак. **Бундай посилкаларни турли гуруҳларда жўнатишга йўл қўйилмайди.**

**109** Саралангандан сўнг жўнатилувчи посилкалар рақамлари, олувчининг манзили ва эълон қилинган қимматининг суммасини кўрсатиб, 16-шаклдаги юкхатга ёзилади (49-расм). Устама тўловли посилкаларни 16-шаклдаги юкхатга ёзиб қўйишда унинг суммаси кўрсатилади.

Транзит посилкаларни 16-шаклдаги юкхатга ёзишда уларнинг рақамлари ва бундан ташқари қабул қилиш жойидаги почта алоқаси объектининг номи, алоқа бўлими рақами (агар у мавжуд бўлса) кўрсатилади.

Почта алоқаси объектига посилкаларни жўнатишда 16-шаклдаги юкхатда уларнинг устама тўлов суммаси ҳам кўрсатилади.

Ҳар бир 16-шаклдаги юкхатда ва унинг нусхасида юкхат тузилган сана кўрсатилган тақвим тамгаси изи туширилади. Компьютер ёрдамида тузилган, почта алоқаси объектининг номи ва тузилган санаси кўрсатилган юкхатларда қўшимча равишда тақвим тамғаси изини қўйиш талаб қилинмайди. Қабул қилиш жойларидаги почта алоқаси объектларида ва ишлов бериш бўлинмаларида 16-шаклдаги юкхатга юқорига ўсувчи рақамлар тартибида ёзиб қўйилади.

16-шаклдаги юкхатда посилкаларнинг умумий сони сўз билан ёзилиб якунланади ва алоқа ходими томонидан лавозими кўрсатилиб имзоланади. Посилкаларнинг якуни рақамлари «Почта жўнатмалари ва буюмларининг номи» устунига ёзилади.

Алоҳида эътиборни талаб қилувчи посилкаларга ёзилган 16-шаклдаги юкхатнинг юқори қисмига қуйидаги белгилар қўйилади: *«Hukumatga oid»*, *«Ehtiyot qiling»*, *«Avia»*, *«Mo'yna. Veterinariya guvohnomasi bilan»*, *«Mevalar»*, *«Sabzavotlar»*, *«Ekspress»*.

**Майда посилкалар (*«Ehtiyot qiling»* белгилиси бундан мустасно) барча босқичларда суғуртали қопларда жўнатилади. Сон жиҳатдан битта бўлган майда посилкалар очиқ ҳолда ер усти транспортида ушбу Қоидаларнинг 410-бандида кўзда тутилган тартибда жўнатилиши мумкин.**

**Қиммати энг кам иш ҳақининг ўн бароборидан ортиқ баҳоланган посилкалар қабул қилиш жойидаги почта алоқаси объектлари томонидан тўғридан-тўғри почта алоқаси объекти манзилигача суғуртали қопларга жойланади, *«Ehtiyot qiling»* белгили посилкалар, шунингдек стандарт қоп ўлчамларидан ортиқ бўлган катта ўлчовли посилкалар бундан мустасно. Бундай посилкалар очиқ ҳолда алоҳида юкхатга ёзиб жўнатилади.**

**Қиммати энг кам иш ҳақининг ўттиз бароборидан ортиқ баҳоланган посилкалар фақат почта алоқа боғламалари, почтамтлар томонидан қабул қилинади ва берилади.**

16-шакл

Почта соат __15__ дан __20__ дақиқада
__Хайдарова__ кузатувида жўнатилди
(фамилия)
__54__ -сон гувохнома
_____ қоп алмаштирилиши керак

**Жўнатилган почтага**
**Ю К Х А Т**

*Халқаро почтамт* дан
*Фарғона ПБ* манзилига

_____- сон қопда
контейнерда



(жўнатиш жойи тақвим тамғаси изи)

| Почта жўнатмалари ва буюмларининг номи | Сони |
|---|---|
| Контейнерлар........................... | |
| Суғуртали қоплар ..................... | |
| Хат-хабарли қоплар .................... | |
| Қоплар ва матбуотли тўплам ............................... | |
| Ҳукуматга оид қоплар .......... | |
| Халқаро қоплар ........................ | |
| Қиммати эълон қилинган хат ва бандероллар ........................ | |
| «Эҳтиёт қилинг» белгили посилкалар................................ | |
| Энг кам иш ҳақининг беш баробаридан юқори қийматга эга бўлган посилкалар ............ | |
| Оддий ва энг кам иш ҳақининг беш баробаригача қийматга эга бўлган посилкалар ............................. | *12* |
| Бўш буюмлар ........................ | |
| Жами.................... | *12* |

| Т/р | Почта жўнатмалари ва буюмларининг номи | Рақамлар | Эълон қилинган қиймати, сўм | Устама тўлов суммаси, сўм | Қаерга, қаердан | Алохида белгилар | Келувчи суғуртали жўнатмаларининг рақами |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | *пос.* | *2* | *1000* | | *Форғона 2* | | |
| 2 | | *7* | *500* | | *Фарғона 3* | | |
| 3 | | *12* | *1000* | | *Фарғона 12* | | |
| 4 | | *13* | *500* | *490* | *Марғилон1, Фарғ.вил* | | |
| 5 | | *19* | *500* | | *Чимён, Фарғ. вил.* | | |
| 6 | | *121* | *500* | | *Водил, Фарғ. вил.* | | |
| 7 | | *227* | *700* | | *Соха, Фарғ. вил.* | | |
| 8 | | *332* | *600* | | *Қувасой, Фарғ. вил.* | | |
| 9 | | *341* | *700* | *700* | *Қувасой, Фарғ. вил.* | | |
| 10 | | *444* | *1000* | | *Тошлоқ, Фарғ. вил.* | | |
| 11 | | *546* | *1000* | *995* | *Пулгон, Фарғ. вил.* | | |
| 12 | | *549* | *1000* | | *Қурғонча, Фарғ. вил.* | | |

*Ўн иккита* *АББ Расулов* *Опер. Олимова*

49-расм. Посилкалар гуруҳига 16-шаклдаги юкхатини тузиш ва расмийлаштириш намунаси

### 5.3.3 Келувчи посилкаларга ишлов бериш

**110** Келган посилкалар почта кузатувчисидан 16-шаклдаги юкхат билан бирга қабул қилинади. Бунда ҳар бир посилкадаги ўровнинг, боғламларнинг, тасма, пломба, муҳрларнинг бутлиги текширилади. Қабул қилинган почтага тилхат берилади. Шундан сўнг посилкаларни қабул қилиб олган алоқа ходими ҳар бир бланкани юкхатдаги ёзув билан, сўнг посилкани бланка билан номма-ном солиштиради.

Бланканинг орқа томонига посилкалар келиб тушган куннинг тақвим тамғаси изи туширилади.

16-шаклдаги юкхатта келиб тушган посилкаларнинг келувчи тартиб рақамлари қўйилади. Шу рақамларнинг ўзи бланкаларининг асосий қисмида, билдиришномаларда ва посилкаларнинг чап ён томонида, 2-шаклдаги ёрлиқ яқинида такрорланади. Кўп бўлимли токчалари бўлган йирик почта алоқаси объектларида посилкаларни жойлаштиришда уларнинг бланкаларида суратда посилканинг келиш рақами, махражда секция рақами кўрсатилади. Келувчи посилкаларнинг тартиб рақамлари ой давомида олиб борилади. Унча катта бўлмаган почта алоқаси объектларида посилкаларга келиш рақамлари қўйилмаслиги мумкин.

Агар посилка бланкасини солиштиришда 16-шаклдаги юкхатда посилканинг қиммати эълон қилинганлиги тўғрисидаги, устама тўлов суммаси тўғрисидаги белгилар йўқлиги аниқланса, алоқа ходими етишмаётган маълумотларни юкхатта киритиб қўяди.

Қайтарилган ёки қайта жўнатилган посилка келганда, 16-шаклдаги юкхатда (посилкалар ёзиладиган сатрда) *«Қ»* ёки *«ҚЖ»* ҳарфлари қўйилади ва тагига чизилади ҳамда қаердан қайтарилгани ёки қайта жўнатилгани кўрсатилади.

**Далолатнома билан расмийлаштирилмаган шикастланган посилкалар почта кузатувчисидан қабул қилиб олинмайди.** Қабул қилмаслик сабаби тўғрисида 16-шаклдаги юкхатта тегишли белги қўйилади (ушбу Қоидаларнинг 504-банди).

**111** Почта алоқаси объектларида берилиши керак бўлган посилкаларнинг билдиришномалари бланкаларидан ажратилади ва элтиб беришга, «Йўқлаб олинадиган» почта жўнатмаларини сақлаш қутисига, почта алоқаси объектларига ўрнатилган абонент жавонлари орқали жўнатишга берилади.

Корхоналар, ташкилотлар, муассасаларга манзилланган посилкаларга билдиришномалар келиш рақамлари бўйича умумий сони кўрсатилиб, 11-шаклдаги реестр билан элтиб беришга узатилади.

Посилкаларга тегишли бланкалар келган куни ва келиш рақамларининг тартиби бўйича почта жўнатмаларининг ҳужжатлари сақланадиган қутига жойланади.

112 Посилкалар бланкалар билан бирга етказишга берилади. Билдиришноманинг орқа томонига элтиб бериш учун ҳақ ва зарур ҳолларда, сақланганлик учун ҳақ ёзиб қўйилади, агар посилка қайтарилган ёки қайта жўнатилган бўлса, у ҳолда уни қайтиб келиш ёки қайта жўнатиш ҳақининг суммаси ҳам ёзиб қўйилади.

Элтиб бериш учун бериладиган посилкалар 55-шаклдаги дафтарга келувчи тартиб рақамлари бўйича ёзилади.

Посилкаларни элтиб бериш учун қабул қилаётган алоқа ходимлари уларнинг оғирликларини, ўровлари, боғламлари, тасмалари, пломбалари, муҳрлари, ёпиштирмаларининг бутлигини текширадилар, 55-шаклдаги дафтарда посилкаларнинг умумий сонини кўрсатиб, ўз имзоларини қўядилар.

Элтиб бериш, сақлаш, қайтариш ва олувчиларга элтиб берилган посилкаларни қайта жўнатиш учун ушбу Қоидаларнинг 117-бандида кўзда тутилган тартибда тўлов ундирилади.

Посилкаларни уйга элтиб бериш тугагандан сўнг алоқа ходими ҳисобот беради. Ҳисоботни қабул қилувчи алоқа ходими элтиб берилмаган посилканинг ўровлари, боғламлари, тасма, пломба, муҳрлари, ёпиштирмаларининг бутлигини, зарур бўлганда, уларнинг оғирлигини ҳам текширади. Ҳисобот 55-шаклдаги дафтарда уни қабул қилувчи ва элтиб берувчининг имзолари билан, элтиб берилмаган посилкаларнинг рақамлари ва санаси кўрсатилиб ҳисоблаб якунланади.

Посилкаларни қайта жўнатиш, қайтариш, сақлаш ва элтиб бериш учун пуллар билдиришноманинг орқа томонида кўрсатиладиган 47-шаклдаги дафтарнинг квитанция нусхалари бўйича почта алоқаси объектининг кассасига топширилади.

Топширилмаган посилкаларга топширилмаганлик сабабларини кўрсатиб 20-шаклдаги маълумотномалар тузилади.

### 5.3.4 Посилкаларни топшириш

113 Посилкалар билдиришноманинг орқа томонидаги олувчининг имзоси билан топширилади. Агар олувчи бир билдиришнома бўйича бир эмас, бир нечта посилка оладиган бўлса, у ҳолда посилкалар сони сўз билан ёзиб кўрсатилади.

Посилкалар тўпламини олувчи корхона, ташкилот ва муассасалар ваколатли шахс кўрсатган ҳужжат тўғрисида белги қўйишлари ва посилкаларни олганликлари тўғрисида билдиришнома-ларнинг бирига нечта посилка олганлиги ва уларнинг келиш рақамлари ёки рақамдан рақамгача бўлганини кўрсатиб имзо чекишлари мумкин.

*«Экспресс»* посилкалари ушбу Қоидаларнинг 91-бандида баён қилинган тартибда берилади. Бунда 22-шаклдаги билдиришномани ёзиб берган алоқа ходимининг фамилияси 116-шакл бланкадаги *«Белги»* устунида кўрсатилади.

114 Алоқа ходими посилкани олувчи иштирокида тарозида тортиб бериши, тегишли ҳолларда эса олувчидан посилкани сақлаш, қайтариш ва посилкани қайта жўнатиш учун ҳақ олиши керак. Ўз имзоси билан олувчи посилкани олганлигини, унинг оғирлиги мослигини, ўрами бутлигини, муҳрлар ва боғламлари бутлигини тасдиқлайди. Посилкани берган алоқа ходими билдиришномада кўрсатилган маълумотларни тақдим этилган ҳужжат маълумотлари билан солиштиради, почта алоқаси объектида қоладиган билдиришномага имзо қўяди.

Посилкани олишда олувчининг талабига кўра алоқа ходими бланкадаги ўз имзоси ва тақвим тамғаси изи билан посилка берилган санани тасдиқлаши шарт.

115 Жойланмалари рўйхат қилинган посилкаларни беришда улар олувчи иштирокида очилади. Очиш шундай амалга ошириладики, бунда муҳр шикастланмаслиги шарт. Посилкалар олувчиларга жойланмалар 107-шакл рўйхатидаги ёзув билан солиштирилгандан сўнг берилади.

Агар посилка очилганда етишмовчилик аниқланса, ичидагилар шикастланганлиги ёки 107-шаклдаги рўйхат йўқлиги маълум бўлса, у ҳолда почта алоқаси объекти бу ҳақда 51-шаклдаги далолатномани тузади, унга олувчи ҳам имзо қўяди. Посилка олувчига далолатноманинг нусхаси билан бирга берилади. Далолатнома шикастланган жойланмани ўрнини қоплаш ва идоравий текшириш учун асос бўлиб хизмат қилади. Посилка ўрови далилий ашё сифатида почта алоқаси объектида қолади.

Посилка жойланмаларининг рўйхати билан бирга ичини очмасдан ҳам берилиши мумкин (агар олувчи билдиришномага бу ҳақда белги қўйган бўлса). **Бундай ҳолда кейинчалик аниқланган етишмовчиликлар ёки жойланмаларнинг шикастланганлиги учун почта алоқаси объектлари моддий жавобгар бўлмайди.**

116 Жўнатувчи томонидан муҳрланган ўрови, боғламлари ва муҳри бут бўлган, берилаётганда оғирлиги мос келадиган посилкалар очилмайди.

117 Белгиланган тарифларга мувофиқ посилкаларни сақлаш, қайтариш ва қайта жўнатиш учун олувчилардан ҳақ ундирилади. Қайтариб берилган посилкани сақлаганлик учун олувчидан олинмаган ҳақ жўнатувчидан ундирилмайди. Агар қайтарилган ёки қайта жўнатилган посилка берилаётган бўлса, жўнатиш ҳақи ундирилади. Ҳақ олишда 47-шаклдаги дафтардан (50-расм) квитанция берилади (почта-касса аппарати, электрон мажмуа), унда посилканинг келувчи рақами ва ҚҚС-суммасини ажратиш билан тўлов суммаси (сўмлар сўз билан, тийин рақам билан) кўрсатилади. Олинган тўлов суммаси ва квитанция рақами билдиришномада ҳам кўрсатилади.

47-шакл

«Ўзбекистон почтаси» Давлат-акциядорлик компанияси

_12_ -сон КВИТАНЦИЯ

306-сон посилкани сақлаш учун

*Аҳмедов* дан

*Ўттиз сўм 00 тийин* олинди

(сўм сўз билан, тийин рақам билан)

*Алиева*

(имзо)

50-расм. 47-шакл дафтаридаги квитанцияни тўлдириш намунаси

118 Оғирлиги кам, ўрови шикастланган (ҳўл бўлган) посилкалар топширилаётганда очилади ва натижалари бўйича 51-шаклдаги далолатнома тузилади, уни алоқа ходимларидан ташқари олувчи ҳам имзолайди. Далолатноманинг нусхаси олувчига жойланмалар билан бирга берилади, далолатноманинг бошқа нусхалари эса посилканинг ўрови билан бирга жойланманинг оғирлигидаги етишмовчилик, алмаштирганлик ёки жойланманинг шикастланиш (бузилиш) сабабини текшириш учун почта алоқаси объектида қолдирилади.

Агар олувчининг аризасига кўра посилка очилганда жойлан-малар бут чиқса, далолатнома тузилмайди, олувчи томонидан билдиришномага *«Эътирозим йўқ»* деган белги қўйилади ва имзо билан тасдиқланади.

Олувчи посилкани очишдан воз кечганда ҳам билдиришномага шундай белги қўйилади.

Далолатнома билан олинган посилкалар олувчининг иштирокида очилади. Агар жойланмалар бут бўлса, у ҳолда посилка умумий белгиланган тартибда топширилади. Жойланмада етишмовчилик бўлса, унинг қолган қисми далолатнома нусхаси билан бирга олувчига у далолатномага имзо қўйгач топширилади, у посилка ўрови билан бирга почта алоқаси ҳудудий ташкилоти, почта алоқаси объекти (почта алоқаси бўғламаси, почтамт)нинг раҳбарига идоравий текширув ва олувчига хабар бериш учун топширилади.

Агар 51-шаклдаги далолатнома билан ҳўл бўлган посилка келганда, у очилгандан сўнг жойланмаларнинг бузилгани (шикастлангани) тасдиқланса, у ҳолда жўнатувчига ёки олувчига амалдаги қоидаларга мувофиқ моддий зарар ўрнини қоплаш учун маблағ тўланади. Шу билан бир пайтда посилка жойланмаларининг бузилиши (шикастланиши)га айбдор бўлганларни аниқлаш ва тўланган тўловнинг суммасини ундириш учун уларга даъво қилиш мақсадида текшириш ўтказилади

## 5.4 Пул ўтказмалари

### 5.4.1 Пул ўтказмаларини қабул қилиш ва расмийлаштириш. Уларни назорат қилишга узатиш

**119** Пул ўтказмалари билан жўнатиш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомалада бўлган пул белгилари ва тўлов топшириқномалари қабул қилинади.

Пул ўтказмалари билан жўнатиш учун қабул қилинадиган пулларнинг умумий суммаси, шунингдек бир бланкадаги пул ўтказмасининг суммаси чегараланмайди.

**120** Умумий суммаси энг кам иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги ва ундан ортиқ ўтказмаларни жўнатувчи корхона, ташкилот ва муассасалардан фақат тўлов топшириқномалари қабул қилинади (51-расм).

Нақд пул ўтказмасидан ҳисоб-китоблар бўйича пул ўтказмалари почта алоқаси объектларида қабул қилинади, уларнинг рўйхати почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқаси боғламаси, почтамт) бўйича буйруқ билан аниқланади.

**121 Тўлов топшириқномалари бўйича пул маблағларини қабул қилиш фақатгина ўтказма маблағлари ва уларни жўнатиш учун тўловлар почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқаси боғламаси, почтамт)нинг банкдаги пул ўтказмаси ҳисобига келиб тушгандан сўнг амалга оширилади.**

**122** Пул ўтказмаларини жўнатишда корхона, ташкилот, муассасалар алоқа ходимига 103-шаклдаги рўйхатнинг икки нусхасини, пул ўтказмаларининг тўлдирилган бланкалари ва тўлов топшириқномаларининг бир нусхасини банк бўлимининг почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқаси боғламаси, почтамт)нинг банкдаги пул ўтказмаси ҳисобига маблағларни ўтказилганлиги тўғрисидаги белгиси билан тақдим этади.

Алоқа ходими почта алоқаси ҳудудий ташкилотининг ёки почта алоқаси объекти (почта алоқаси боғламаси, почтамт)нинг бухгалтериясида жўнатувчидан келган маблағларни текширади.

Алоқа ходими пул ўтказмаларини қабул қилишда:

а) пул ўтказмалари ва почта йиғимлари якуний суммасининг тўлов топширикномасидаги сумма билан рўйхат бўйича мослигини;

б) 103-шаклдаги рўйхатнинг тўғри расмийлаштирилганлигини, унинг биринчи ва иккинчи нусхаларидаги маълумотлар мослигини;

в) пул ўтказмаларининг 103-шакл рўйхатидаги ёзувларга номма-ном мувофиқ келишини, жўнатиш учун тўловларнинг тўғри кўрсатилганлигини;

г) 103-шаклдаги рўйхатда пул ўтказмаларини жўнатувчи корхона, ташкилот, муассасанинг имзоси ва мухрлари борлигини;

0505411002

**54 -ТЎЛОВ ТОПШИРИҚНОМАСИ**

Сана 07 11 2001

Тўловчининг номи *СОБИР - РАХИМОВ ТУМАНИ КЖТ. ТАЪМИНОТ БЎЛИМИ*

ДЕБЕТ

тўловчининг х/р *20210000300123299001*

Тўловчи банкнинг номи СҚБ С РАХИМОВ бўлими — Тўловчи банкнинг коди *00398*

СУММАСИ *4030.50*

Олувчининг номи: *«ТОШКЕНТ ПОЧТАМТИ» АЖ*

КРЕДИТ

Олувчининг х/р *29836000600155274001*

Олувчи банкнинг номи *САКБ АЛОКАБАНК* — Олувчи банкнинг коди *00401*

Суммаси сўз билан *Тўрт минг ўттиз сўм 50 тийин*

Тўлов тавсифи *6/1299 Мухитдинovaга ва 6/1453 Косимовага п/ў Сақлаш муддати ўтгани учун 2001 й. ноябрга нафақа пули қайтарилди*

Раҳбар МИРҲАЛИЛОВ Ю.М

Бош бухгалтер ХАКИМОВА М.А.

М.Ў. БАНК

| Текширилди | Маъқулланди | Банк амалга оширди |
|---|---|---|
| | | |

51-расм Тўлов топшириқномасининг намунаси

д) 103-шаклдаги рўйхат бўйича сумма якунларини пул ўтказмаларининг аниқ ҳисоблаб чиқилган суммаси билан тўғри келишини:

е) пул ўтказмалари бланкаларида «ваколатланганларга» (агар 103-шаклдаги рўйхатларда шундай ёзув бор бўлса) ёзувининг мавжудлигини текширади.

Расмийлаштириш тартибининг бузилиш ҳоллари аниқланганда, 103-шаклдаги рўйхатлар пул ўтказмалари бланкалари билан бирга корхона, ташкилот, муассасага қайта расмийлаштириш учун қайтарилади.

Почта алоқаси бўлими нақд пулсиз пул ўтказмалари қабул қилингандан сўнг келгуси кундан кечиктирмасдан, қабул қилинган тўлов топшириқномаларини хизматга оид буюртмали хат билан почта алоқаси ҳудудий ташкилоти, почта алоқаси объекти (почта алоқаси боғламаси, почтамт)нинг бухгалтериясига 11-шаклдаги алоҳида реестрга қўшимча ёзув билан, унда тўлов топшириқномасининг рақамини, пул ўтказмаларини жўнатган корхона, ташкилот, муассасанинг номини ва тўлов топшириқномасида кўрсатилган суммани кўрсатиб, жўнатади.

**123** Почта орқали пул ўтказиш учун жўнатувчи 112-шаклдаги бланкани (52-расм), тезкорлик билан жўнатилганда эса (телеграф орқали) 114-шаклдаги бланкани тўлдиради (53-расм).

**Пул ўтказмаларини тегишли бўлмаган шакллардаги бланкаларда қабул қилиш қатъиян ман этилади.**

**124** Корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларга, уларнинг ваколатли шахсларига йўлланган пул ўтказмалари бланкаларида олувчиларнинг номидан ташқари уларнинг ҳисоб рақамлари ва шу ҳисоблар мавжуд бўлган банкларининг номи кўрсатилади.

Банк бўлимларининг номига жўнатиладиган пул ўтказмаларида жорий ҳисоб рақамларига пул ўтказиш учун «Қаерга» сатрида: пул ўтказмаси йўлланган жой, банк бўлимининг манзили ва номи, «Кимга» сатрида эса пул ўтказмасини олувчининг номи ва унинг банк бўлимидаги ҳисоб рақами кўрсатилади. Агар пул ўтказмалари фуқароларга йўлланган бўлса, «Кимга» сатрида олувчининг фамилияси, исми ва шарифи тўлиқ ёзилади.

Савдо тушуми пул ўтказмаларида «Кимдан» сатрига жўнатувчининг тамғаси қўйилади.

**125 Пул ўтказмасининг бланкасига ёзилган матнни тузатиш, тозалаш ва устидан бўяшларга йўл қўйилмайди.**

**126** Ҳарбий хизматчиларнинг номига пул ўтказмаларини қабул қилишда алоқа ходими жўнатувчига пуллар, қоидага кўра, почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқаси боғламаси, почтамт) томонидан ҳарбий қисмларнинг банкдаги ҳисоб рақамларига кейин олувчига топшириш учун ўтказилишини тушунтириши шарт. Пул ўтказмалари бўйича пулларни ўтказиш ҳарбий қисмлар томонидан пул ўтказмалар учун ҳужжатларнинг тақдим этилиши бўйича амалга оширилади. Пулларни олувчиларга топшириш муддатларини қисм қўмондонлиги белгилайди.



«Ўзбекистон почтаси»
Давлат-акциядорлик
компанияси

- сон
(Ишончли реестр бўйича)
- сон
(Юборишни реестр бўйича)

Қабул

TOSHKENT 1
024 | 07 | 01

O'ZBEKISTON
27 04 01
* a *
TOSHKENT 1

5/27

1500 сўм
Исмоилова

112-шакл

| Почта алоқаси объектининг номи, назорат-терадьдли муҳр | Жўнатиш жойининг тақвим тамғаси изи | 5-шакл бўйича рақам | Суммаси, хизмат тури, оператори фамилияси |
|---|---|---|---|

Тўланганлари пул қўйилмайди

1500 сўм - тийинга ОДДИЙ ПУЛ ЎТКАЗМАСИ

*Бир минг беш юз сўм*

(сўм сўз билан, тийин рақам билан)

Кимга *Раъно Бакромовна Талиповага*

Қаерга *Гулхаший кўч. 5-уй, 13-хонадон*
*Фарғона ш. 712005*
(индекси ва манзил)

Кимдан Мурод Файзиевич Файзиевдан
Манзил *Бастакор кўч., 15-уй, 2-хонадон*
*Ташкент-116, 700116*
(индекс ва манзил)

(шифр ва имзо)

КИРҚИШ ЧИЗИҒИ

«Ўзбекистон почтаси» Давлат-акциядорлик компанияси

Оддий пул ўтказмасига
ТАЛОН
*1500* сўм - тийин
Кимдан *Мурод*
*Файзиевич Файзиевдан*

Манзил *Бастакор кўч.*
*15-уй, 2-хонадон*
(индекс ва манзил)
*Тошкент-116, 700116*

КИРҚИШ ЧИЗИҒИ

-сон
(11-шакл реестри бўйича)

«Ўзбекистон почтаси» Давлат-акциядорлик компанияси

-сон оддий пул ўтказмаси
(5-ш. бўйича) тўғрисидаги
БИЛДИРИШНОМА

*1500* сўм - тийинга
Кимга *Раъно Бахромовна Толиповага*

Қаерга *Гулхаший кўч. 5-уй, 13-хонадон*
*Фарғона ш. 712005,*
(индекс ва манзил)

Хизматга оид белгилар
(тўланмаслик сабаблари)

дан гача
(олиш жойининг манзили ва вақти)

(пунктир қора чизиқ билан ажратилган жойни жўнатувчи тўлдиради)

52-расм 112-шаклдаги оддий пул ўтказма бланкасини тўлдириш намунаси

"Ўзбекистон почтаси" Давлат-акциядорлик компанияси

114-шакл

____ соат ____ дақиқа
(қабул вақти)

ҚАБУЛ

O'ZBEKISTON TOSHKENT 81 024 03 81

O'ZBEKISTON 23 04 01 a TOSHKENT 81

5/41

*200 сўм*
*Юсупова*

| ТЕЗКОР ПУЛ ЎТКАЗМАСИ | Почта алоқаси объектининг номи, назорат-геральдли мухр | жўнатиш жойининг тақвим тамга изи | 5-шакл бўйича тартиб рақами | Суммаси, хизмат тури, оператор фамилияси, имзоси |
|---|---|---|---|---|

Кимга *Тоҳир Раҳимович Азимовга*

Қаерга *Хушбахт кўч, 18-уй, 11-хонадон*
(тўлиқ манзил, телеграф пункти, почта индекси)
*Самарқанд - 34, 706034.*

*200* сўм - тийин *Икки юз сўм 00 тийин*
(сўм сўз билан, тийин рақам билан)

Кимдан *Алишер Саидович Тўраевдан*

Жўнатувчи манзили *Наққошлик мавзеси, 13-уй, 78-хонадон*
(почта индекси ва тўлиқ манзил)
*Ташкент - 81, 700081*

(хат-хабарлар учун)

Тузатишларга йўл қўйилмайди
Пул ўтказмаларни жўнатишда олувчига пулларни элтиб бериш тўловини тўлаш тавсия этилади

Йўғон қора чизиқ билан ажратилган жойни жўнатувчи тўлдиради

53 - расм 114-шаклдаги тезкор (телеграф) пул ўтказма бланкасини тўлдириш намунаси

Телекоммуникация воситаларига эга бўлмаган почта алоқаси бўлимларига йўлланган тезкор (телеграф) пул ўтказмасини қабул қилишда жўнатувчи манзилидаги почта алоқаси боғламаси (почтамт) дан пул ўтказмаси тўланадиган жойдаги алоқа бўлимигача почта орқали жўнатилиши ҳақида огоҳлантирилади. Бундай ҳолларда телекоммуникация корхоналарининг Алифбо рўйхати бўйича айнан қайси электр алоқа боғламасига тезкор (телеграф) пул ўтказмасини йўллаш кераклиги аниқланади ва жўнатувчига пул ўтказмасида унинг номини кўрсатиш тавсия этилади. Агар тезкор (телеграф) пул ўтказмаси телекоммуникациялар воситалари ҳаракатининг вақти чекланган пунктида қабул қилинса, жўнатувчи бу ҳақда хабардор қилинади.

127 Пул ўтказмасини қабул қилаётган алоқа ходими:

жўнатувчидан пул ўтказмасининг тўлдирилган 112-шакл бланкасини пул билан бирга олиши;

пул ўтказмасининг 112-шакл бланкасида олувчи ва жўнатувчи манзилининг тўлиқ ва тўғри ёзилганлиги, шунингдек почта алоқаси хизматларини кўрсатиш Қоидаларининг 70-бандида кўзда тутилган алоҳида белгиларнинг мавжудлигини текшириши;

бланканинг асосий қисмида (рақамлар ва сўзлар билан) ёзилган сумма талон ва билдиришномада кўрсатилган суммага мос келишини текшириши;

қабул қилинган пулларни ҳисоблаши ва жўнатувчидан жўнатиш учун ҳақ олиши керак. Ёзма хат-хабарли тезкор (телеграф) пул ўтказмасини қабул қилишда хабар учун ҳам ҳақ олиш зарур.

128 Пул ўтказмалари бланкасини тўлдирилиши ва пулларни ҳисоби тўғрилиги текширилгандан сўнг пул ўтказмаси қуйидаги тартибда расмийлаштирилади:

суммаси сўз билан ёзиладиган олдинги ва кейинги бўш жойга чизиқ чизилади ҳамда пул ўтказмаси мўлжалланган манзилнинг тагига чизилади;

пул ўтказмасининг асосий қисмида ва билдиришномада рақамлагич ёки қўл билан пул ўтказмасининг каср сонидан иборат бўлган, сурати-назорат разряди, махражи эса - 5-шакл дафтари бўйича тартиб рақами кўрсатилади.

Алоқа ходими пул ўтказмасига ручка билан ўз имзосини қўяди ва унга тақвим тамғасининг изини туширади. Бундан ташқари, 114-шаклдаги тезкор (телеграф) пул ўтказмасида пул ўтказмасини қабул қилинган соат ва дақиқалари кўрсатилади.

129 Пул ўтказмасини қабул қилиш почта-касса аппарати, электрон мажмуада расмийлаштирилганда бланкада қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

пул ўтказмаси операциялари бўйича почта алоқаси объектига берилган муҳрнинг рақамли белгиси, назорат разряди, йил, кун, ой;

қабул қилиш жойидаги почта алоқаси объектининг номи;
қабул қилинган пул ўтказмасининг рақами ва суммаси;
операция шифри ва алоқа хизматларининг рақамли белгиси.

Билдиришномада пул ўтказмасининг рақами қўлда ёки рақамлагичда қўйилади.

**130** Қабул қилинаётган пул ўтказмалари 5-шаклдаги дафтарга (ундан жўнатувчига квитанция берилади) нусха кўчирувчи қоғоз орқали ёзилади ва ундан жўнатувчига квитанция берилади. «Алоҳида белгиси» сатрида пул ўтказмасининг тури (оддий ёки тезкор) кўрсатилади. Тезкор (телеграф) пул ўтказмасини қабул қилишда қабул соати ва дақиқалари қўшимча равишда кўрсатилади (54 а-расм).

Пул ўтказмаси почта-касса аппарати, электрон мажмуада қабул қилинганда 54 б-расмга мувофиқ расмийлаштирилган квитанция берилади.

Агар пул ўтказмаси рақамга эга бўлган почта алоқаси объектига жўнатилаётган бўлса, квитанцияда унинг рақами албатта кўрсатилади.

Тегишли ҳолларда «Алоҳида белгиси» сатрида *«Тушум пули»*, *«Пенсия»*, *«Элтиб бериш билан»*, *«Хабарнома билан»* (тааллуқлилиги бўйича) ва бошқалар кўрсатилади.

Ёзма хабари бўлган тезкор (телеграф) пул ўтказмасини қабул қилаётганда алоқа ходими квитанциянинг юқори қисмида сўзларнинг сонини рақам билан кўрсатади.

Пул ўтказмасининг суммаси сўз билан ёзилгандан сўнг қолган бўш жой чизиб қўйилади. Белгиланган жойда жўнатиш учун тўлов суммаси ҚҚС суммасини ажратиш билан кўрсатилади.

**131** Пул ўтказмаларини нақд пулсиз ҳисоб-китоблар (тўлов топшириқномалари) билан қабул қилишда 5-шаклдаги квитанцияларда ва уларнинг нусхаларини юқори қисмида «Нақд пулсиз ҳисоб-китоб» деб қўлда ёзилади ёки шу матнли тамға изи туширилади.

**Квитанцияларда ва уларнинг нусхаларида тозалаш ва тузатишларга, шу жумладан изоҳ беришга рухсат этилмайди.** Агар хатога йўл қўйилган бўлса, у ҳолда квитанция ва унинг нусхаси ручка билан диагонали бўйича чизиб ташланади ва алоқа ходими томонидан имзоланади. Устига чизилган квитанциялар ва уларнинг нусхалари 5-шаклдаги дафтардан ажратиб олинмайди. Янги квитанцияга бекор қилинган квинтанциянинг рақами берилади.

**132** Пул ўтказмасини почта-касса аппарати, электрон мажмуада қабул қилинишини расмийлаштиришда жўнатувчига квитанция берилади, унда қўшимча равишда пул ўтказмасининг манзили, олувчининг фамилияси ёки ташкилот номи кўрсатилади, квитанциянинг бўш жойига қўлда «*шу жумладан ҚҚС______сўм______ тийин*» деб ёзилади.

5 шакл

«Ўзбекистон почтаси» Давлат-акциядорлик компанияси

*5/47* - сон КВИТАНЦИЯ

*14.35*

почта пул ўтказмасининг

қабули *Тезкор элтиб бериш билан*

(алоҳида белгиси)

Суммаси *Икки минг сўм*

(сўм сўз билан, тийин рақам билан)

| сўм | тийин |
|---|---|
| *2000* | - |

Қаерга *Нукус 15*

Кимга *Ахмедовага*

Тўлов *680* сўм *00* тийин Қабул қилди *Маҳмудова*

(имзо)

Шу ж. ҚҚС *113* сўм *33* тийин

а)

ТОШКЕНТ
ПОЧТАМТИ

КВИТАНЦИЯ 11 07 01

ҚАЕРГА Нукус 15

КИМГА Аҳмедовага

ОПЕРАТОР Маҳмудова

0047 . . . . . 2000.00 0 14
. . . . 680.00 2
. . . . 2680.00. .

Шу жум. ҚҚС 113 сўм 33 тийин

54-расм Қабул қилинган тезкор пул ўтказмасига 5-шаклдаги квитанцияни тўлдириш намунаси а) қўлда; б) почта-касса аппаратида, электрон мажмуада

**133** Қабул қилинган почта пул ўтказмалари белгиланган муддатларда назоратга берилади, тезкор (телеграф) ўтказмалари эса - қабул қилингандан сўнг дарҳол 5-шаклдаги дафтарга имзо қўйилиши билан (почта-касса аппаратида, электрон мажмуада қабул қилинганлари - 11 - шаклдаги реестр бўйича) назорат учун берилади.

Пул ўтказмаларини қабул қилиш, назорат қилиш, саралаш ва жўнатиш турли иш ўринларида амалга ошириладиган почта алоқаси объектларида пул ўтказмаларини қабул қилиш кассаларидан назорат қилишга ва саралашга ўтказиш икки нусхада тузиладиган 11-шаклдаги реестр бўйича амалга оширилади. Реестрда ҳар бир пул ўтказмасининг рақами (назорат разрядининг рақамисиз, фақат маҳражи) ва суммаси кўрсатилади. Тезкор (телеграф) пул ўтказмаларини ёзишда суммадан сўнг - «*Тез*», олинганлиги тўғрисидаги хабарномали пул ўтказмаларида - *«Хабарнома»* (тааллуқлиси бўйича) деб ёзилади. Шундан сўнг ёзилган пул ўтказмаларининг жами сони рақамлар билан якунланади. Реестр уни тузган алоқа ходими томонидан имзоланади. Реестрнинг иккала нусхасига пул ўтказмалари қабул қилинган сана кўрсатилган тақвим тамғаси изи босилади.

Пул ўтказмаларининг қабул қилиш бир нечта кассаларда амалга ошириладиган почта алоқаси объектларида ҳар битта касса учун алоҳида 11-шаклдаги рўйхат тузилади.

### 5.4.2 Пул ўтказмаси телеграммаларини тузиш

**134** Қабул қилинган тезкор (телеграф) пул ўтказмасига белгиланган муддатда ёзув машинкасида ёки қўлда ўчиришсиз ва тузатишларсиз 120-шаклдаги пул ўтказма телеграммаси бир нусхада тузилади (55-расм).

Пул ўтказма телеграммаси қуйидаги тартибда тузилади.

Хизмат сарлавҳасида пул ўтказмасининг жўнатиш жойи почта алоқаси объектининг номи почта алоқаси объектларининг Алифбо рўйхатининг биринчи устунига қатъий равишда бош келишикда ёзилади; 26-шаклдаги назорат дафтари бўйича (56-расм) телеграмманинг тартиб рақами; сўзлар сони, куни ва каср чизиғидан кейин ойи кўрсатилади.

Агар пул ўтказмасини қабул қилиш маскани вилоят маркази ёки Тошкент, Нукус шаҳарлари бўлмаса, сарлавҳага қўшимча равишда вилоят номи (Қорақалпоғистон Республикаси) кўрсатилади. Рақамга эга бўлган почта алоқаси объектида телеграммани тузишда телеграмманинг рақамига сурат қилиб почта алоқаси объектининг рақами қўшилади.

______-сон бланка 120-шакл

**ПУЛ ЎТКАЗМАСИ ТЕЛЕГРАММАСИ**

*Андижон* дан
(вилоят, почта алоқаси объекти)

*5/7* -сон *29* сўз *7 август* да *09* соат 15 дақ.

Хизматга оид белгилар

УЗАТИШ

да ______ соат ______ дақ.
да ______ соат ______ дақ.

Иш жойининг рақами

Қабул жойининг автожавоби

Ўзатди

*Тошкент-77 Догистон эллик тўрт*

*154-01-00 пул ўтказма = бир каср саккиз икки*

*Адолат Эргашевна Юнусовага 45 қирқ беш*

*Эргашевдан қтқ келиш вақтимни маълум қиламан*

*қтқ АББ 5 Очилова*

Жўнатувчининг номи ва манзили *Эргашев Саид Эргашевич*

*Андижон ш. 5, Бобур кўчаси, 45*



(Назорат-гердли муҳр изи)

55 - расм Пул ўтказмаси телеграммасини тузиш намунаси

Пул ўтказмаси телеграммасининг манзилида қуйидагилар кўрсатилади: почта алоқаси объектларининг Алифбо рўйхатига мувофиқ пул ўтказмаси мўлжалланган манзил номи, рақами сонлари билан ёки почта алоқаси объектининг номи (вилоят маркази ҳисобланмаган масканлар учун ёки Тошкент, Нукус шаҳарлар пунктлари учун) қўшимча равишда вилоят (Қорақалпоғистон Республикаси)нинг номи, кўчанинг номи, уй ва хонадон рақами ёки ҳарбий қисм рақами, фойдаланувчи қутисининг рақами сўз билан кўрсатилади, масалан: *«Бир юз ўттизинчи фойдаланувчининг қутиси»* ва ш.к., пул ўтказмаси *«Йўқлаб олинадиган»*га манзилланганда *«Йўқлаш»* деб кўрсатилади.

| Кун, ой | т/р | 5-шаклдаги дафтар ёки почта-касса аппарати электрон мажмуа бўйича рақами | Қаерга | Жўнатувчидан қабул қилиш вақти | | Телеграфда қабул қилиш вақти | | Қабул қилишдаги тилхат |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | соат | дақ | соат | дақ | |
| *2/II* | *1* | *2/7* | ***Бухоро*** | *11* | *05* | *11* | *20* | ***Маҳмудова*** |
| *-//-* | *2* | *2/15* | ***Андижон*** | *13* | *30* | *13* | *45* | ***Маҳмудова*** |
| *-//-* | *3* | *2/25* | ***Термиз*** | *16* | *10* | *16* | *25* | ***Маҳмудова*** |
| | | | ***Жами*** | *уч* | телеграф билан солиштирдим | | | |
| | | | | ***Очилова*** | | | | |

56 - расм 26-шаклдаги назорат дафтарига пул ўтказма телеграммаларни ёзиш намунаси

Корхона, ташкилот ва муассасаларга манзилланган пул ўтказма телеграммаларини почта алоқасининг ҳудудий ташкилотлари ёки почта алоқаси объектлари (почта алоқаси боғламаси, почтамт)га йўллаш керак, масалан: *«Бухоро», «Бухоро почтаси», «Хоразм Хива ПАБ».*

Тезкор (телеграф) пул ўтказмасининг тоифаси ва тури тўғрисидаги белгилар манзил олдида кўрсатилади.

**Мисол** - *Шошилинч Бухоро 6 Мустақиллик икки хонадон тўрт...*
*Тезкор (телеграф) хабарнома Тошкент вилояти Тўй-Тепа Охунбобоев беш*

Пул ўтказма телеграмманинг матнида қуйидагилар кетма-кет кўрсатилади:

назорат-геральдли муҳрга ёки почта касса аппарати тамғасига мувофиқ почта алоқаси объектининг олтита рақамли белгиси рақамлар

билан (масалан - 024-07-96 ёки 024-05-21); *«пул ўтказмаси»* сўзи, бўлиниш (=) белгиси, пул ўтказмасининг 5-шаклдаги дафтар бўйича ёки почта- касса аппарати, электрон мажмуа квитанцияси бўйича рақами (ҳар бир рақам сўз билан кўрсатилади, масалан: *«бир тақсим саккиз уч бир»*); пул ўтказмасини олувчининг фамилияси, исми ва шарифи, миллий хусусиятларига кўра отасининг исми ёзилмайдиган ҳолларда (корхона, ташкилот, муассасанинг номи, шунингдек ҳисоб рақамлари рақам билан ва банк бўлими ёки унинг филиали номи); пул ўтказмасининг суммаси (сўм - рақам ва сўзлар билан, тийин - рақамлар билан); жўнатувчининг фамилияси ёки номи ва *«дан»* сўзи, ҳар бир рақами сўз билан кўрсатиладиган шифр ёзилади. Жўнатувчининг ёзма хабарининг матни шифрдан кейин келтирилади. Ёзма хабардан олдин ва унинг охирида *«қшт»* хизмат белгилари қўйилиб, улар учун жўнатувчидан тўлов олинмайди.

135 Пул ўтказма телеграммалари почта алоқаси объекти (алоқа бўлими) бошлиғи (ўринбосари), йирик объектларда эса почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқаси боғламаси, почтамт) раҳбарининг буйруғи билан тайинланган алоқа ходимлари томонидан назорат қилинади ва имзоланади. Бу шахслар имзоларининг намунаси телеграфга берилади. Телеграмма матнида телеграммани имзоловчи алоқа ходимининг лавозими ва фамилияси албатта кўрсатилади.

Тезкор (телеграф) пул ўтказмаларида почта алоқаси объектлари бошлиқларининг лавозимларини қисқача аташ учун қуйидаги шартли белгилар қабул қилинган:

почта алоқа боғламаси бошлиғи - АББ;
почтамт бошлиғи - ПБ;
бўлим бошлиғи - ББ;
пул ўтказмаларига ишлов бериш участкаси (цехи) бошлиғи - ЦБ;
суғуртали почтага ишлов бериш участкаси (цехи) бошлиғи - СБ.

Бошлиқ ўринбосарлари лавозимларини қисқача аташ учун «Ў» ҳарфи қўшилади, масалан: ББЎ, ПБЎ, АББЎ, ЦБЎ, оператор лавозими эса - ОПР.

Рақамга эга бўлган почта алоқаси объектларида тузиладиган пул ўтказма телеграммаларида имзо чекувчининг фамилияси олдида почта алоқаси объектининг рақами сонлар билан кўрсатилади.

Пул ўтказма телеграммасининг охирида (чизиқча остида) пул ўтказмасини жўнатувчининг тўлиқ манзили ва номи кўрсатилади. Бу маълумотлар телеграф орқали узатилмайди.

Бир жўнатувчидан қабул қилинган тезкор (телеграф) пул ўтказмалари тўпламига пул ўтказма телеграммаларини тузишда жўнатувчининг номи ва унинг тўлиқ манзили рўйхат бўйича биринчи пул ўтказма телеграммасида кўрсатилади, қолганларида эса телеграмманинг 26-шаклдаги назорат дафтарининг рақами ҳавола қилинади.

### 5.4.3 Жўнатилаётган пул ўтказмаларини назорат қилиш ва жўнатиш

**136** Назорат қилишда пул ўтказмалари 5-шакл дафтаридаги ёзувлар билан рақами, суммаси, манзили ва олувчининг фамилияси (номи) бўйича солиштирилади. Пул ўтказмаларида квитанцияларнинг «Алоҳида белгиси» сатрида кўрсатилган белгиларнинг мавжудлиги, жўнатиш учун тўловнинг тўғри ҳисобланганлиги текширилади.

5-шаклдаги дафтарнинг охирги квитанция нусхасининг бўш жойига назорат қилувчи шахс: *«. . . сондан . . . - сонгача текширдим ва қабул қилдим»* белгисини қўяди ва уни имзолайди.

Шундан сўнг пул ўтказмаларини қабул қилиш ва расмийлаштиришнинг тўғрилиги, шунингдек пул ўтказма телеграммалари тузилишининг тўғрилиги текширилади.

Пул ўтказмасини жўнатиш учун тўлов тўла олинмаганлиги аниқланганда, 5-шаклдаги квитанция нусхасининг бўш жойига айбдор ходимнинг ҳисобидан шу суммадаги почта маркалари ёпиштирилади, улар ручкада хочсимон чизиш билан ҳисобдан чиқарилади.

Почта-касса аппаратида, электрон мажмуада қабул қилинган жўнатилаётган пул ўтказмаларини назорат қилиш алоҳида йўриқномага мувофиқ амалга оширилади.

Шифрланиши керак бўлган пул ўтказмаларининг белгиланган жойида шифр кўрсатилади.

**137** Текширилган ҳар бир пул ўтказмасида, шунингдек пул ўтказма телеграммасида назорат-геральдли муҳрнинг изи аниқ босилади. Агар муҳрнинг биринчи босилган изи ноаниқ чиққан бўлса, у ҳолда пул ўтказмасининг бўш жойига иккинчи изи туширилади, биринчисининг устидан ручкада хочсимон равишда чизилади.

Шунингдек почта-касса аппарати тамғасининг изи ноаниқ босилган пул ўтказмаларига ҳам Назорат-геральдли муҳрнинг изи туширилади. Бунда касса аппарати муҳри изининг устидан чизилмайди.

**138** Назорат-геральдли муҳр (почта-касса аппарати муҳри) йўқотилган ёки ўғирлатилган ҳолларда, янгиси олингунга қадар почта алоқаси объектлари тезкор (телеграф) пул ўтказмаларини қабул қилишни тўхтатадилар. Оддий пул ўтказмаларини қабул қилишда эса почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқаси боғламаси, почтамт)нинг думалоқ муҳридан фойдаланадилар, унинг изи пул ўтказмасидаги назоарт-геральдли муҳр учун манзилига туширилади. Бу муҳр изининг остига ручкада янги рақамли белги ва *«Назорат-геральдли муҳр йўқолгани учун»* матни ёзилади. Бу маълумотларни почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқаси боғламаси, почтамт)нинг бошлиғи (ўринбосари) имзолайди.

Почта алоқаси объектларида (алоқа бўлимларида) янги назорат-геральдли муҳр (почта-касса аппарат муҳри) олингунга қадар пул ўтказмаларини почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқаси боғламаси, почтамт) кассасида қабул қилиниши ҳақли равишда белгиланади.

Бу ҳолда почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқаси боғламаси, почтамт) почта алоқаси объектига (алоқа бўлимига) пул ўтказмаларини рақамлашни ушбу Қоидаларнинг 37-бандига мувофиқ ажратади. Қабул қилинган пул ўтказмаларининг рақамлари, суммаси ва манзилланган жойининг манзилини кўрсатиб 11-шаклдаги реестрга қўшиб ёзган ҳолда почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқа боғламаси, почтамт)га назорат қилиш учун ҳар куни жўнатилади. Реестрнинг юқорисига *«Назорат қилиш учун»* белгиси қўйилади.

11-шаклдаги реестрнинг биринчи нусхаси пул ўтказмалари билан бирга конвертга жойланади, унинг устига *«Пул ўтказмалар буюртмали йиғиндиси назорат учун»* ёзуви ёзилади, иккинчи нусхаси эса почта алоқаси объекти (алоқа бўлими)да қолади.

**139** Почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқаси боғламаси, почтамт)да пул ўтказмалари йиғин–дилари очилади, пул ўтказмалари 11-шаклдаги реестр билан номма-ном солиштирилади. Расмийлаштиришнинг тўғрилиги текширил-гандан сўнг, ҳар бир пул ўтказмасида почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқаси боғламаси, почтамт)нинг назорат-геральдли муҳри изи туширилади, сўнгра пул ўтказмалари белгиланган тартибда манзилдаги почта алоқаси объектига жўнатилади. Пул ўтказмалари билан бирга келган 11-шаклдаги реестрлар расмийлаштириш учун алоҳида тўпламга тикилади.

Почта алоқаси объекти (алоқа бўлими)дан 11-шаклдаги реестрлар ва 5-шаклдаги дафтарлар бўйича пул ўтказма операциялар ҳисоботи олиниши билан пул ўтказмалари бўйича суммалари тўғри кирим қилинганлиги текширилади. Ҳисобот даври учун охирги текшириш натижаси ҳақида 11-шаклдаги реестрга *«5-шаклдаги дафтар бўйича текширилди»* дейилган белги қўйилади, унга назорат қилувчи шахс имзо қўяди.

**140** Агар почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқаси боғламаси, почтамт) ёки ПУИНҚМ да назорат ўтказилганда йўқотилган (ўғирлатилган) назорат-геральдли муҳрлар ёки почта- касса аппарати муҳрининг изи туширилган қалбаки пул ўтказмалари жўнатилгани аниқланса, бу ҳақда дарҳол «Ўзбекистон почтаси» Давлат-акциядорлик компаниясига тахминан қуйидагича мазмунда кодланган телеграмма жўнатилади:

*Арнасой Жиззах 651/55 18 14 1255 =*
*Тошкент Ўзбекистон почтаси ДАК*
*Арнасой Жиззах ўн тўртинчи мартдаги наказ*
*156-11-00 рақамли нарез*
*2001 йил ўн тўртинчи март = АББ Зокиров -*

**141** Пул ўтказма телеграмалари 26-шаклдаги назорат дафтарига ёзилади. Бу дафтарга ёзувнинг тартиб рақами пул ўтказма телеграммасида ва 114-шаклдаги тезкор (телеграф) пул ўтказмасининг орқа томонида кўрсатилади.

26-шаклдаги назорат дафтарлари телеграф алоқаси мавжудлигидан қатъи назар, тезкор (телеграф) пул ўтказмаларини қабул қилишни амалга оширувчи барча почта алоқаси объектларида олиб борилади. Пул ўтказма телеграммалари 26-шаклдаги назорат дафтари бўйича ой давомида рақамланади.

**142** Пул ўтказма телеграммалари белгиланган назорат муддатларида 26-шаклдаги назорат дафтарида имзо билан телеграфга берилади.

*«Жўнатувчидан қабул қилиб олинган вақт»* устуни почта алоқаси ходими томонидан, *«Телеграфда қабул қилиб олинган вақт»* устуни эса телеграф ходими томонидан тўлдирилади. Телеграфда қабул қилиб олинган вақт пул ўтказма телеграммасининг хизмат сарлавҳаси остида қўйилган вақтта мос келиши керак.

Ҳар куни иш вақти тугаши билан телеграфга берилган пул ўтказма телеграммалари сонини ўзаро текшириш амалга оширилади, бу ҳақда назорат қилувчи шахс 26-шаклдаги дафтарга белгилаб қўяди.

**Телеграфи бўлмаган почта алоқаси объектлари пул ўтказма телеграммаларини телефон орқали узатадилар ёки телеграфи бўлган энг яқин почта алоқаси объектига ўз қўли билан ёки телеграфга элтиб берилади.** Ўз қўли билан элтиб беришда пул ўтказма телеграммалар 11-шаклдаги реестр нусхасига имзо қўйиб топширилади, бу нусхада пул ўтказмасини қабул қилган почта алоқаси объекти томонидан пул ўтказма телеграммасининг тартиб рақами, пул ўтказмасининг рақами (5-шаклдаги дафтар ёки почта- касса аппарати, электрон мажмуа бўйича), манзили, жўнатувчидан қабул қилиб олинган сана ва вақт (соат, дақиқа) кўрсатилади. Телеграф алоқаси бўлган почта алоқаси объектлари ёки телеграф почта алоқаси объектидан телеграммани қабул қилишда қабул қилиш санаси ва вақти (соат, дақиқа)ни ёзади.

**Телеграфи бўлмаган почта алоқаси объектлари (қишлоқ алоқаси бўлимлари) пул ўтказма телеграммаларини ўзи билан бевосита телефон алоқасига эга бўлган телеграф корхонасига телефон орқали узатади (телефон алоқаси бўлмаганда аввалги хат бошида кўрсатилган тартибда 11-шаклдаги реестрга илова қилиб почта орқали жўнатади).**

**143** Пул ўтказма телеграммаларини телефон орқали узатиш тартиби почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқаси боғламаси, почтамт) раҳбарининг буйруғи билан ўрнатилади, бу буйруқ асосида қайси почта алоқаси объектлари ўртасида телеграмма узатилиши, шунингдек телефон орқали пул ўтказма телеграммаларини узатиш ва қабул қилиш топширилган алоқа ходимларининг фамилиялари ҳам аниқланади.

Телефон орқали узатилган ҳар бир пул ўтказма телеграммаси бўйича қайтадан тўлиқ текширув ўтказилади. Пул ўтказма телеграммасининг олд қисмида узатиш амалга оширилган кун, ой, соат ва дақиқа, шунингдек телеграммани узатиш ва қабул қилишда иштирок этган алоқа ходимларининг фамилиялари ёзилади.

Телефон орқали узатилган пул ўтказма телеграммалари ой давомида тикиб борилади. Ҳар куни охирги пул ўтказма телеграмманинг орқа томонида ушбу операция куни учун узатилган пул ўтказма телеграммаларининг умумий сони кўрсатилади. Бу маълумотлар телефон орқали иш куни якунида солиштирилади, бу ҳақда пул ўтказма телеграммаларни узатиш ва қабул қилишда иштирок этган алоқа ходимларининг имзоси билан *«Якунлар солиштирилди»* белгиси қўйилади.

**144** Назоратдан ўтказилгандан сўнг оддий ва тезкор (телеграф) пул ўтказмалари белгиланган муддатларда 11-шаклдаги реестрнинг биринчи нусхаси билан бирга реестр нусхасидаги тилхат билан саралашга узатилади. Бунда оддий пул ўтказмалари букиш чизиғи бўйлаб эҳтиётлик билан иккига букилади. Тилхатда пул ўтказмаларини саралаш учун қабул қилиб олинган сана ва вақт кўрсатилади.

Почта алоқаси объектлари (алоқа бўлимлари) пул ўтказмаларини почта алоқаси объектларига (почта алоқаси боғламаси, почтамт, вилоят марказлари, Тошкент, Нукус шаҳарлари алмашув пунктларига) буюртмали жўнатмалар йиғиндиларда, икки нусхада тузиладиган 11-шаклдаги реестрга илова қилиб жўнатадилар, унда ҳар бир пул ўтказмасининг рақами, суммаси ва манзили кўрсатилади. 11-шаклдаги реестрларда сони ва суммаси бўйича якунлар рақамлар билан ёзилади.

**145** Почта алоқаси объектлари (почта алоқа боғламалари, почтамтлар, алмашув пунктлари)да халқаро пул ўтказмаларидан ташқари, пул ўтказмалари сараланади, беркитилади ва ушбу Қоидаларнинг 52-54 бандларига мувофиқ ёзма хат-хабарлар билан бирга жўнатилади.

**146** Қабул қилинган пул ўтказмаларини 5-шаклдаги дафтарга ёзиб борилишига кўра, унда бир иш куни (навбатчилик)да қабул қилинган пул ўтказмалари суммаларининг бетма-бет ҳисобланадиган ўсиб борувчи якунлари ва алоҳида жўнатиш учун олинган тўлов суммалари ҳамда ҚҚС суммалари ҳисоблаб чиқилади. Бетма-бет

ҳисобланган натижалар нақд пуллар ва тўлов топшириқномалари бўйича алоҳида якунланади. Якунлар ҳар бир бетнинг охирида рақамлар билан ёзилади.

Иш куни (навбатчилик) давомида квитанцияларнинг охирги нусхасидан (агар икки ва ундан ортиқ пул ўтказмалари қабул қилинган бўлса) қабул қилинган пул ўтказмаларининг сони ва суммалари, шунингдек жўнатиш учун тўлов ва ҚҚС суммасининг якуни (рақамларда) кўрсатилади.

Пул ўтказмалари, жўнатиш учун тўловлар ва ҚҚС суммалари бўйича якунлар қабул қилинган нақд пуллар ва пул ўтказиш (тўлов топшириқномалари) бўйича алоҳида якунланади. Кейин пул ўтказмаларини қабул қилиш, жўнатиш учун тўлов ва ҚҚС суммаси бўйича нақд пуллар ҳамда тўлов топшириқномаларининг биргаликдаги умумий якуни кўрсатилади.

Якунлар пул ўтказмаларини қабул қилиб олган алоқа ходими ва назорат қилувчи шахс томонидан имзоланади.

**Мисол** - Иш куни якунларининг хулосасини чиқариш:

*Нақд пул билан 7500 сўм 50 тийинлик 15 та пул ўтказмаси, жўнатиш учун тўловга 450 сўм 03 тийин, шу жумладан ҚҚС-90 сўм 00 тийин қабул қилинди.*

*Тўлов топшириқномлари билан 11440 сўм 80 тийинлик 22 та пул ўтказмаси, жўнатиш учун тўлов 1144 сўм 08 тийинлик, шу жумладан ҚҚС - 228 сўм 81 тийин.*

*Жами 18941 сўм 30 тийинлик 37 та пул ўтказмаси, жўнатма тўлови учун 1594 сўм 11 тийин, шу жумладан ҚҚС - 318 сўм 81 тийин*

*Бўлим бошлиғи* — *Тўлаганов*
*Оператор* — *Хасанова*

**147** Ойнинг охирги куни 5-шаклдаги дафтарда қабул қилинган бир кунлик пул ўтказмаларининг якунидан сўнг амалда жорий қилинмаган квитанцияларнинг нусхаларида (агар улар бўлмаса 5-шаклдаги дафтар муқовасининг ички томонида) пул ўтказмалари-нинг сони ва суммаларининг бир ойлик якунлари, шунингдек жўнатиш учун тўловларнинг суммалари ва ҚҚС суммалари рақамлар билан кўрсатилади. Қабул қилинган пул ўтказмалари суммаларининг якунлари, шунингдек жўнатиш учун тўлов суммалари ва ҚҚС суммалари рақамлар ва сўзлар билан нақд пуллар бўйича, ҳамда тўлов топшириқномалари бўйича алоҳида якунланади. Чиқарилган якунлар назорат қилувчи шахснинг имзоси билан, алоқа бўлимларида эса бўлим бошлиғи (ўринбосари)нинг имзоси билан тасдиқланади. Ёзувлар ручка

билан бажарилади. 5-шаклдаги дафтар натижаларининг бухгалтерлик ҳисобига мос келиши, шунингдек почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқаси боғламаси, почтамт) бош бухгалтерининг имзоси билан тасдиқланади.

**Мисол** - Бир ой якунларининг хулосасини чиқариш:

*Бир ой учун 60000 сўм 40 тийинлик 200 та пул ўтказмаси қабул қилинган, жўнатиш учун тўловга 3600 сўм 02 тийин, шу жумладан ҚҚС - 720 сўм 00 тийин, тўлов топшириқномалари билан 42165 сўм 80 тийинлик 116 та пул ўтказмаси, жўнатиш учун тўловга - 4216 сўм 58 тийинлик, шу жумладан ҚҚС - 843 сўм 31 тийин. Жами 102166 сўм 20 тийинлик (Бир юз икки минг бир юз олтмиш олти сўм 20 тийин), жўнатиш учун тўлов - 7816 сўм 60 тийин (Етти минг саккиз юз ўн олти сўм 60 тийин), шу жумладан ҚҚС - 1563 сўм 31 тийин (Бир минг беш юз олтмиш уч сўм 31 тийин)*

| | |
|---|---|
| *Почта алоқаси объектининг бошлиғи* | *Тулаев* |
| *Оператор* | *Йулчиев* |
| *Бош бухгалтер* | *Бекназаров* |

**148** Бир вақтда 5-шаклдаги дафтарлардан бир нечтаси тутиладиган почта алоқаси объектларида асосий дафтарда бир ойлик якун чиқарилгандан сўнг, бошқа (қўшимча) 5-шаклдаги дафтарлар бўйича қабул қилинган пул ўтказмаларининг сони, суммаси, ҚҚС суммаларини ажратиш билан жўнатиш учун тўловлар кўрсатилади. Шундан сўнг, барча 5-шаклдаги дафтарлар бўйича алоҳида нақд пуллар, тўлов топшириқномаларининг якуни, шунингдек умумий якунлар рақамлар билан ёзилиб, сўз билан такрорланади ва мансабдор шахслар томонидан имзоланади (ушбу Қоидаларнинг 147-банди).

**Мисол** - Бир нечта 5-шаклдаги дафтарлар бўйича якунларнинг хулосасини чиқариш:

*Бир ой мобайнида асосий дафтарлар бўйича 300 та пул ўтказмалари қабул қилинди: нақд пуллар билан 38200 сўм 50 тийин, жўнатиш учун тўловлар 2299 сўм 03 тийин, шу жумладан ҚҚС - 458 сўм 40 тийин, тўлов топшириқномалари билан 48165 сўм 30 тийин, жўнатиш учун тўловлар 4816 сўм 53 тийин, шу жумладан ҚҚС - 963 сўм 31 тийин; бошқа дафтар бўйича 40та пул ўтказмалари: нақд пуллар билан - 18000 сўм 50 тийин, жўнатиш учун тўловлар 1080 сўм 03 тийин, шу жумладан, ҚҚС-216 сўм 00 тийин.*

*Бир ойда барча дафтарлар бўйича 104366 сўм 30 тийинлик (Бир юз тўрт минг уч юз олтмиш олти сўм 30 тийин) 340 та пул*

*ўтказмаси, жўнатиш учун тўлов 8 188 сўм 59 тийин (саккиз минг бир юз саксон саккиз сўм 59 тийин), шу жумладан ҚҚС-1637 сўм 71 тийин (Бир минг олти юз ўтиз етти сўм 71 тийин) қабул қилинган. Шу жумладан нақд пуллар билан 56201 сўм 00 тийин, жўнатиш учун тўловлар 3372 сўм 06 тийин; тўлов топшириқномалари билан 48165 сўм 30 тийин, жўнатиш учун 4816 сўм 53 тийин.*

| | |
|---|---|
| *Почта алоқаси объектининг бошлиғи* | *Жумаев* |
| *Оператор* | *Убаев* |
| *Бош бухгалтер* | *Таубаев* |

149 Ҳисобот даври тугаши билан 5-шаклдаги дафтарларда фойдаланилмай қолган квитанциялар диагонал бўйича ручка билан хочсимон чизилади. Почта алоқаси объектлари (почта алоқаси боғлама-лари, почтамтлар)да бу ишларни пул ўтказмаси операцияларини назорат қилувчи шахслар, алоқа бўлимларида эса бўлим бошлиқлари (ўринбосарлари) бажарадилар.

**Текширилган 5-шаклдаги дафтарлар ПЎИНҚМга жўнатилгунга қадар таъминланган тартибда назорат қилувчи шахсда сақланади.**

### 5.4.4 Келувчи оддий пул ўтказмаларини қабул қилиш, назорат қилиш ва уларга ишлов бериш

150 Манзилланган почта алоқаси объектларида хат-хабар йигиндилари очилгандан сўнг пул ўтказмалари назорат қилувчи шахсга алоҳида тузилган реестр бўйича берилади, бу реестрга пул ўтказмаларининг умумий сони ёзилади.

151 Келувчи пул ўтказмаларини назорат қилишда уларнинг қабул қилиниш жойларидаги почта алоқаси объектларида тўғри расмийлаштирилганлиги текширилади. Бундан ташқари, почта-касса аппаратларида расмийлаштирилган пул ўтказмаларининг муҳрида кўрсатилган суммаси жўнатувчи томонидан ёзилган суммага тўғри келиши ҳамда тегишли ҳолларда пул ўтказмаларининг шифрлари текширилади.

152 Тўловни тасдиқлаш учун назорат қилувчи шахс ҳар бир пул ўтказмасининг белгиланган жойига имзо чекади, қайта пул ўтказиши лозим бўлган ва нотўғри расмийлаштирилган пул ўтказмалари бундан мустасно. Қолганлари назорат қилувчи шахсда сақланади. Пул ўтказмалари гуруҳларга: уйга элтиб берилиши керак бўлган; банк орқали ўтказилиши керак бўлган; почта алоқаси объектларида нақд пулларда тўлаш керак бўлганларга ажратилади. Шундан сўнг пул ўтказмалари банк орқали ўтказишга тааллуқли бўлганлардан ташқари, тақвим тамғаси изи билан муҳрланади.

153 Нақд пуллар билан тўланишга тааллуқли бўлган пул ўтказмалари келувчи тартиб рақамлари билан рақамланади. Шу рақамлар 11-шаклдаги реестрнинг бўш жойига (______сондан ______сонгача) ёзиб қўйилади. Рақамлаш ой давомида олиб борилади.

Пул ўтказмалари 11-шаклдаги реестр бўйича тегишли иш жойларига пул ўтказмаларининг умумий сони кўрсатилиб берилади.

154 Йўқотилган ёки ўғирлатилган назорат-геральдли муҳр (почта-касса аппарати муҳри)нинг изи билан олинган пул ўтказмалари, шунингдек аниқланган қалбаки пул ўтказмалари тўланмайди.

Улар текшириш ўтказиш учун почта алоқаси объекти (почта алоқаси боғламаси, почтамт)га ёки почта алоқаси ҳудудий ташкилотига қиммати 1000 сўм деб эълон қилинган хизматга оид хат билан илова хатини қўшиб жўнатилади. Сўнгги жўнатувчилар бу ҳақда ПЎИНҚМга, «Ўзбекистон почтаси» ДАК га хабар берадилар.

Бланканинг почта-касса аппарати муҳри ёки назорат-геральдли муҳр изи туширилган қисми йиртилган, кейин елимлаб қўйилган пул ўтказмалари уларни кирим қилиш тўғрисидаги сўровга жавоб келгандан сўнг тўланиши керак.

### 5.4.5 Келувчи пул ўтказма телеграммаларни олиш, назорат қилиш ва уларга ишлов бериш

155 Келувчи пул ўтказма телеграммалари телеграф ва телефон орқали ТГ-115 шаклдаги бланкада (57-расм) расмийлаштирилиб, қабул қилинади. Келувчи пул ўтказма телеграммаларини тўғридан-тўғри телеграфдан телефон орқали қабул қилиш, телефон орқали узатиладиган жўнатилувчи пул ўтказма телеграммалари учун кўзда тутилган тартибда амалга оширилади. Телефон орқали қабул қилинган пул ўтказма телеграммалари пул ўтказмаси бланкаларига аниқ, равшан ёзувда ёки ёзув машинкасида ёзилади.

156 Телеграф аппаратига эга бўлган почта алоқаси объектларида пул ўтказма телеграммалари телеграфдан олинади ва почта алоқаси ходимларига бир соат давомида, телеграфга эга бўлмаган почта алоқаси объектларида - пул ўтказмаси қаердан келганлиги, пул ўтказмасининг рақамини кўрсатиб икки нусхада тузилган 11-шаклдаги реестрлар бўйича икки соат давомида етказиб берилади.

Почта алоқаси ходими телеграфдан телеграммани қабул қилиш (соатлар, дақиқалар) вақтини кўрсатиб реестрнинг нусхасига имзо қўяди ва тақвим тамға изини туширади. Худди шу вақт пул ўтказмаси телеграмма бланкасининг юқори қисмига қўйилади.

157 Қабул қилинган пул ўтказма телеграммаларини назорат қилувчи алоқа ходими:

ҳар бир телеграммада телеграф ходимининг имзоси мавжуд-

лигини ва унинг пул ўтказмаларига ишлов бериш, иш жойларида бўлиши керак бўлган намунасига мувофиқлигини:

*«йўқлаб олинадиган»* деб манзилланган пул ўтказма телеграммаларида телеграфчининг *«ХКМ орқали узатилди»* белгиси ва унинг имзоси мавжудлигини;

шифрнинг борлиги ва тўғрилиги, тезкор (телеграф) пул ўтказмасини қабул қилиш жойидаги почта алоқаси ходимининг фамилияси борлигини;

хизмат сарлавҳаси ва телеграмма матнида кўрсатилган сўзлар сонининг тўғри саналганлигини текширади.

**Сўзлар нотўғри саналган пул ўтказма телеграммалари 11-шаклдаги реестр бўйича телеграфга қайгарилади.**

Пул ўтказма телеграммада бир вақтнинг ўзида 5-шаклдаги дафтар (почта-касса аппарати, электрон мажмуа) бўйича рақами, пул ўтказмасининг суммаси, агар телеграмма қайтарилган ёки қайта жўнатилган бўлса, дастлабки жўнатилган жойнинг номи (пул ўтказмаси телеграмма бошқа почта алоқаси объектида тузилганда) ҳам чизилади. Телеграмманинг юқори қисмига рақамлар билан 11-шаклдаги реестр ва 5-шаклдаги дафтар (почта-касса аппарати, электрон мажмуа) бўйича рақами, пул ўтказмасининг суммаси ёзилади, орқа томонига эса олинган куннинг тақвим тамғасини изи туширилади.

158 Пул ўтказмаси телеграммаларида кўрсатилган пулларни икки марта тўлашнинг олдини олиш мақсадида, шу жумладан ушбу почта алоқаси объектига қайтарилган ва қайта жўнатилган пул ўтказмаси телеграммалар назорат қилингандан сўнг 20-шаклдаги (58-расм) назорат дафтарига қабул қилиш жойи почта алоқаси объектларининг номлари бўйича алифбо тартибида ёзилади, улар почта алоқаси объектларининг Алифбо рўйхатида кўрсатилган номларга мос тушиши керак. Дафтарга ёзишдан олдин бу пул ўтказмаси телеграмма аввал ёзилган-ёзилмаганлиги текширилади. Текшириш далили ва тўлашга рухсат алоқа ходимининг имзоси билан тасдиқланади.

159 Матнда пул ўтказмаси бошқа почта алоқаси объектида қабул қилингани кўрсатилган пул ўтказма телеграммалар 20-шаклдаги назорат дафтарига икки марта: пул ўтказмасини берувчи почта алоқаси объектининг номи ва пул ўтказмаси телеграммасини тузган пунктнинг номлари бўйича ёзилади.

160 Қайта жўнатилган ва қайтарилган пул ўтказмаси телеграммаларини (телеграф ёки почта орқали) 20-шаклдаги назорат дафтарига ёзишда *«Берилган жой»* устунида пул ўтказма телеграммасини қайтарган ёки қайта жўнатган почта алоқаси объектининг номи қўшимча равишда кўрсатилади, *«Алоҳида белгилари»* устунида мос равишда *«ҚЖ»* ёки *«Қ»* ҳарфлари қўйилади.

ТГ-115 шакл

*1250* *сўм* *50* *тийин* учун ПУЛ ЎТКАЗМАСИ ТЕЛЕГРАММАСИ

Пул ўтказмасини телеграфдан қабул қилиш вақти *12 июл 15 соат 55 дақ.*
(кун, соат, дақиқа)

*351* - сон 11-шаклдаги реестр бўйича _____- сон 10-шаклдаги реестр

бўйича ________ *3/17* - сон ______ 5 - шаклдаги дафтар бўйича
почта-касса аппарати бўйича

| | | | |
|---|---|---|---|
| | ҚАБУЛ<br>*12* да *15* соат *35* дақика<br>_______дан _____-сон бл.<br>(объект)<br>__________ қабул қилди | | УЗАТИШ<br>____да ___соат ___дақика<br>___-сон алоқа ___<br>__________ топширди |
| *Тошкент - 77* *77/19* - сон<br>*31* сўз *12* июлда *14* соат *45* дақиқа | хизматга оид белги | | |

| |
|---|
| ***Шошилинч элтиб бериш Сирдарё Гулистонга*** |
| ***Мустакиллик ўн ўн биринчи хонадон =*** |
| ***024-06-77 пул ўтказма уч каср бир етти Шавкат*** |
| ***Шукурович Шукуровга 1250-50 бир минг икки юз эллик сўм*** |
| ***50 тийин Қосимовдан = 77 ББ Алимова*** |
| |

57-расм ТТ-115-шаклдаги келувчи пул ўтказмаси телеграммасининг намунаси

Қайтарилган пул ўтказмаси телеграммаларини ёзишда жўнатувчининг фамилияси, шунингдек пул ўтказмаси дастлаб кимга йўлланганин кўрсатилади.

Пул ўтказмаси телеграммаси асосида 22-шаклдаги билдиришнома ёзиб берилади.

161 Тўлаш учун имзоланган пул ўтказмаси телеграммалари 11-шаклдаги реестр бўйича пул ўтказмаларининг умумий сонини кўрсатган ҳолда иш ўринларига узатилади.

162 Иккинчи марта олинган пул ўтказмаси телеграммалари йўқ қилинади. Уларда диагонал бўйича назорат қилувчи шахснинг имзоси билан *«Бекор қилинди»* деган ёзув ёзилади. Бундай пул ўтказмаси телеграммаларини алоқа бўлимлари назорат қилиш ва тегишли чоралар кўриш учун тобелигига кўра почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқаси боғламаси, почтамт) раҳбарига хат орқали жўнатилади.

### 5.4.6 Пул ўтказмаларини тўлаш

**163** Почта алоқаси объектларида тўланиши лозим бўлган пул ўтказмалари бланкаларининг келиш тартиб рақамлари бўйича почта жўнатмаларини сақлаш қутисида сақланади.

**164** Элтиб бериш ҳақи тўланган пул ўтказмалари белгиланган муддатларда почтальонга ёки бошқа алоқа ходимига элтиб бериш учун 55-шаклдаги дафтарга имзо қўйиб, уларнинг сони ва умумий суммаси ёзиб топширилади (30-расм).

(20-шаклнинг ички варақлари)

| Ёзув санаси | Жўнатиш жойи | Пул ўтказмасини тўлаш санаси | 5-шаклдаги дафтар бўйича пул ўтказмасининг т/р | Пул ўтказмасининг суммаси | | Олувчининг фамилияси ёки ташкилотнинг номи | Текширув ва ёзувни ўтказган ходимнинг имзоси | 114-шаклни олиш санаси | Алоҳида белгилари |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | сўм | тийин | | | | |
| *2/1* | *Бухоро 5* | *2/1* | *5/24* | *3500* | - | *Абдуллаевага* | *Аҳмедова* | *6/1* | *А* |
| *3/1* | *Балиқчи Андижон* | *3/1* | *6/341* | *1000* | - | *Ориповга* | *Ҳасанова* | *8/1* | *Б* |
| *5/1* | *Бўз Андижон* | *5/1* | *8/139* | *7500* | - | *Бердибоевага* | *Аҳмедова* | | *В* |
| *8/1* | *Бухоро 21* | *9/1* | *4/47* | *2500* | - | *Алимовга* | *Ҳасанова* | | *Г* |
| *8/1* | *Бухоро 22* | *9/1* | *3/58* | *4000* | - | *Илёсовга* | *Ҳасанова* | | *Д* |
| | | | | | | | | | Е |

58 - расм Келувчи пул ўтказмаси телеграммаларини 20-шаклдаги назорат дафтарига ёзиш намунаси

**165** Пул ўтказмаларини элтиб бериш учун қабул қилаётган алоқа ходими 55-шаклдаги дафтарда ёзилган маълумотларни текширади, олинаётган пулларни ва пул ўтказмаларининг сонини санайди, шундан сўнг пул ўтказмаларининг сонини рақамлар билан ва олинган пул суммасини сўз билан ёзиб кўрсатиб дафтарга имзо қўяди.

**166** Алоқа ходимига бир маротаба элтиб бериш учун бериладиган пул миқдори почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқаси боғламаси, почтамт) нинг раҳбари томонидан, маҳаллий шароитдан келиб чиққан ҳолда, пулларнинг бутлигини ва алоқа ходимларининг хавфсизлигини таъминлашни ҳисобга олиб белгиланади. Қабул қилинган қарор буйруқ билан расмийлаштирилади.

**167** Пулни олишда олувчи билдиришноманинг орқа томонига кўрсатилган ҳужжат маълумотларини ёзади ва пулларни олганлиги тўғрисида имзо қўяди (59-расм).

**168** Пул ўтказмаси бўйича пулни беришдан аввал, алоқа ходими:

кўрсатилган ҳужжатдаги фотосурат тасвирини олувчининг ўзи билан солиштириб кўриши. Паспортдаги фотосурат алмаштирилмаганлигини, тозалашлар, қўшимча ёзувлар, тузатишлар йўқлигини текшириши;

олувчига пул ўтказмаси бланкаси асосий қисмининг орқа томонида сўмлар миқдорини сўз билан, тийинларни рақамлар билан ёзишни таклиф этиши ва у пулларни олганлиги тўғрисида имзо қўйиши;

олувчининг тилхатда ёзган суммасини пул ўтказмаси ва билдиришномада кўрсатилган сумма билан солиштириши;

олувчининг пул ўтказмаси ва билдиришномадаги имзосини кўрсатилган ҳужжатдаги имзо билан солиштириши зарур.

**169** Олувчига пуллар билан бирга 112-шаклдаги бланканинг талон қисми берилади. Тезкор (телеграф) пул ўтказмасида ёзма хабар мавжуд бўлганда алоқа ходими олувчини унинг мазмуни билан ёзма хабарнинг орқа томонига имзо қўйдириб таништиради. Олувчининг илтимосига кўра унга ёзма хабар матнининг нусхаси алоқа ходимининг имзоси билан берилади. Пул ўтказмаси бланкаси асосий қисмининг орқа томонида алоқа ходими пул тўлаганлиги ва билдиришномадаги ҳужжатларнинг маълумотлари текширилганлиги тўғрисида имзо қўяди.

**170** Ҳужжатда ва пул ўтказмаси бланкасида кўрсатилган олувчининг фамилияси, исми шарифида фарқ бўлса, шунингдек ҳужжатнинг ҳақиқийлигига гумон туғилса, пул ўтказмаси уйда тўланмайди. Бу ҳолда олувчига почта алоқаси объектига мурожаат қилиш учун пул ўтказмаси тўғрисидаги билдиришнома топширилади, у ерда тўлов тўғрисидаги масалани почта алоқаси объектининг раҳбари ҳал этади.

Пул ўтказмасини уйда тўлаш мумкин бўлмаганда, почтальон билдиришномада тўланмаслик сабабини кўрсатади ва уни имзолайди. Билдиришнома абонент жавонига ёки абонент қутисига солинади.

**171** Ҳар бир элтиб беришдан сўнг алоқа ходими тўланган ва тўланмаган пул ўтказмаларини, шунингдек пулларни назорат қилувчи шахсга топшириши шарт.

Тўланмаган пул ўтказмаларининг белгиланган жойида тўланмаганлик сабаблари кўрсатилиб имзо қўйилади.

Иккиламчи билдиришнома

______________________ ёзилган

(сана)

Элтиб бериш учун тўлов

_________ сўм _________ тийин

Тўланиши керак

*Алимова*

(имзо)

Тўлов мухр изи

ОЛУВЧИНИНГ ТИЛХАТИ

*Сумма* — *Икки юз эллик сўм 00 тийин*

(сўм сўз билан, тийин рақам билан)

Қабул қилди *2001 й. «7» августда* *Рахимова*

(сана) (имзо)

Тўлади *Усмонова*

(оператор имзоси)

Қайта жўнатиш, қайтариш ва тўламаслик ҳақида белгилар

O'ZBEKISTON 01 08 01 а TOSHKENT 1

Қабул қилиш жойи тақвим тамға изи (жўнатиш куни)

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

Пул олиш учун ушбу билдиришномани ва Шахсни тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатинг

Олувчи томонидан тўлдирилади

*Тошкент ш. Чилонзор ТИИБ*

(ҳужжат берган муассасанинг номи)

1997 й. *« 14 » май*да берилган

Серия *СА* № *1535210*

*паспорт* кўрсатилди

(ҳужжат номи)

Паспорт *Тошкент*

*Инқилоб-9, 10-хонадон* қайд этилган

(қайси манзил бўйича ва қачон)

Олувчи *Раҳимова*

(имзо)

Қайд этиш ҳақидаги маълумотлар фақат «Йўқлаб олинадиган» пул ўтказмаларини олишда иш (ўқиш) жойи бўйича, ф/қ, бошқа манзилда яшаганда тўлдирилади

O'ZBEKISTON 01 08 01 а TOSHKENT 1

(олиш жойи тақвим тамгаси изи)

*2001йил 07.08* да тўлади

(сана)

Усмонова

(имзо)

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

Ёзма хабарлар учун

59 - расм 112-шаклдаги оддий пул ўтказма бланкасининг орқа томонини тўлдириш намунаси

172 Ҳисоботни қабул қилувчи алоқа ходими:

тўланган пул ўтказмалари ҳамда уларга тегишли билдиришномаларнинг сони ва суммасини, пул ўтказмаси бланкаларида олувчиларнинг пул олганликлари тўғрисидаги тилхатлари, шунингдек, пул ўтказмасини тўлаган алоқа ходимининг имзоси борлигини текшириши;

пулларни ва тўланмаган пул ўтказмаларини, уларнинг тўланмаганлик сабаби тўғрисидаги белгиларнинг борлигини текшириб қабул қилиши, тўланган пул ўтказмаларига ёпиштирилган маркаларга тақвим тамғаси изини тушириш;

тўланган пул ўтказмаларининг сони ва суммасини, қайтарилган тўланмаган пул ўтказмаларининг сони, шунингдек қайтарилган пулларнинг суммасини 55-шаклдаги дафтарга ёзиши керак. Хисоботни қабул қилувчи алоқа ходими ва пул ўтказмаларини тўлаган алоқа ходими ёзилган ёзувларнинг тўғрилигини тасдиқлаб имзо қўядилар.

173 Операциялар тугагандан сўнг, тўланмаган пул ўтказмалари бланкалари ва почта жўнатмалари сақланадиган қутиси ёпилади ва таъминланган тартибда сақланади.

### 5.4.7 Пул ўтказмаларини олувчиларнинг банк бўлимларидаги ҳисоб рақамларига ўтказиш

174 Олувчиларнинг банк бўлимларидаги ҳисоб рақамларига пул ўтказмаларини почта алоқасининг ҳудудий ташкилотлари ёки почта алоқаси объектлари (почта алоқаси боғламалари, почтамтлар), шунингдек маҳаллий банк бўлимида пул ўтказмаси операциялари бўйича ҳисоб рақами (субҳисоб рақами) очилган алоқа бўлимлари ўтказади. Бу почта алоқаси объектларининг хар бирида унга бириктирилган, банк бўлимларида ҳисоб рақамлари бўлган корхона, ташкилот, муассасаларнинг рўйхатлари бўлиши керак, унда уларнинг тўлиқ номи, манзили ва телефонларининг ракамлари, банкдаги ҳисоб рақамлари, банк бўлимининг номи ва жойлашган манзили кўрсатилади. Рўйхат таъминланган тартибда сақланади ва банк бўлимларининг маълумотлари билан доимий солиштириб турилади.

Банк бўлимлари бўлмаган аҳоли пунктларида жойлашган корхона, ташкилот, муассаса ва уларнинг ваколатли вакилларига манзилланган пул ўтказмалари нақд пуллар билан тўланади.

175 Олувчиларнинг ҳисоб рақамларига пул ўтказмаларининг суммасини ўтказишда автоматлаштириш ёки механизациялаштирилган усулда тўрт нусхада расмийлаштирилган тўлов топшириқномаси тузилади. Топшириқноманинг биринчи нусхаси почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқаси

боғламаси, почтамт)нинг раҳбари (ўринбосари) ва бош бухгалтери (ўринбосари) томонидан, алоқа бўлимларида эса бўлим бошлиғи (ўринбосари) ва оператори томонидан имзоланади ҳамда почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқаси боғламаси, почтамт)нинг думалоқ муҳри изи билан, алоқа бўлимида эса - назорат-герельдли муҳр изи билан тасдиқланади.

Тўлов топшириқномасининг барча нусхаларида «Тўлов белгиси» сатрида ўтказилаётган пул ўтказмаларининг сони рақамлар билан ва тезкор (телеграф) пул ўтказмалари тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

Агар биттадан ортиқ тезкор (телеграф) пул ўтказмалари ўтказилаётган бўлса, уларга 22-шаклдаги билдиришномалар ёзилади, уларда 5-шаклдаги дафтар бўйича пул ўтказмаларининг рақамлари (почта-касса аппарати, электрон мажмуа бўйича), қаердан ва кимдан келгани (жўнатувчининг тўлиқ номи), пул ўтказмаларининг суммаси, шунингдек ёзма хабарлар кўрсатилади.

Тўлов топшириқномасининг дастлабки уч нусхаси ҳар куни банк бўлимларига берилади, улардан учинчи нусхаси топшириқни қабул қилишдаги банк тилхати билан почта алоқаси объектига қайтарилади. Тўртинчи нусхалари талонлар ва билдиришномалар билан буюртмали хизматга оид хатларда олувчиларга юборилади.

176 Пул ўтказиш йўли билан оддий пул ўтказмалари ва пул ўтказмаси телеграммалари бланкаларининг орқа томонида пул ўтказилган санани кўрсатиб тақвим тамғаси изи туширилади.

177 Почта-касса аппарати, электрон мажмуада расмийлаштирилган пул ўтказмаларини тўлаш, ҳисобга олиш ва назорат қилиш алоҳида йўриқномада кўзда тутилган тартибда амалга оширилади.

### 5.4.8 Пул ўтказмаларини далолатномалар бўйича тўлаш

178 Олувчи ёки жўнатувчидан пул ўтказмалари бўйича пулларни олмаганлик тўғрисида ариза тушганда (ўтиш муддатини ҳисобга олган ҳолда) қабул қилиш ва тўлаш жойларидаги почта алоқаси объектларида ҳужжатлар ва почта жўнатмаларини сақлаш қутиси бўйича пул ўтказмасининг жўнатилиши, келиши, қайтарилиши, қайта жўнатилиши ёки тўланиши текширилади, қабул қилиш ёки тўлаш жойидаги почта алоқаси объектидан мувофиқ равишда маълумот сўралади. Пул ўтказмасининг жўнатилганлиги, қайтарилмаганлиги, ёки келиб тушмаганлиги ва унинг тўланмаганлиги тўғрисидаги сўровга берилган жавобда пул ўтказмасининг рақами, қабул қилиш санаси, суммаси, қабул қилувчи почта алоқаси объекти ва унинг рақамли белгиси, қаерга ва кимга манзиллангани, жўнатувчининг номи зарур ҳолларда шифр, текширув натижаси ва қайси муддат текши-

рилгани кўрсатилади. Жавобни почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқаси боғламаси, почтамт)нинг раҳбари имзолайди ва назорат-геральдли муҳр ёки думалоқ муҳрнинг изи билан тасдиқланади. Сўровлар ва жавоблар телеграф орқали жўнатилиши мумкин. Жавобда телеграммага имзо қўйган почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқаси боғламаси, почтамт) раҳбарининг лавозими олдида рақамлар билан почта алоқаси объектининг назорат-геральдли муҳри бўйича еттита сондан иборат рақамли белгиси кўрсатилади. Олинган маълумотлар асосида пуллар икки нусхада тузиладиган ва почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқаси боғламаси, почтамт)нинг раҳбари томонидан имзоланадиган далолатнома бўйича олувчига ёки жўнатувчига тўланади (60-расм). Агар пул ўтказмаси қабул қилиб олинган кундан бошлаб тўрт ойдан кўп вақт ўтган бўлса, далолатнома тузилгунга қадар ПЎИНҚМ дан тўланмаганлиги ҳақида маълумот сўралади. Агар тўланмаганлиги ҳақида маълумот бўлса, почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқаси боғламаси, почтамт)нинг раҳбари пулни тўлаш ҳақида мустақил қарор қабул қилади. Пул ўтказмаси қабул қилинган кундан ўн бир ой ва ундан кўп муддат ўтгандан сўнг почта алоқаси ҳудудий ташкилоти раҳбари аризачининг асосли аризасининг асл нусхаси илова қилинган хатни ПЎИНҚМ га жўнатади. Пул ўтказмасини тўлаш тўғрисидаги қарорни ПЎИНҚМ бошлиғи қабул қилади.

**179** Далолатнома шу куни келган пул ўтказмалари билан бирга 11-шаклдаги реестрга ёзилади ва унга навбатдаги келиш тартиб рақами берилади, тўланган сумма эса 10-шаклдаги реестр бўйича ҳисобдан чиқарилади. Олувчининг тилхати, далолатномани тузган почта алоқаси объекти назорат-геральдли муҳрининг изи мавжуд бўлган далолатноманинг биринчи нусхаси, бошқа пул ўтказмалари бланкалари билан бирга ПЎИНҚМ га назорат қилиш учун йўлланади. Олувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатдаги маълумотларни ўз имзоси билан тасдиқланган иккинчи нусхаси почта алоқаси объектида тўланган пул ўтказмаларига доир ҳужжатлар тўпламида сақланади.

**180** Айнан бир пул ўтказмасининг иккинчи марта тўланишининг олдини олиш мақсадида далолатнома бўйича пул ўтказмасига пул тўлаган почта алоқаси объекти бу ҳақда, далолатнома бўйича тўлов қаерда амалга оширилганига боғлиқ ҳолда, қабул қилувчи ёки манзилидаги почта алоқаси объектига телеграф орқали хабар қилади.

Қабул қилувчи ёки манзилидаги почта алоқаси объекти хабарни олиши билан ёзишмалар бўйича бу пул ўтказмаси аввал тўланган ёки тўланмаганини текширади.

181 Агар далолатнома бўйича пул тўлангандан сўнг қидирилаётган пул ўтказмаси мўлжалланган (қабул қилинган) жойда олинган бўлса ёки у қайта жўнатилгани, ё қайтарилгани тўғрисида маълумотлар келса, у ҳолда мўлжалланган (қабул қилинган) жойдаги почта алоқаси объекти пул ўтказмаси иккинчи марта тўланмаслиги учун чоралар кўради. Бундай ҳолларда, аниқланган пул ўтказмаси сабабини кўрсатиб, бланканинг устидан хочсимон қилиб чизиб бекор қилинади ва тўланган пул ўтказмасининг далолатномасининг нусхасига ёки олинган хабарга қўшиб тикиб қўйилади.

ДАЛОЛАТНОМА

2001 йил 15 майда «Фарғона почтамтида» қуйидагилар ҳақида тузилган: Саодат Алиевна Эргашева томонидан 2001 йил 5 апрелда (164-10-00) Хоразм вилоятининг Янгиариқ почта алоқаси боғламасидан Барно Бўриевна Ниёзова номига Фарғона-10, Навруз кўчаси 29-уй манзили бўйича жўнатилган 3000 сўмга 1/11-рақамли оддий пул ўтказмаси жўнатишда йўқотилган ва олувчига тўланмаган. Янгиариқ почта алоқаси боғламасининг 2001 йил 10 майдаги 35-сон маълумотномасига кўра ўтказма қайтарилмаган ва жўнатувчига тўланмаган.

Қарор: 3000 (уч минг) сўм пул олувчи Барно Бўриевна Ниёзовага тўлансин.

Фарғона почтамтининг бошлиғи ______ *Усмонов* ______
(имзо)

Оператор ______ *Солиева* ______
(имзо)

(Фарғона почтамтининг назорат-геральдли ёки думалоқ муҳрининг изи)

(Тақвим тамғаси изи)

***2001 йил 16 майда уч минг сўм олдим***

______ *Ниёзова* ______
(имзо)

Оператор тўлади ______ *Карпова* ______
(имзо)

60-расм Пул ўтказмаси тўлови учун далолатноманинг намунаси

Тегишли бўлмаган шахсга аввал тўланган пул ўтказмаси бўйича пул тўлашда далолатнома бир нусхада тузилади, унга назорат-геральдли муҳр изи босилмайди. Бу ҳолда, далолатнома бўйича тўланган пул ўтказмаси 10 ва 11-шакллардаги реестрга ёзилмайди.

Далолатнома почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқаси боғламаси, почтамт)нинг бухгалтерлик

ҳужжатларида касса харажат ордери билан сақланади, алоқа бўлимида пул тўланганда эса, далолатнома олувчининг тилхати билан почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқаси боғламаси, почтамт)га 16-шаклдаги юкхатга қўшиб ёзиб 130-шаклдаги кундалик билан бирга жўнатилади. Пул ўтказмасини тегишли бўлмаган шахсга тўлаш далили ҳар томонлама текширилади.

Пул икки марта (далолатнома ва пул ўтказмаси бўйича) тўланганда белгиланган тартибга мувофиқ моддий жавобгарлик пул ўтказмаси тўғрисида нотўғри маълумот берган ёки сўровга жавобни кечиктирган алоқа ходимлари зиммасига юклатилади.

Агар алоқа ходимининг ёки пул ўтказмасини олган шахснинг ҳаракатлари қонунга зид бўлса, у ҳолда бу ҳақдаги маълумот айбдорларни жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисида қарор чиқариш учун тергов органларига тақдим этилади.

### 5.4.9 Тўланган пул ўтказмаларини 10-шаклдаги реестрга ёзиш

**182** Пул тўлангандан сўнг ҳар бир пул ўтказмаси 10-шаклдаги реестрга ёзилади (61-расм), у даврлар бўйича 1 дан 15 гача ва 16 дан 30 (31) гача бўлган кунлар учун икки нусхада олиб борилади. Почта алоқаси ҳудудий ташкилоти билан келишилган ҳолда ПЎИНҚМ 10-шаклдаги реестрларни олиб боришни ўн кунлик, беш кунлик бўйича ёки ҳар куни амалга оширилишини белгилаб қўйиши мумкин. Реестрга пул ўтказмалари нусха кўчирувчи қоғоз билан ёзилади.

Реестрнинг юқори қисмига почта алоқаси объектининг номи ва реестр юритилаётган ҳисобот даври кўрсатилади. Реестрнинг ҳар бир варағини биринчи нусхасида назорат-геральдли муҳр изи туширилади. Реестрнинг ҳар бир варағини юқорисида пул ўтказмалари тўланган кун ва ой кўрсатилади.

10-шаклдаги реестр бўйича пул ўтказмаларини тартиб бўйича рақамлаш ПЎИНҚМга назорат учун ҳисоботларни жўнатиш даврлари бўйича олиб борилади.

**183** Банк орқали пул ўтказиш йўли билан тўланган ва почта-касса аппарати, электрон мажмуада расмийлаштирилган пул ўтказмалари 10-шаклдаги алоҳида реестрга умумий сони билан ёзилади. Реестрнинг юқори қисмига *«Банк орқали пул ўтказилган»* ёзуви ёзилади. 10-шаклдаги реестрларнинг нусхалари бир тўпламга тикиб йиғилади.

**184** 10-шаклдаги реестрга пул ўтказмалари ёзилиб борган сари тўланган пул ўтказмалари суммаларининг бетма-бет якунлари ҳисобланиб, улар реестрнинг ҳар бир бети охирида ўсиб борувчи якун кўринишида рақамлар билан кўрсатилади. Иш куни (смена) тугагач

10-шаклдаги реестрга (агар биттадан ортиқ пул ўтказмасига пул тўланган бўлса) тўланган пул ўтказмаларининг сони ва суммаларнинг (рақамлар билан) якуни ҳисобланади. Бу якунлар реестрга нусха кўчирувчи қоғоз билан ёзилади ва пул ўтказмаларини тўлаган алоқа ходимининг ва назорат қилувчи шахснинг (уларнинг лавозимларини кўрсатган ҳолда) имзолари билан тасдиқланади.

10-шакл

Тўланган пул ўтказмаларини ёзиш учун

Р Е Е С Т Р

*Ғазалкент*
(почта алоқаси объекти номи)

OʻZBEKISTON
G'azalkent
Toshkent vil.
024 23 00

200*2* йил *1 апрел* дан *15 апрел* гача бўлган даврга

(назорат-гераьдли муҳр изи)

| т/р | 5-шаклдаги дафтар почта-касса аппарати, электр мажмуаси бўйича пул ўтказмалари-нинг рақами | Жўнатиш жойи | Суммаси | |
|---|---|---|---|---|
| | | | сўм | тийин |
| | | *11 апрель* | | |
| *112* | *2/372* | *Бухоро - 5* | *1100* | - |
| *113* | *8/10* | Ғазалкент | *500* | - |
| *114* | *0/1000* | *Самарқанд - 1* | *400* | - |
| *115* | *3/120* | *Чирчик - 12* | *1100* | - |
| | *Жами* | *4 та пул ўтказмаси* | *3100* | - |
| | | | | |
| | | | | |
| | *ББ* | *Исҳоқова* | | |
| | *Опр.* | *Аслонова* | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |

61-расм Тўланган пул ўтказмаларини 10-шаклдаги реестрга ёзиш ва уни расмийлаштириш намунаси

Кун давоми (смена)да тўланган пул ўтказмалари сони ва суммаси бўйича ҳисобланади, 10-шаклдаги реестрда кўрсатилган якунлар билан таққосланади, банк орқали пул ўтказиш йўли билан тўланган

пул ўтказмалари эса, бундан ташқари, тўлов топшириқномасининг учинчи нусхасида кўрсатилган якунлар билан солиштирилади.

**185** Ҳисобот даври тугагандан сўнг, 10-шаклдаги реестрларда иш куни (смена) якунидан кейин бутун ҳисобот даври учун тўланган пул ўтказмаларининг сони, суммаси рақамлар билан ёзилиб, кейин сўзлар билан такрорланади. Якунлар назорат қилувчи шахснинг имзоси билан, якунларнинг почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқаси боғламаси, почтамт) шахсий тўлови ҳисоботларининг даврлари бўйича бухгалтерлик ҳисоби якунларига мувофиқ келиши эса бош бухгалтер (унинг ўринбосари) имзоси билан тасдиқланади. Алоқа бўлимларида якунлар бўлим бошлиғининг имзоси билан, бир ойлик якунлар эса, бундан ташқари почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқаси боғламаси, почтамт)нинг бош бухгалтери (унинг ўринбосари) имзоси билан тасдиқланади.

Пул ўтказмалари бир неча кассаларда тўланадиган почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объектлари (почта алоқаси боғламалари, почтамт)да асосий касса бўйича якунлардан сўнг бошқа кассаларда тўланган пул ўтказмаларининг умумий сони ва суммаси алоҳида, шунингдек банк орқали пул ўтказиш йўли билан тўланганлари алоҳида кўрсатилади.

***Мисол** - 1 дан 15 мартгача асосий кассада 60840 сўм 50 тийинлик 520 пул ўтказмаси, бошқа кассаларда 82390 сўм 75 тийинлик 360 пул ўтказмаси тўланган. Банк орқали 85000 сўм 25 тийинлик 425 пул ўтказмага пул тўланган. Ҳаммаси бўлиб 228231 сўм 50 тийинлик (Икки юз йигирма саккиз минг икки юз ўттиз бир сўм 50 тийин) 1305 пул ўтказма тўланган.*

**186** Ой охирида 10-шаклдаги реестрда тўланган пул ўтказмаларининг сони ва суммаси қуйидаги тартибда якунланади: аввал охирги ҳисобот даври учун якуни, кейин эса, бир ой учун умумий якуни ёзилади.

**Мисол** - Алоқа бўлимларида якунларнинг хулосасини чиқариш:
*16 дан 31 мартгача жами 23570 сўм 78 тийинлик 45 пул ўтказмаси тўланган.*

*Март ойи учун ҳаммаси бўлиб 45450 сўм 26 тийинлик (Қирқ беш минг тўрт юз эллик сўм 26 тийинлик) 78 пул ўтказмаси тўланган.*

| | |
|---|---|
| *Алоқа бўлими бошлиғи* | *Бакиров* |
| *Оператор* | *Салимов* |
| *Бош бухгалтер* | *Баҳодиров* |

### 5.4.10 Тўланган пул ўтказмаларини назорат қилиш. Келган тезкор (телеграф) пул ўтказмаларини 114 - шаклдаги бланка бўйича текшириш

**187** Тўланган пул ўтказмаларини ва уларга тегишли билдиришномаларни назорат қилувчи алоқа ходими ҳар куни:

пул ўтказмаларида олувчиларнинг пулни олганликлари тўғрисидаги тилхат ёки олувчиларнинг банкдаги ҳисоб-рақамига пул ўтказиш санаси бўлган тақвим тамғаси изи бор йўқлигини, шунингдек тезкор (телеграф) пул ўтказмаларида ёзма хабарлар учун тилхат бор йўқлигини;

олувчининг тилхатида кўрсатилган сумма пул ўтказмасидаги суммага мос келиш келмаслигини;

билдиришномаларда почта алоқаси объектларида тўланган пул ўтказмаларининг уйда тўланмаслиги сабаблари тўғрисидаги белгиларнинг борлигини;

тўланган пул ўтказмаларида сумма, сана, олувчининг манзили ва фамилиясини ўчириш ва тузатишларнинг бор йўқлигини;

пул ўтказмалари ва билдиришномларда пул ўтказмаларини тўлаган алоқа ходимининг имзоси бор йўқлигини;

олувчи имзоси билан тасдиқланган билдиришномаларда тақдим қилинган ҳужжат тўғрисидаги маълумотларнинг ёки *«Олувчи менга маълум»* белгисининг бор йўқлигини, тегишли ҳолларда эса ишончноманинг мавжудлиги ва унинг тўғри расмийлаштирилганини;

олганлик тўғрисидаги хабарноманинг белгиланган жойга ўз вақтида жўнатилишини;

10-шаклдаги реестрга пул ўтказмаларини тўғри ёзилишини, пул ўтказмалари бўйича сони ва суммасининг ва 10-шаклдаги реестр бўйича натижалари тўғри ҳисобланганлигини текшириши керак.

10-шаклдаги реестрлардаги якунлар назорат қилувчи шахснинг имзоси билан тасдиқланади.

Текширилган тўланган пул ўтказмалари, 10-шаклдаги реестрлар ва билдиришномалар таъминланган тартибда сақланади.

**188** Келган 114-шаклдаги тезкор (телеграф) пул ўтказмалари бланкасига тақвим тамғаси изи туширилади, 20-шакл назорат дафтаридаги ёзувлар ва келувчи пул ўтказмаси телеграммалари билан (агар улар ҳисобот билан жўнатилмаган бўлса) солиштирилади. Бунда пул ўтказ-масини қабул қилиш жойи ва санасининг, 5-шаклдаги дафтар бўйича рақамининг (почта-касса аппарати, электрон мажмуа) суммаси ва олувчининг номи айнанлиги текширилади. Текширувдан сўнг 20-шаклдаги назорат дафтарида 114-шаклдаги тезкор (телеграф) пул ўтказмалари олинган кун ва ой белгиланади, сўнгра текширувчи алоқа ходими тезкор (телеграф) пул ўтказмаси блан-

касининг орқа томонига имзо қўяди. 114-шаклдаги текширилган пул ўтказмалари ҳар куни ой мобайнида келиш тартибида тўплам қилиб тикилади.

**189** Агар 114-шаклдаги тезкор (телеграф) пул ўтказмасини 20–шаклдаги назорат дафтари билан солиштиришда керагидан катта ёки кичик суммада пул ўтказмаси тўлангани аниқланса, бу ҳақда икки нусхада далолатнома тузилади, унга: пул ўтказмаси берилган сана, пул ўтказмасини қабул қилган почта алоқаси объектининг номи ва рақамли белгиси, унинг рақами ва суммаси, олувчининг манзили ва фамилияси (корхона, ташкилот, муассаса номи), пул ўтказмаси қандай суммада тўланганини кўрсатилади.

Ортиқча тўланган сумма олувчидан ундирилади, тўланмай қолган сумма эса далолатноманинг биринчи нусхасидаги тилхат билан тўланади. Ортиқча тўланган сумма тўғрисида алоҳида хат билан ПУИНҚМ га хабар қилинади.

Олувчи кетиб қолган ҳолларда икки нусхада тузилган далолатнома хат билан бирга пул ўтказмасининг жўнатиш жойига, жўнатувчига пул тўлаш учун ёки ундан ортиқча тўланган суммани ундириш чораларини кўриш учун жўнатилади. Олувчининг хоҳишига кўра, унга ортиқча олиб қолинган суммани қайтариш тўғрисидаги маълумотнома берилиши мумкин.

Олувчидан ортиқча олинган суммани ундиришнинг иложи бўлмаганда ва жўнатувчи уни қайтаришдан бош тортганда бу сумма айбдор алоқа ходимидан ундирилади ёки иш белгиланган тартибда судга оширилади.

**190** Ортиқча тўланган сумма тўғрисидаги далолатноманинг биринчи нусхаси дебиторлик қарзларини ҳисобга олиш учун почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқаси боғламаси, почтамт)нинг бухгалтерлик ҳужжатларига қўшиб қўйилади, далолатноманинг нусхаси эса билдиришнома билан бирга сақланади.

Қўшимча пул тўлашда олувчининг пулини олганлик тўғрисидаги тилхат ва далолатномани тузган почта алоқаси объекти назорат-геральдли муҳрининг изи мавжуд бўлган далолатноманинг биринчи нусхаси пул ўтказмаларини тўлаш тўғрисидаги ҳисобот билан бирга ПУИНҚМ га жўнатилади, далолатноманинг нусхаси эса тўланган пул ўтказмасининг билдиришномасига қўшиб қўйилади. Қўшимча тўланган сумма 10-шаклдаги реестрга ёзилади.

**191** 114-шакл бланкасидаги тезкор (телеграф) пул ўтказмаси 10 кун давомида олинмай қолса, пул ўтказмаси берилиш жойидаги почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объектларининг бошлиғи номига почта орқали сўров жўнатилади. Пул ўтказмаси берилиш жойидаги почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти маълумот тўплайди ва манзилига тезкор (теле-

граф) пул ўтказмаси қачон, қаерга ва қандай ҳужжатлар билан жўнатилганини хабар қилади. 20-шаклдаги назорат дафтарига тезкор (телеграф) пул ўтказмасининг жўнатилгани тўғрисида олинган сана ёзиб қўйилади. Жавоб 114-шаклдаги тезкор (телеграф) пул ўтказмаси йиғиндисига тикиб қўйилади.

Агар сўров олинган тезкор (телеграф) пул ўтказмаси қабул қилинганлар рўйхатида бўлмаса, бу ҳақда дарҳол сўров келган жойнинг почта алоқаси объекти телеграфи орқали хабар қилинади ва шу билан бир вақтда текширув ўтказилади.

192 Пул ўтказма телеграммаси келмасдан 114-шаклдаги тезкор (телеграф) пул ўтказмаси олинганда дарҳол телеграфда тўхтатиб қолинган нуқсонли пул ўтказма телеграммалари орасида шундай телеграмма бор йўқлиги текширилади. Бундан ташқари, 20-шаклдаги назорат дафтари бўйича ёки келувчи пул ўтказма телеграммаларнинг 11-шаклдаги реестри бўйича маълумот тўпланади. Пул ўтказма телеграмма бўлмаганда 114-шаклдаги тезкор (телеграф) пул ўтказмаси 20-шаклдаги назорат дафтарига ёзилади ва орқа томонига қуйидагича белги қўйилади: *«Тўланиши керак, пул ўтказма телеграммаси келмаган»*, унга почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объектининг бошлиғи (ўринбосари) ёҳуд назорат қилувчи шахс томонидан имзоланади.

Олувчига пул 114-шаклдаги тезкор (телеграф) пул ўтказмаси келгандан сўнг кейинги кундан кечиктирмай унинг орқа томонига имзо қўйиш орқали тўланади. Пул ўтказмаси 10-шаклдаги реестрга ёзилади ва бошқа тўланган пул ўтказмалари билан бирга ПУИНҚМ га назорат учун жўнатилади.

Жўнатилган жойига дарҳол қуйидаги шаклда кодланган телеграмма жўнатилади:

*Қарши 4/905 16 2 1540 =*
*Тошкент 3 АББ =*
Пул ўтказма ___*7/267*___ ___*20 феврал*___.
(5-шакл бўйича рақ.) (қабул қилинган сана)

*юз Башировга мерка бўйича тўланган 114-бланка бўйича текширинг = АББ 4 Азимов -*

Бундай телеграммани олган пул ўтказмасини қабул қилиш жойидаги почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти пул ўтказмасини киримга олинишини, ўтказма телеграмма тузилишининг тўғрилигини ва аппарат бўйича ўз вақтида узатилишини текширади.

Текширувдан сўнг пул ўтказма телеграммаси берилган биринчи телеграф пунктига хизмат телеграммаси жўнатилади.

Бундай телеграмманинг тахминий шакли:

*Тошкент 3/124 29 2 1710 =*
*Тошкент МТ Қарши йўналишида 4/905 2/3 га пул ўтказмаси*

| 3/1 13 | 7/267 | 20 феврал |
|---|---|---|
| (26-шакл бўйича рақ.) | (5-шакл бўйича рақ.) | (қабул қилиш санаси) |

*юз Башировга 20/2 1410 алоқа 31 манзилланган манзил мерка бўйича тўланган 114-бланка бўйича текширинг = АББ 3 Аҳмедов*

114 -шаклдаги тезкор (телеграф) пул ўтказмаси бланкаси бўйича пул тўлангани тўғрисида хабар қилинган телеграмма бир ойлик хизмат телеграммалари тўпламига тикиб қўйилади.

**193** Манзилланган жойнинг почта алоқаси объектига келган пул ўтказма телеграммаси 114-шаклдаги тезкор (телеграф) пул ўтказма бланкаси бўйича пул тўлангандан сўнг пул ўтказма телеграммаси ручка билан хочсимон қилиб чизиб, бекор қилинади ва тўланган 22-шаклдаги бирдиришнома билан сақланади.

**194** Агар сўров бўйича текширилганда, қабул қилиш жойидаги почта алоқаси объектида пул ўтказма телеграммаси тузилмагани ёкиаппарат бўйича узатилмагани аниқланса, бу ҳақда почта алоқаси объектига хизмат телеграммаси жўнатилади.

**195** Агар пул ўтказма телеграммаси қайта қабул қилувчи телеграф пунктларидан бирида йўқотилгани аниқланса, бу ҳақда почта алоқаси объектига қуйидаги шаклда хизмат телеграммаси жўнатилади:

*Тошкент МТ 601/12 23/2 1810 =*
*Қарши 4 АББ =*
*2/3 нр 4/905 га 20/2 7/267 пул ўткaзмаси Тошкент*
(5-шакл бўйича рақ.)

*юз Башировга Тошкент МТ айби билан берилмаган айбдорга чора кўрилган = ТБ Аброров-*

**196** Пул ўтказма телеграммаси 114-шаклдаги тезкор (телеграф) пул ўтказмасининг бланкасиз бирор сабабга кўра қабул қилинган жойга қайтарилганда, иккинчи марта пул тўланишининг олдини олиш мақсадида ёзишмалар бўйича текширув ўтказилади. Текширув натижалари бўйича назорат қилувчи шахс пул ўтказмасини тўлаш ёки уни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилади.

**5.4.11 Нотўғри расмийлаштирилган, бошқа жойга жўнатилган ва кечиктирилган пул ўтказмалари бўйича текширув**

**197** Нотўғри расмийлаштирилган пул ўтказмалари уларни қабул қилган жойдаги почта алоқаси ҳудудий ташкилотига ёки почта алоқаси объектига қайтарилиши мумкин эмас.

Бундай пул ўтказмалари почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объектининг бошлиғи (ўринбосари)га берилади, у қоидабузарликнинг турига қараб, уларни тўлаш имконияти ҳақидаги масалани мустақил ҳал қилади.

Қўшимча ёзувларсиз олинган пул ўтказмасининг йиғиндилари 11-шаклдаги реестрга ёзилади.

**Келган барча нотўғри расмийлаштирилган пул ўтказмалари, уларни тўлашга рухсат этилгани ёки йўқлигидан қатъи назар, улар қабул қилинган жойдаги почта алоқаси объектига дарҳол пул ўтказмаси қабул қилиб олингани ва йўл қўйилган хатолар тузатилганининг тасдиғи тўғрисида почта ёки телеграф орқали хизматга оид сўровлари юборилади.** Тўлов кечиккан ҳолда тезкор (телеграф) пул ўтказмалари тўғрисидаги сўровлар телеграф орқали йўлланади.

Оддий пул ўтказмалари тўғрисидаги сўровларни телеграф орқали жўнатиш зарурлигини ҳар бир алоҳида ҳолат учун почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объектининг раҳбари белгилайди.

Тўлаш рухсат этилмаган пул ўтказмалари назорат қилувчи шахсда сақланади. Алоқа бўлимлари ёзишмаларни мустақил равишда олиб борадилар.

**198** Нотўғри расмийлаштирилган пул ўтказмалари тўғрисидаги хизмат сўровларида, шунингдек бундай сўровларга берилган жавобларда пул ўтказмасининг 5-шаклдаги дафтар (почта-касса аппарати, электрон мажмуа) бўйича рақами, қабул қилинган сана, унинг суммаси, олувчининг номи кўрсатилади, зарур бўлган ҳолларда эса почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объектининг рақамли белгиси ва шифри тасдиқланади. Сўровлар *«Алоқа»* телеграф кодидан фойдаланиб тузилади.

Рақамга эга бўлган почта алоқаси объектлари (алоқа бўлимлари)дан жўнатиладиган хизматга оид телеграммаларида *«АББ (бўлим бошлиғи)»* сўзидан сўнг, имзодан олдин унинг рақами кўрсатилади, масалан: *«АББ 5 Каримов»*.

Хизматга оид телеграммалари шаҳарларга манзиллангаңда шаҳар алоқа бўлимининг рақами манзилда рақамлар билан ёзилади (*«Қарши 17»*).

**199** Нотўғри расмийлаштирилган пул ўтказмалари тўғрисидаги сўров олиниши билан қабул қилиш жойининг почта алоқаси

объекти маълумотларни 5-шаклдаги дафтар (почта-касса аппарати, электрон мажмуанинг операция кундалиги) билан ёки 11-шаклдаги реестрнинг нусхаси билан солиштиради. Тезкор (телеграф) пул ўтказмаси тўғрисидаги сўров бўйича пул ўтказма телеграммаларнинг тўғри тузилганлиги қўшимча равишда текшириб қурилади.

**Ҳар бир телеграф сўровига почта алоқаси объектининг бошлиғи (ўринбосари) сўров олингандан кейинги уч соат мобайнида аниқ телеграф жавобини беради.**

200 Қоидаларни бузиб расмийлаштирилган пул ўтказмалари тўғрисидаги сўровга берилган жавоб асосида манзилланган жойи почта алоқаси объектининг назорат қилувчи шахс томонидан пул ўтказмаси (пул ўтказма телеграммаси)га тегишли маълумотларни киритилади ёки нотўғри кўрсатилган маълумотларни тузатилади ва ўз имзоси билан *«Тўланиши керак»* деган белги қўйилади. Сўров ва жавоб тўланган пул ўтказмаси билдиришномасига қўшиб қўйилади.

201 Алоқа бўлими томонидан сўровга жавоб кечиктирилса, бу ҳақда сўровнинг ижросини тезлаштириш, шунингдек кечиктириш сабабларини текшириш ва айбдорларни жавобгарликка тортиш учун тегишли почта алоқаси объекти (почта алоқа боғламаси, почтамт)га хабар қилинади. Агар почта алоқаси объекти (почта алоқа боғламаси, почтамт) томонидан жавоб кечиктирилса, у ҳақда тегишли почта алоқаси ҳудудий ташкилотига хабар қилинади.

202 Ушбу почта алоқаси объектига адашиб келган пул ўтказмалари тамғаланади ва ушбу Қоидаларнинг 534-бандида белгиланган тартибда дарҳол манзилига қайта жўнатилади.

203 Манзилланган жойда оддий пул ўтказмаси ёки тезкор (пул ўтказма телеграмма) назорат муддатларига нисбатан кечикиб олинганда, бу пул ўтказмалари бўйича илгари текширишлар ўтказилган, ёҳуд ўтказилмаганлиги аниқланади. Агар ушбу пул ўтказмаси бўйича унинг олинмагани ва далолатнома бўйича тўланмагани тўғрисида маълумотномалар илгари берилган бўлса, у ҳолда пул ўтказмаси жўнатувчига тўланган ёки тўланмагани тўғрисида дарҳол сўров юборилади. Жўнатувчига пул берилмагани тўғрисида жавоб олинганда, пул ўтказмаси (пул ўтказма телеграммаси) ҳеч қандай қаршиликларсиз тўланади.

### 5.4.12 Пул ўтказмаси операциялари бўйича ҳисоботни пул ўтказмаларига ишлов бериш ва назорат қилиш марказига юбориш

204 Ҳисобот даври тугагандан сўнг, пул ўтказмалари тўланган кунларига қараб танлаб олинади ва бланкалари тўплам қилиб боғланади. 1000 дан ортиқ пул ўтказмалари бланкалари мавжуд бўлса, улар тўланган кунлари бўйича алоҳида тўпламда ажратиб боғланади.

10-шаклдаги реестрлар ва 5-шаклдаги дафтарлар пул ўтказмалари тўланган ва қабул қилинган кунларига қараб кетма-кет тартибда тахлаб олинади ва ҳисобот даврлари бўйича тикилади.

103-шаклдаги рўйхатлар пул ўтказмаларининг 5-шаклдаги дафтар ёки почта-касса аппаратининг, электрон мажмуанинг операция кундалиги бўйича рақамланиш тартибида тахлаб олинади ва бир ой учун алоҳида тўплам қилиб тикилади. Кўп бўлмаган пул ўтказмалар тўпламини қабул қилишда рўйхатлар квитанциясининг нусхалари жойлашган 5-шаклдаги дафтарга ёпиштириб қўйилиши мумкин.

**205** Почта алоқаси объектлари (алоқа бўлимлари) 5-шаклдаги дафтарлар, 103-шаклдаги рўйхатлар, 10-шаклдаги реестрлар ва тўланган пул ўтказмаларини почта алоқаси объекти (почта алоқа боғламаси, почтамт)га улар томонидан белгиланган муддатларда 16-шаклдаги юкхатга ёзиб жўнатадилар.

5-шаклдаги дафтарлар ҳар бир дафтарнинг рақамлари, 10-шаклдаги реестрлар ва тўланган пул ўтказмалари эса умумий варақлар сонини кўрсатиб ёзиб қўйилади.

Почта-касса аппаратлари, электрон мажмуалар ўрнатилган почта алоқаси объектлари (алоқа бўлимлари)дан пул ўтказма операциялари бўйича ҳисоботларни жўнатиш тартиби ва муддатлари ҳамда уни почта алоқаси объектлари (почта алоқа боғламалари, почтамт)да назорат қилиш алоҳида йўриқнома билан белгиланади.

**206** Шаҳар почта алоқаси объектлари (алоқа бўлимлари) пул ўтказма операциялари бўйича ҳисоботни алоҳида суғуртали қопларда, почта алоқасининг қишлоқ объектлари (алоқа бўлимлари) эса бошқа жўнатмалар билан бирга суғуртали қопларда жўнатадилар. Ҳисобот аввал қоғозга ўралади. Бундай боғламнинг ўровига *«Пул ўтказмаси ҳисоботи»* ёзуви ёзилади ва у шундай белги билан 16-шаклдаги ички юкхатга қўшиб ёзиб қўйилади.

**207** Почта алоқасининг ҳудудий ташкилотлари ёки почта алоқаси объектлари (почта алоқа боғламалари, почтамтлар) пул ўтказма операциялари бўйича почта алоқаси объектлари (алоқа бўлимлари)дан ҳисоботни ўз вақтида олишларини назорат қилишлари керак. Ҳисобот белгиланган муддатда олинмай қолганда дарҳол сабаблари аниқланади ва тезкор чора-тадбирлар кўрилади.

**208** Почта алоқасининг ҳудудий ташкилотлари ёки почта алоқаси объектлари (почта алоқа боғламалари, почтамтлар)да олинган почта алоқаси объектлари (алоқа бўлимлари)нинг пул ўтказмаси операциялари бўйича ҳисоботи 16-шаклдаги юкхат тилхат билан назорат қилувчи шахсга берилади, у эса қуйидагиларни текшириши керак:

а) ҳисоботнинг тўғри ёзилганлиги;

б) 5-шаклдаги дафтарларда барча квитанцияларнинг борлигини ва дафтар рақамларининг ҳисоб маълумотларига мос келишини;

в) 5-шаклдаги дафтарлар ва 10-шаклдаги реестрларни юритилишининг тўғрилиги. Бир ойлик ҳисоботда, шунингдек унда кўрса-

тилган кундалик ва ойлик якунларнинг 130-шаклдаги кундалик маълумотлари бўйича мослиги текширилади. Штатда бир алоқа ходими (бошлиқ) бўлган почта алоқаси объектлари (алоқа бўлимлари)нинг ҳисоботини текширишда 5-шаклдаги дафтарлар ва 10-шаклдаги реестрларда якунлар бир иш куни учун ҳисоблангани каби, ҳисобот ойи учун ҳам ҳисоблаб чиқилади;

г) тўланган пул ўтказмалар сонини 10-шакл реестридаги якуний ёзувига мос келиши, пул ўтказмаларида олувчиларнинг пулни олганликлари тўғрисидаги тилхатларнинг борлиги, пул ўтказмаларида манзиллар, олувчиларнинг фамилиялари, суммалар (рақамлар ва сўзлар)да тузатишлар ва ўчирилган жойларнинг бор йўқлиги ва олувчининг тилхатида кўрсатилган сумманинг пул ўтказмаси суммасига мос келиши. Олувчи тилхатидаги сумманинг пул ўтказмаси суммаси билан фарқ қилиши, ўчириб тозаланган ва тузатилган жойлар борлиги аниқланганда дарҳол сабаблари аниқланади;

д) пул ўтказмалари қабул қилинган ва тўланган санани текшириши. Саналар мос келмаслиги аниқланганда (тўлов қабул қилингандан аввал амалга оширилган) бу ҳақда зарурий текширув ўтказиш учун почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқа боғламаси, почтамт) раҳбариятига хабар бериши керак.

Назорат қилувчи шахс ҳисоботни текшириши тўғрисида 5-шаклдаги дафтар ва 10-шаклдаги реестрда почта алоқаси объекти (алоқа бўлими) бошлиғининг имзосидан сўнг, ўз имзоси билан санани кўрсатиб, *«Текширдим»* деган ёзувни ёзади ва уни бош бухгалтер (ўринбосар)га имзолаш учун беради.

**209** Почта алоқасининг ҳудудий ташкилотлари ёки почта алоқаси объектлари (почта алоқа боғламалари, почтамтлар) пул ўтказмаларини тўлаш бўйича ўз ҳисоботларини ПЎИНҚМ га почта алоқаси объектлари (алоқа бўлимлари)нинг ҳисобот даврлари бўйича текширилган ҳисоботлари билан бирга, пул ўтказмалари (5-шаклдаги дафтар ва 103-шаклдаги рўйхатлар)ни қабул қилиш бўйича эса - охирги ҳисобот даври учун пул ўтказмаларини тўлаш бўйича ҳисоботни бир ойда бир марта жўнатади. Ҳисобот нусха кўчирувчи қоғоз орқали икки нусхада тузиладиган 57-шаклдаги рўйхат билан бирга жўнатилади (62-расм).

Почта алоқаси объектлари (алоқа бўлимлари)нинг ҳисоботи 57- шаклдаги рўйхатта уларнинг назорат-геральдли муҳрлари (почта-касса аппаратлари муҳрининг изи) бўйича рақамли белгиларининг кетма-кетлиги тартибида ёзилади.

Агар бирор бир почта алоқаси объектининг ҳисоботи ПЎИНҚМга белгиланган муддатда жўнатилмаса, у ҳода рўйхатда кечиктириш сабаби кўрсатилади. Алоқа бўлими ёпилган ёки очилган ҳолларда рўйхатда ёпилган ёки очилган сана кўрсатилади.

Рўйхатнинг юқорисида ҳисобот жўнатилаёттан қопнинг рақами кўрсатилади, охирида эса умумий якун чиқарилади, шундан

сўнг, у почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқа боғламаси, почтамт)нинг бошлиғи (ўринбсари) ва назорат қилувчи шахс томонидан имзоланади. Рўйхатларни рақамлаш йил мобайнида олиб борилади.

ПЎИНҚМ га жўнатиладиган 5-шаклдаги дафтарларнинг шартли қимматига балансдан ташқари ҳисоб бўйича авизо тузилади, у 57-шаклдаги рўйхатта қўшилади.

ПЎИНҚМ га жўнатиладиган барча ҳисобот унинг 57-шаклдаги рўйхатта ёзилиш тартибида танланади.

**210** Ҳисоботларни назоратта жўнатиш ПЎИНҚМ томонидан белгиланган ва почта алоқасининг ҳудудий ташкилотларида тасдиқланган муддатларда, унинг ПЎИНҚМ га келган кунини ҳисобга олган ҳолда: ойнинг биринчи ярми учун - жорий ойнинг 22-кунидан кечиктирмай, иккинчи ярми учун - кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмай, бир ойда 50 та ва ундан кам пул ўтказмасини тўлаган почта алоқаси объектлари (алоқа бўлимлари)нинг ҳисоботи эса ойда бир марта, ойнинг иккинчи ярми учун ҳисоботларга белгиланган муддатларда амалга оширилади.

ПЎИНҚМ кўрсатмасига кўра пул ўтказмаларини катта миқдора қабул қилувчи ва тўловчи вилоят марказлари, Тошкент ва Нукус шаҳарлари почта алоқасининг ҳудудий ташкилотлари ёки почта алоқаси объектлари (почта алоқа боғламалари, почтамтлар) учун 10-шаклдаги реестрлар билан бирга назоратта жўнатиш ўн кунлик ёки беш кунликлар бўйича белгиланиши, 5-шаклдаги дафтраларни 103-шаклдаги рўйхатлар билан бирга жўнатиш эса ойда икки марта қилиб белгиланиши мумкин.

211 Почта-касса аппарати, электрон мажмуадан фойдаланиб пул ўтказмалари қабул қилинадиган ва тўланадиган почта алоқасининг ҳудудий ташкилотлари ёки почта алоқаси объектларидан перфоленталар (дискетлар ёки бошқа ахборот ташувчилар) маълумотларни туплаш, тайёрлаш ва узатиш пунктлари (МТТУП)га жўнатилади, кейин эса бу маълумотлар ПУИНҚМга жўнатилади. Кўрсатилган ахборот ташувчиларни МТТУПдан ПЎИНҚМга топшириш муддатларини ПЎИНҚМ белгилайди.

212 Почта алоқасининг ҳудудий ташкилотлари ёки почта алоқаси объектлари (почта алоқа боғламалари, почтамтлар)дан ва почта алоқасининг ҳудудий ташкилотларининг МТТУПдан ҳисоботлар ПЎИНҚМга суғуртали қопларда, уларни 16-шаклдаги юкхатта ёзиб жўнатилади. 17-шаклдаги манзил ёрлиғида қуйидагилар кўрсатилади: *«Тошкент ш. Пул ўтказмаларига ишлов бериш ва назорат қилиш маркази».*

Халқаро почтамт ПЎИНҚМ га келган суғуртали қопларни белгиланган муддатларда элтиб беради ва шу билан бир вақтда ПЎИНҚМдан жўнатилаётган суғурта почтани қабул қилади.

*424* - сон коп 57-шакл

2001 йил *апрель ойнинг 2-ярми* учун

________________ ПЎИНҚМ га

*Чиноз почта алоқа боғламаси* дан




(жўнатиш куни тақвим тамға изи)

Жўнатилган пул ўтказиш операциялари бўйича ҳисоботнинг

8 - сон РЎЙХАТИ

| Т/р | Объектнинг рақамли белгиси | Объектнинг номи | Тўланган пул ўтказмаларига 10-шаклдаги реестрлар | Қабул қилинган пул ўтказмаларига 5-шаклдаги дафтарлар |
|---|---|---|---|---|
| | | | сони | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| *1* | *01* | *Олмазор* | *6* | *4* |
| *2* | *02* | *Олмазор 1* | *2* | *1* |
| *3* | *05* | *Йўлтушган* | *4* | *2* |
| *4* | *06* | *Янгичиноз* | *3* | *2* |
| | | Жами | *15* | *9* |

62-расм ПЎИНҚМ га жўнатилувчи пул ўтказмаси операциялари бўйича ҳисоботнинг 57-шаклдаги рўйхатни тузиш ва расмийлаштириш намунаси

## 5.5 Ҳукуматга оид почта жўнагмалари

### 5.5.1 Ҳукуматга оид почта жўнатмаларини қабул қилиш, ишлов бериш ва жўнатиш

213 Ҳукуматга оид почта жўнатмалари барча ўтиш йўли давомида *«Ҳукуматга оид»* тоифасида ишлов берилади, жўнатилади ва топширилади.

214 Ҳукуматга оид почта жўнатмаларига ўлчами, оғирлиги ва ўровига нисбатан умумий ўрнатилган талаблар қўйилади.

Ҳукуматга оид почта жўнатмаларини қабул қилиш, ишлов бериш, жўнатиш ва топшириш ушбу бўлимда баён қилинган қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда, почта жўнатмаларининг тегишли турлари учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

**215** Ҳукуматга оид почта жўнатмаларини қабул қилишда алоқа ходими қуйидагиларга эътибор беради:

а) жўнатувчига почта жўнатмаларини ҳукуматга оид тоифасида узатиш ҳуқуқи берилган, ёки берилмаганлиги;

б) уларда *«Hukumatga oid»* ёзуви борлигини текширади. Агар бундай ёзув бўлмаса, алоқа ходими уни амалга оширишни таклиф этиши керак.

1,3-шакллардаги дафтарларга рўйхатга олинадиган почта жўнатмаларини ёзишда «Алоҳида белгиси» сатрида *«Hukumatga oid»* деб кўрсатилади.

162х229 мм. ва 229х324 мм. ўлчамли конвертларда ҳукуматга оид ёзма хат-хабарлар **ички картонли тагқўймалар** билан қабул қилинади.

**216** Ҳукуматга оид оддий хат-хабарлар 103-шаклдаги рўйхат бўйича қабул қилинади, у бир нусхада тузилади. Рўйхатга конвертларда кўрсатилган хатларнинг жўнатилиш рақамлари қўйилади.

**217 Ҳукуматга оид почта жўнатмаларига бошқа почта жўнатмаларидан алоҳида, почта алоқасининг йирик объектларида эса махсус иш жойларида ишлов берилади ва мўлжалланган манзилига энг тез усул билан жўнатилади.**

Ҳукуматга оид оддий ёзма хат-хабарларни қабул қилишда квитанция берилмайди, лекин алоқа ходими 103-шаклдаги рўйхатга имзо қўяди, қабул қилинган почта жўнатмаларининг сонини кўрсатади ва тақвим тамға изини туширади.

**218** Хат-хабарларни батафсил саралашни амалга оширмайдиган почта алоқаси объектлари қабул қилинган ҳукуматга оид хат-хабарларни почта алоқаси объектлари (почта алоқа боғламалари, алмашув пунктлари)га алоҳида қопларда *«Hukumatga oid»* белгиси билан жўнатадилар.

**Ҳукуматга оид оддий ва буюртмали хатлар, оддий ва буюртмали бандероллар ҳеч бўлмаганда битта *«Hukumatga oid»* белгили почта жўнатмаси мавжуд бўлганда бошқа хат-хабарлардан алоҳида йиғиндиларга жойланади.**

**219** Оддий ҳукуматга оид хатлар барча ўтиш йўли давомида 103-шаклдаги жўнатиш рақамлари бўйича 11-шаклдаги реестрларга ёзиб жўнатилади. Ҳукуматга оид буюртмали почта жўнатмалари 3-шаклдаги ёрлиқларда кўрсатилган рақамлар бўйича, транзитлари эса - рақамларини ва уларнинг қабул қилувчи почта алоқаси объектларини кўрсатиб 11-шаклдаги реестрларга ёзилади. 11-шаклдаги реестрлар икки нусхада тузилади ва ой давомида алоҳида тартибли рақамлар бўйича рақамланади. Ҳар бир гуруҳ бўйича почта жўнатмаларининг якуни сўз билан ёзилади. Реестр уни тузган алоқа ходими ва назорат қилувчи шахс томонидан имзоланади.

**220** Ҳукуматга оид хат-хабарлари бўлган йиғимлар сонидан қатъи назар ўтишнинг барча босқичларида алоҳида қопларда жўнатилади.

Агар ҳукуматга оид хат-хабарлар якка ҳолда ва кам оғирликда бўлса, ҳукуматга оид хат-хабарни бошқа хат-хабарлар йиғиндиси билан бирга қопга солишга рухсат этилади. Қопларга 10-шаклдаги манзил ёрлиқлари бириктирилиб, уларга *«Hukumatga oid»* белгиси қўйилади (63-расм).




63-расм. Ҳукуматга оид хат-хабарли қоп учун 10-шаклдаги манзил ёрлиғини расмийлаштириш намунаси

Ҳукуматга оид оддий ва буюртмали хат-хабарлар солинган қоплар суғуртали қоплар учун белгиланган тартибда беркитилади ва иплов берилади.

221 Ҳукуматга оид қиммати эълон қилинган хатлар ва қиммати эълон қилинган бандероллар эълон қилинган суммаси ва сонидан қатъий назар манзилигача алоҳида суғуртали қопларга беркитилади.

Қопларга 17-шаклдаги манзил ёрлиқлари бирикитирилиб, унга *«Ҳукуматга оид»* тамға изи туширилади.

222 Ҳукуматга оид почта жўнатмалари ёзиб қўйиладиган 11-шаклдаги барча реестрлар ва 16-шаклдаги юкхатларнинг юқори қисмига ва шундай ёзма хат-хабарлар жойланган йиғиндиларга *«Ҳукуматга оид»* тамғасининг изи аниқ қилиб туширилади, 16-шаклдаги умумий юкхатларда жўнатилган вақти ҳам кўрсатилади.

### 5.5.2 Ҳукуматга оид почта жўнатмаларини эгасига топшириш

223 Ҳукуматга оид почта жўнатмалари имкони бўлган барча усул ва воситалар ёрдамида энг қисқа вақт ичида элтиб берилади.

224 Ҳукуматга оид оддий почта жўнатмалари белгиланган тартибда 8-шаклдаги дафтарда ёки 11-шаклдаги реестрда тилхат билан топширилади, уларда қабул қилиш жойи, почта жўнатмасининг ўровига қўйилган биринчи чиқиш рақами (у бўлмаганда *«рақамсиз»* деб кўрсатилади) ва олувчининг номи кўрсатилади.

225 Йирик почта алоқаси корхоналарида ҳукуматга оид почта жўнатмаларига тааллуқли бўлган ҳужжатлар алоҳида тикилади ва уларда *«Hukumatga oid»* деб кўрсатилади.

## 5.6 Олинганлиги тўғрисида хабарномаси бўлган почта жўнатмалари ва пул ўтказмалари

### 5.6.1 Олинганлиги тўғрисида хабарномаси бўлган почта жўнатмалари ва пул ўтказмаларини қабул қилиш

226 Олинганлиги тўғрисида хабарномаси бўлган почта жўнатмалари, пул ўтказмаларини қабул қилиш ва топшириш ушбу бўлимда баён қилинган қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда, тегишли турдаги почта жўнатмалари ва пул ўтказмалари учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

227 Жўнатувчи хабарномани почта орқали олишни хоҳлаганда, 119-шаклдаги хабарнома (64-расм) бланкасини ўз номига ёки почта жўнатмаси, пул ўтказмасини олувчига топширгандан сўнг хабарнома юборилиши керак бўлган шахс номига тўлдиради. Хабарнома олд қисмининг юқори қисмида унинг тоифаси (оддий, буюрт-

мали) ва уни жўнатиш усули (ер усти, авиа) кўрсатилади. Хабарнома бланкасининг орқа томонида жўнатувчи қуйидагиларни кўрсатади: юборилаётган почта жўнатмаси, пул ўтказмасининг тури, жўнатиш санаси, почта жўнатмаси ва пул ўтказмаси юборилаётган манзил ҳамда олувчининг номи. Зарур бўлган ҳолларда қиммати эълон қилинган сумма ва устама тўлов суммаси кўрсатилади (65-расм).


119-шакл

Бу томонига ўз манзилингизни ёзинг

Toshkent 11
58-o 1

*Оддий, буюртмали, авиа, тезкор (телеграфли, шошилинч телеграфли) почта жўнатмаси, пул ўтказмасини топширганлик тўғрисидаги хабарнома (кераклисини остига чизилсин)*

Кимга *Содиқ Баҳромович Саидовга*

Қаерга *Ўзбекистон 40 йиллиги кўч, 7 уй, 51-хонадон*

*Бухоро ш. 705000*

(хабарнома келиб тушган куни тақвим тамға изи)



64-расм 119-шаклдаги топширганлик ҳақидаги хабарноманинг олд томонини тўлдириш ва расмийлаштириш намунаси

**228** Почта жўнатмалари, пул ўтказмаларини (тезкор (телеграф) пул ўтказмаларидан ташқари) телеграф орқали хабарнома билан беришда 119-шаклдаги хабарнома бланкаси тўлдирилмайди. Лекин, агар жўнатувчи телеграф хабарномани почта жўнатмасида кўрсатган манзили бўйича олишни хоҳласа, у 119-шаклдаги тўлдирилган бланкани илова қилиб, унда хабарнома жўнатилиши керак бўлган манзилни кўрсатиши зарур.

(119-шаклнинг орқа томони)

*58* - сон
(почта квитанцияси)

*Бухоро* дан *посилка*
(жўнатма тури)

Эълон қилинган қиммати *500 сўм* устама тўлови - сўм - тийин, *2001 йил 12.04.* да
(йил, кун, ой)

*Саида Жўраевна Ниёзова* номига
*Навоий кўч. 6-уй, 12-хонадон*
*Тошкент ш. 700011* манзили бўйича жўнатилган

200*1* й. «*20*» *04* да *Ниёзовага* шахсан топширилди
(кимга) ишончнома бўйича




(почта жўнатмаси, пул ўтказмаси келиб тушган кун тақвим тамға изи)

Алоқа объекти раҳбарининг имзоси
(цех, участка)
*Мажидова*

Қора йўғон чизиқ билан ажратилган жойни жўнатувчи тўлдиради




(хабарнома жўнатилган кун тақвим тамға изи)

65-расм 119-шаклдаги хабарноманинг орқа томонини тўлдириш ва расмийлаштириш намунаси

Тезкор (телеграф) пул ўтказмасини жўнатувчи телеграф орқали хабарномани 114-шаклдаги тезкор (телеграф) пул ўтказмаси бланкасида кўрсатилган жўнатувчининг манзили бўйича йўлланишини истамаса, у хабарнома қайси манзил бўйича юборилиши кераклигини ёзма равишда хабарномада кўрсатиши зарур. Тезкор (телеграф) пул ўтказмасини жўнатувчи тезкор (телеграф) пул ўтказмасини қабул қилувчи почта алоқаси объектининг хизмат кўрсатиш ҳудудидан ташқарида яшаган ҳолларда, у ўзининг телеграфли хабарнома йўлланиши керак бўлган манзилни ёзма равишда хабарномада кўрсатади. Ёзма маълумот каби манзил учун ҳам ҳақ олинади. Бу ҳолда 119-шаклдаги хабарнома тўлдирилмайди.

229 Почта жўнатмаси, пул ўтказмасини қабул қилишда олинганлиги тўғрисидаги хабарнома билан алоқа ходими қуйидагиларни бажариши зарур:

а) почта жўнатмаси (бланкаси), пул ўтказмасида *«Хабарнома билан»* ёзувининг ва айнан қайси - турининг бор-йўқлигини текшириши (66-расм);




66-расм Конвертда «Судга чақирув қоғози. Буюртмали хабарнома билан» белгили буюртмали хатни расмийлаштириш намунаси

б) 119-шаклдаги хабарнома бланкаларининг олд ва орқа томонидаги ёзувлар тўғрилигини текшириши;

в) почта-касса аппарати, электрон мажмуада расмийлаштирилган 1, 3, 5-шакллардаги квитанцияларда *«Хабарнома билан»* ва айнан қайси турданлигини кўрсатиши;

г) хабарноманинг орқа томонига квитанция рақамини қўйиши, туловнинг тўғрилигини текшириши ва хабарномалардаги маркаларни тақвим тамғалари билан ҳисобдан чиқариши.

Тезкор (телеграф) хабарномали почта жўнатмаси, пул ўтказмасини қабул қилишда 119-шаклдаги хабарнома бланкаси тўлдирилмайди, алоқа ходими почта жўнатмасининг манзил томонига, посилкага тегишли бўлган бланкасига ёки пул ўтказмасига *«Тезкор (телеграф) хабарнома»* ёзуви бўлган фарқ қилувчи 5-шаклдаги ёрлиқни ёпиштиради (67-расм) ёки 5-шаклдаги ёрлиққа мос келувчи тамғани туширади. Агар хабарнома шошилинч телеграмма билан жўнатилиши керак бўлса, у ҳолда 5-шаклдаги ёрлиқнинг бўш жойига *«Шошилинч»* белгиси қўйилади.

1-шаклдаги дафтардан берилган квитанцияда телеграф хабарномаси учун тўлов алоҳида сатрда кўрсатилади ва тўловнинг умумий суммасига киритилади.

5-шаклдаги дафтардан берилган квитанцияда тезкор (телеграф) хабарнома учун тўлов пул ўтказмасини жўнатиш учун тўланадиган тўловнинг умумий суммасига киритилади.

3-шаклдаги дафтардан берилган квитанцияда буюртмали хат (бандероллар) олинганлиги тўғрисидаги тезкор (телеграф) хабарнома учун тўлов умумий суммага киритилади.

230 119-шаклдаги хабарнома бланкаси почта жўнатмаси, пул ўтказмаси бланкасининг манзил ёзилмайдиган томонига, агар посилка қабул қилинаётган бўлса - бланкасига, йўлда йўқолиб қолмайдиган қилиб бириктирилади.

Агар олинганлиги тўғрисидаги хабарнома билан бирга полиэтилен ўровли бандерол қабул қилинса, 119-шаклдаги хабарнома бланкаси плёнка остидаги бандерол ичига жойланади.

| Тезкор (телеграф) хабарнома |
|---|

67 - расм Тезкор (телеграф) хабарномали почта жўнатмалари, пул ўтказмалари учун 5-шаклдаги ёрлиқ намунаси

Олинганлиги тўғрисидаги телеграф ёки почта хабарномали тезкор (телеграф) пул ўтказмасини қабул қилишда 119-шаклдаги хабарноманинг бланкаси олувчига пул тўлаш тўғрисидаги хабарни олишни назорат қилиш учун ;жўнатилган жойдаги почта алоқаси объектида қолади.

**5.6.2 Почта жўнатмалари ва пул ўтказмаларини хабарнома билан топшириш. Почта жўнатмаларини топширган, пул ўтказмаларини тўлаган почта алоқаси объектларида хабарномаларни расмийлаштириш**

231 Белгиланган манзилдаги почта алоқаси объектларида келиб тушган олинганлиги тўғрисидаги хабарномаси бўлган почта жўнатмалари, пул ўтказмаларини 8-шаклдаги дафтарга ва 20-шаклдаги назорат дафтарига ёзишда *«Хабарнома билан»* белгиси ва айнан қайсинисига тааллуқлиги кўрсатилади. 119-шаклдаги хабарнома бланкасининг орқа томонидаги пастки чап бурчагида почта жўнатмаси, пул ўтказмаси келиб тушган сана ёзилган тақвим тамға изи туширилади.

232 Почта жўнатмаси, пул ўтказмаси 119-шаклдаги хабарнома бланкасиз келиб тушганда мўлжалланган манзилдаги почта алоқаси объекти почта жўнатмаси, пул ўтказмасида мавжуд бўлган маълумотлар бўйича *«Xizmatga oid»* белгиси қўйилган хабарноманинг кўчирма нусхасини тузишга мажбур.

Почта жўнатмаси, пул ўтказмасини қабул қилиб олиш жойидаги почта алоқаси объекти томонидан қоида бузилган ҳолда расмийлаштирилган хабарнома олинганда, етишмайдиган маълумотлар хабарномага белгиланган манзилдаги почта алоқаси объекти томонидан почта жўнатмаси, пул ўтказмасида келтирилган маълумотлар асосида киритилади.

233 119-шаклдаги хабарноманинг бланкаси почтальонга элтиб бериш учун топширилмайди. Полиэтилен ўровидаги бандеролларга жойланган хабарномалар ҳамда *«O'z qo'liga topshirilsin»* ва *«Chaqiruv qog'ozi»* белгиси бўлган хатлар, поста варақчалари олинганлиги тўғрисидаги хабарномалар, бундан мустасно.

234 Почта алоқаси объектига келиб тушган тезкор (телеграф) хабарномаси бўлган почта жўнатмалари, пул ўтказмаларига олдиндан телеграмма-хабарномалари тузилади, улар почта алоқаси объектида қолади ва почта жўнатмалари топширилгандан, пул ўтказмалари тўлангандан сўнг узил-кесил расмийлаштирилади. Буюртмали хат ёки буюртмали бандерол, посилка, оддий пул ўтказмаси, қиммати эълон қилинган хатлар ёки қиммати эълон қилинган бандеролларнинг олинганлиги тўғрисидаги телеграмма-хабарнома жўнатувчининг манзилига қуйидаги шаклда тузилади:

*Наманган 6*
*Навоий кўчаси 35, 18-хонадон, Саидовга*
*қиммати эълон қилинган 6/8 даги 368 хат Шариповга*

______________________________________________

____________________________________ *топширилди*
(кимга, қачон; топширилгандан сўнг тўлдирилади)
*Алоқа бўлими*
*бошлиғи*________________________________
(хабарнома расмийлаштирилгандан сўнг имзоланади)

Агар тезкор (телеграф) хабарнома қишлоқ жойларига жўнатилиши керак бўлса, хабарномани олувчининг фамилиясидан ташқари исми ва шарифи ҳам албатта кўрсатилиши шарт.

**Тезкор (телеграф) хабарнома матнида қисқартиришларга йўл қўйилмайди.**

Тезкор (телеграф) пул ўтказмаларини тўлаш тўғрисидаги те-

леграмма ушбу пул ўтказмаси қабул қилинган почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти бошлиғининг номига, қуйидаги шакл бўйича тузилади:

*Вобкент 1 Бухоро АББ*
*29/8 даги икки минг* ____3/110____ *телеграф пул ўтказмаси*
(5-ш. бўйича рақ.)
*Жабборовга*______________________ *тўланди*
(кимга, қачон; пул тўлангандан сўнг тўлдирилади)
*АББ*______________________________
(хабарнома расмийлаштирилгандан сўнг имзоланди)

Почта хабарномали тезкор (телеграф) пул ўтказмаларига мўлжалланган манзилдаги почта алоқаси объектлари томонидан шу пул ўтказмаларини қабул қилган жойдаги почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти бошлиғининг номига 119-шаклдаги хабарноманинг бланкаси олдиндан тўлдирилади.

**235** Манзилланган жойдаги почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объектларида почта жўнатмаси топширилгандан ёки пул ўтказмаси тўлангандан сўнг алоқа ходими 119-шаклдаги хабарнома бланкасининг орқа томонидаги махсус ажратилган жойларида, почта жўнатмаси кимга ва қачон берилгани ёки пул ўтказмаси кимга ва қачон тўланганини белгилайди ҳамда уни текшириш ва имзо қўйиш учун почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқа боғламаси, почтамт) назорат қилувчи шахсига, ёҳуд почта алоқаси объекти (алоқа бўлими)нинг бошлиғи (ўринбосари)га беради. Расмийлаштирилган ва текширилган хабарнома унда кўрсатилган манзил бўйича жўнатилади. Хабарнома орқа томонининг пастки ўнг бурчагида ушбу хабарнома жўнатилган сананинг тақвим тамға изи туширилади.

Агар почта жўнатмаси ёки пул ўтказмаси ишончнома бўйича берилган бўлса, у ҳолда хабарномада олувчининг фамилияси, зарур ҳолларда эса лавозими ҳам кўрсатилади.

Корхона, ташкилот ёки муассасага буюртмали почта жўнатмаси топширилганда хабарномада *«Экспедицияга (концелярияга), Аҳмедовга топширилди»* белгиси ёзиб қўйилиши зарур.

**236** Полиэтилен ўровда келган бандеролни топширишда бандерол олувчи иштирокида очилгандан сўнг, 119-шаклдаги хабарноманинг бланкаси ундан чиқариб олинади.

**237** Олинганлиги тўғрисидаги буюртмали хабарномага **олувчининг шахсий имзоси билан** фақат қимматли хатлар (почта варақчалари) ва *«O'z qo'liga topshirilsin»* белгиси бўлган қиммати эълон қилинган хатлар, *«Sudga chaqiruv qog'ozi»* белгиси бўлган буюртмали хатлар берилади.

**238** Тезкор (телеграф) хабарномали почта жўнатмаси берилгандан сўнг ёки пул ўтказмаси тўланганда олдиндан тузилган телеграмма етишмайдиган маълумотлар билан (кимга ва қачон почта жўнатмаси берилган, пул ўтказмаси тўланган) тўлдирилади. Агар почта жўнатмаси ёки пул ўтказмаси кечиктириб топширилган бўлса, у ҳолда хабарномада кечикиш сабаблари кўрсатилади. Шундан сўнг хабарнома почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқа боғламаси, почтамт)нинг назорат қилувчи шахси, ёҳуд почта алоқаси объекти (алоқа бўлими)нинг бошлиғи (ўринбосари) томонидан имзоланади ва пул ўтказмаси, қиммати эълон қилинган хат ёки қиммати эълон қилинган бандерол, посилка билдиришномаларида, ёҳуд агар буюртмали хат ёки буюртмали бандерол берилган бўлса, 8-шаклдаги дафтгарга имзо қўйиб телеграфга топширилади. Билдиришнома (8-шаклдаги дафтар)да телеграф ходими *«Хабарномани __________да (санаси, вақти) қабул қилдим»* белгисини қўяди ва имзолайди. Тезкор (телеграф) хабарномаларининг узатилишини рўйхатга олиш учун махсус дафтар (реестр)ларни юритишга рухсат берилади. Телеграф алоқаси бўлмаган почта алоқаси бўлимларидан тезкор (телеграф) хабарнома бириктирилган телеграф алоқаси объектига телеграммалар белгиланган тартибда ўз қўли билан топшириш учун жўнатилади.

**239** Буюртмали хабарномалар почта жўнатмалари, пул ўтказмалари келиб тушган рақамлар билан жўнатилади. Бу рақамлар 3-шаклдаги ёрлиқларга қўйилади ва хабарномалари 11-шаклдаги реестрда қайд қилинган ҳолда жўнатиш учун узатилади.

**240** Почта хабарномаларининг жўнатилиш вақти тўғрисида, почта жўнатмалари, пул ўтказмаларининг турига боғлиқ ҳолда, 8-шаклдаги дафтарнинг охирги устунида ёки топширилган почта жўнатмаси ёҳуд тўланган пул ўтказмасининг билдиришномаларида алоқа ходими *«Хабарнома_________да (сана) жўнатилди»* белгисини қўяди ва имзолайди.

### 5.6.3 Хабарномаларга ишлов бериш ва уни почта жўнатмалари ҳамда пул ўтказмаларини жўнатувчиларга топшириш

**241** Тезкор (телеграф) пул ўтказмасини қабул қилувчи жойнинг алоқа ходимлари тезкор (телеграф) ёки олинганлиги тўғрисидаги почта хабарномани олишлари билан жўнатувчи томонидан тўлдирилган 119-шаклдаги хабарнома бланкасини топиб, пул ўтказмаси кимга ва қачон тўланганини кўрсатадилар. Бу белгини почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқа боғламаси, почтамт)ни назорат қилувчи шахс ёҳуд почта алоқаси объекти (алоқа бўлими)нинг бошлиғи (ўринбосари) имзолайди,

шундан сўнг хабарномага тақвим тамға изи туширилади ва пул ўтказмасининг жўнатувчисига элтиб берилади. Пул ўтказмаси тўланган жойдаги почта алоқасининг ҳудудий ташкилотлари ёки почта алоқаси объектларидан олинган хабарномалари алоҳида тикиб қўйилади.

Агар тезкор (телеграф) хабарнома тезкор (телеграф) пул ўтказмасини қабул қилган почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объектига келиб тушса, жўнатувчи ушбу почта алоқаси ҳудудий ташкилотларидан ёки почта алоқаси объектларининг элтиб бериш ҳудудидан ташқарида яшаса, бу хабарнома Телеграф қоидаларида кўзда тутилган тартибда тегишли манзилга юборилади. 119-шаклдаги хабарнома телеграммани юбориш вақти тўғрисидаги белги билан, пул ўтказмаси қабул қилинган почта алоқаси ҳудудий ташкилотида ёки почта алоқаси объектида қолади ва жўнатилган пул ўтказма телеграммаси билан бирга сақланади.

242 119-шаклдаги хабарнома бланкасининг манзилини кўрсатувчи томонининг пастки ўнг бурчагида уларнинг келган кун санасининг тақвим тамға изи туширилади. Элтиб бериш учун топширишдан аввал почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқа боғламаси, почтамт)ни назорат қилувчи шахс ёҳуд почта алоқаси объекти (алоқа бўлими)нинг бошлиғи (ўринбосари) хабарнома бланкаларининг тўғри расмийлаштирилганлигини синчиклаб текшириши керак. Расмийлаштирилмаган ёки нотўғри расмийлаштирилган хабарнома бланкалари бўйича ходимнинг айбига кўра яроқсизликка йўл қўйган почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқа боғламаси, почтамт)-нинг ҳисоб рақамларини қўйиб дарҳол хабарнома бланкасига киритиладиган зарур маълумотларни аниқлаш учун телеграф сўрови жўнатилади.

**Расмийлаштирилмаган ёки нотўғри расмийлаштирилган хабарнома бланкаларини жўнатувчиларга топшириш қатъиян ман этилади.**

243 Агар тезкор (телеграф) пул ўтказмасининг тўланганлиги тўғрисидаги тезкор (телеграф) хабарнома пул ўтказмаси тўланган кундан бошлаб 5 кун давомида олинмаса, у ҳолда манзилининг почта алоқаси ҳудудий ташкилотига ёки почта алоқаси объектига телеграф сўрови жўнатилади.

Тезкор (телеграф) пул ўтказмасини олинганлиги тўғрисидаги почта хабарнома олинмаганда, пул ўтказмасини тўлаш учун зарур муддат ва хабарнома бланкаси почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти манзилида берилган жойга ўтказиш учун зарур бўлган муддат тугагандан сўнг, манзилининг почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объектига почта орқали сўров юборилади.

244 Жўнатувчи почта жўнатмаси ёки пул ўтказмасини қабул қилган почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёҳуд почта алоқаси объектига хабарномани олмаганлиги тўғрисида ариза билан мурожаат қилганида, почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти почта жўнатмаси ёҳуд пул ўтказмаси ва хабарномани ўтказишнинг назорат муддатлари тугагандан сўнг, почта жўнатмаси топшириладиган ёки пул ўтказмаси тўланадиган санани тезда аниқлаш ва натижасини аризачига маълум қилиш чораларини кўришга мажбурдирлар.

### 5.6.4 Олинганлиги тўғрисидаги навбатдаги хабарномалар

245 Почта жўнатмаси, пул ўтказмасини рўйхатга олувчи почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объектига топширилгандан сўнг, олинганлиги тўғрисидаги хабарнома ўн икки ой мобайнида талаб қилиниши мумкин. **Бундай хабарнома навбатдаги деб аталади** ва исталган почта алоқаси объектига почта жўнатмаси, пул ўтказмасини қабул қилганлик тўғрисидаги квитанцияни кўрсатиш билан жўнатилиши мумкин. Рўйхатга олинаётган почта жўнатмасининг туридан қатъи назар, жўнатувчи навбатдаги хабарномани 119-шаклдаги бланкада тузади. Бланканинг юқорисига *«Навбатдаги»* белгиси қўйилади. Бундай хабарномалар почта орқали (буюртмали) ва тезкор (телеграф орқали) жўнатиш учун қабул қилинади. Навбатдаги хабарномалар почта алоқаси хизматларининг амалдаги тарифларига мувофиқ тўланади.

Навбатдаги хабарномани қабул қилаётган алоқа ходими ушбу Қоиданинг 229-бандида кўзда тутилган текширувдан ташқари, унда кўрсатилган маълумотларни берилган квитанция билан солиштириб, унга *«______________йил, кун, ойда почта ёки тезкор (телеграф) хабарномаси талаб қилиб олинди»* белгисини қўяди ва имзолайди. Почта хабарномаси буюртмали хизмат хатида почта жўнатмаси бериладиган ёки пул ўтказмаси тўланадиган жойдаги почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёҳуд почта алоқаси объектининг раҳбарига жўнатилади. Конверт устига *«Навбатдаги буюртмали хабарнома»* белгиси қўйилади.

246 Навбатдаги тезкор (телеграф) хабарнома бўйича почта жўнатмаси, пул ўтказмаси юборилган почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объектининг раҳбари номига пуллик хизмат телеграммаси жўнатилади. 119-шаклдаги хабарнома бланкаси почта жўнатмаси, пул ўтказмаси қабул қилинадиган жойдаги почта алоқаси объектида қолади.

Пуллик хизмат телеграммаси учун жўнатувчига ТГ-2-шаклдаги дафтардан квитанция берилиб, унда телеграмма ва навбатдаги

хабарнома учун тўлов суммаси кўрсатилади. Навбатдаги буюртмали хабарнома маркалар билан тўланади.

**247** Манзилидаги почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти навбатдаги почта хабарномани олиши билан почта жўнатмаси кимга ва қачон топширилганини ёки пул ўтказмаси кимга ва қачон тўланганлигини аниқлайди ва ҳамда бу ҳақда навбатдаги почта хабарномага белги қўяди, сўнгра ушбу Қоидаларнинг 235,239-бандларида кўзда тутилган тартибда расмийлаштирилиб, белгиланган манзилга жўнатилади.

Агар навбатдаги хабарнома телеграф орқали талаб қилинган бўлса, навбатдаги хабарномани қабул қилиш жойидаги почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти раҳбарининг номига қуйидаги шаклда телеграмма жўнатилади:

*Тошкент 128 АББ*
*17/6 даги 153-посилка шахсан Саидовга берилди.*
*25/6 = АББУ 12 Шарипова*

Агар почта жўнатмалари, пул ўтказмаларининг келиб тушган жўнатмалар ичида йўқлиги аниқланган ҳолларда, бу ҳақда белги қўйилган хабарнома жўнатиш жойининг почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объектига жўнатмани қидириш чораларини кўриш ва бу ҳақда жўнатувчига билдириш учун жўнатилади.

### 5.7 Устама тўловли почта жўнатмалари

**248** Устама тўловли почта жўнатмаларининг ўлчови, оғирлиги ва ўрами, уларни қабул қилиш ва топшириш тартиби ушбу бўлимда кўзда тутилган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда қиммати эълон қилинган хатлар, қиммати эълон қилинган бандероллар ва қиммати эълон қилинган посилкаларга қўйиладиган талабларга жавоб бериши керак.

**249** Устама тўлов суммаси жўнатувчининг хоҳишига кўра белгиланади, бироқ у қиммати эълон қилинган почта жўнатмасининг ҳақиқий суммасидан ошмаслиги керак.

Устама тўлов суммаси оддий ёки тезкор (телеграф) пул ўтказмалари (шошилинч ва оддий) орқали жўнатилиши мумкин.

**250** Устама тўловли қиммати эълон қилинган хат ёки қиммати эълон қилинган бандеролга жўнатувчи 113-шаклдаги оддий пул ўтказмаси бланкаси ёки 114-шаклдаги тезкор (телеграф) пул ўтказмаси бланкасини тўлдиради. Устама тўловли қиммати эълон қилинган посилкага 117-шаклдаги комбинацияланган бланка (посилка бланкаси оддий пул ўтказма бланкаси билан бирга) ёки 116-шакл-

даги бланка ва 114-шаклдаги тезкор (телеграф) пул ўтказмасининг бланкаси тўлдирилади.

Устама тўловли пул ўтказма бланкаси талонининг орқа томонида жўнатувчи устама тўлов почта жўнатмасининг қандай тури учун юборилиши кераклигини, почта жўнатмаси қаерда топширилгани (почта алоқаси объектининг номи), жўнатилган санани, почта жўнатмаси қаерга ва кимнинг номига юборилаётганини кўрсатади.

Почта жўнатмалари бир жўнатувчи томонидан жўнатилгани ва битта олувчига манзилланганига боғлиқ бўлмаган ҳолда оддий ёки тезкор (телеграф) пул ўтказмаси ҳар бир устама тўловли почта жўнатмаси учун алоҳида тузилиши керак.

**251 Пул ўтказмаси бланкасида кўрсатилган устама тўлов суммасини олувчининг манзили ва номи почта жўнатмасини жўнатувчининг манзили ва номига мос келиши керак.**

252 Устама тўловли почта жўнатмасини қабул қилишда алоқа ходими қуйидагиларни қўшимча равишда текширади:

почта жўнатмасида устама тўлов суммаси ва уни жўнатиш усули кўрсатилган ёки кўрсатилмаганлигини;

устама тўлов суммаси почта жўнатмасининг қиммати эълон қилинган суммасидан юқори эмаслигини;

устама тўлов пул ўтказма бланкасининг тўғри тўлдирилганлигини ва унинг почта жўнатмасида кўрсатилган маълумотларга мос келишини.

253 Почта жўнатмаси 1-шаклдаги дафтарга ёзиб қўйилганидан сўнг, 113-шаклдаги пул ўтказмаси бланкаси талонининг орқа томонига почта жўнатмасининг топшириш рақами қўйилади. 114-шаклдаги тезкор (телеграф) пул ўтказмасидаги ёзма хабар бериш сатрига алоқа ходими қайси почта жўнатмаси учун устама тўлов ўтказилганлиги, унинг рақами, санаси ва жўнатиш жойи, почта жўнатмаси кимга ва қачон манзилланганлигини кўрсатади.

Масалан - *«С.Р. Азимов номига 2001 йил 12.11 да Тошкент 11 дан Бухоро 2 га юборилган 69-сонли қиммати эълон қилинган бандерол учун устама тўлов».*

Почта жўнатмасини қабул қилишда устама тўловли пул ўтказмасининг бланкасига тақвим тамға изи туширилмайди. Устама тўловли пул ўтказмасининг бланкаси қиммати эълон қилинган хатга ёки қиммати эълон қилинган бандеролга йўлда йўқолиб қолмайдиган равишда маҳкамланади.

Агар қиммати эълон қилинган бандерол полиэтилен ўровига ўралган ҳолда қабул қилинса, устама тўловли пул ўтказма бланкаси почта жўнатмаси ичи (пленка ости)га қўйилади.

254 Почта жўнатмаси устама тўловли пул ўтказма бланкасисиз олинганда, почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти почта жўнатмасида кўрсатилган маълумотлар асосида барча зарур ахборотларни тўлдириб, янги пул ўтказма бланкасини тузишга мажбур.

255 Устама тўловли почта жўнатмаларини олувчига беришдан олдин қуйидагиларни бажариш зарур:

почта жўнатмаси ўрови ва устама тўловли пул ўтказмасида кўрсатилган маълумотларни солиштириш;

устама тўловли пул ўтказмаси бланкасидаги талоннинг орқа томонида барча зарур маълумотлар кўрсатилган, ё кўрсатилмаганини текшириш, агар бирор бир маълумотлар бўлмаса - уларни киритиш;

устама тўловли пул ўтказмаси бланкасидаги талоннинг орқа томонида почта жўнатмаси топширилган санани кўрсатиш ва имзо қўйиш.

Полиэтиленга ўралган устама тўловли қиммати эълон қилинган бандерол олувчи иштирокида очилади, ундан устама тўловли пул ўтказма бланкаси олиниб, текширилади ва зарур бўлиб қолганда ушбу бандда кўрсатилганидек расмийлаштирилади.

Корхона, ташкилот ва муассасаларга йўлланадиган 22-шаклдаги билдиришномаларда оддий маълумотлардан ташқари устама тўлов суммалари, уларни жўнатиш учун тўлов суммаси ва жўнатувчиларнинг номи кўрсатилади.

256 Устама тўловли почта жўнатмалари устама тўловнинг ва жўнатишдаги тўлов(ҳақи)нинг тўлиқ суммаси олинганидан сўнг олувчиларга берилади.

Почта алоқаси объектининг топшириш жойида почта жўнатмалари оғирлигида фарқ бўлса, ёки ўров, боғичлар, муҳрлар, тасмаларнинг нобутунлиги жойланмага кира олишни юзага келтирилганлиги ёки ташқи белгиларига қараб жойланма шикастлангани ёҳуд бузилганини тахмин қилиш мумкин бўлганда, 51-шаклдаги далолатнома тузилади ва олувчидан почта жўнатмаси очилгунига қадар устама тўлов суммаси ҳамда жўнатиш учун ҳақ олинмайди.

Агар жойланма текширилганда у тўлиқ бўлса ва рўйхатта мос келса, уни очиш учун далолатнома тузилмайди. Олувчидан устама тўлов суммаси ва жўнатиш учун ҳақ олинади ҳамда почта жўнатмаси белгиланган тартибда топширилади.

Жойланмадаги нарсаларнинг етишмаслиги, алмаштирилгани, тўлиқ ёки қисман бузилганлиги маълум бўлса ёҳуд олувчи очилган почта жўнатмасини олишни рад этса, у ҳолда уни очиш тўғрисида 51-шаклдаги далолатнома 2 нусхада тузилиб, олувчи ва алоқа ходимлари томонидан имзоланади. Почта жўнатмаси далолатномаси-

нинг 1-нусхаси билан тўғридан-тўғри суғуртали қопда жўнатилган жойига, жўнатувчига топшириш ва текширув ўтказиш учун қайтарилади, далолатноманинг 2-нусхаси эса, почта жўнатмасини қайтариб юбориладиган ҳужжатларига қўшиб қўйилади.

Почта алоқасининг транзит объектларида жойланмалари фактура (рўйхат)га тўғри келмаган устама тўловли почта жўнатмаларини очиш учун 51-шаклдаги далолатномалар тузилган ҳолларда, почта жўнатмалари тўғридан-тўғри суғуртали қопларда жўнатувчига топшириш ва текширув ўтказиш учун жўнатилган жойга қайтарилади.

**257** Устама тўловли пул ўтказмалари барча пул ўтказмалари каби қабул қилинади ва расмийлаштирилади; бунда оддий пул ўтказмасига берилган 113-шаклдаги талон орқа томонининг тўғри тўлдирилгани ва талонга устама тўловли почта жўнатмасини берган алоқа ходимининг имзоси бор-йўқлиги қўшимча равишда текширилади. Агар устама тўлов тезкор (телеграф) пул ўтказмаси билан жўнатилса, у ҳолда устама тўлов қайси почта жўнатмаси учун тўланиши, почта жўнатмасининг рақами ва уни топшириш санаси, устама тўловли почта жўнатмаси кимга йўлланганлиги текширилади. 5-шаклдаги квитанциянинг «Алоҳида белгиси» сатрига қисқа қилиб *«Устама тўлов»* сўзи ёзилади, *«Тўлов»* сатрида эса устама тўловни жўнатишдаги тўлов суммаси кўрсатилади. Пулларнинг қабул қилиб олинганлиги тўғрисидаги квитанция почта жўнатмасини олувчига берилади, топширилган почта жўнатмасига тегишли билдиришномада эса алоқа ходимининг имзосидан сўнг устама тўловли пул ўтказмасининг рақами ва унинг жўнатилган санаси ҳақидаги белги қўйилади.

**258** Битта олувчига бир вақтнинг ўзида беш ва ундан ортиқ почта жўнатмаларини жўнатишда, устама тўловли пул ўтказмаларини почта жўнатмаларини қабул қилувчи ёки алоқа ходими томонидан тузиладиган 103-шаклдаги рўйхат бўйича пул ўтказмаларини қабул қилиб олиш касасига топширилишига рухсат этилади. Рўйхат берилган устама тўловли почта жўнатмасининг билдиришномаларидан бирига қўшиб қўйилади, қолганларига рўйхат қайси бири билан бўлса, ушбу билдиришноманинг рақами қўйилади.

**259** Почта алоқаси ҳудудий ташкилотлари ёки почта алоқаси объектларининг раҳбарлари белгиланган тартибда ҳар куни устама тўлов суммасининг ўз вақтида ва тўлиқ жўнатилишини текширади (ушбу Қоидаларнинг 571-банди).

Устама тўловли почта жўнатмаларини топшириладиган кунда ёки кейинги кунда пул ўтказмалари жўнатилмай қолганлиги аниқланганда, кечикиш сабабларини аниқлаш ва бундай камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилади. Суиистеъмол қилиш ҳоллари аниқланганда айбдорлар жавобгарликка тортилади.

### 5.8 Ҳарбий почта жўнатмалари ва пул ўтказмалари

#### 5.8.1 Жўнатилувчи ҳарбий почта жўнатмалари ва пул ўтказмаларини қабул қилиш ҳамда уларга ишлов бериш

260 Ҳарбий почта жўнатмалари ва пул ўтказмалари ушбу бўлимда баён қилинган қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда, почта жўнатмаларининг тегишли турлари учун белгиланган тартибда қабул қилинади, ишлов берилади ва жўнатилади.

261 Қабул қилиш ва топшириш жойларидаги почта алоқаси ҳудудий ташкилотлари ёки почта алоқаси объектларида ҳарбий почта жўнатмалари ва пул ўтказмалари манзилига жўнатилгунча ҳамда топширилгунча таъминланган тартибда ишлов берилади ва сақланади. Ҳарбий хат-хабар ва ишлаб чиқариш ҳужжатларига фақат уларга ишлов берувчи алоқа ходимларигина жалб этилиши мумкин.

262 Ўзбекистон Республикаси қуролли кучларининг тегишли ваколатларга эга бўлган вакилларига ҳарбий почта жўнатмалари ва пул ўтказмаларига ишлов бериш, уларни ташиш ва жўнатиш тўғрилигини ҳамда ўз вақтида амалга оширилишини текшириш учун почта алоқаси объектларига киришга рухсат берилади.

263 Ҳарбий почта жўнатмалари ва пул ўтказмаларини қабул қилишда қуйидагиларга амал қилиниши зарур:

а) ҳарбий қисм ва муассасаларга мўлжалланган жой манзилини кўрсатган ҳолда (масалан: *70017 0, Тошкент 170, 14016 - ҳарбий қисм, Бахтиёр Турсунович Тухтаевга*), барча турдаги почта жўнатмалари, шу жумладан, тезкор (телеграф) пул ўтказмалари ҳам қабул қилинади;

б) рўйхатга олинадиган ҳарбий почта жўнатмалари фақат олинганлиги тўғрисидаги буюртмали ва оддий хабарномалари билан қабул қилинади.

264 Ҳарбий хизматчиларнинг оддий хатлари ва почта варақчалари (пулли ва бепул) ҳарбий почтальонлар томонидан почта қутиларига солинмайди, балки улар томонидан почта алоқаси объектларига топширилади.

265 Манзили кўрсатилмаган ҳарбий қисмлар ва муассасалар манзилига юборилган почта жўнатмалари жўнатувчига *«Манзили нотўғри кўрсатилган»* белгиси билан қайтарилиши, жўнатувчининг манзили кўрсатилмаганда эса, тарқатилмаганлар қаторига топширилиши лозим.

Ҳарбий қисм ва муассасаларга фақат шаҳар алоқа бўлими рақамини кўрсатмасдан манзилланган почта жўнатмалари **манзили бўйича ҳеч қандай тўсиқларсиз йўлланади.** Бундай почта жўнатмалари юборилган жойдаги ҳарбий қисм ахтариб топилмаган ҳол-

ларда Почта алоқаси фельдъегерлик боғламаси (бундан кейин матн бўйича ПАФБ)га юборилади.

Ҳарбий почта жўнатмалари ПАФБга, йўллаш режасига мувофиқ муҳрланган қопларда юборилади.

**266** Муддатли хизматдаги аскар, матрос, сержантлар номига жўнатиладиган оғирлиги 20 г гача бўлган оддий хатлар ва почта варақчалари бепул жўнатилади. Ушбу ҳарбий хизматчилар томонидан жўнатиладиган оғирлиги 20 г гача бўлган оддий хатлар ва варақчалар конверт ёки почта варақчаси устида *«Муддатли ҳарбий хизматчининг хати. Бепул»* ёзувли махсус учбурчакли тамға изи мавжуд бўлган ҳолларда, жўнатма бепул юборилади.

Бундай тамға изи туширилмаган хат ва почта варақчалари келган манзилига қайтарилади, у бўлмаганда эса-тарқатилмаганлар сонига киритилади. Оғирлиги 20 г дан ортиқ бўлган оддий хатлар, шунингдек, ҳарбий хизматчилар номига ва улар томонидан жўнатиладиган оддий бандероллар, буюртмали ва суғурта почта жўнатмалари, белгиланган тариф бўйича ҳақ тўлаш билан умумий асосларда қабул қилинади.

Прапорщиклар, мичманлар, зобитлар, генераллар, ҳарбий қисм штаблари (ҳарбий муассасалар ва билим юртлари) томонидан жўнатиладиган, шунингдек уларга манзилланган барча почта хат-хабарлари умумий асосларда амалдаги тарифлар бўйича тўланади.

### 5.8.2 Ҳарбий қисмларга ва уларнинг шахсий таркибига почта жўнатмаларини топшириш, пул ўтказмаларини тўлаш

**267** Ҳарбий қисмлар ва муассасаларга ҳамда уларнинг шахсий таркибига манзилланган оддий ва буюртмали жўнатмалар, шунингдек қиммати эълон қилинган хатлар, қиммати эълон қилинган бандероллар, посилкалар ва пул ўтказмалари (талонлари билан бирга) почта алоқаси ҳудудий ташкилотлари ёки почта алоқаси объектларидан ҳарбий почтальонларга ёҳуд қисм, муассасаларнинг вакилларига берилади.

Почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объектининг раҳбари ҳарбий қисмлар ва муассасалар қўмондонлиги билан биргаликда ҳарбий почтальонларнинг почта жўнатмалари ҳамда пул ўтказмаларини олишлари ва топширишлари учун келиш муддатларини белгилайдилар. Белгиланган муддатларнинг бузилиш ҳоллари тўғрисида қисм қўмондонлигига хабар қилинади.

**268** Ҳарбий почтальон ҳарбий қисм (муассаса)нинг почтасини қабул қилиш ҳуқуқини берувчи, қисм қўмондони томонидан имзоланиб, гербли муҳр изи билан тасдиқланган ва қуйидаги шаклда тузилган ишончномага эга бўлиши керак.

200_й « ____»_________________________________гача ҳақиқий
(ҳарбий қисм/муассаса бурчак муҳри)

_______- сон **ИШОНЧНОМА**

Ҳарбий почтальон ______________________________________га
(фамилияси,исми-шарифи)
берилди шу ҳақдаки, унга______________________________________
(почта алоқаси объектининг номи)
____________________дан ҳарбий қисм (муассаса)га _______________
(ҳарбий қисм рақами)
ва унинг шахсий таркибига манзилланган газета, журнал, оддий ва буюртмали почта жўнатмалари, телеграммалар ва рўйхатга олинадиган почта жўнатмалари ҳамда пул ўтказмаларининг билдиришномаларини қабул қилиб олиши учун ишонч билдирилади.

__________________нинг ўз қўли билан қўйилган имзосини тасдиқлайман.
______________________ ҳарбий қисм (муассаса) қўмондони
(ҳарбий қисм рақами)
______________ *(имзо)*

Ҳарбий қисм (муассаса)нинг
гербли муҳр изи

Ишончнома бир тақвим йилидан ортиқ бўлмаган муддатга берилади ва у ҳар сафар почтани қабул қилиб олаётганда уни кўрсатиши шарт бўлган ҳарбий почтальонда туради. Ушбу ишонч қоғози учун тўлов ҳақи олинмайди.

Битта ҳарбий почтальон бир нечта ҳарбий қисм ва муассасалар учун хат-хабарларни қабул қилиб олиш вақтида, ҳар бир ҳарбий қисм (муассаса)ларга тегишли бўлган гербли думалоқ муҳрлар билан тасдиқланган ҳарбий почта жўнатмаларини қабул қилиш ҳуқуқини берувчи ишончномани кўрсатиши керак.

Ҳарбий қисмлар ва уларнинг шахсий таркиби номига манзилланган буюртмали хат-хабарлар; *«Yo'llanma bilan»*, *«Chipta bilan»*, *«Hujjatlar bilan»* белгили қиммати эълон қилинган хатларга бирламчи билдиришномалар, ҳарбий қисмлар ва уларнинг шахсий таркибига манзилланган тезкор (телеграф) пул ўтказмалари, шунингдек ҳарбий қисм (муассасалар) манзилига йўлланган қиммати эълон қилинган посилкалар ва бандеролларга бирламчи билдиришномалар ҳамда барча иккиламчи билдиришномалар 8-шаклдаги дафтарга ёки 11-шаклдаги реестрга номма-ном ёзилади.

**Ҳарбий қисмларнинг рақамлари 8-шаклдаги дафтарда кўрсатилмайди.**

**269** Ҳарбий почтальонларга почта жўнатмалари қуйидаги тартибда берилади:

а) ҳарбий қисмлар ва уларнинг шахсий таркиби номига манзилланган оддий хат-хабарлар, қиммати эълон қилинган хатларга бирламчи билдиришномалар, оддий пул ўтказмалари (талонлар билан бирга), шунингдек ҳарбий қисмларнинг шахсий таркиби номига манзилланган қиммати эълон қилинган бандеролларга бирламчи билдиришномалар ва посилкалар - тилхатсиз. Зарур бўлганда, почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқа боғламаси, почтамт)нинг раҳбари ҳарбий қисмларга манзилланган оддий хат-хабарларни 8-шаклдаги дафтарга имзо қўйиб бериш тартибини киритишлари мумкин;

б) ҳарбий қисмлар ва уларнинг шахсий таркиби номига манзилланган буюртмали хат-хабарлар, *«Yo'llanma bilan»*, *«Chipta bilan»*, *«Hujjatlar bilan»* белгили қиммати эълон қилинган хатларга бирламчи билдиришномалар, тезкор (телеграф) пул ўтказмалари, шунингдек барча иккиламчи билдиришномалар 8-шаклдаги дафтарга ёки 11-шаклдаги реестрга имзо қўйиб, уларнинг сонини сўз билан, олинган санаси ва уларнинг ҳолатини кўрсатган ҳолда. Масалан: *«2001 йил 25 мартда бир юз ўнта почта жўнатмасини бутун ҳолда қабул қилиб олдим, ҳарбий почтальон Хасанов»*.

**270** Ҳарбий қисм ва муассасаларнинг шахсий таркиби номига манзилланган посилкалар, қиммати эълон қилинган хатлар ва қиммати эълон қилинган бандероллар почта алоқаси объектларида шахсан олувчига ёки уларнинг бир марталик ишончномалари, шунингдек ваколатланган ҳарбий қисм ва муассасалар орқали ташкилий суратда 2-шаклдаги реестр - ишончномалари бўйича (68-расм) берилади.

**271** Ҳарбий қисм (муассасалар)га манзилланган посилкалар, қиммати эълон қилинган хатлар ва қиммати эълон қилинган бандероллар қисм (муассаса) командири ва молия идорасининг бошлиғи томонидан имзоланган бир марталик ишончномалар орқали берилади. Ишончномалар қисм (муассаса)нинг гербли муҳр изи билан тасдиқланиши керак.

Банкда ҳисоб рақамига эга бўлган ҳарбий қисм (муассаса)-ларнинг номига манзилланган пул ўтказмалари бўйича пул миқдори қанча бўлишидан қатъи назар уларнинг ҳисоб рақамларига ўтказилади. Банкда ўз ҳисоб рақамига эга бўлмаган ҳарбий қисм (муассаса)ларга пул ўтказмалари олувчиларнинг ёзма аризалари бўйича уларни таъминловчи қисм (муассаса)ларнинг ҳисоб рақамларига ўтказиш йўли орқали тўланади.

2-шакл

*18* - сон РЕЕСТР - ИШОНЧНОМА

*16880* - ҳарбий қисмнинг ваколатланган вакили

*Умаров Рустам* га

(фамилияси, исми-шарифи)

*Почта алоқасининг Ангар боғламаси* дан қуйида

(почта алоқаси корхонасининг номи)

санаб ўтилувчи посилкалар, қиммати эълон қилинган хат ва қиммати эълон қилинган бандеролларни олиш учун:

| ТГр | Топширилган жойи | Жўнатиш тартиб рақами | Почта жўнатмасининг тури | Олувчининг фамилияси, исми, шарифи | Эълон қилинган қиймати, (сўм) | Олувчининг олганлиги тўғрисидаги имзоси |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | *Охангарон. Тошк. вил.* | *174* | *Посилка* | *Зикиров Тохир* | *1000* | |
| 2 | *Қашқадарё вил.* | *483* | *--//--* | *Ғофуров Зафар* | - | |
| . | . . . . | . . | . . . | . . . . . | . . . | |
| 19 | *Тошкент 23* | *540* | *--//--* | *Аҳмедов Рустам* | - | |

Жами: *ўн тўққиз (19) посилка*

Ваколатланган вакилнинг шахсий имзоси

*Умаров* тасдиқланди

(имзо)

*16880* ҳарбий қисм командири *Қодиров*

(имзо)

Молия идорасининг бошлиғи

*Валиев*

(имзо)

(қисмнинг гербли муҳр изи)

200*1* й. *«14» май*

*40723* - ҳарбий қисм томонидан 200*1* й *12 мартда* берилган шахсни тасдиқловчи *ДАМ 40723* серияли гувоҳнома кўрсатилди

*ўн тўққизта посилкани олди* *Умаров*

*опр. Шукурова* топширди

(лавозим, имзо)

(тақвим тамға изи)

68 - расм. Ҳарбий қисм ваколатлаган шахсларининг посилка, қиммати эълон қилинган хат ва қиммати эълон қилинган бандеролларни олишларига 2-шаклдаги реестр-ишончнома намунаси

272 Ҳарбий қисмларнинг шахсий таркиби номига манзилланган пул ўтказмалари қуйидагича тўланади:

а) олувчиларнинг шахсан ўзига ёки уларнинг бир марталик ишончномалари бўйича;

б) ҳарбий қисм (муассаса)нинг молия идораси бошлиғи (вакили) орқали пул ўтказмаси суммасини банкдаги ҳисоб рақамига 3-шаклдаги (69-расм) реестр бўйича ташкилий равишда ўтказиш ёки ваколатли вакилининг 3-шаклдаги реестрни ва назорат пул дафтарчасини кўрсатиш орқали (агар ҳарбий қисм ёки муассаса банкда ўз ҳисоб рақамига эга бўлмаса) нақд пул бериш йўли билан. Кейинги ҳолда 3-шаклдаги реестрда ҳарбий қисм (муассаса) қўмондонининг имзосидан аввал қуйидаги намуна бўйича ишончнома ёзилади: *«Ушбу реестрга киритилган пул ўтказмалари бўйича 810 сўм 00 тийин, саккиз юз ўн сўм 00 тийин суммасидаги пулни Рустам Орипович Ортиқовнинг олишига ишонч билдирилади, унинг ўз қўли билан ёзилган «Ортиқов» имзоси тасдиқланади».*

**273** 2, 3-шаклдаги реестрлар ҳарбий қисм (муассаса) томонидан икки нусхада тузилади, қисм қўмондони ва молия идорасининг бошлиғи томонидан имзоланиб, гербли муҳр изи билан тасдиқланади ҳамда почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объектига билдиришнома билан бирга, ҳарбий почтальон ёҳуд қисмнинг ваколатланган вакилига билдиришномалар топширилган кундан бошлаб 3 кеча-кундуз муддатдан кечиктирмай тақдим этилади. **Реестр бланкалари ҳарбий қисм (муассаса)лар томонидан тайёрланади.**

**274** Ҳарбий қисм (муассаса)нинг ваколатли вакилидан 2- ва 3-шаклдаги реестрларни қабул қилишда алоқа ходими қуйидагиларни текширади:

а) реестрларнинг тўғри тузилгани ва расмийлаштирилганлигини ҳамда реестрда ёзилган почта жўнатмалари, пул ўтказмаларига билдиришномаларнинг мавжудлигини;

б) 3–шаклдаги реестрда ҳисобланган пул ўтказмаларини сони ва суммаси якунларининг тўғрилигини ҳамда уларнинг билдиришномалар бўйича сумма якунларига мос келишини.

Ундан кейин ваколатланган вакилнинг шахсий гувоҳномасидаги ёки ҳарбий дафтарчадаги имзоси реестрдаги имзоси билан солиштирилади ва реестрнинг биринчи нусхасида кўрсатилган ҳужжат тўғрисида маълумотлар ёзилади. Масалан: *«10505 - ҳарбий қисм томонидан 2001 йил 15 мартда берилган 40723 - рақамли ДП серияли шахсий гувоҳнома кўрсатилди».*

Пул ўтказмаларини нақд пул билан тўлашдан аввал алоқа ходими ҳарбий қисм (муассаса)нинг ваколатланган вакили назорат-пул дафтарчасига пул тўланган санани, 3-шаклдаги реестр рақами ва пул ўтказмаларининг умумий суммасини рақамлар ҳамда сўзлар билан ёзиб чиқади.

Ёзув алоқа ходимининг имзоси ва тақвим тамғасининг изи билан тасдиқланади.

3-шакл

*Фарғона почтамти* дан

(фельдъегерлик-почта алоқаси муассасаси ёки почта алоқаси объектининг номи)

оддий ва тезкор (телеграф) пул ўтказмаларини олишга

*34 -сон РЕЕСТР*

*08230 - ҳарбий қисм*

(ҳарбий қисм номи)

*Фарғона ВТБ жорий ҳисоб рақами 20210000900155266001* манзилига

(банк муассасасининг номи)

| т/р | Жўнатиш жойи | Пул ўтказмаси рақами | Жўнатувчининг фамилияси, исми, шарифи ва унинг тўлиқ манзили | Олувчининг фамилияси исми шарифи | Суммаси | Олганлик тўғрисида тилхат ёки қўшимча дафтар рақами |
|---|---|---|---|---|---|---|
| *1* | *Қарши 3* | *4/187* | *Усмонов Шухрат Аббасович Қарши 3 Мустақиллик куч., 5-уй* | *Усмонов Равшан Шухратович* | *1000* | |
| *2* | *Наманган вил. Поп шахри* | *8/32* | *Парпиев Иномжон Якубович, Наманган вил. Поп, Кох-ота, 5- уй* | *Парпиев Шерзод Иномжонович* | *1500* | |
| | *ва б.* | | | | | |
| | | | | Жами | *5800* | |

*Беш минг саккиз юз сўм 00 тийин*

(қисмининг гербли (имзо) муҳр изи)

Ҳарбий қисм командири *08230 Хикматов*

(имзо)

Молия идорасининг бошлиғи *Убайдуллаев*

(имзо)

200*1* й. *«6»* *апрель*

200*1* й. *«8»* *апрел* да ўтказилди

Оператор *Асланов*

(имзо)

(тақвим тамға изи)

69-расм Банк орқали пул ўтказиш йўли билан тўланувчи пул ўтказмаларига 3-шакл реестрининг намунаси

275 Ҳарбий қисм (муассаса)нинг ваколатланган вакили почта жўнатмалари, пул ўтказмаларини олганлиги тўғрисида 2-шаклдаги реестр - ишончноманинг биринчи нусхасига имзо қўяди. Пул ўтказмалари бўйича нақд пул олганлик тўғрисида у 3-шаклдаги реестрнинг биринчи нусхасига ва пул ўтказмасининг ҳар бир бланкасига имзо қўяди. Ушбу ҳолатда, унинг ҳар бир билдиришномага имзо қўйиши талаб қилинмайди.

Реестрларнинг биринчи нусхалари билдиришномалар билан бирга почта алоқаси объектида қолади, почта жўнатмасини берган ёки пул ўтказмасини тўлаган алоқа ходимининг имзоси ва тақвим тамға изи билан тасдиқланган иккинчи нусхалари эса ваколатланган вакилга қайтарилади.

Реестр - ишончнома берилган почта жўнатмаси ёки тўланган пул ўтказмаларига тегишли билдиришномаларнинг бирига қўшиб қўйилади, қолганларига эса реестр - ишончнома қўшиб қўйилган билдиришноманинг рақамига ҳавола қилинган белги қўйилади.

276 Пул ўтказмалари бўйича пуллар ҳарбий қисм (муассаса)-дан 3-шаклдаги реестр олингандан кейинги кундан кечиктирмай банк орқали ўтказилади. Ҳарбий қисм (муассаса)нинг ҳисоб-рақамига пул ўтказиш ва пул ўтказмаларини расмийлаштириш умумий ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

3-шаклдаги реестрнинг 1- ва 2-нусхаларида почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқа боғламаси, почтамт) томонидан пул ўтказилганлиги тўғрисида белги қўйилиб, алоқа ходимининг имзоси ва тақвим тамға изи билан тасдиқланади. 3-шаклдаги реестрнинг биринчи нусхаси тўланган пул ўтказмаларининг билдиришномаларига тикиб қўйилади.

Реестрнинг иккинчи нусхаси ҳарбий қисм (муассаса) вакилига қайтариб берилади.

Тезкор (телеграф) пул ўтказмаларини тўлашда 3-шаклдаги реестрнинг иккинчи нусхасида алоқа ходими ёзма хабарнинг мазмунини қўшимча равишда кўрсатади (агар пул ўтказма телеграммасида у мавжуд бўлса).

Ҳарбий қисмлар ва муассасалар почта алоқаси ҳудудий ташкилотлари ёки почта алоқаси объектларидан қабул қилинган рўйхатга олинадиган почта жўнатмалари ҳамда пул суммалари учун тўлиқ моддий жавобгардирлар.

277 Ҳарбий хизматчи вақтинча бўлмаган ҳолларда ҳарбий қисм (муассаса) қўмондони бу ҳақда почта алоқаси ҳудудий ташкилотига ёки почта алоқаси объектига хабар беради ва почта жўнатмаси, пул ўтказмасини маълум муддатга, лекин келиб тушган вақтидан бошлаб, икки ойдан ортиқ бўлмаган муддатга сақлаб туришини сўрайди.

### 5.9 Авиажўнатмалар

**278** Ҳаво транспорти орқали жўнатиладиган почта жўнатмаларининг ўлчами, оғирлиги ва ўрови, қабул қилиш, ишлов бериш ва топшириш тартиби тегишли турдаги почта жўнатмалари учун қўйиладиган талабларга ушбу бўлимда баён қилинган қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда мос келиши керак.

**279** Рўйхатга олинадиган авиажўнатмаларни қабул қилиш тўғрисидаги квитанцияларда одатдаги маълумотлардан ташқари *«Авиа»* деб ёзилади. Авиатарифи бўйича ҳақ тўланган барча почта жўнатмаларига, шунингдек посилкаларнинг бланкаларига 6-шаклдаги *«Avia»* ёзувли ёрлиқлар ёпиштирилади ёки шундай ёрлиқ шаклига эга бўлган тамға изи туширилади. Аралаш усул билан жўнатилиши керак бўлган посилкаларни қабул қилишда, посилка манзилининг юқори қисмида ва бланкада посилка қайси пунктлар оралиғида ҳаво транспори орқали жўнатилиши кераклиги кўрсатилади, масалан: *«Nukusdan Tohskentgacha Avīa»*. Худди шундай белги 1-шаклдаги дафтарнинг квитанциясига ҳам қўйилади.

**280** Ҳаво транспорти орқали жўнатиш учун қабул қилинган посилкалар ва қиммати эълон қилинган бандероллар бошқа суғуртали почта билан бирга 16-шаклдаги юкхатга қўшимча қилиб ёзиб юборилади. Қопдаги манзил ёрлиқлари ва 16-шаклдаги юкхатларига тамға изи билан ёки қўлда *«Avia»* белгиси қўйилади.

**281** Ҳаво транспорти орқали жўнатилиши керак бўлган жўнатилувчи ёзма хат-хабарлар йиғиндиси битта умумий қопга солинади, суғуртали авиажўнатмалар ва энг кам иш ҳақидан юқори қийматга эга бўлган *«Ehtiyot qiling»* белгили посилкалардан ташқари, майда посилкалар суғуртали қопга жойланади. Қоплар почтани ҳаво кемалари орқали жўнатишни амалга оширувчи почта алоқаси ҳудудий ташкилотининг энг яқин айирбошлаш пунктига юборилади. 10 ва 17-шаклдаги қоп ёрлиқларига *«Avia»* белгиси қўйилади.

### 5.10 Тўпламли ички почта жўнатмалари ва пул ўтказмалари

**282** Корхона, ташкилот, муассаса ва жисмоний шахслар томонидан бир ёки бир нечта манзилга жўнатиш учун рўйхатга олинадиган почта жўнатмалари, шунингдек 5 дона ва ундан ортиқ бўлган пул ўтказмалари **тўпламли** деб аталади.

Тўпламли почта жўнатмалари, пул ўтказмалари почта алоқаси объектларига 103-шаклдаги рўйхатлар билан топширилади (70-расм). Жўнатувчи томонидан битта рўйхатга 40 тадан ортиқ бўлмаган бир хил турдаги почта жўнатмалари (пул ўтказмалари - 50 тагача) номма-ном ёзилади. Бир манзилга 10 ва ундан ортиқ посилка

мавжуд 103-шаклдаги рўйхатни тўлдириш ва расмийлаштириш намунаси бўлганда (катта ўлчамли ва оғир вазнли - 10 тагача) **жўнатувчи уларни мўлжалланган манзилгача тўғридан-тўғри гуруҳларга ажратади ва ҳар бир гуруҳга алоҳида 103-шаклдаги рўйхатни тузади.** Бир вақтда, бир неча рўйхат бўйича жўнатиладиган почта жўнатмалари, пул ўтказмаларининг сони, посилкалардан ташқари, чегараланмайди. Тезкор (телеграф) пул ўтказмалари алоҳида 103-шаклдаги рўйхат бўйича топширилади.

103-шакл

*Тошкент почтамти* дан юборилган *посилкалар*
(почта алоқаси объекти номи) (почта жўнатмалари тури)

РЎЙХАТИ

Жўнатувчи *Тошкент трактор заводи*
(номи ва манзили)

| т/р | Қаерга | Кимга (ташкилот номи ёки олувчининг фамилияси) | Пул ўтказмаси ёки қиммати эълон қилинган почта жўнатмасининг суммаси, сўм | Устама тўлов суммаси, сўм | Оғирлиги, кг | Жўнатиш учун тўлов, сўм | Шу жумладан ҚҚС сўм, тийин | 1, 3 ва 5 шакл дафтарлари бўйича почта жўнатмалари, пул ўтказмаларининг рақамлари |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 |
| *1* | *Бухоро* | *Каримовга* | - | - | *6 кг 200 г* | *559 сўм* | *111с. 80т.* | *245* |
| *2* | *Навоий* | *Одиловга* | - | - | *5 кг 200 г* | *473 сўм* | *94с. 60т.* | *246* |
| *3* | *Андижон* | *Мирзаевга* | - | - | *1 кг 950 г* | *172 сўм* | *34с. 40т.* | *247* |
| *4* | *Фарғона* | *Назаровга* | - | - | *8 кг 300 г* | *731 сўм* | *146с. 20т.* | *248* |
| *5* | *Қарши* | *Хамидовга* | - | - | *4 кг 150 г* | *387 сўм* | *77с. 40т.* | *249* |
| | | | | | | *2322 сўм* | *464 сўм 40 тийин* | |

*Бош муҳандис Азизов*
(корхона, муассаса, ташкилот

*Экспедитор Талипов*
(масъул хизматчиларининг имзолари)

*Опр Шарипов* қабул қилди

(жўнатувчининг муҳр изи)




(Қабул қилиш жойи тақвим тамға изи)

70-расм Тўпламли почта жўнатмалари, пул ўтказмаларига 103-шаклдаги рўйхатни тўлдириш ва расмийлаштириш намунаси

**283** Тупламли посилкаларни қабул қилиш почта алоқаси ҳудудий ташкилотлари ёки почта алоқаси объектлари (почта алоқа боғламалари, почтамтлар) ва корхона, ташкилот, муассасалар ўртасида тузиладиган шартнома билан тартибга солинади.

Тупламли посилкалар почта алоқаси объектининг иш тартибини ҳисобга олган ҳолда, шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган жадвалга мувофиқ бўлган муддатда ва ҳажмда қабул қилинади. Посилкаларни топшириш жадвали почта алоқаси ҳудудий ташкилотлари ёки почта алоқаси объектлари (почта алоқа боғламалари, почтамтлар) билан йилига икки марта, почта ташишнинг янги жадваллари амалга киритилишидан камида 10 кун илгари келишиб олинади.

Тупламли посилкаларни қабул қилиш ёпиқ турдаги алоқа бўлимлари ёки алоқа ходимлари томонидан тўғридан-тўғри корхона, ташкилот, муассасаларда, шунингдек почта алоқаси ҳудудий ташкилотининг алмашув пунктлари ёки шу мақсад учун махсус ажратилган алоқа бўлимлари томонидан амалга оширилади.

Бир ойда 10 минг ва ундан ортиқ посилкалар жўнатувчи корхона, ташкилот ва муассасалар почта алоқаси объектларига транспорт учун кириш йўлаклари ҳамда тупламли посилкаларга механизациялашган ишлов беришни таъминлаш учун технология ускуналари мавжуд бўлган ишлаб чиқариш биноларини ажратишлари мумкин.

Посилкаларни қабул қилишни тўғридан-тўғри корхона, ташкилот ва муассасаларда ташкил этишда, шу жумладан ёпиқ турдаги алоқа бўлими томонидан хизмат кўрсатилганда ҳам, жўнатувчи почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқа боғламаси, почтамт) билан шартнома бўйича почта вагонларига посилкаларни тўғридан-тўғри олиб чиқиш ва топширишни таъминлайди. Посилкаларни тўғридан-тўғри почта вагонларига топшириш имконияти бўлмаганда, улар жўнатувчи томонидан почта алоқаси ҳудудий ташкилотларининг алмашув пунктларига топширилади.

**284** Тупламли **авиапосилкаларни** қабул қилиш авиакорхоналар билан, одатда самолётларнинг тўғри рейслари орқали жўнатиш учун келишилиб, кафолатланган меъёрлар ҳажмига қатъий мувофиқ ҳолда амалга оширилиши керак.

**285** Тупламли почта жўнатмалари бўлган контейнерлар қуйидагиларга бўлинади:

а) битта манзилдаги почта алоқаси объектига жўнатиладиган тупламли посилкалар бўлган контейнерлар;

б) почта вагонлари ёки самолёт рейслари йўналишларнинг манзилига почтани контейнерларда почта вагони ёки самолётга тўғридан-тўғри топшириладиган тупламли посилкалари бўлган контейнерлар.

Контейнерлар почта алоқаси объектларида тўғридан-тўғри почта сараланадиган иш жойларидаги тупламли посилкалар гуруҳла-

ридан тузилади. Почта алоқаси объекти контейнерларга икки ва ундан ортиқ посилкалар гуруҳини жойлаштирганда, ҳар бир гуруҳни индекслашга мажбур. Контейнерлар почта алоқаси объектлари томонидан пломбаланади. Юкли ва бўш контейнерларни юклаш, ташиш ва бўшатиш жўнатувчи - корхона, ташкилот ва муассасалар қошидаги ёпиқ турдаги алоқа бўлимларидан ташқари, почта алоқаси объектларининг кучи ва маблағлари билан амалга оширилади.

286 **103-шаклдаги рўйхатлар ушбу Қоидаларда белгиланган шакл бўйича корхона, ташкилот ва муассасалар томонидан тайёрланади.** Рўйхатлар босма усулда ёки ручка билан қўлда тўлдирилади: буюртмали бандероллар, буюртмали хатлар ва буюртмали почта варақчаларини беришда - бир нусхада, рўйхатга олинадиган бошқа почта жўнатмалари, пул ўтказмаларини беришда икки нусхада, алоқа хизматлари учун олдиндан тўланган пул ҳисобига почта жўнатмаларини беришда рўйхатларнинг сони 1 нусхага кўпайтирилади. Рўйхатнинг 1-5-устунларини жўнатувчилар, 6-9-устунларини эса алоқа ходимлари тўлдирадилар.

Рўйхатга олинадиган почта жўнатмалари, пул ўтказмалари рўйхатларга номма-ном ёзилади. Пул ўтказмаларини ваколатланган вакилларнинг манзилларига жўнатишда рўйхат устига *«Ваколатли вакилига»* деб ёзиб қўйилади.

*«Ҳарбий қисм»*, *«Почта қутисига»* манзили бўлган почта жўнатмаларини жўнатишда иккинчи устунда *«Ҳарбийга оид»*, *«Почта қутисига»* деган тегишли белги қўйилади, учинчи устун эса тўлдирилмайди.

103-шаклдаги рўйхатларда пул ўтказмаларининг умумий суммаси рақам ва сўз билан ёзиб кўрсатилади.

103-шаклдаги рўйхатлар корхона, ташкилот, муассасанинг масъул шахслари, шунингдек иккинчи шахс (бухгалтерия, экспедиция, девонхона ва б.)лар томонидан имзоланади. 103-шаклдаги рўйхатлар, корхона, ташкилот, муассаса номига берилган муҳр билан тасдиқланади.

287 Ички тўпламли посилкалар битта бланка билан берилганда, 103-шаклдаги рўйхат ҳар бир шундай тўплам учун уч нусхада, жўнатиш учун олдиндан тўланган пул маблағи ҳисобига жўнатилганда эса - тўрт нусхада тузилади. Рўйхатнинг битта нусхаси бланкага қўшиб қўйилади. 103-шаклдаги рўйхатда посилкаларнинг эълон қилинган умумий суммаси чиқарилади. Бу сумма бланкага ҳам ёзиб қўйилади. Агар битта бланка билан авиапосилкалар тўплами қабул қилинса, унда булардан ташқари посилкаларнинг умумий оғирлиги ҳам кўрсатилади. Битта бланкада қабул қилинган тўпламли посилкалар 16-шаклдаги юкхатга рақамдан-рақамгача ва уларнинг умумий сонини кўрсатган ҳолда ёзиб қўйилади.

**Бир бланка билан топшириладиган посилкалар гуруҳига ишлов бериш ва жўнатиш усуллари орқали фарқ қилувчи (катта ўлчамли, майда, қиммати энг кам иш ҳақининг беш бароборидан кўп) посилкаларни бир вақтда қўшиб топшириш ман қилинади.**

288 Алоқа ходими 103-шаклдаги рўйхатлар бўйича почта жўнатмалари, пул ўтказмаларини қабул қила туриб, белгиланган талабларни бажаришдан ташқари, рўйхатларнинг тўғри расмийлаштирилгани, 103-шаклдаги рўйхатнинг биринчи ва иккинчи нусхаларини айнан ўхшашлигини текширади, почта жўнатмалари, пул ўтказмаларини рўйхатдаги ёзувлар билан номма-ном солиштиради.

**Алоқа ходими почта алоқаси ҳудудий ташкилотининг ёки почта алоқаси объекти (почта алоқа боғламаси, почтамт)нинг банкдаги ҳисоб рақамига ёки пул ўтказмаси бўйича ҳисоб рақамига маблағларни келиб тушганлигини ҳисобхонада текширади.**

Агар рўйхат бўйича пул ўтказмалари қабул қилинса, у ҳолда, юқорида айтиб ўтилганлардан ташқари қуйидагилар ҳам текширилади:

а) рўйхат бўйича пул ўтказмалари ва почта ҳақи тўловлари якуний суммасининг тўлов топшириқномасидаги суммага айнан тўғрилиги;

б) 103-шаклдаги рўйхатда пул ўтказмаларини жўнатувчи корхона, ташкилот, муассасанинг имзо ва муҳрларининг мавжудлиги;

в) тўлов топшириқномасида банк бўлимининг почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқа боғламаси, почтамт)нинг банкдаги ҳисоб рақами ёки пул ўтказмаси бўйича ҳисоб рақамига маблағларнинг ўтказилганлиги бўйича банк бўлимининг амалга оширган операциялари тўғрисидаги белгининг мавжудлиги;

г) рўйхат бўйича сумма якунининг пул ўтказмаларининг ҳақиқатдан санаб чиқилган суммасига тўғрилиги;

д) агар рўйхатда *«Ваколатланган вакилига»* деган ёзув бўлса, пул ўтказмалари бланкаларида ҳам шундай ёзувнинг мавжудлиги.

Агар тўлов топшириқномасида *«Рўйхат бўйича»* деб кўрсатилган бўлса, у ҳолда жўнатувчи, жўнатилаётган пул ўтказмаларининг сонидан қатъи назар, уни кўрсатиши шарт. 103-шаклдаги рўйхатда пул ўтказмаларининг умумий суммаси рақамлар ва сўзлар билан ёзиб кўрсатилиши керак.

103-шаклдаги рўйхатда тузатишларга, ўчиришга ва ёзилган матн устидан такроран ёзиб чиқишга йўл қўйилмайди.

103-шаклдаги бир нечта рўйхатга ёзилган пул ўтказмаларини тўлаш учун битта тўлов топшириқномасини қабул қилишга рухсат этилади. Охирги рўйхатда алоқа ходими барча рўйхатлар бўйича қабул қилинган пул ўтказмаларининг умумий сони ва суммасини, шунингдек, қайта жўнатиш учун олинган тўловнинг умумий суммасини, шу жумладан, ҚҚС суммасини ажратиш билан ёзиб қўяди.

103-шаклдаги рўйхат икки ва ундан ортиқ варақда тузилган бўлса, рўйхатнинг ҳар бир варағига пул ўтказмалари қабул қилинган кундаги тақвимли тамға изи туширилади, рўйхатнинг охирги варағида эса, бундан ташқари, пул ўтказмаларини қабул қилиб олган алоқа ходими имзо қўяди.

**289** Бир корхона, ташкилот, муассаса ёки хусусий шахс томонидан жўнатиладиган, 103-шаклдаги бир нечта рўйхат бўйича бир вақтнинг ўзида қабул қилинган почта жўнатмалари, пул ўтказмаларига битта умумий ёки ҳар бир рўйхатга алоҳида квитанция берилиб, уларга почта жўнатмалари, пул ўтказмаларининг рақамлари (рақамдан рақамгача) ёзиб қўйилади. *«Қаерга»* сатрида *«Рўйхат бўйича»* қабул қилинган почта жўнатмалари, пул ўтказмаларининг сони сўз билан ёзилади; *«Кимга»* сатрида *«Рўйхат бўйича»* белгиси қўйилади; *«Тўлов»* устунида олинган тўловнинг, шу жумладан оғирлиги ва эълон қилинган қиммати учун умумий суммаси ёзилади. Алоҳида сатрда қўшимча хизматлар учун олинган тўловлар суммаси ёзилади. Тўловнинг якуний суммасидан сўнг *«шу жумладан ҚҚС _____ сўм _______ тийин»* деб кўрсатилади. 5-шаклдаги квитанцияда пул ўтказмаларининг умумий суммаси (сўз ва рақамлар билан) ёзиб қўйилади (71 а-расм).

Тўпламли почта жўнатмалари, пул ўтказмалари почта-касса аппарати электрон мажмуада расмийлаштирилгандан сўнг қуйидаги маълумотлар ёзиладиган квитанция берилади: (71 б-расм)

а) пул ўтказмаларини қабул қилишда - ҳар бир пул ўтказмаси бўйича рақами ва суммаси, пул ўтказмаларининг умумий суммаси, ҚҚСни ажратиш билан уларни жўнатиш учун тўловнинг умумий суммаси ва жўнатувчидан олиниши лозим бўлган умумий суммаси;

б) қиммати эълон қилинган почта жўнатмаларини қабул қилишда-қиммати эълон қилинган хат ёки қиммати эълон қилинган бандеролнинг рақами, қиммати эълон қилинган барча хатлар ва қиммати эълон қилинган бандероллар учун тўловнинг ҚҚС умумий суммаси, суммасини ажратиш билан. Машинада босилган рақамга алоқа ходими қўлда каср чизиғи орқали, 103-шаклдаги рўйхатда кўрсатилган почта жўнатмаларининг сонини ёзиб қўяди;

в) посилкаларни қабул қилишда-посилканинг рақами, ҳар бир почта жўнатмаси учун тўлов суммаси, қабул қилинган барча посилкалар учун тўловнинг ҚҚС суммасини ажратиш билан умумий суммаси.

Почта-касса аппарати квитанциясини расмийлаштиришда ҚҚС суммаси квитанциянинг бўш жойига ҚҚС нинг 103-шаклдаги рўйхат бўйича якуний суммасига мувофиқ равишда қўл билан ёзиб қўйилади.

**Йирик почта алоқаси объектларида почта жўнатмалари пул ўтказмаларини тўплами билан қабул қилиш учун 1,3 ва 5-шаклдаги алоҳида квитанция дафтарлари юритилиши мумкин.**

103-шаклдаги рўйхат бўйича буюртмали хат-хабар топширилганда, 103-шаклдаги рўйхатнинг ҳар бир варағи охирида алоқа ходими тақвим тамға изини туширади ва имзо қўяди, бундан ташқари рўйхатнинг охирида, имзодан олдин, аниқ қилиб *«Қабул қилдим»* деб ёзиб, фамилияси ва лавозимини кўрсатади. Бундай ҳолда 103-шаклдаги рўйхат икки нусхада тузилади.

290 Квитанция рўйхатларнинг бир нусхаси билан бирга жўнатувчига берилади. Пул ўтказмаларига тузилган 103-шаклдаги рўйхатларнинг асл нусхалари 5-шаклдаги дафтарга солиб қўйилади, буюртмали хатлар ва буюртмали бандеролларга, қиммати эълон қилинган хатлар ва қиммати эълон қилинган бандероллар, посилкаларга тузилганлари эса уларнинг 1, 3-шакллардаги дафтарга ёзилган тартиби бўйича алоҳида тўплам қилиб тикилади ва улар билан бирга сақланади.

5-шакл

«Ўзбекистон почтаси» Давлат-акциядорлик компанияси

*1/8-1/15* – сон КВИТАНЦИЯ

*оддий* почта пул ўтказмаси қабулида
(алоҳида белгиси)

Суммаси *Ўттиз уч минг икки юз олтмиш сўм*
(сўм сўз билан, тийин рақам билан) | сўм *33260* | тийин -

Қаерга *саккизта пул ўтказма*

Кимга *рўйхат бўйича*

Тўлов *3326* сўм *00* тийин Қабул қилди *Маҳмудова* (имзо)

Шу жумладан ҚҚС *665* сўм *20* тийин

71 а-расм почта пул ўтказмалари тўпламини қабул қилишда 5-шаклдаги квитанцияни қўлда тўлдириш намунаси

"Ўзбекистон почтаси" ДАК

*Нақд пулсиз ҳисоб-китоб* — Бухоро почтамти

КВИТАНЦИЯ 08 05 01

Қаерга *Саккизта пул ўтказма*

Кимга *рўйхат бўйича*

оператор *Алимова*

0015 . . . 410 . 00 0 1
0016 . . . 360 . 00 0 1
0017 . . . 240 . 00 0 1
0018 . . . 120 . 00 0 1
0019 . . . 600 . 00 0 1
0020 . . . 750 . 00 0 1
0021 . . . 300 . 00 0 1
0022 . . . 480 . 00 0 1
. . .3260 . 00 =
. . . .326 . 00 2

. . 3586 . 00*

*Шу жум. ҚҚС 54 с. 33 т.*

б)

71 б-расм Тўпламли почта пул ўтказмаларини қабул қилишда квитанцияларни почта-касса аппарати, электрон мажмуада тўлдириш намунаси

291 Манзилланган жойларда тўпламли посилкалар корхона, ташкилот ва муассасаларга тўғридан-тўғри почта алоқаси ҳудудий ташкилотларининг алмашув пунктларида зарур шароитлар мавжуд бўлганда ёки шу мақсадлар учун мухсус ажратилган алоқа бўлимларида берилиши керак.

292 Почта контейнерларида жўнатиладиган тўпламли посилкаларни қабул қилиш, ўраб жойлаш, расмийлаштириш ва бериш тартиби алоҳида йўриқномалар орқали тартибга солинади ҳамда тузиладиган шартномаларда тасдиқланади.

### 5.11 Хизматга оид почта жўнатмалари

**293** Мадад пуллари ва кассанинг белгиланган меъёридан ортиқ қолдиқлари бўлган қиммати эълон қилинган хат (брезент сумка)лардан ташқари, оғирлиги чекланмайдиган, хизматга оид почта жўнатмаларининг ўраб жойланиши, ўлчами, оғирлиги ва манзилланишига умумий талаблар қўйилади.

**294** Почта жўнатмаларини хизматга оид бўлган тоифада жўнатиш ҳуқуқидан «Ўзбекистон почтаси» Давлат акциядорлик компанияси, почта алоқасининг ҳудудий ташкилотлари ва почта алоқаси объектлари фойдаланадилар.

**295** Хизматга оид барча почта жўнатмаларида ҳамма учун умумий бўлган белгилардан ташқари, манзил томонининг юқори ўнг бурчагига босмахона усулида тамға изи туширилади ёки қўлда *«Хизматга оид»*, агар улар чет элга жўнатилаётган бўлса, *«Service des postes»* деб ёзилади.

**296** Хизматга оид буюртмали почта жўнатмалари 3-шаклдаги дафтардан квитанция бериш ёки ўровда кўрсатилган жўнатиш рақамлари бўйича жўнатувчи томонидан тузилган (103-шаклдаги рўйхат) 11-шаклдаги реестрнинг иккинчи нусхасига имзо қўйиш билан қабул қилинади.

**297** Хизматга оид қиммати эълон қилинган хатлар, пул ўтказмалари ва посилкалар квитанция дафтарларига белгиланган тартибда ёзилади. Мадад пуллари ва кассадаги меъёрдан ортиқ қолдиқлари бўлган қиммати эълон қилинган хат (брезент халта)лар, почта тўлови белгилари қўйилган қиммати эълон қилинган хатлар, шунингдек ПЎИНҚМга жўнатилаётган, тўланган пул ўтказмали қиммати эълон қилинган хатлар бундан мустасно, улар 1-шаклдаги дафтарга ёзилмай, 16-шаклдаги юкхатга илова қилинган ҳолда почта алоқаси объектига топширилади.

**298** Хизматга оид қиммати эълон қилинган хатлар ва посилкаларни 1-шаклдаги дафтарга, пул ўтказмаларини эса 5-шаклдаги дафтарга ёзишда квитанциянинг «Алоҳида белгилари» сатрида *«Хизматга оид»* деб кўрсатилади.

**299** Хизматга оид почта жўнатмалари, пул ўтказмалари қуйидаги хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, ҳамма учун умумий бўлган тартибда ишлов берилади, жўнатилади ва топширилади:

а) келувчи қиммати эълон қилинган хатлар ва қиммати эълон қилинган бандероллар, посилкалар уларни қабул қилиш учун ажратилган алоқа ходимига берилади. Топшириш улар келиб тушган 16-шакл юкхатига имзо қўйдириш орқали, йирик почта алоқаси корхоналарида эса 16-шаклдаги махсус тузилган юкхат бўйича амалга оширилади;

б) мадад пуллари ва кассанинг меъёридан ташқари қолдиқлари бўлган қиммати эълон қилинган хат (брезент халта)лар асосий (бош) кассага почта алоқасидан фойдаланувчи корхоналар томонидан касса операцияларини юритиш Қоидаларига мувофиқ ҳолда берилади;

в) келувчи буюртмали почта жўнатмалар улар ёзилган 11-шаклдаги реестрга имзо қўйдириб ёки 8-шаклдаги дафтар бўйича, почта алоқасининг йирик объектларида эса, махсус тузилган реестр бўйича берилади;

г) ушбу объект манзилига келувчи хизматга оид почта жўнатмалари, пул ўтказмаларига билдиришнома ёзилмайди.

## 6 Халқаро почта жўнатмалари ва пул ўтказмаларини қабул қилиш, ишлов бериш ва топшириш

### 6.1 Умумий қоидалар

**300** Халқаро почта жўнатмаларини қабул қилиш, ишлов бериш ва топшириш Бутунжаҳон почта иттифоқининг ҳужжатларига ва ушбу Қоидаларга мувофиқ амалга оширилади.

**301** Келувчи ва жўнатилувчи халқаро почта жўнатмаларига тўлиқ ишлов бериш, шунингдек уларни манзилига жўнатиш бир вақтда **халқаро почта алмашув жойлари** ҳам ҳисобланадиган халқаро почтамт томонидан амалга оширилади.

Хорижий мамлакатларнинг почта хизматлари билан тўғридан-тўғри **халқаро почта алмашуви халқаро почта алмашув пунктлари** деб аталувчи почта алоқаси объектлари томонидан амалга оширилади. Халқаро почта алмашуви пунктларининг вазифаларини, шунингдек ўзларига бўйсунувчи халқаро йўналишларга қатновчи почта вагонлари сайёр бригадалари орқали ёки халқаро ҳаво ва автомобил транспортининг халқаро ахборотлар хизматлари орқали хорижий почта хизматлари билан хат-хабар айирбошлашни амалга оширувчи Халқаро почтамт бажаради.

Халқаро почта алмашуви жойлари ва пунктлари ўз фаолиятларида, **Бутунжаҳон почта иттифоқи ҳужжатлари почта Қоидаларидан, ташқари Ўзбекистон Республикаси халқаро почта олиб чиқишга рухсатноманинг рақами_______ даги______сон алмашуви жойларида Халқаро почтага ишлов бериш ва жўнатиш қоидаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси халқаро почта алмашуви пунктлари халқаро почтани қабул қилиш ва жўнатиш қоидаларига амал қиладилар.**

**302** Халқаро почта алмашуви жойлари фақат почта жўнатмаларига ишлов бериш ва жўнатиш масалалари бўйича ёзишмаларни олиб бориши мумкин.

Халқаро почта алмашуви пунктлари фақат ўзлари билан почта алмашувини тўғридан-тўғри амалга оширадиган хорижий почта хизматлари пунктлари билангина ёзишмалар олиб боришлари мумкин.

Халқаро почта жўнатмаларини манзил бўйича қайта жўнатиш, қайтариш ва қидирув масалалари бўйича ёзишни Почта маъмурияти ёки унинг топшириғига кўра - Миллий оператор олиб боради.

303 Божхона назоратидан ўтказилиши керак бўлган почта жўнатмаларини текшириш халқаро почта алмашуви жойларида амалга оширилади.

Почта алоқаси ҳудудий ташкилотлар ёки почта алоқаси объектлари божхона идораларининг почта жўнатмалари бўйича чиқарган қарорлари учун жавобгар бўлмайдилар.

304 Хорижий давлатларнинг дипломатия, консуллик ваколатхоналарининг халқаро ҳукуматлараро ташкилотларнинг, хорижий давлатларнинг шу ташкилотлар ҳузуридаги ваколатхоналарнинг, бошқа халқаро ташкилотларнинг, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги хорижий фирмалар ваколатхоналарининг Ўзбекистон Республикаси ичида жўнатиш учун, шунингдек барча бошқа жўнатувчилардан кўрсатилган муассасалар манзилига жўнатилган почта жўнатмалари худди ички жўнатмалар каби тўланади, расмийлаштирилади ва жўнатилади.

305 **Корхона, ташкилот ва муассасалардан** оддий ва буюртмали хатлар, оддий ва буюртмали бандероллар, почта варақчалари, майда пакетлар барча почта алоқаси объектларида, қиммати эълон қилинган хатлар, «М» белгили қоплар ва почта посилкалар эса - почта алоқаси ҳудудий ташкилотлари, почта алоқаси объектларида (почта алоқа боғламалари, почтамтлар ва ажратилган алоқа бўлимларида) қабул қилинади (топширилади).

Корхона, ташкилот ва муассасалар буюртмали хатлар ва буюртмали бандероллар, «М» белгили қоплар, қиммати эълон қилинган хатлар, майда пакетлар, почта посилкаларини почта алоқаси ҳудудий ташкилотларига ёки почта алоқаси объектларига исталган миқдорда 103-А шаклдаги рўйхат бўйича топширадилар (72-расм), унда почта жўнатмалари номма-ном ёзилади. **Почта қутиларига корхона, ташкилот ва муассасалар томонидан солинган буюртмали хат ва буюртмали бандероллар жўнатувчиларга қайтарилади.**

Оддий ва буюртмали хатлар, оддий ва буюртмали бандероллар, почта варақчалари ва майда пакетлар **хусусий шахслардан** почта алоқаси ҳудудий ташкилотлари ва барча почта алоқаси объектлари томонидан, «М» белгили қоплар, қиммати эълон қилинган хатлар ва посилкалар эса минтақавий почта алоқаси ташкилотлари ва почта алоқаси объектлари (почта алоқа боғламалари, почтамтлар ва почта алоқасининг ажратилган бўлимлари томонидан қабул қилинади (топширилади).

103-А шакл

________ даги ____- сон олиб чиқишга рухсатноманинг рақами

# ХАЛҚАРО РЎЙХАТИ

*Тошкент почтамти* орқали

Чет элга жўнатилувчи *посилкалар*

(почта жўнатмалари, пул ўтказмаларининг тури)

Жўнатувчи *«Фотон» заводи*

(муассаса, корхона, ташкилотнинг тўлиқ номи ва манзили)

*Тошкент 168, Мавароуннаҳр кўчаси, 8 уй*

| т/р | Манзилланган мамлакат, шаҳарнинг номи | Олувчининг номи | Пул ўтказмасининг суммаси ёки почта жўнатмасининг эълон қилинган қиймати | | Оғирлиги, кг | Жўнатиш учун тўлов | | Шу жумладан ҚҚС | 1,3,5-шаклдаги дафтарлар бўйича жўнатмаларнинг рақами | Эслатма |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | сўм | СПЗ | | сўм | тийин | | | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 |
| 1 | *Россия Санкт-Петербург* | *Козицкий номли завод* | *1000* | *2,88* | *8* | *3160* | - | *632* | *1540* | - |
| 2 | *ва б.* | | | | | | | | | |

Жами: *Уч минг бир юз олтмиш сўмга баҳоланган битта посилка*

Жўнатишга рухсат этилмаган жойланмалар йўқ.

Муассаса, корхона, ташкилот раҳбари

*Директор И. В. Исламов*

(лавозим, Ф.И.Ш. имзо)

Жўнатмаларни почта алоқаси объектига топширувчи ходим

(жўнатувчининг муҳр изи)

TOSHKENT * 20 02 01 * * b * POCHTAMT - 6

(Почта алоқаси объекти тақвим тамға изи)

*Экспедитор И. Е. Қосимов 47-гув.*

(лавозим, Ф.И.Ш. имзоси, шахсни тасдиқловчи ҳужжатнинг рақами)

Қабул қилди *оператор О. И. Олимов*

(лавозим, Ф.И.Ш., алоқа ходимининг имзоси)

72-расм 103-А шаклдаги рўйхатни тўлдириш ва расмийлаштириш намунаси

Беш ва ундан ортиқ буюртмали хат ёки буюртмали бандеролни бир вақтда жўнатишда жўнатувчи 103-А шаклдаги рўйхатни 2 нусхада тузиши шарт, унда рақамларни тартиби билан кўрсатиши, мўлжалланган мамлакат ва шаҳарнинг номини, олувчининг номини кўрсатиши ва шахсий имзоси билан тасдиқлаши керак (72-расм). Алоқа ходими буюртмали почта жўнатмаларини рўйхатдаги ёзувлар билан номма-ном солиштиради, унга 3-шаклдаги дафтар бўйича уларнинг рақамлари ва унинг имзоси билан тасдиқланувчи тақвим тамғаси изини қўяди.

**306** Қабул қилинган буюртмали почта жўнатмаларига 3-шаклдаги дафтардан битта умумий квитанция ёзиб берилади, унда . . .-сондан . . .-сонгача деб хат ёки бандеролларнинг рақамлари қўйилади, *«Қаерга»* деган сатрида сўз билан уларнинг миқдори кўрсатилади, *«Кимга»* деган сатрда *«Рўйхат бўйича»* деб белги қўйилади, *«Тўлов»* деган сатрда олинган тўловнинг умумий суммаси ёзилади.

**307** Рўйхат бўйича қабул қилинган буюртмали почта жўнатмалари қидирилган ҳолларда, аризага 3-шаклдаги дафтардан квитанция ва рўйхатнинг нусхаси қўшиб берилади.

**308** Қиммати эълон қилинган хатлар, майда пакетлар, «М» белгили қоплар ва почта посилкаларини қабул қилиш (бериш), истисно тариқасида, почта алоқаси ҳудудий ташкилотлари ёки почта алоқаси объекти (почта алоқаси боғламаси, почтамт) раҳбарининг рухсати билан белгиланган алоқа бўлимларида ташкил этилиши мумкин.

**309** Халқаро хатлар стандарт оддий ёки бадиий конвертларга **O'z DSt 1020:2002 Почта конвертларига** мувофиқ жойланади.

Бандероллар, секограммалар ўрамаси шундай бўлиши керакки, бунда уларни текширишга қийинчилик туғдирмасин ва ташишда жойланманинг бутлиги таъминлансин.

Босма нашрлар қоғоз ёки бошқа тасма билан бандерол қилиниши, қаттиқ асосга ўралиши, қоғоз жилдлар, қутилар, очилувчи ғилофлар, муҳрланмаган пакетларга жойланиши мумкин кейин улар каноп ип билан боғланади. Массаси 500 г дан ортиқ бандероллар, секограммалар икки қаватли «крафт» ёки бошқа қалин қоғозга ўралиши ва каноп ип билан боғланиши керак.

«М» белгили қопларда юбориладиган жойланмалар бандерол сифатида ўралади ва унинг ўровида ушбу Қоидаларнинг 36-бандига мувофиқ олувчи ва жўнатувчининг тўлиқ манзили кўрсатилади. Бандероллар, секограммаларга жўнатувчи томонидан тузилган манзил ёрлиғини елимлаб қўйишга рухсат этилади. «М» белгили қопларни жўнатиш учун почта алоқаси объектлари идиш (тара)ларидан фойдаланилади.

Бундай қопларга нисбатан қўлланиладиган тариф ҳар бир қопнинг тўлиқ 1 кг оғирлиги бўйича ҳисоблаб чиқилади.

«М» белгили қоп жўнатувчи томонидан тўлдириладиган ва олувчи ҳамда жўнатувчига нисбатан барча маълумотларни ўзида акс эттирадиган, тўғри тўртбурчак шаклидаги манзил ёрлиғига эга бўлиши керак. Манзил ёрлиғи етарлича пишиқ матодан, қалин картондан, пластик материалдан, пергамент ёки тахтачага елимланган қоғоздан ясалган бўлиши ва тешиги бўлиши керак, унинг ўлчамлари 2 мм фарқи билан 90x140 мм дан кам бўлмаслиги керак (73-расм).

Манзил ёрлиғи 17-шаклдаги ёрлиқ билан бирга «М» белгили қоп буғзига боғланади. Қоп йўналиш режасига мувофиқ халқаро почта алмашув жойига юборилади.

## 6.2 Оддий ва буюртмали халқаро хатлар, почта варақчалари, оддий ва буюртмали бандероллар, оддий ва буюртмали секограммалар ва «М» белгили қоплар

### 6.2.1 Халқаро хатлар, почта варақчалари, бандероллар, секограммалар ва «М» белгили қопларни қабул қилиш ва топшириш

**310 Устида «Муддатли ҳарбий хизматчининг хати. Бепул» ҳарбий тамға изи бор бўлган халқаро хатлар ва почта варақчалари мўлжалланиши бўйича жўнатилмай, жўнатувчиларга қайтарилади. Агар жўнатувчини манзили кўрсатилмаган бўлса, у ҳолда улар тарқатилмаганлар ҳисобига қўшилади.**

Почта қутиларидан олинган *«Буюртмали»* ва *«Шахсан қўлига топширилсин»* белгиси бўлган халқаро ёзма хат-хабар, агар улар қўйилган барча талабларга жавоб берса ва тўлиқ тўланган бўлса, у буюртмали ёки ўз қўли билан топширилгани каби жўнатилади.

Халқаро хатлар, почта варақчалари, бандероллар, секо-граммалар олувчиларга ички хат-хабарлар учун белгиланган тартибда топширилади.

Оддий ва буюртмали халқаро хатлар, оддий ва буюртмали халқаро почта варақчалари, оддий ва буюртмали халқаро бандероллар, «Т» белгиси бўлган «М» белгили қоплар олувчиларга улардан 0,33 СПЗ га тенг тўлов олингандан сўнг топширилади.

«М» белгили қоплар почта алоқаси ҳудудий ташкилотлари ёки почта алоқаси объектлари (почта алоқаси боғламалари, почтамтлар) томонидан берилади, шунингдек, истисно тарзида, уларнинг берилиши белгиланган алоқа бўлимларида почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқаси боғламаси, почтамт) раҳбарининг рухсати билан ташкил этилиши мумкин. Бунда қоп жойланмаси олувчига халқаро бандерол сифатида топширилади. «М» қопининг почта идиши уни қайта ишлашни амалга оширувчи халқаро почта алмашуви жойига қайтарилади.

### 6.2.2 Халқаро почта жўнатмаларини қабул қилиш, ишлов бериш ва жўнатиш

311 Барча халқаро буюртмали хат-хабар тўғридан-тўғри почта алоқаси ҳудудий ташкилотига ёки почта алоқаси объектига топширилиши керак.




73-расм «М» белгили қопнинг манзил ёрлиғини тўлдириш намунаси

Буюртмали почта жўнатмаларини қабул қилишда унинг манзил томони юқори қисмининг чап бурчагида (жўнатувчининг фамилияси ва манзилидан кейин ёки зарур бўлганда улар остига) алоқа ходими CN 04 шаклдаги ёрлиқни ёпиштириб қўяди ёки бу ёрлиқнинг ўрнини босувчи тамға изини туширади (74-расм). Ёрлиқда почта жўнатмасини қабул қилган почта алоқаси объектининг номи ва почта жўнатмасининг 3-шаклдаги дафтар бўйича рақами кўрсатилади. Агар жўнатувчи *«Recommande»* ёзувини ёзмаган бўлса, у ҳолда алоқа ходими бундай белгини махсус тамға билан туширади.

«М» белгили қопнинг манзил ёрлиғига, агар манзилланган мамлакатнинг хоҳишига кўра CN 22 божхона декларацияси ёпиштирилади. Агар жўнатувчи томонидан билдирилган жойланманинг қиммати 300 СПЗдан ошса, ёки буни жўнатувчи ҳоҳласа, унда манзил

ёрлиғига CN 23 божхона декларацияси бириктилади. Бундай ҳолларда манзил ёрлиғига CN 22 божхона декларация йиртиб олинадиган қисми ёки оқ ёки яшил рангли елимланадиган ёки ўзи елимланадиган ёрлиқ ёпиштирилади (74 б- расм). Манзилланган мамлакат маъмуриятининг талабига кўра 23 божхона декларацияси қопга жойланадиган жўнатмалардан бирига бириктирилади (75-расм).

312 Барча жўнатилувчи оддий ва буюртмали хат-хабарларга жўнатиш олдидан тақвим тамғаси изи туширилади.

313 Буюртмали почта жўнатмалар жадвалда белгиланган муддатларда ишлов бериш ва жўнатиш учун 3-шаклдаги дафтарнинг охирги квитанция нусхасида тилхат билан (имзо қўйиб) ёки номма-ном ёзиладиган, бир нусхада тузиладиган 11-шаклдаги реестр бўйича жўнатилади.

R NUKUS 2
№ 17

74 а-расм Халқаро буюртмали жўнатмаларига ёпиштириладиган CN 04 шаклдаги ёрлиқ намунаси

CN 23 илова қилинади
Хизмат тартибида
очилиши мумкин

74 б-расм «М» белгили қопнинг манзил ёрлиғига ёпиштириладиган, елимланадиган ёки ўзи ёпишадиган ёрлиқнинг намунаси

314 Буюртмали почта жўнатмаларини қабул қилишда почта алоқаси ҳудудий ташкилотлари ёки почта алоқаси объектларида алоқа ходими почта жўнатмаларининг ўровлари тозалигига эътибор бериши керак.

315 Қабул қилинган халқаро ёзма хат-хабар почта алоқаси объектлари (алоқа бўлимлари)дан тобелиги бўйича почта алоқаси объектлари (почта алоқа боғламалари, почтамтлар)га жўнатилади, у ердан почта алоқаси ҳудудий ташкилотларига юборилади. Почта алоқаси ҳудудий ташкилотлари, Вилоят марказлари, Тошкент, Нукус шаҳарлари почта алоқаси объектларидан қабул қилинган халқаро ёзма хат-хабарлар почта алоқаси ҳудудий ташкилотларининг алмашув пунктларига йўлланади. Почта алоқаси ҳудудий ташкилотларининг алмашув пунктлари **Халқаро почтани йўллаш бўйича қўлланмага** мувофиқ хат-хабарларни халқаро почта алмашувининг тегишли жойига бир дона почта жўнатмаси бўлса ҳам, почта жўнатмалари йиғиндиларида жўнатилади.

| (Почта маъмурияти) | | CN 23 | | БОЖХОНА ДЕКЛАРАЦИЯСИ |
|---|---|---|---|---|
| дан | Фамилия ***Юсупова Р.С.*** | Жўнатувчининг божхона ҳаволаси (агар бўлса) | Жўнатма рақами (штрихли код, агар бўлса) | Хизмат тартибида очилиши мумкин | Диққат! йўриқнома орқа томонда |
| | Компания/Фирма | | | | |
| | Кўча ***С. Раҳимов 19 уй, 4-хонадон*** | | | | |
| | Почта индекси Шаҳар ***Андижон 6 Andijon 6*** | | | | |
| | Мамлакат ***Узбекистон Ouzbekistan*** | | | | |
| га | Фамилия ***Yacques Dido*** | | | | |
| | Компания/Фирма | | | | |
| | Кўча ***5 rue Marilineau*** | | импорт қилувчи реквизитлари (агар бўлса) (ИНН/ҚҚС/ импорт қилувчи индекси) | | |
| | Почта индекси Шаҳар ***Paris Париж*** | | | | |
| | Мамлакат ***France Франция*** | | импорт қилувчи телефони/факс/e-mail (агар бўлса) | | |

| Жойланмаларни тўлиқ хатлаш | Сони (2) | Умумий оғирлик(кг) (3) | сони (5) | Фақат тижорат жўнатмалари учун: ТИФТН коди (7) | товар ишлаб чиқилган мамлакат |
|---|---|---|---|---|---|
| ***Значок*** | ***1*** | ***0,250*** | ***200 сўм*** | | |
| ***Кассета*** | ***1*** | ***0,200*** | ***600 сўм*** | | |
| | | | | | |
| | | Умумий оғирлик соф оғирлик(4) ***0,500*** | Умимий қиймат (6) ***800 сўм*** | Почта йиғими/ Харажатлар | |

| жўнатма тоифаси(10) | | Тижорат намунаси | Изоҳ: | Жўнатувчи муассаса/Жўнатиш санаси ***Андижон 6 2002 йил 27 февраль*** |
|---|---|---|---|---|
| X | Совға | товарни қайтариш | | |
| | Хужжат | Бошқалар | | |
| Изоҳ (11): (масалан, карантиндан ўтишини /санитар/фитосанитар назорати зарур ёки бошқа чеklанишларга тўғри келган товар | | | | Мазкур деклорациядаги маълумотларнинг аниқлигини, шунингдек, бу жўнатма почта тартиб қоида лари ман этган зарарли буюмларга эга эмаслигини тасдиқлайман |
| Лицензия (12) | Сертификат (13) | Ҳисоб (14) | | |
| Лицензия(лар) рақами | Сертификат(лар) рақами | Ҳисоб рақами | | Сана ва жўнатувчининг имзоси ***2001 йил 27 февраль Маҳмудов*** |

75 - расм CN 23 божхона декларациясини тўлдириш намунаси

Почта вагонининг почта қутисига солинган халқаро ёзма хат-хабар сайёр бригада томонидан поезд йўналиши бўйича биринчи вилоят маркази (Тошкент, Нукус шаҳарлари)да топширилади.

Жўнатиш олдидан хат-хабарнинг тўғри тўланганлиги, расмийлаштирилганлиги ва ўровларнинг бутлиги текширилади. Нотўғри расмийлаштирилган хат-хабар ушбу Қоидаларнинг 331-бандига мувофиқ қайта расмийлаштирилади.

Халқаро хат-хабар, тўловдан қатъи назар, республика ичида ўрнатилган тартибда ва тегишли турдаги транспорт билан жўнатилади.

Буюртмали почта жўнатмалар йигиндиларига беркитилишидан олдин хусусийлари мўлжалланган мамлакат ва берилиш рақамини, транзитлари эса, бундан ташқари, берилиш жойини ҳам кўрсатиб, 11-шаклдаги реестрга ёзилади. Халқаро хат-хабарни кўплаб алмаштирувчи почта алоқаси ҳудудий ташкилотлари ёки почта алоқаси объектлари 11-шаклдаги реестрлар рақамларини ички почта жўнатмалари реестрларидан алоҳида олиб боришлари мумкин.

Буюртмали ва оддий халқаро йигиндилар қабул қилинган жойнинг почта алоқаси ҳудудий ташкилотлари ёки почта алоқаси объектларидан ички хат-хабарлар билан бирга қопларда жўнатилади. Қопларга *«Халқаро буюртмали»* белгиси қўйилган 10-шаклдаги манзил ёрлиқлари бириктирилади, уларга *«Халқаро»* ёки*»Халқаро буюртмали»* белгилари қўйилади. Қоплар муҳрланади ёки пломбаланади.

Корхона, ташкилот, муассасалардан қабул қилинган хат ва бандероллар 103-А шаклдаги рўйхатлар билан ушбу Қоидаларнинг 399-бандида кўзда тутилган миқдорда почта жўнатмалари йигиндиларига жойланади. Почта жўнатмалари йигиндисининг рақами рўйхат рақамига мос келиши керак. Почта жўнатмалари йигиндиларига ишлов бериш учун 11-шаклдаги реестр бўйича топширилади.

Қабул қилиш жойларидан кам миқдорда қабул қилинган оддий почта жўнатмалари буюртмали почта жўнатмалари билан бирга умумий почта жўнатмалари йигиндиларига беркитилиши мумкин.

**316** Халқаро буюртмали ёзма хат-хабарлар солинган жўнатилувчи почта жўнатмалари йигиндилари 11-шаклдаги реестрга рақамлари бўйича, транзит почта жўнатмалари йигиндилари эса - уларнинг рақамлари ва қаердан келаётгани кўрсатиб ёзилади. Оддий почта жўнатмалари йигиндилари эса ёзилмасдан жўнатилади.

**317** Почта алоқаси ҳудудий ташкилотларининг алмашув пунктларидан халқаро почта алмашуви жойигача халқаро хат хабарлар почта жўнатмалари йигиндилари ва почта жўнатмаларининг сонидан қатъи назар, алоҳида қопларда жўнатилади.

**318** Халқаро почта алмашуви пунктларидан келган халқаро хатлар, почта варақчалари, бандероллар, секограммалар ва «М» белгили қоплар, почта алоқаси ҳудудий ташкилотларига йўлланади,

у ерда улар ички хат-хабарлар учун белгиланган тартибда олувчиларга кейинчалик топшириш учун манзилдаги почта алоқаси ҳудудий ташкилотлари ёки почта алоқаси объектлари бўйича сараланади. Хорижий давлатлардан келадиган «М» белгили қопларнинг оғирлиги 30 кг гача бўлиши мумкин.

### 6.3 Майда пакетлар

#### 6.3.1 Майда пакетларни қабул қилиш ва ишлов бериш

319 Майда пакетларнинг ўрови жойланманинг хусусиятига мос келиши ва ташишда унинг шикастланишига имкон бермаслиги керак.

Ҳар бир майда пакет CN 22 божхона декларациясига (76 а-расм) ва шу шаклдаги йиртиб олинадиган ёрлиққа эга бўлиши керак. CN 22 божхона декларацияси манзил томонига, иложи бўлса, юқори чап бурчакка, зарур бўлганда мажбурий тартибда майда пакетда кўрсатилиши керак бўлган жўнатувчининг фамилияси ва манзилининг паст томонига жойлаштирилади.

Агар майда пакетдаги жойланма қиммати 300 СПЗдан ошса ёки жўнатувчининг ҳоҳишига кўра, бундан ташқари майда пакетга Мамлакатлар рўйхати ва Қўлланмада ҳар бир мамлакат учун кўрсатилган миқдорда алоҳида CN 23 божхона декларацияси илова қилинади. Бу декларациядан биттаси албатта майда пакетга қўшиб қўйилади. Агар декларация майда пакетнинг олд томонида кўринмаса, унда олд томонига CN 22 божхона декларациянинг йиртиб олинадиган қисми ёки елимланадиган ёки ўзи елимланадиган ёрлиқ бириктирилади (74 б-расм).

CN 22 ва CN 23 божхона декларациялар орқа томонда ифода қиинган кўрсатмаларга мувофиқ тўлдирилади. Майда пакет жойланмаси CN22 ва CN 23 божхона декларацияларида тўлиқ кўрсатилган бўлиши керак. **Умумий характер кўрсатмаларига рухсат этилмайди.**

Майда пакетларни Мамлакатлар рўйхати ва Қўлланмада санаб ўтилмаган мамлакатларга жўнатишда божхона декларацияси уч нусхада тузилади. Божхона декларациясида олувчининг номи, манзилланган мамлакат номи, олувчининг тўлиқ манзили, жўнатилаётган ҳар бир буюмнинг номи, унинг оғирлиги ва қиммати, шунингдек жўнатувчининг манзили ва номи ёзилади. Буюмларни умумий ном билан (галантерея, парфюмерия ва шу каби) белгилаш мумкин эмас. Божхона декларацияси ўзбек ёки рус тилларида инглиз, француз ёки манзилланган мамлакатда қабул қилинган бошқа тилига сўзма-сўз таржимаси билан ёки лотин ҳарфлари ва араб рақамлари билан тўлдирилади. Агар декларациядаги ёзув таржима қилинмаган бўлса, бу майда пакетни қабул қилиш учун тўсиқ бўла олмайди.

CN 22 (орқа томони)

| CN 22 БОЖХОНА ДЕКЛАРАЦИЯСИ | | | |
|---|---|---|---|
| Хизмат тартибида очилиши мумкин | | | |
| Почта маъмурияти *Ўзбекистон* | Диққат Орқа томондаги кўрсатмага қар. | | |
| X Совға / Ҳужжат | Тижорат намуна бошқа катакча(лар) чизилсин | | |
| Жойланма сони ва тўлиқ хатлаш (1) | Оғирлик (кг) (2) | Қиймати (3) | |
| *1 Значок* *1 Кассета* | *0,250* *0,200* | *200 сўм* *600 сўм* | |
| Фақат тижорат жўнатмалар учун ТИФТН коди ва товар ишлаб чиқилган мамлакат(маълум бўлса) (5) | умумий оғирлик (кг) (6) *0,450* | Умумий қиймат (7) *800 сўм* | |

Мен, қуйида имзо қўйувчи (фамилия ва манзили жўнатмада кўрсатилаган) шуни тасдиқлайманки, ушбу божхона декларациясида келтирилган маълумотлар тўғрилигини ва бу жўнатмада хавфли ёки қонун ҳужжатлари ёки почта ёки божхона тартиб-қоидалари томонидан тақиқланган ҳеч қандай хавфли буюмларни ўз ичига олмаганлигини тасдиқлайман

Сана ва жўнатувчининг имзоси (8)

*Юсупова 2002 йил 27 февраль*

**Қулланмалар**

Божхона томонидан расмийлаштиришни тезлаштириш учун декларация инглиз, француз ёки манзилланган мамалакаат қабул қилган бошқа тилда тузилиши керак. Агар жойланманинг қиймати 300 СПЗ дан ортиқ бўлса, у ҳолда CN 23 декларацияси тўлдирилиши керак. Жўнатувчининг фамилияси ва манзили мажбурий равишда жўнатманинг олд томонидан тўлиқ кўрсатилиши керак.

(1) Ҳар бир предметнинг батафсил таърифини келтиринг ва миқдорини, шунингдек айниқса, карантиндан ўтиш керак бўлган предметлар (ҳайвонлар, ўсимликларга мансуб маҳсулотлар, озиқ-овқат маҳсулотлари ва ҳ.қ.) учун фойдаланиладиган ўлчов бирлиги (мас., ип-газламали «2 та эркаклар кўйлаги»)ни аниқлаштиринг.

(2),(3)ва(7) ҳар бир предметнинг оғирлиги ва қийматини ҳамда унинг умумий оғирлиги ҳамда қийматини кўрсатинг. Шу билан бирга фойдаланиладиган валюта (мас., Швейцария франки учун шв.фр.)ни аниқланг.

(4)ва(5) ТИФТН (олти рақамли индекс) коди Халқаро божхона ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган товарларни хатлаш ва кодлаш Уйғунлаштирилган тизими бўйича белгиланади. «Мансуб мамлакат» дейилганда, товарларни ишлаб чиқган мамлакат тушунилади (мас., улар ишлаб чиқилган, тайёрланган ёки бут қилиб қўйилган мамлакат).Божхона томонидан расмийлаштирилишини тезлаштириш учун юқорида келтирилган ахборотни кўрсатиш ва товар ҳисобини жўнатманинг ташқи томонига бириктириб қўйиш тавсия қилинади.

76 а) -расм CN 22 шаклдаги ёрлиқни расмийлаштириш намунаси

Божхона декларациясини тузиш учун жавобгарлик жўнатувчига юклатилади.

**320** Майда пакетни қабул қилишда алоқа ходими:

а) майда пакетнинг тўғри манзилланганини текширишга;

б) майда пакетни тортиб кўриши ва агар унинг оғирлиги 500 г дан ортиқ бўлса, Мамлакатлар рўйхати бўйича, бундай майда пакетларни кўрсатилган мамлакатда қабул қилиш рухсат берилганлигини текширишга;

в) майда пакет ичидаги жойланмаларнинг CN 22 ёки CN 23 божхона декларацияларидаги ёзувларга мувофиқлигини, манзили ва олувчи номининг CN 23 декларацияда ҳамда майда пакетларда кўрсатилган ёзувларга айнан ўхшашлигини солиштиришга;

г) жойланмани ўраш, майда пакетнинг ўровини ёпиштириш ва муҳрлаш, уни каноп ип билан боғлаш, боғлама остига CN 23 божхона декларациясини қўйишга;

д) агар жўнатувчи ёзмаган бўлса, манзил юқорисига *«Petit paquet»*, *«Recommandе»* белгиларини кўрсатишга;

е) пакет манзил томонининг юқори чап бурчагига CN 04 ёрлиғини ёпиштириш ёки ёрлиқнинг ўрнини босувчи тамға изини тушириш, унда тартиб рақамини кўрсатиш, бу ёрлиқдан пастроққа CN 22 божхона декларациянинг йиртиб олинадиган қисми ёки елимланадиган ёки ўзи елимланадиган ёрлиқ ёпиштириш ва майда пакетнинг оғирлигини кўрсатишга. Манзил томонининг юқорисидаги ўнг қисмида унда жўнатиш тўлов суммасини рақам билан кўрсатиб «TP» тамға изини босиш. Бу тамға изидан пастроқда тақвим тамға изи туширилади (76 б – расм);

ж) қабул қилинган майда пакетни 1-шаклдаги дафтарга ёзиш ёки почта - касса аппарати, электрон мажмуада қиммати эълон қилинган ички хатлар учун белгиланган тартибда (ушбу Қоидаларнинг 79-банди) манзилланган мамлакатни қўшимча равишда, божхона расмиятчилиги учун тўловни алоҳида кўрсатиб, расмийлаштириш, жўнатувчидан тўловни олиш, квитанция беришга мажбур.

Майда пакетга барча зарур маълумотлари бўлган махсус манзил ёрлиғини ёпиштиришга рухсат этилади.

**321** Майда пакетлар почта алоқаси объектлари (алоқа бўлимлари)дан суғуртали қопларда тобелигига кўра почта алоқаси объектлари (почта алоқа боғламалари, почтамтлар)га жўнатилади, у ердан улар яна суғуртали қопларда почта алоқаси ҳудудий ташкилотларининг алмашув пунктларига юборилади. Майда пакетлар вилоят марказлари, Тошкент, Нукус шаҳарлари почта алоқаси ҳудудий ташкилотлари, почта алоқаси объектлари (алоқа бўлимлари)дан суғуртали қопларда қиммати эълон қилинган хатлар билан бирга почта алоқаси ҳудудий ташкилотлари алмашув пунктларига жўнатилади. Почта алоқаси ҳудудий ташкилотларининг алмашув пунктлари Халқаро почта-

ни йўллаш бўйича қўлланмага мувофиқ майда пакетларни суғуртали қопларда қиммати эълон қилинган халқаро хатлар билан бирга халқаро почта алмашувининг тегишли жойларига юборади. 17-шаклдаги қоп ёрлиғига *«Халқаро»* белгиси қўйилади.




76 б-расм Майда пакетларни расмийлаштириш намунаси

Қопни беркитиш олдидан майда пакетлар 16-шаклдаги юкхатга кўшиб ёзилади, унга 1-шаклдаги дафтар бўйича рақами ва манзилланган мамлакат кўрсатилади, транзитларида эса, булардан ташқари, қабул қилувчи жой ҳам кўрсатилади.

### 6.3.2 Келувчи майда пакетларга ишлов бериш ва уларни топшириш

322 Келувчи майда пакетлар жойланмасига божхона томонидан бож солинган божли ва божхона божларидан озод қилинган божсиз турларига ажратилади.

323 *«Уз қули билан топширилсин»* белгили пакетлардан ташқари майда пакетлар олувчиларга фақат почта алоқаси ҳудудий ташкилотлари ёки почта алоқаси объектларида берилади.

**324** Келувчи майда пакетлар 16-шаклдаги юкхат бўйича ҳисобга олинади, унга худди ички, қиммати эълон қилинган бандероллар сингари ишлов берилади ва олувчига топширилади, бунда қуйидаги ўзига хос хусусиятлар ҳисобга олинади:

а) билдиришномаларда зарур бўлган ҳолларда ҳисобланган бож ва божхона расмиятчиликлари учун тўлов суммаси кўрсатилади, оғирлиги 500 г дан ортиқ бўлган майда пакетларга эса ушбу почта жўнатмасининг оғирлиги ҳам ёзиб қўйилади;

б) агар майда пакетлар божхона кўригидан ўтган бўлса, у ҳолда уларни беришда олувчидан божхона расмиятчиликлари учун майда пакет ўровида кўрсатилган тўлов ундирилади. Божли майда пакетлар учун ҳам пакет ўровида, 113-шаклдаги почта пул ўтказмаси бланкасида ва 16-шаклдаги юкхатда кўрсатилган бож суммаси ундирилади. Оғирлиги 500 г дан ортиқ бўлган майда пакетлар учун бундан ташқари, белгиланган тарифларга мувофиқ, уларни топширганлик учун қўшимча тўлов ундирилади. 22-шаклдаги билдиришномада 47-шаклдаги дафтардан олинган тўлов тўғрисидаги квитанциянинг санаси ва рақами кўрсатилади.

Олувчидан олинган бож суммаси дарҳол устама тўлов суммасини жўнатиш учун кўзда тутилган манзилга жўнатилади.

Майда пакетлар берилаётганда божхона расмиятчиликлари учун тўлов суммасига, 47-шаклдаги дафтардан квитанция ёзиб берилади ёки почта - касса аппарати, электрон мажмуада расмийлаштирилади. Бу суммалар почта алоқаси ҳудудий ташкилотлари ёки почта алоқаси объекти фойдасига ҚҚС суммасини ажратиш билан кирим қилинади.

**325** Майда пакетлар бериладиган жойдаги почта алоқаси ҳудудий ташкилотлари ёки почта алоқаси объектлари почта алоқаси объектларидан (почта алоқа боғламалари, почтамтлар, алмашув пунктлари)дан суғуртали қопларда, 16-шаклдаги юкхатта улар жўнатилган мамлакатни, жўнатиш ва ялпи рақамлари тегишли ҳолларда бож суммаси кўрсатилган ҳолда келади. Почта алоқаси ҳудудий ташкилотлари ёки почта алоқаси объектларида майда пакетли суғуртали қопларга ишлов беришнинг барча босқичларида уларнинг ҳақиқий оғирлиги қопдаги ёрлиқда кўрсатилган оғирлигига мослиги, қоплар очилганда эса ҳар бир майда пакетнинг оғирлиги ҳам текширилади.

### 6.4 Қиммати эълон қилинган халқаро хатлар

#### 6.4.1 Қиммати эълон қилинган хатларни қабул қилиш, ишлов бериш ва топшириш

**326** Қиммати эълон қилинган халқаро хатлар очиқ ҳолда, қалин қоғозли конвертларда қабул қилинади.

Қиммати эълон қилинган хатларга жўнатувчи икки нусхада 107-шаклдаги рўйхатни тузади.

Хатни қабул қилишда алоқа ходими қуйидагиларни бажариши шарт:

а) Қўлланма бўйича қиммати эълон қилинган хатларни мўлжалланган мамлакатта қабул қилиш белгиланганлигини; жойланган буюмларни юборишга рухсат берилганлигини; улар баҳосининг суммаси белгиланган меъёрий суммадан юқори эмаслиги; почта жўнатмасининг ўрови ва манзилланиши тўғрилигини; жойланмани 107-шаклдаги рўйхат билан солиштириши; рўйхатнинг иккала нусхасига имзо қўйиши ва тақвим тамға изини тушириши керак;

б) хатнинг эълон қилинган суммасини Ўзбекистон Республикаси марказий банки томонидан ўрнатилган ва хатни қабул қилиш кунигача амалда бўлган сўмнинг СДР (бундан буён матнда - СПЗ) расмий курсига мувофиқ махсус ҳисоблаш манбаидан фойдаланиш ҳуқуқи (СПЗ) га кўчириши ва уни почта жўнатмасининг ўровида, эълон қиланган қимматини акс эттирувчи суммасини рангли қалам билан чизиқ тортиб, рақамлар ёнига ёки рақамлар остига ёзиши керак. Бу маълумотлар 107-шаклдаги рўйхатда ва квитанцияда кўрсатилган бўлиши керак.

в) қиммати эълон қилинган хатнинг манзил томонини юқори чап бурчагида CN 06 ёрлиқни ёпиштириш ёки ёрлиқ ўрнига шундай шаклдаги тамға изини босиш мумкин;

г) хатда 1-шаклдаги дафтар квитанциясининг тартиб рақамини (почта-касса аппарати, электрон мажмуада расмийлаштирилган) кўрсатиш;

д) манзил томонининг юқори ўнг қисмида *«ТР»* тамға изини, паст қисмида эса тақвим тамға изини босиш;

е) жўнатувчи назоратида рўйхат ва жойланмани конвертга солиб, уни елимлаб суғурта муҳри билан муҳрлаш, рўйхатнинг бир нусхасини жўнатувчига бериш;

ж) хатни тарозида тортиб кўриш, оғирлиги ва эълон қилинган қиммати учун, шунингдек, буюртмали учун тўловни аниқлаш. Тўловнинг умумий суммасини рақамлар билан «ТР» тамғаси изига ёзиш, хатнинг грамм ҳисобидаги оғирлигини унинг манзил томонидан чап қисмида кўрсатиш (77-расм).

**327** Қиммати эълон қилинган хат қабул қилингани тўғрисида 1-шаклдаги дафтардан (почта-касса аппарати, электрон мажмуада) квитанция берилади, унда қиммати эълон қилинган ички хатлар учун белгиланган маълумотлардан ташқари мўлжалланган мамлакат ва махсус ҳисоблаш манбаидан фойдаланиш ҳуқуқидаги эълон қилинган қиймат суммаси кўрсатилади.

**328** Қабул қилинган қиммати эълон қилинган хатлар почта алоқаси объектлари (алоқа бўлимлари)дан тобелигига кўра почта алоқаси

объектлари (почта алоқа боғламалари, почтамтлар)га суғуртали қопларда юборилади, у ердан улар яна суғуртали қопларда почта алоқаси ҳудудий ташкилотларининг алмашув пунктларига жўнатилади. Почта алоқаси ҳудудий ташкилотларида ёки вилоят марказлари (Тошкент, Нукус шаҳарлари) почта алоқаси объектларида қабул қилинган қиммати эълон қилинган хатлар почта алоқаси ҳудудий ташкилотларининг алмашув пунктларига суғуртали қопларда жўнатилади. Почта алоқаси ҳудудий ташкилотларининг алмашув пунктлари қиммати эълон қилинган хатларни суғуртали қопларда **Халқаро почтани йўллаш бўйича қўлланмага** мувофиқ халқаро почта алмашувининг тегишли жойларига жўнатади. Қиммати эълон қилинган хатларни ёпишдан олдин 16-шаклдаги юкхатга қуйидагилар ёзиб қўйилади: жўнатиш рақами, эълон қилинган қиймат суммаси Суғуртали қоплар 17-шаклдаги ёрлиққа *«Халқаро»* ёзувининг қўшимча қилиб ёзиб, умумий тартибда ёпилади.




77 - расм Қиммати эълон қилинган хатни расмийлаштириш намунаси

**329** Қиммати эълон қилинган хатлар топшириладиган жойнинг почта алоқаси ҳудудий ташкилотлари ёки почта алоқаси объектларига почта алоқаси объектлари (почта алоқа боғламалари, почтамтлар, алмашув пунктлари)дан суғуртали қопларда 16-шаклдаги юкхатга рақами, эълон қилинган суммаси (СПЗ)да ва жўнатилаётган мамлакат номи кўрсатилиб қабул қилинади. Белгиланган жойдаги почта алоқаси ҳудудий ташкилотлари ва почта алоқаси объектида қиммати эълон қилинган хатлар жойланган қопларни очиш ва уларга ишлов бериш ички суғуртали қоплар ва қиммати эълон қилинган хатлар учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

Қиммати эълон қилинган халқаро хатлар манзилга элтиб берилмайди, балки фақат почта алоқаси ҳудудий ташкилотларида ёки почта алоқаси объектларида олувчи ва почта алоқаси ҳудудий ташкилоти, почта алоқаси объекти (почта алоқа боғламаси, почтамт)нинг назорат қилувчи шахси ёки почта алоқаси (алоқа бўлими) бошлиғи (ўринбосари) иштирокида албатта очилади ва жойланма рўйхат бўйича текширилади. Очиш олдидан хатларнинг ташқи ҳолати ва оғирлиги текширилади.

**330** Агар қиммати эълон қилинган хатни топширишда жойланманинг рўйхати йўқ бўлса, у олувчига ҳеч қандай тўсиқларсиз топширилади, бироқ бу ҳақда 51-шаклдаги далолатнома уч нусхада тузилиб, унда келган буюмларнинг ҳаммаси кўрсатиб ўтилади. Далолатнома алоқа ходимлари ва олувчи томонидан имзоланади. Далолатноманинг биринчи нусхаси зарур текширув ўтказиш учун «Ўзбекистон почтаси» Давлат-акциядорлик компаниясига йўлланади, иккинчиси олувчига берилади ва учинчиси 22-шаклдаги билдириш-номага илова қилинади ва почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объектида сақланади.

### 6.5 Халқаро почта посилкалари

#### 6.5.1 Посилка бланкаларини ва божхона декларацияларини тўлдириш

**331** Посилкаларнинг ўрови жойланмаларнинг характери, йўлнинг давомийлиги ва жўнатиш шароитларига мувофиқ бўлиши, шунингдек ташишда почта алоқаси хизматларини кўрсатиш Қоидаларининг 62-63-бандларига мувофиқ жойланмаларнинг шикаст-ланишига йўл қўймаслиги керак.

Ҳар бир посилкага жўнатувчи CP 71 бланкаси ва CN 23 божхона декларациясини тўлдиради.

CP71 посилка бланкаси матнига мувофиқ (78, 79-расм) бир нусхада тўлдирилади. Унинг олд томонида жўнатувчи «X» белгиси билан, агар посилка берилмаса, уни нима қилиш кераклигини кўрсатади. Жўнатувчи ўзининг бу фармойишини имзолайди. Бланкасининг орқа томонига ёзма хабар ёзишга рухсат этилмайди.

Агар жўнатувчи ҳар қандай қайта юборишни бекор қилмоқчи бўлса, у ҳолда посилка ва бланка француз тили ёки манзилланган мамлакатнинг тилидаги «*Ne pas reexpedier*» («Юборилмасин») белгиси бўлиши керак.

CN 23 божхона декларацияси майда пакетдаги тартибда, Қўлланмада кўрсатилган миқдордаги нусхада тўлдирилади. Божхона декларациясига посилкада юбориладиган ҳамма буюмлар, уларнинг номлари, сони ва ҳар бир буюмнинг оғирлигини, шунингдек унинг баҳосини миллий валютада кўрсатиб ёзилади. Божхона декларациясида, манзил ва олувчининг номидан ташқари жўнатувчининг манзили ва номи кўрсатилади. **Умумий характер кўрсатмаларига рухсат этилмайди.**

дан

га

(Почта маъмурияти) Жўнатма/посилка хизмат тартибида очилиши мумкин CP 71 БЛАНКА

| | | | |
|---|---|---|---|
| Жўнатувчининг фамилияси ва манзили<br>Фамилия *Мирзаев Алише*<br>Компания/Фирма<br>Кўча *Бобур кўчаси, 12 уй, 3 хонадон*<br>Почта индекси *700100* Шаҳар *Тошкент, Tachkent* | Жўнатувчи ҳаволаси (агар бўлса) | посилка рақами (штрихли код, агар бўлса) | *V 562 Tachkent 115* ; *Valuer deklaree* |
| Мамлакат *Ўзбекистон, Ouzbekistan,* | | Эълон қилинган қиймати - сўз билан *Бир минг сўм* | рақамлар билан *1000 сўм* |
| Фамилия *Ferens Pushkach* | | Ўрнини қоплаш суммаси - сўз билан | рақамлар билан |
| Компания/Фирма *Париж, Франция* | | Жорий почта ҳисоб варағининг рақами, чеклар маркази | |
| Кўча *25 Logement, maison 11 Place de people* | | Импорт қилувчи реквизитлари ( агар бўлса) (ИНН/в ҚҚС/импорт қилувчи индекси) | |
| Почта индекси Шаҳар *Budapesti Будапешт* | | Импорт қилувчининг Телефони/факс/e-mail (маълум бўлса) | |
| Мамлакат *Hungaru, Венгрия* | | (Зарур бўлганда, расмий ёрлиқ ёпиштирилсин) | |
| Алмашув муассасаси | Божхона тамғаси | АВИА PAR AVION | Мурт посилка Colis fragile |
| Талаб қилинган хизмат кўрсатилсин зарур катакча чизилсин)<br>☐ Оддий халқаро ☐ Халқаро иқтисод.класси | Божхона йиғими | | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | Жўнатувчи муассаса/Жўнатиш санаси<br>*Tachkent 115*<br>*2002й. 20 февраль*<br>Тақвим тамға изи | посилкалар / сертификат ва ҳисоблар / сони<br>Эълон қилинган қиймат СПЗда *20 СПЗ* | |
| | | Посилканинг умумий оғирлиги соф оғирлиги *2,5 кг* | Тарифлар *16900 сўм* |

| | | |
|---|---|---|
| Олувчининг имзоси | Мазкур бланкада рўйхати берилган посилкани олдим<br>Сана ва олувчининг имзоси | Берилмаслик ҳолатларида жўнатувчининг йўриқномаси<br>☒ Жўнатувчига дарҳол қайтарилсин<br>☐ Жўнатувчига кейин берилсин ☐ кун ☐ Олувчи рад этилган жўнатма каби қаралсин<br>☐ Қуйидаги манзил бўйича қайта жўнатилсин Қайтарилсин қайта жўнатилсин ☐ Ерусти йўли билан SAL ☐ авиа<br>Манзил |
| Мазкур божхона декларациясидаги маълумотларнинг тўғрилигини ва бу жўнатмада хавфли ёки қонун ҳужжатлари ёки почта ёки божхона тартибқоидалари томонидан тақиқланган буюмларни ўз ичига олмаганлигини тасдиқлайман | Сана ва жўнатувчининг имзоси<br>*2002 йил 2 февраль*<br>*Мирзаев* | |

78-расм Авиапосилкага CP 71 шаклдаги бланкани тўлдириш ва расмийлаштириш намунаси

Ушбу декларацияни тўлдиришдан аввал орқа томонидаги кўрсатмани диққат билан ўқиб чиқинг

(Почта маъмурияти) Жўнатма/посилка хизмат тартибида очилиши мумкин

**БЛАНКА** Ср 71

дан

Фамилия *Маҳмудов Алишер*

Компания/Фирма

Кўча *F.Fулом 12-уй, 3-хонадон*

Почта индекси *700019* Шаҳар *Тошкент Tachkent*

Мамлакат *Узбекистон Ouzbekistan*

Жўнатувчи ҳаволаси (агар бўлса)

посилка(лар) рақами(штрихли код, агар бўлса) *V 562 Tachkent 115* *Valuer deklaree*

Эълон қилинган қиймати-сўз билан *Бир минг сўм* рақамлар билан *1000 сўм*

га

Фамилия *Karl Vald*

Компания/Фирма

Кўча 25 *Kurt strasse*

Почта индекси Шаҳар *Bonn Бонн*

Мамлакат *Allemagne Германия*

Ўрнини қоплаш суммаси сўз билан рақамлар билан

Жорий почта ҳисоб варағининг рақами, чеклар маркази

Импорт қилувчи реквизитлари (агар бўлса) (ИНН/импорт қилувчи индекси)

Импорт қилувчи телефони/факс/e-mail(маълум бўлса)

(Агар зарур бўлса расмий ерлик ёпиштирилсин)

Божхона тамғаси

Алмашиш муассасаси

Талаб этилган хизмат кўрсатилсин(зарур катакча чизилсин)

☐ Оддий халқаро ☐ Халқаро иқтис.класс

Божхона йиғими

Жўнатувчи муассаса/жўнатиш санаси *Tachkent 19* *2002й 5февраль* тақвим тамға изи

посилкалар | сертификат ва ҳисоблар | сони

Эълон қилинган қиймати СПЗ да *20 СПЗ*

Посилканинг умумий оғирлиги соф оғирлиги *5,5 кг*

Олувчининг имзоси

Мазкур бланкада руйхати берилган посилкани олдим

Сана ва олувчининг имзоси

Мазкур божхона декларациядаги маълумотларнинг тўғрилигини, шунингдек, бу жўнатма почта тартиб-қоидалари томонидан тақиқланган хеч қандай хавфли буюмларни ўз ичига олмаганлигини тасдиқлайман

Сана ва жўнатувчининг имзоси *2002 й.20 май Маҳмудов*

Бермаслик холатларида жўнатувчининг йўриқномаси

☒ Жўнатувчига дархол қайтарилсин

☐ Жўнатувчига ☐ кун кейин берилсин

☐ Олувчи рад этилган жўнатма каби қаралсин

☐ Қуйидаги манзил бўйича олувчига қайта жўнатилсин

Қайтарилсин қайта жўнатилсин

☐ Ерусти йўл ☐ авиа билан

Манзил

79-расм Посилкага CP 71 шаклдаги бланкани тўлдириш ва расмийлаштириш намунаси

### 6.5.2 Халқаро почта посилкаларини қабул қилиш

332 Фуқаролар жўнатадиган посилкалар жойланмасини текшириб қабул қилинади. Корхона, ташкилот, муассасалар посилкаларни ёпиқ ҳолда (тегишли суғурта муҳри билан муҳрланган ёки пломбаланган ҳолда) 103-А- шаклдаги рўйхат бўйича CP 71 бланкалари, CN 23 божхона декларацияларини илова қилиб, шунингдек посилкаларда посилкани қабул қилиш кунида Ўзбекистон Республикаси Марказий банк курси бўйича сўмларда ҳисоб-китоб қилинганда қиммати 500 АҚШ долларидан ошадиган буюмларни юборишда божхона декларациялари илова қилиб жўнатилади.

Посилкага жойланган халқ истеъмол молларининг умумий қиммати посилка қабул қилинган кунда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича сўмларда ҳисоб-китоб қилинганда 4000 СПЗ дан ошмаслиги керак.

CP 71 бланкасига божхона текшируви учун зарур бўлган истаган ҳужжат (ҳисоб варағи, олиб чиқиш учун лицензия, келиб чиқиш тўғрисида гувоҳнома ва ш.к.) илова қилиниши мумкин.

333 Уруғли, ўсимликлар, ўсимлик хом-ашёси, ўсимликларга мансуб бошқа маҳсулотлар, бошқа материаллари ва халқ истеъмол моллари жойланган посилкаларни жўнатишда CP 71, CN 23 бланкаларга Ўзбекистон Республикасининг Бош давлат инспекцияси томонидан берилган карантин бўйича импорт карантин рухсатномаси ва фитосанитар сертификати ёки экспорт қилувчи мамлакатнинг ўсимликларнинг карантини ва ҳимоя қилиш бўйича давлат идоралари томонидан берилган гувоҳнома қўшиб қўйилади.

. 334 Халқаро посилкани қабул қилишда алоқа ходими, ички посилкалар учун белгиланган текширувлардан ташқари, қуйидагиларни бажариши шарт:

а) Қўлланма бўйича манзилланган мамлакат билан посилкалар алмашуви рухсат этилганлигини, посилкага ушбу мамлакатга олиб кириш тақиқланган буюмлар жойланмаганлигини ва CN 23 декларациялари етарли миқдорда илова қилинганлигини текшириш;

б) посилкада хорижга олиб чиқиб кетиш тақиқланган буюмлар жойланмаганига ёки белгиланган шартларга риоя қилинган ҳолда рухсат этилганига ишонч ҳосил қилиш, шунингдек жойланмаларнинг декларациядаги ёзувларга мос келишини текшириш;

**в) жойланмалар текширилгандан сўнг посилкани жўнатувчига ўраш учун берилишига йўл қўймаслик;**

г) агар посилканинг қиммати эълон қилинган бўлса, у ҳолда баҳоланган суммани СПЗ га ўтказиш ва олинган суммани посилка ва посилка бланкасига ручка билан ёзиб қўйиш;

д) CP 71 бланкасида жўнатувчи томонидан кўрсатма берилганлигини текшириш;

е) 103-А рўйхатда *"Ташқи иқтисодий алоқалар органлари томонидан олиб чиқиш учун рухсатнома рақами"* белгисининг мавжудлигини текшириш;

ж) қабул қилинган оддий посилканинг чап юқори манзил томонига СР 73 ёрлиғини ёпиштириб, унда жўнатилган жой номини лотин ҳарфлари билан ва узатиш рақамини кўрсатиши (80-расм), қиммати эълон қилинган посилкага эса, ўша жойига "V" ҳарфли СР 74 ёрлиғини (81-расм) ва СР 73 ёрлиғини тааллуқли маълумотлар билан ёпиштириш. Бу ёрлиқларнинг иккинчи қисми (кичик ўлчамдагиси) бланкаларга ёпиштирилади.

| |
|---|
| ***Tachkent, pochtamt*** <br> ***562*** |
| ***562 Tachkent, pochtamt*** |

80 - расм СР 73 ёрлиқ намунаси:
юқори қисми - жўнатилаётган халқаро посилкага,
қуйи қисми - посилка бланкасига ёпиштирилади

| | |
|---|---|
| ***V*** | ***Urganch, pochtamt*** <br> ***62*** |
| | ***62 Urganch, pochtamt*** |

81-расм - СР 74 ёрлиқ намунаси:
юқори қисми - қиммати эълон қилинган жўнатилаётган халқаро посилкага, қуйи қисми - посилка бланкасига ёпиштирилади

Шиша, мўрт ва осон синувчи буюмлар жойланган посилкага *«Colis fragile»* (82-расм) ёзувли ёрлиқ ёпиштирилади, ва унга берилган бланкада катта ҳарфлар билан *«Colis fragile» («Мўрт посилка»)* ёзуви ёзиб қўйилади.

Катта ўлчамли посилкалар ва уларга тегишли бланкаларда *«Encombrant» («Катта ўлчамли»)* ёзуви ёзилади ёки шу мазмундаги ёрлиқ ёпиштириб қўйилади.

Жойланма текширилиб, жойлангандан сўнг посилка ўралади, яхлит пишиқ каноп билан боғланади, канопнинг учлари суғурта муҳри билан муҳрланади (ёки пломбаланади). Сўнг посилка тарозда тортилади, СР 74 ёки СР 72 ёрлиқ остидаги унинг ўровида ва СР 71 бланкада аниқ оғирлиги ёзиб қўйилади.




82-расм. «Мўрт посилка» ёзуви бўлган жўнатилувчи халқаро посилкалар ёрлиғининг намунаси

**335** Посилкани жўнатишда оғирлик учун тўлов ундирилади, қиммати эълон қилинган посилкалар учун эса бундан ташқари эълон қилинган баҳоси учун экспедицион тўлов ундирилади. Шу билан бирга алоқа ходимлари томонидан кўрсатилган қўшимча хизматлар учун ҳам тўлов ундирилади.

Мўрт ва катта ўлчамдаги посилкалар фақат тегишли келишув мавжуд бўлган мамлакатларгагина қабул қилинади. Бундай посилкаларни қабул қилиш тўғрисидаги маълумотлар Қўлланмадан жой олган.

Чет элга жўнатиладиган посилка учун божхона расмиятчиликлари учун қўшимча тўлов ундирилади. Бланкада «ТР» изи туширилади, унда жўнатиш учун тўлов суммаси, ходимнинг имзоси ва тақвим тамға изи қўйилади.

**336** 1-шаклдаги квитанцияга ёки почта-касса аппарати, электрон мажмуада расмийлаштирилган квитанцияга ички посилкалар учун кўзда тутилган маълумотлардан ташқари белгиланган мамлакат ва СПЗ даги эълон қилинган қиймат суммаси кўрсатилади. «Алоҳида белгилари» сатрида зарур бўлган ҳолларда «Мўрт посилка», «Катта ўлчамли» ва бошқа белгилар қўйилади.

**337** Қабул қилинган посилкалар бланкалари ва декларациялари билан бирга **Халқаро почтани йўллаш бўйича қўлланмага** мувофиқ халқаро почта алмашуви жойларига 16-шаклдаги алоҳида юкхатлар билан жўнатилади. Юкхатда жўнатиш рақами, эълон қилинган қиммати сўмларда ва юбориладиган мамлакат, шунингдек алоҳида белгилар кўрсатилади. Ёзув охирида посилкалар сони, бланкалар, декларациялар сонининг якуни чиқарилади.

### 6.5.3 Халқаро почта посилкаларига ишлов бериш ва топшириш

**338** Келувчи халқаро посилкалар икки турга бўлинади:

а) божли - божхона томонидан устига қўшиб ҳисобланган тўлов

б) божсиз - божхонанинг белгилашига кўра олувчиларга тўлов ундирилмасдан берилиши керак бўлганлари.

**339** Келувчи ҳар бир посилка, мўрт посилкалар бундан мустасно, халқаро почта алмашуви жойидан белгиланган жойдаги почта алоқаси ҳудудий ташкилотига ёки почта алоқаси объектига суғуртали қопда жўнатилади, унга қуйидаги ҳужжатлар жойланган бўлиши керак:

а) божли посилка билан - СР 71 бланкаси, 113-шаклдаги устама тўловли пул ўтказма бланкаси, CN 23 божхона декларацияси, бож тўлов суммаси ёзилган божхона назорат рўйхати (83-расм);

б) божсиз посилка билан СР 71 бланкаси ва CN 23 божхона декларацияси.

Бундан ташқари, қопда посилка ёзиб қўйилган 16-шаклдаги юкхат бўлиши керак.

Қопга маҳкамлаб қўйилган бирканинг юза томонида 17-шаклдаги ёрлиқ бўлиши, орқа томонида эса манзил ёрлиғи бўлиши керак, унда қуйидагилар кўрсатилади: посилка тури (божли, божсиз), топширилган жой, жўнатиш ва ялпи рақами (каср билан), божхона божи ва божхона расмиятчиликлари учун тўлов суммаси, тўлиқ манзили ва олувчининг тўлиқ номи, шунингдек посилканинг қопи билан бирга оғирлиги.

**340** Бланкаларда қуйидаги кўрсатилган тамғаларнинг излари бўлиши керак:

а) божли посилкаларга - олувчидан посилкани топширишда ундириладиган божхона божи ва божхона расмиятчиликлари учун тўлов суммалари

**Мисол** - *топширилаётганда олувчидан олинсин:*
*Божхона божи 5551 сўм 00 тийин миқдорида*
*Божхона расмиятчиликлари учун - 54 сўм 00 тийин.*
*Жами - 5603 сўм 00 тийин.*
*Азизова (имзо)*

б) божсиз посилкаларга - посилка топширганда олувчидан божхона расмиятчиликлари учун ундириладиган тўлов суммалари.

Божсиз посилкалар бланкаларида, бундан ташқари, божхонанинг «Божсиз» деган тамғасининг изи бўлиши керак.

**341** Белгиланган жойдаги почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объектига келган посилкалар солинган қоп яхшилаб кўздан кечирилади ва тарозида тортилади. Уровларнинг, боғланишларнинг ва муҳрларнинг (пломба, беркитувчи қурилманинг) бутлигига, шунингдек қопнинг ҳақиқий оғирлигининг бланкада кўрсатилган оғирлигига мос келишига алоҳида эътибор берилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
*БОШ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ*
*2003 йил 8 июль*

*285* - сон НАЗОРАТ РЎЙХАТИ
*2* – сон рўйхат оғирлиги *3.8*

Олувчининг фамилияси *Ибрагимов*
Белгиланган жой *Тошкент ш.*

Жўнатиладиган мамлакат *Германия*

| Т/р | Буюмларнинг номи, уларнинг ажратиб турадиган белгилари ва баҳоси | Миқдори | Оғирлиги | Товар шифри | Божхона божи | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | сўм | тийин |
| *1* | *Қавилган* | | | | | |
| | *синтетик* | | | | | |
| | *кўрпа* | *1* | | *2805* | *2000* | *00* |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| | | | | | *2000* | *00* |
| *Икки минг сўм 00 тийин* | | | | | | |
| | | | | | | |
| | | | | | | |

*Аҳмедов* божни қўшиб ҳисоблади
(имзо ёки ёзилиши)

Белгиланган меъёрдан камида икки баробари-дан ортиқ бўлмаган буюмларни жўнатиш учун икки ҳисса кўп бож ундирилади. Бож ундириш ёки буюмларни мусодара қилиш тўғрисидаги масалалар назоратни амалга оширган божхона томонидан кўриб чиқилади.

КИРКИШ ЧИЗИҒИ

БОЖХОНА
*2003* й. «*8*» *07*

Белгиланган жой
*Тошкент ш.*

Божхона божи
*Икки минг*

(суммаси сўз билан)

Посилкани беришда ундирилиши лозим бўлган

Инспектор
*Аҳмедов*

83 - расм Божхона назорат рўйхатини намунаси

Сўнгра ҳар бир қопга навбатдаги кириш тартиб рақами берилади, у манзил ёрлиғи ва 16-шаклдаги юкхатга (шу жумладан, қопнинг ички қисмини очишда ва посилкани топширишда) ёзилади. Шундан сўнг посилкали қоп омборхонага берилиб, у ерда олувчи келгунча сақланади.

**342** Манзил ёрлиғидаги маълумотлар асосида 22-шаклдаги билдиришнома ёзилади ва олувчига юборилади. Билдиришномада кўзда тутилган маълумотлардан ташқари жўнатиш ва ялпи рақамлари (каср

билан), божхона божи суммаси ва 113-шаклдаги пул ўтказмасини юбориш учун тўлов, божхона расмиятчиликлари учун тўлов кўрсатилади.

**343** Қоп беришдан олдин олувчи ва назорат қилувчи шахс иштирокида алоқа ходими томонидан тарозида тортилади, очилади ва ундаги жойланмалар текширилади. Қандай посилка топширилиши (божли, божсиз), шунингдек олувчидан қандай суммани олиб қолиш кераклиги олдиндан аниқлаб қўйилади. Уров яхшилаб назоратдан ўтказилгандан сўнг посилка тарозида тортилади, ва унинг оғирлиги назоратдан сўнг бланкада, назорат рўйхатида ва посилка уровида қўйилган оғирлик билан солиштирилади. 113-шаклдаги пул ўтказмаси бланкасида кўрсатилган устама тўлов суммаси назорат рўйхатида, бланкада, 16-шаклдаги юкхат ва манзил ёрлиғидаги божхона божи суммаси билан солиштирилади. Агар посилка божли бўлса, олувчига ўқиб чиқиш учун назорат рўйхати тақдим этилади.

**344** Олувчининг хоҳишига кўра, посилка жойланмасини текшириш божхона божини тўлагунча ҳам амалга оширилиши мумкин. Текшириш вақтида жойланманинг шикастланганлиги ёки етишмовчилик аниқланса, бу ҳақда барча тафсилотлар баён қилинган 51-шаклдаги далолатнома тузилади.

**345** Қоп шикастланган ҳолда ёки 51-шаклдаги далолатнома билан келганда посилка олувчига жойланмаларини текшириб ва далолатнома тузиб берилади, далолатномада барча жўнатиш маълумотлари, посилкадаги жойланмаларни текшириш сабаблари, шикастланиш тури, посилканинг очилгунча ва очилгандан кейинги оғирлиги, шунингдек жойланмаларнинг назорат рўйхати ва декларациядаги ёзувларга мувофиқлиги, етишмаган буюмларнинг номи ва оғирлиги санаб ўтилади. 51-шаклдаги далолатнома очишда иштирок этган алоқа ходимлари ва олувчи томонидан имзоланади. Посилкадаги жойланмалардан бир қисми етишмаслиги аниқланганда, уни назорат қилган муассасага 51-шаклдаги далолатнома билан бирга посилка келган бўш қоп ва уни ёпиш элементлари (қоп ёрлиғи, боғлам, пломба) юборилади.

Посилка 51-шаклдаги далолатнома билан келган ҳолда ва посилка жойланмаси далолатномадаги ёзувларга мос келганда далолатнома иккинчи марта тузилмайди.

**346** Агар посилка билан назорат рўйхати бўлмаса ёки бланкада божхона ва почта алоқаси объекти алмашув жойининг божхона божини ундирмасдан бериш тўғрисидаги тамға изи бўлмаганда, шунингдек, 113-шаклдаги пул ўтказмаси бланкасидаги устама тўлов суммаси назорат рўйхати билан тўғри келмаганда, халқаро почта алмашуви жойига назорат рўйхатини жўнатиш тўғрисида ёки фарқнинг сабаби тўғрисида хабар қилишни илтимос қилиб хат (телеграмма) дарҳол жўнатилади. Назорат рўйхати ёки жавоб олгунча посилка

олувчига берилмайди ва назорат қилувчи шахс иштирокида қопга жойланади, бу шахс қопни назорат муҳри билан муҳрлайди.

**347** Посилкани олаётган олувчи бланкадаги махсус тамғада кўрсатилган суммани тўлайди ва бу манзилнинг орқа томонига имзо чекади. Агар посилка божли бўлса, у ҳолда олувчига назорат рўйхати берилади, назорат рўйхатининг ордер деб аталувчи бир қисми почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти ҳужжат-ларига қўшиб қўйилади. Божхона декларацияси олувчига посилка билан бирга берилади. Берилган посилкаларга 22-шаклдаги билди-ришномаларни расмийлаштириш тартиби ички посилкаларни расмийлаштириш каби бажарилади.

Агар олувчи бож суммасини олиб ташлаш ёки пасайтириш тўғрисида ариза бериш нияти тўғрисида хабар қилса, почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти унга аризани посилкани текширган божхона манзилига йўллаш лозимлигини тушунтириши ва божхона номи ҳамда посилканинг узатиш ва ялпи рақамини (каср орқали) хабар қилиши керак. Аризага олувчининг моддий ва оилавий аҳволи тўғрисидаги ҳужжатлар (оила таркиби ва умумий иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома) илова қилиниши керак. Масала ҳал бўлгунча посилка почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки манзилидаги почта алоқаси объектида қолади, лекин келган кундан икки ойдан ошмайдиган муддатгача қолади.

Агар олувчи устига қўшиб ҳисобланган божхона божига рози бўлмаса у назорат рўйхатининг орқа томонига тегишли ёзувни ёзиши керак. Бу ҳолда почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти посилкани унга тегишли ҳужжатлари билан суғурта қопида қайта назорат қилиш учун дастлабки божхона назорати жойига жўнатади. 16-шаклдаги ички юкхатида посилканинг рақами, юборувчи мамлакат ва қайтариш сабаби кўрсатилади. Такрорий назоратдан сўнг посилка божхона кўрсатган миқдордаги божни ундириб, олувчига топширилади.

Устига қўшиб ҳисобланган божхона божи суммасини олиб ташлаш ёки пасайтириш тўғрисидаги ариза, шунингдек унинг юборилаётган буюмларга устига қўшиб ҳисобланган пулларнинг тўғрилиги тўғрисидаги аризалар олувчилардан почта жўнатмаси олингунга қадар қабул қилинади.

Олувчи ўзи божхона божи юқори бўлгани сабабли почта жўнатмасини олишдан бош тортса, агар божхона органи бу божни камайтирмаса, почта жўнатмаси қабул қилинган жойига қайтарилиши керак.

**348** Божли посилка берилгандан сўнг 113-шаклдаги пул ўтказмаси бланкаси талонининг орқа томони устама тўлов сумма-ларини жўнатиш учун белгиланган тартибда тўлдирилади, пул ўтказмаси эса

жўнатиш учун пул ўтказмаларини қабул қилувчи иш жойига топширилади. Пулларни ва пул ўтказмасини юбориш учун тўловни қабул қилиб олганлик тўғрисидаги квитанция посилка олувчисига берилади. СР 71 бланкасида ёки 22-шаклдаги билдириш-номада пул ўтказмасининг рақами ва уни жўнатиш санаси тўғрисида белги қўйилади.

Божхона божини қайтарилишини назорат қилиш халқаро почта алмашуви жойларида божхонада назоратдан ўтказиш учун тақдим этилган посилкалар рўйхатида кўрсатилган божхона божи суммасини ва назорат рўйхатининг йиртиб бериладиган талонини номма-ном солиштириб, кейин бу суммани 113-шаклдаги оддий пул ўтказмаси билан тасдиқлаб амалга оширилади.

Божхона расмиятчиликлари учун олинган тўлов 47-шаклдаги дафтарга ёзилади ёки почта-касса аппаратида, электрон мажмуада ҚҚС суммасини алоҳида ажратиб кўрсатиш билан расмийлаш-тирилади, сўнгра посилкани топширган почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объектига кирим қилинади. 47-шаклдаги квитанция олувчига берилади. 22-шаклдаги билдиришномада тўлов олингани тўғрисида белги қўйилади ва квитанция рақами кўрсатилади. Бўш қоп посилка олинган жойдаги халқаро почта алмашуви жойига кечиктирмасдан қайтарилади.

349 Божли посилкани божхона божини ундирмасдан беришда уни олувчидан дарҳол олиш чоралари кўрилади, божни тўлашдан воз кечилганда эса у қонунда белгиланган тартибда ундирилади. Олувчидан божни олиш имкони бўлмаганда у айбдор алоқа ходимларидан ундирилади.

Почта алоқаси ҳудудий ташкилотлари ёки почта алоқаси объектлари (почта алоқа боғламалари, почтамтлар) раҳбарлари халқаро почта алмашуви жойларидан божхона божи олинмагани тўғрисида хабар олганларида дарҳол текширув ўтказишлари, қарзни қоплашни таъминлаш ва бошқа тегишли чоралар кўришлари шарт.

350 Хориждан қайтарилган ёки қайта юборилган посилка учун жўнатувчидан халқаро почта алмашуви жойининг бланкада ёки 19-шаклдаги ёрлиқда кўрсатилган суммада тўлов ундирилади. Хориждан қайтарилган халқаро посилкани жўнатувчига топшириш имкони бўлмаганда, у сақлаш муддати тугагандан сўнг тарқатил-маганлар қаторига берилади.

351 Агар божхона пункти бўлмаган почта алмашув жойларида, йўлда ёки белгиланган жойда посилка жойланмасининг бузилгани аниқланса, буни аниқлаган почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти посилкани очиш ва бузилган буюмларни йўқ қилиш ҳуқуқига эга. Йўқ қилиш почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти раҳбари (ўринбосари) иштирокида амалга оширилади ва 51-шаклдаги далолатнома билан рас-

мийлаштирилади, унинг нусхаси посилка назорат қилинган халқаро почта алмашуви жойига назорат рўйхатининг нусхасини илова қилиб йўлланади.

Посилка жойланмалари бузилганда уни йўқ қилиш тўғрисидаги 51-шаклдаги далолатноманинг нусхаси назорат рўйхати ва бланка билан посилка назоратдан ўтказилган халқаро почта алмашуви жойига божни бекор қилиш учун йўлланади.

### 6.6 Халқаро пул ўтказмалари

#### 6.6.1 Умумий қоидалар

352 Оддий халқаро пул ўтказмалари алмашуви «Ўзбекистон почтаси» ДАК ва бошқа давлатларнинг Почта маъмуриятлари (ваколатли Операторлар) ўртасида тузилган Шартномалар асосида амалга оширилади.

353 Оддий халқаро пул ўтказмалари билан жўнатиш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомалада бўлган пул белгилари ва тўлов топшириқномалари қабул қилинади.

Битта оддий халқаро пул ўтказмаси суммаси Шартнома билан тартибга солиниши мумкин.

354 Келувчи ва жўнатилаётган оддий халқаро пул ўтказмаларига тўлиқ ишлов бериш, шунингдек уларни белгиланган жойга жўнатиш алоҳида йўриқнома бўйича ПУИНҚМ томонидан амалга оширилади.

355 ПУИНҚМ жўнатилаётган оддий халқаро пул ўтказмалари учун белгиланган шартли жой ҳисобланади, келувчи оддий халқаро пул ўтказмалари учун эса-шартли қабул қилиш жойи ҳисобланади.

356 ПУИНҚМда ишлов берилган жўнатилаётган оддий халқаро пул ўтказмалари шартли тўловдан ўтган ҳисобланадилар. ПЎИНҚМда ишлов берилган келувчи оддий халқаро пул ўтказмалари шартли қабулдан ўтган ҳисобланадилар.

357 Оддий халқаро пул ўтказмалари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомалада бўлган пул белгилари билан тўланади.

358 Оддий халқаро пул ўтказмалари ижтимоий аҳамиятта эга пул ўтказмаларига ва хусусий белгидаги пул ўтказмаларига бўлинади. Ижтимоий аҳамиятта эга оддий халқаро пул ўтказмалари корхоналар, ташкилотлар, муассасалар томонидан жўнатилади. Хусусий белгидаги оддий халқаро пул ўтказмалари корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, шунингдек фуқаролар томонидан жўнатилади.

**359 Ўзбекистон Республикасидан ташқарига манзилланган халқаро тезкор (телеграф) пул ўтказмалари, устама тўловли пул ўтказмалари қабул қилинмайди.**

### 6.6.2 Оддий халқаро пул ўтказмаларини қабул қилиш ва расмийлаштириш. Уларни назоратга топшириш

**360** Ижтимоий аҳамиятдаги оддий халқаро пул ўтказмаларини қабул қилиш почта алоқаси ҳудудий ташкилотлари ёки почта алоқаси объектлари (почта алоқа боғламалари, почтамтлар)да, белгилаб қўйилган шаҳар алоқа бўлимларида эса-почта алоқаси ҳудудий ташкилотлари ёки почта алоқаси объектлари (почта алоқа боғлама-лари, почтамтлар) раҳбарларининг рухсати билан амалга оширилади.

**361** Оддий халқаро пул ўтказмасини қабул қилишда алоқа ходими белгиланган мамлакатга халқаро пул ўтказмаларини қабул қилиш рухсат этилган, этилмаганини текшириши керак.

**362** Оддий халқаро пул ўтказмасини расмийлаштиришда жўнатувчи TFP 1 бланкасини тўлдиради (84-расм). Оддий халқаро пул ўтказмасининг бланкаси Шартномада келишилган тилда, хатто бу тасдиқланган бўлса ҳам тозалашларсиз ва тузатишларсиз, тўлдирилади. Ёзувлар қўлда ёки машинкада киритилади. Халқаро пул ўтказмаларининг манзилида қисқартиришларга йўл қўйилмайди. Бланкада ҳар қандай белги қўйиш тақиқланади, хизмат белгилари бундан мустасно («Тўлаш тўғрисида хабарнома» ва бошқ.).

Ижтимоий аҳамиятдаги оддий халқаро пул ўтказмасини расмийлаштиришда жўнатувчи TFP 1 бланкасининг олд томонида олувчи учун купондаги *«Хабар»* сатрида тўлов номини (пенсия, алимент ва бошқ.) кўрсатади, у раҳбар, бош бухгалтер имзолари ва жўнатувчининг думалоқ муҳри изи билан тасдиқланади.

**Оддий халқаро пул ўтказмаларини мос келмайдиган шаклдаги бланкаларда қабул қилиш қатъиян ман этилади.**

**363** Корхоналар, ташкилотлар ва муассасалардан ижтимоий аҳамиятдаги оддий халқаро пул ўтказмалари фақат ҳар бир мамлакат бўйича алоҳида тузилган, тўлов топшириқномалари ва 103-А-шаклдаги рўйхатлар бўйича қабул қилинади. 103-А-шаклдаги рўйхатлар жўнатилаётган одддий халқаро пул ўтказмалари сонидан қатъи назар тузилади.

Жўнатувчи алоқа ходимига 103-А-шаклдаги рўйхатнинг уч нусхасини, тўлдирилган оддий халқаро пул ўтказмаларининг бланкларини ва икки нусхасидаги банк бўлимининг почта алоқаси ҳудудий ташкилоти, почта алоқаси объекти (почта алоқа боғламаси, почтамт) пул ўтказмаси ҳисоб рақамига маблағларни ўтказиш бўйича ўтказилган операция тўғрисидаги банкнинг белгиси бўлган тўлов топшириқномасини тақдим этади.

Алоқа ходими почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқа боғламаси, почтамт) бухгалтериясида жўнатувчидан пул ўтказмаси ҳисоб рақамига пул тушишини текширади.



Олувчи учун купон
Жўнатувчининг манзили ва фамилияси

*Мирзаев А.*
*Бобур кўч. 12-уй, 3-хон.*
*Тошкент ш, Узбекистон, 700100*

Хабарлар

Суммаси араб рақами билан
*1000 сўм*

Пул ўтказмани тузган муассасанинг муҳри

(Мамлакат) **Халқаро почта пул ўтказмаси** **TFP 1**
Олувчининг ___- сон почта ҳисоб рақами

Почта чеклари муассасаси

Олувчининг фамилияси ва манзили *Олег Николаевич Носов*

*Томск ш. 48 Суворова кўч, 54-уй, 96-хонадон*

Мамлакат *Россия*

Суммаси араб рақами билан *1000 сўм*
Суммаси сўз билан

Суммаси сўз билан
*Бир минг сўм*

Пул ўтказмали стандарт идентификаторининг рақами

Паста ҳеч нарса ёзилмасин - Паста ҳеч нарса ёзилмасин - Паста ҳеч нарса ёзилмасин -Паста ҳеч нарса ёзилмасин

Тақвим тамға изи

Пул ўтказма рақами 5/43

Муассаса *Тошкент*

Сана

Имзо *Алиева*

Пул ўтказма суммаси
*1000 сўм*

Алмашиш курси

84 - расм TFP 1 халқаро пул ўтказмасини тўлдириш намунаси

Алоқа ходими оддий халқаро пул ўтказмларини қабул қилишда қуйидагиларни текширади:

а) оддий халқаро пул ўтказмалари ва почта йиғимлари якуний суммасининг рўйхат бўйича тўлов топшириқномасидаги сумма билан мослигини;

б) 103-А-шаклдаги рўйхатнинг тўғри расмийлаштирилганини, 103-А-шаклдаги рўйхатнинг биринчи, иккинчи ва учинчи нусхасидаги маълумотларнинг айнанлигини;

в) оддий халқаро пул ўтказмаларининг бланкаларида тўлов номи (пенсия, алиментлар ва бошқ.) ва раҳбар, бош бухгалтер имзолари ҳамда жўнатувчининг думалоқ муҳр изининг мавжудлигини;

г) 103-А-шаклдаги рўйхатларда раҳбар, бош бухгалтер имзоларининг ва жўнатувчи думалоқ муҳр изининг мавжудлигини;

д) оддий халқаро пул ўтказмаларининг 103-А-шаклдаги рўйхат ёзувларига номма-ном мос келишини, жўнатиш учун пул миқдорининг тўғри кўрсатилганини;

е) 103-А-шаклдаги рўйхат бўйича умумий сумманинг оддий халқаро пул ўтказмаларининг ҳақиқий ҳисобланган суммаси билан тўғрилигини.

Расмийлаштириш тартибига риоя қилинмаганлиги аниқланганда тақдим этилган барча ҳужжатлар жўнатувчига қайта расмийлаш-тириш учун қайтарилади.

**364 Оддий халқаро пул ўтказмаларини тўлов топшириқномалари бўйича қабул қилиш фақат пул ўтказмаси маблағлари ва уларни жўнатиш учун тўлов почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқа боғламаси, почтамт)-нинг пул ўтказмаси ҳисоб рақамига келиб тушгандан сўнг амалга оширилади.**

**365** TFP 1 бланкаси тўғри тўлдирилганлиги ва 103-А-шаклдаги рўйхатда ҳамда тўлов топшириқномасида кўрсатилган сумманинг мос келиши текширилгандан сўнг алоқа ходими уни қуйидаги тартибда расмийлаштиради:

TFP 1 бланка олд томонининг ўнг қисмидаги махсус устунга рақамлагич ёки қўлда пул ўтказмаси рақамини қўяди;

«имзо» устунига имзо қўяди;

оддий халқаро пул ўтказмасини қабул қилиб олган почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти номини, қабул қилинган санани қўлда ёзиб қўяди;

махсус ажратилган жойга тақвим тамғанинг аниқ изини туширади.

**103-А-шаклдаги бир неча рўйхат билан бирга оддий халқаро пул ўтказмалар тўловига битта тўлов топшириқномасини қабул қилишга рухсат этилмайди.**

103-А-шаклдаги рўйхатнинг охирги нусхасида алоқа ходими оддий халқаро пул ўтказмаларининг умумий сони ва суммасини, шунингдек жўнатиш учун олинган умумий тўлов суммасини, ҚҚС суммасини алоҳида ажратиб ёзади. 103-А-шаклдаги рўйхат икки ва ундан ортиқ варақда тузилганда рўйхатнинг ҳар бир варагида оддий халқаро пул ўтказмалари қабул қилинган кун тақвим тамғаси изи туширилади, рўйхатнинг охирги варағига эса бундан ташқари, алоқа ходими имзо чекади.

Битта жўнатувчидан бир вақтда 103-А-шаклдаги бир неча рўйхат бўйича қабул қилинган оддий халқаро пул ўтказмаларига битта умумий ёки ҳар бир рўйхатга алоҳида 5-шаклдаги квитанция ёзиб берилади, уларга ўтказмаларнинг рақамлари (_____дан ______гача) қўйиб чиқилади. *«Қаерга»* сатрида рўйхат бўйича қабул қилиб олинган оддий халқаро пул ўтказмаларининг сони сўз билан кўрсатилади, *«Кимга»* сатрида *«Рўйхат бўйича»* белгиси қўйилади, *«Тўлов»* устунида олинган тўловнинг умумий суммаси ёзилади. Якуний тўлов суммасидан *кейин «шу жумладан, ҚҚС__________ сўм _________ тийин»* кўрсатилади. 5-шаклдаги квитанцияда халқаро пул ўтказмаларининг умумий суммаси ёзилади (сўз ва рақам билан) (71 а-расм).

Оддий халқаро пул ўтказмалари почта-касса аппарати, электрон мажмуада расмийлаштирилгандан сўнг квитанция берилади (71 б-расм), унда қуйидагилар ёзилади:

ҳар бир оддий халқаро пул ўтказмаси бўйича рақам ва сумма;
оддий халқаро пул ўтказмаларининг умумий суммаси;
уларни жўнатиш учун умумий тўлов суммаси;
жўнатувчи тўлаши керак бўлган умумий сумма.

Квитанциянинг бўш жойига қўлда ҚҚС тегишли суммаси қўшимча равишда ёзиб қўйилади.

Квитанция ва 103–А-шаклдаги рўйхатнинг учинчи нусхаси жўнатувчига берилади. 103-А-шаклдаги рўйхатнинг биринчи нусхаси 5-шаклдаги дафтарга қўшилади, рўйхатнинг иккинчи нусхаси эса тўлов топшириқномасининг бир нусхаси, оддий халқаро пул ўтказмалари бланкалари билан бирга тобелигиги бўйича почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқа боғламаси, почтамт)га назорат қилиш, ишлов бериш ва ПУИНҚМга жўнатиш учун юборилиши керак.

**366** Қабул қилиш жойларида қабул қилинган оддий халқаро пул ўтказмаларини бундан кейин назорат қилиш ушбу Қоидаларнинг 136-137-бандларида кўзда тутилган тартибда амалга оширилади. Бундан ташқари, ушбу Қоидаларнинг 363-365-бандларида баён қилинган талабларнинг бажарилиши текширилади.

Қабул қилиш жойларида назорат қилингандан сўнг оддий

халқаро пул ўтказмалари сараланади, рақамлари, суммаси, манзил-ланган мамлакати кўрсатилиб, ҳар бир давлат бўйича алоҳида 11-шаклдаги реестрга номма-ном қўшимча ёзиб қўйилади.

Оддий халқаро пул ўтказмалари йигиндиларга тўпланиб, биринчи жўнатиладиган почта билан назорат қилиш, ишлов бериш ва ПЎИНҚМ га жўнатиш учун тобелиги бўйича почта алоқаси ҳудудий ташкилотлари ёки почта алоқаси объектлари (почта алоқа боғламалари, почтамтлар) га жўнатилади.

367 Тўлов топшириқномалари улар қабул қилинган кундан кейинги кундан кечиктирмай хизматга оид буюртмали хат билан почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқа боғламаси)нинг бухгалтериясига алоҳида 11-шаклдаги реестрларга ёзиш билан, унда тўлов топшириқномаси рақамини, ташкилот, корхона, муассаса номини ва тўлов топшириқномасида кўрсатилган суммасини кўрсатиб юборилади. Тўлов топшириқнома-ларини жўнатиш учун 11-шаклдаги реестрларни рақамлаш ҳар чоракда олиб борилади. 11-шаклдаги реестрларнинг нусхалари алоҳида тикиб қўйилади.

### 6.6.3 Жўнатилаётган оддий халқаро пул ўтказмаларини назорат қилиш ва жўнатиш

368 Почта алоқаси ҳудудий ташкилотлари ёки почта алоқаси объектлари (почта алоқа боғламалари, почтамтлар)да уларда қабул қилинган оддий халқаро пул ўтказмаларини текшириш, тайёрлаш ва ПЎИНҚМ га жўнатиш почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқа боғламаси, почтамт)нинг буйруғи билан тайинланган назорат қилувчи шахслар томонидан амалга оширилади. Назорат қилувчи шахс пул ўтказмаси йигимларни очади, оддий халқаро пул ўтказмаларини 11-шаклдаги реестрдаги ёзувлар билан рақами, суммаси, манзили бўйича солиштиради, 103-А-шаклдаги рўйхатларнинг ва тўлов топшириқномасининг мавжудлиги ва расмийлаштириш сифатини текширади. Сўнг оддий халқаро пул ўтказмаларини расмийлаштириш сифати текширилади:

назорат-герельдли муҳрларнинг ва почта-касса аппаратлари муҳрларининг аниқ излари мавжудлиги;

тозалашлар, тузатишларнинг йўқлиги;

зарур бўлган ҳолларда шифрлашнинг тўғрилиги.

Ижтимоий аҳамиятдаги оддий халқаро пул ўтказмаларида қўшимча равишда раҳбар, бош бухгалтернинг имзоси ва жўнатувчи муҳрининг изи мавжудлиги текширилади.

Оддий халқаро пул ўтказмаларининг сифатсиз расмийлаштирилган барча ҳолатларига уни қабул қилиб олган жойга 30-шаклдаги билдиришнома ёзилиб, ишдаги нуқсон ҳисобга олинади.

Зарур бўлганда назорат қилувчи шахс оддий халқаро пул ўтказмаси бланкасини қайта расмийлаштириш чораларини кўради.

**369** Назорат тугагандан сўнг келиб тушган 11-шаклдаги реестрлар умумий тўпламга йиғиб тикилади, оддий халқаро пул ўтказмалари эса рақами, суммаси, манзили ва қабул қииш жойи 11-шаклдаги реестрга ёзилиб, ПЎИНҚМга жўнатиш учун тайёрланади.

11-шаклдаги реестрларда оддий халқаро пул ўтказмаларининг сони ва суммаси бўйича рақамлар билан умумий якун чиқарилади.

Оддий халқаро пул ўтказмалари тўғри йигимларга расмийлаштирилади ва кейинги ишлов бериш учун ПЎИНҚМ га жўнатилади.

### 6.6.4 Оддий халқаро пул ўтказмалари тўлови

**370** Фақат ПЎИНҚМ да дастлабки ишловдан ўтган **ва шартли қабул қилиш реквизитларига (рақамли белгиланиши, назорат разряди, сана, сумма, ПЎИНҚМ рақами ва хизматга оид белгилар) ҳамда ПЎИНҚМ тақвим тамға изи туширилган оддий халқаро пул ўтказмаларигина тўланади.**

**Почта алоқаси объектида ПЎИНҚМ нинг тақвим тамғасининг изи туширилмаган оддий халқаро пул ўтказмалари тўланмайди.**

**371** Халқаро тезкор (телеграф) пул ўтказмалари, бошқа давлатлардан келган устама тўловли халқаро пул ўтказмалари тўланмайди ва 11-шаклдаги реестрга илова қилиб хизматга оид буюртмали хат билан ПЎИНҚМ га жўнатилади.

**372** Белгиланган жой почта алоқаси объектларида келувчи оддий халқаро пул ўтказмаларини олиш, назорат қилиш ва ишлов бериш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

келувчи оддий халқаро пул ўтказмаларини назорат қилишда шартли қабул қилиш реквизитлари ва ПЎИНҚМ тақвим тамға изининг мавжудлиги текширилади;

тегишли ҳолларда шифри текширилади;

тўлашга рухсатни тасдиқлашда назорат қилувчи шахс ҳар бир TFP 1 бланкасининг орқа томонида оддий халқаро пул ўтказмасининг *«зарур бўлганда узатиш учун манзилига»* имзо қўяди.

Оддий халқаро пул ўтказмалари гуруҳларга ажратилади: банк орқали ўтказилиши керак бўлганлари, уйга элтиб бериладиганлари, почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объектида тўланадиганлари. Шундан сўнг оддий халқаро пул ўтказмалари бланкаларига, банк орқали ўтказилиши керак бўлганларидан ташқари, тақвим тамға изи туширилади.

Назорат қилувчи шахс пул ўтказмаларнинг келувчи рақамларини 11-шаклдаги реестрнинг бўш жойига ёзади. Шу рақамлар-

нинг ТГР 1 бланкасининг орқа томонидаги *«Келувчи ____ сон»* устунига ҳам ёзади. Келувчи оддий халқаро пул ўтказмаларини рақамлаш ой давомида олиб борилади.

Оддий халқаро пул ўтказмалари тегишли иш ўринларига 11-шаклдаги реестр бўйича умумий сонини кўрсатган ҳолда узатилади. Уларни олгандан сўнг алоқа ходими ҳар бир келган оддий халқаро пул ўтказмасига 22-шаклдаги билдиришномани ёзади.

ТГР 1 бланкасининг тегишли қисми йиртиб олинган кейин эса ёпиштирилган оддий халқаро пул ўтказмалари, фақат ПУИНҚМ дан тўлашга тасдиқнома олингандан сўнггина тўланиши мумкин.

Оддий халқаро пул ўтказмаларини тўлаш ПЎИНҚМ шартли қабул қилиш реквизитларида кўрсатилган сумма миқдорида амалга оширилади.

**373** Белгиланган жойнинг почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объектига келиб тушган кунидан бошлаб бир ой муддатда тўланмаган оддий халқаро пул ўтказмалари ПУИНҚМ га қайтарилади ва қайтариш сабаби *«ёзувлар учун манзили»* да албатта кўрсатилади.

**374** Олувчига пул тўлашдан олдин алоқа ходими қуйидагиларга мажбур:

тақдим этилган ҳужжатнинг фотосуратидаги тасвирни олувчининг шахси билан таққослаш. Фотосурат алмаштирилганми, паспорт маълумотларида тозалашлар, қўшимча ёзиб қўйишлар, тузатишлар бор-йўқлигини текшириш;

олувчининг 22-шаклдаги билдиришномада ёзган маълумотларини ва имзосини тақдим этилган ҳужжат билан солиштириши ва билдиришномада имзо қўйиши;

олувчига оддий халқаро пул ўтказмаси бланкаси асосий қисмининг орқа томонида сўмлар миқдорини - сўз билан, тийин - рақам билан ёзишни ва пулни олганлиги тўғрисида имзо қўйишни таклиф этиши;

олувчининг тилхатда ёзган суммасини ПУИНҚМ шартли қабул қилиш реквизитларида кўрсатилган сумма билан солиштириши;

олувчининг имзосини тақдим этилган ҳужжатдаги имзо билан солиштириши.

**375** Олувчига пул билан бирга оддий халқаро пул ўтказмасини бланкасидан купон қисми берилади. Оддий халқаро пул ўтказмаси бланкаси асосий қисмининг орқа томонида олувчининг имзосидан сўнг алоқа ходими пул тўланганига имзо қўяди.

**376** Ҳужжатда ва оддий халқаро пул ўтказмасида кўрсатилган олувчининг фамилияси, исми ёки отасининг исми фарқ қилганда, шунингдек ҳужжатнинг ҳақиқийлигига шубҳа туғилганда оддий халқаро пул ўтказмаси манзилда тўланмайди. Бу ҳолда олувчига

оддий халқаро пул ўтказмаси тўғрисида почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объектига мурожаат қилиш учун 22-шаклдаги билдиришнома топширилади, у ерда тўлаш тўғрисидаги масалани раҳбар ҳал қилади.

Оддий халқаро пул ўтказмасини манзилда тўлаш имкони бўлмаса, почтальон 22-шаклдаги билдиришномада тўланмаганлик сабабини кўрсатади ва имзо қўяди. 22-шаклдаги билдиришнома абонент жавони қутичасига ёки абонент қутисига ташланади.

377 Ҳар бир элтиб беришдан сўнг алоқа ходими назорат қилувчи шахсга тўланган ва тўланмаган оддий халқаро пул ўтказмаларини, шунингдек пулларни, ушбу Қоидаларнинг 67-бандига мувофиқ, ички пул ўтказмалари учун белгиланган тартибда топшириши шарт.

Тўланмаган оддий халқаро пул ўтказмаларига тўланмаганлик сабабини кўрсатиб, 20-шаклдаги маълумотнома қўшиб берилади.

378 Оддий халқаро пул ўтказмаси тўлови расмийлаштирилганда фақат ПЎИНҚМ шартли қабул қилиш реквизитларигина кўрсатилади: рақамли белгиси, назорат разряди, қабул қилинган сана ва оддий халқаро пул ўтказмасининг суммаси.

Бошқа давлатнинг оддий халқаро пул ўтказмаларини қабул қилиш жойининг реквизитлари оддий халқаро пул ўтказмаси тўловини расмийлаштиришда эътиборга олинмайди.

Оддий халқаро пул ўтказмалари суммаларини олувчиларнинг банк бўлимларига ўтказиш ушбу Қоидаларнинг 174-177-бандларига мувофиқ амалга оширилади.

### 6.6.5 Оддий халқаро пул ўтказмаларини далолатномалар бўйича тўлаш

379 Оддий халқаро пул ўтказмалари далолатномалар бўйича қуйида баён қилинган қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда ички пул ўтказмалари учун белгиланган тартибда тўланади.

380 Жўнатувчи ёки олувчининг жўнатиш маълумотлари тўлиқ бўлмаган оддий халқаро пул ўтказмаларини қидириш бўйича аризаси қараб чиқиш учун қабул қилинмайди.

381 Оддий халқаро пул ўтказмаларини далолатномалар бўйича тўлаш Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳам, манзилланган давлатда ҳам оддий халқаро пул ўтказма бланкаси йўқотилган ҳолларда амалга оширилади.

382 Жўнатилган оддий халқаро пул ўтказмаларини жўнатувчига далолатномалар бўйича тўлаш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

оддий халқаро пул ўтказмаси ПЎИНҚМда шартли тўловдан ўтмаган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида йўқотилган;

оддий халқаро пул ўтказмаси ПЎИНҚМ орқали шартли тўловдан ўтган, белгиланган давлатга юборилган, у ердан ПЎИНҚМга қайтарилган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида йўқотилган.

**383** Келган оддий халқаро пул ўтказмалари бўйича далолатномага кўра олувчига пул тўлаш оддий халқаро пул ўтказмаси ПЎИНҚМда шартли қабул қилишдан ўтганда ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида йўқотилган ҳолларда амалга оширилади.

**384** Оддий халқаро пул ўтказмаси бланкаси Ўзбекистон Республикаси ичида йўқотилганда ПЎИНҚМ маълумотига мувофиқ далолатнома бўйича пул тўлаш тўғрисидаги масала:

келувчи оддий халқаро пул ўтказмалари бўйича - белгиланган жой почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқа бўғламаси, почтамт) томонидан;

жўнатилаётган оддий халқаро пул ўтказмалари бўйича - қабул қилинган жойдаги почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқа боғламаси, почтамт) томонидан ҳал қилинади.

**385** Оддий халқаро пул ўтказмаси бланкаси Ўзбекистон Республикасидан ташқарида йўқотилганда далолатнома бўйича пул тўлаш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун бундан кейинги қидирув ишлари ПЎИНҚМ томонидан амалга оширилади.

**386** Агар почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқа боғламаси, почтамт) томонидан жўнатувчи ёки олувчига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида далолатнома бўйича пул тўлаш имкони бўлмаган ҳолларда ПЎИНҚМ билан биргаликда оддий халқаро пул ўтказмаси жўнатилган ёки қабул қилган давлатда олувчи ёки жўнатувчига пул тўлаш чоралари кўрилади.

**387** Олувчи ёки жўнатувчидан оддий халқаро пул ўтказмаси бўйича пулларнинг олинмаганлиги тўғрисида ариза тушганда қабул қилиш жойи (шартли қабул қилинган жой) почта алоқаси ҳудудий ташкилотида ёки почта алоқаси объектида ўтиш муддатини ҳисобга олган ҳолда текшириш ўтказилади ва ушбу Қоидаларнинг 178-181-бандларида баён қилинган тартибда пул тўлаш учун далолатномани кейинги расмийлаштирилиши амалга оширилади.

**388** Республикадан ташқарида тўланиши керак бўлган оддий халқаро пул ўтказмаси бўйича пул тўлашга ПЎИНҚМ, почта алоқа ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқа боғламаси, почтамт)да тузилган далолатномани ПЎИНҚМ белгиланган мамлакатнинг халқаро пул ўтказмаларига ишлов бериш пунктига йўллайди.

**389** Пул икки марта тўланган ҳолларда (оддий халқаро почта пул ўтказмаси бланкаси ва далолатнома бўйича) моддий жавобгарлик икки марта пул тўлаш учун айбдор бўлган почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқа боғламаси, почтамт) ходимлари зиммасига юклатилади.

### 6.6.6 Нотўғри расмийлаштирилган, бошқа жойга юборилган оддий халқаро пул ўтказмалари бўйича текшириш

**390** Почта алоқаси ҳудудий ташкилотлари ёки почта алоқаси объектларидан ПЎИНҚМга келган нотўғри расмийлаштириб жўнатилган оддий халқаро пул ўтказмалари тўғри расмийлаштириш учун қайтарилиши керак.

**391** Манзилли почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объектига нотўғри расмийлаштирилган келувчи оддий халқаро пул ўтказмалари келиб тушганда (**шартли қабул қилиш реквизитлари, шунингдек ПЎИНҚМ тақвим тамға изи бўлмаган ёки ноаниқ бўлган)** оддий халқаро пул ўтказмасининг шартли қабул қилиш далилини тасдиқлаш ва маълумотларни аниқлаштириш тўғрисида дарҳол ПЎИНҚМ га хизматга оид сўров хати жўнатилади.

Сўров почта ёки телеграф орқали жўнатилиши мумкин.

**392** Почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти хизмат сўровида ПЎИНҚМ ёки қабул қилиш жойи почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти томонидан оддий халқаро пул ўтказмаси бўйича жўнатиш маълумотларини кўрсатади:

оддий халқаро пул ўтказмасининг рақами;

қабул қилинган сана;

оддий халқаро пул ўтказмасининг суммаси;

қабул қилиш жойидаги почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объектининг рақамли белгиси.

**393** ПЎИНҚМ нинг жавобига асосан белгиланган жой почта алоқаси объектидаги назорат қилувчи шахс оддий халқаро пул ўтказмасини тўлаш масаласини ҳал қилади.

Оддий халқаро пул ўтказмасини тўлашда тўланган оддий халқаро пул ўтказмасининг 22-шаклдаги билдиришномасига сўров ва жавоб тўғрисидаги маълумот илова қилинади.

**394** Ушбу почта алоқаси объектига нотўғри жўнатилган оддий халқаро пул ўтказмалари ички пул ўтказмалари учун ўрнатилган тартибда белгиланган жойга юборилади.

### 6.7 Олинганлиги тўғрисидаги хабарнома билан, «Ўз қўлига топширилсин», «Шахсан қўлига топширилсин» халқаро почта жўнатмалари, авиажўнатмалар

**395** Рўйхатга олинадиган халқаро почта жўнатмалари ер усти ёки ҳаво транспорти билан жўнатилганда, олинганлиги тўғрисидаги 119-шаклдаги оддий хабарномалари билан қабул қилинади.

Почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объектига рўйхатга олинадиган халқаро почта жўнатмасини олинганлиги

туғрисидаги хабарнома билан топширишда жўнатувчи CN 07 олинганлиги тўғрисидаги хабарнома бланкасини тўлдиради. Хабарнома бланкасида жўнатувчининг манзили ўзбек ёки рус тилларида, лотин ҳарфлари ва араб рақамларида (85-расм) кўрсатилади. Почта жўнатмасида (посилкаларни қабул қилишда ва бланкада) алоқа ходими «*AR*» тамғаси изини туширади ва хабарномани почта жўнатмасига (ёки бланкага) мустаҳкам қилиб бириктирилади. Буюртмали почта жўнатмасининг оғирлиги CN 07 олинганлиги тўғрисидаги хабарнома бланкаси билан бирга аниқланади.

**119-шаклдаги олинганлиги тўғрисидаги хабарнома бланкаларини CN 07 бланкалари ўрнида фойдаланишга рухсат этилмайди.**

Буюртмали почта жўнатмаларини олинганлиги тўғрисидаги хабарномани жўнатиш учун тўлов почта маркалари билан тўланади, улар буюртмали хат ёки буюртмали бандеролнинг ўровига қўшимча равишда ёпиштириб қўйилади. Майда пакет, посилка, қиммати эълон қилинган хат олинганлиги тўғрисидаги хабарнома учун тўловни жўнатувчи нақд пул билан тўлайди ва почта жўнатмасини жўнатиш учун умумий тўлов суммасига қўшиб ҳисобланади. 1,3-шаклдардаги квитанцияларнинг «Алоҳида белгилари» устунида *«Хабарнома билан»* деган белги қўйилади.

**396** Олинганлиги тўғрисидаги хабарномаси бўлган почта жўнатмаларини бериш ва хабарномаларини расмийлаштириш ички почта жўнатмалари учун кўзда тутилган тартибда амалга оширилади.

*«A remettre en main propre» - «Ўз қўлига топширилсин»* белгиси қўйилган почта жўнатмаларини топширишда CN 07 олинганлиги тўғрисидаги хабарнома бланкасида олувчининг имзоси қўйилиши керак. Хабарномаларни жўнатиш санаси 8-шаклдаги дафтарнинг охирги устунига ёки 22-шаклдаги билдиришномага ёзиб қўйилади.

Халқаро почта жўнатмалари олинганлиги тўғрисидаги расмийлаштирилган хабарномалари берилган жой почта алоқаси ҳудудий ташкилотлари ёки почта алоқаси объектларидан жўнатилаётган халқаро оддий хат-хабар билан бирга жўнатилади.

Агар CN 07 бланкаси халқаро почта жўнатмаси билан бирга олинмаган бўлса, манзилланган жой почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти хизматга оид тартибда янги CN 07 олинганлиги тўғрисидаги хабарномани тузади.

**397** Халқаро почта жўнатмалари *«Expres» - «Шахсан қўлига топширилсин»* белгиси билан, буюртмали почта жўнатмалари ва қиммати эълон қилинган хатлар эса, бундан ташқари, *«A remettre en maim propre» -«Ўз қўлига топширилсин»* белгиси билан қабул қилиниши мумкин. *«A remettre en maim propre» - -«Ўз қўлига топширилсин»* белгили почта жўнатмалари мамлакатлар Рўйхатига мувофиқ фақат олинганлиги тўғрисидаги хабарнома билан қабул қилинади.

Почта жўнатиш маъмурияти **ОЛИНГАНЛИК /ТОПШИРИЛГАНЛИК/ТЎЛОВ/ЁЗУВ ТЎҒРИСИДА ХАБАРНОМА** **CN 07** (аввалги С 5)

| Жўнатувчи муассасаси | Сана |
|---|---|
| *Urganch - 1* | *2001 йил 28 февраль* |

Жўнатувчининг манзили *Рахмонова К.Э.*
*Аэропорт кўчаси, 1 уй, 47 хонадон*
*Урганч-1, Ўзбекистон, 740001,*
*Urganch-1, Ouzbekistan, 740001,*

**Жўнатма тури**

Устивор/ Устувор бўлмаган/
[x] хат [ ] Матбуот [ ] Посилка [ ]

[x] Буюртмали жўнатманинг тартиб рақами
[ ] Назоратли элтиб бериш билан
[ ] қиймати эълон қилинган сумма

Оддий | Сумма
пул ўтказмаси
[ ] банк орқали
[ ] указиш
[ ] Тўлов топшириқ-номаси чеки

**Манзилланган жойда тўлдирилади**

Юқорида кўрсатилган жўнатма
[ ] топширилди [ ] тўланди [ ] ЖПҲга киритилди

Сана ва имзо*

* Бу хабарнома олувчи томонидан ёки, агар бу манзилланган мамлакатнинг қоидаларида кўзда тутилган бўлса, рухсатга эга бўлган бошқа шахс ёки манзилланган муассаса ходими томонидан имзоланиши мумкин

**Жўнатувчи томонидан тўлдирилади**

Хизматга оид

Устиворлик/
АВИА

Хабарномани қайтарувчи муассаса тақвим тамға изи

Қайтарилиши лозим

**Фамилия ёки муассаса номи**
*Ivanova Svetlana Yakovlevna*

Кўча ва сон
*Троицкая, 4*

Аҳоли яшаш жойи ёки мамлакат
*Moskva A - 8 Russia 125008*
*Moskva A -8 Россия 125008*

85 - CN 07 шаклидаги олинганлиги тўғрисидаги хабарномани тўлдириш намунаси

*«Expres» -«Шахсан қўлига топширилсин»»* ва *«A remettre en maim propre» - «Ўз қўлига топширилсин»* почта жўнатмаларининг ўлчами, оғирлиги ва ўровига умумий белгиланган талаблар қўйилади. *«Expres» - «Шахсан қўлига топширилсин»* белгиси бўлган хатлар, бандероллар ва майда пакетларни, *«A remettre en maim propre» - «Ўз қўлига топширилсин»* белгиси бўлган буюртмали почта жўнатмалари ва қиммати эълон қилинган хатларни қабул қилишдан олдин алоқа ходими ушбу мамлакат билан бундай почта жўнатмалари алмашуви ўрнатилган ёки ўрнатилмаганини Мамлакатлар рўйхати бўйича, *«Expres» -«Шахсан қўлига топширилсин»* белгиси қўйилган посилкаларни эса - Қўлланма бўйича текшириши керак.

*«Expres» -«Шахсан қўлига топширилсин»* ва, *«A remettre en maim propre» - «Ўз қўлига топширилсин»* белгилари бўлган буюртмали хатлар ва буюртмали бандеролларни юбориш учун ҳақ ундирилади, бу суммага қўшимча почта маркалари ёпиштирилади. Посилка, қиммати эълон қилинган хатлар ва майда пакетларни қабул қилишда жўнатиш учун тўловнинг умумий суммасига қўшимча тўлов қўшиб ҳисобланади.

*«Expres» -«Шахсан қўлига топширилсин»* белгиси бўлган почта жўнатмаларига *«Expres» -«Шахсан қўлига топширилсин»* ёзуви бўлган қизил рангдаги ёрлиқ (86-расм) ёпиштирилади. *«A remettre en maim propre» - «Ўз қўлига топширилсин»* белгисини жўнатувчи буюртмали почта жўнатмаси, қиммати эълон қилинган хатнинг манзил томони юқори қисмига ёзади. *«Expres» - «Шахсан қўлига топширилсин»* ва *«A remettre en maim propre» - «Ўз қўлга топширилсин»* белгиси бўлган почта жўнатмаларини қабул қилишда 1,3-шакллардаги дафтарлар квитанцияларининг «Алоҳида белгилари» сатрига тегишли ёзув ёзилади.

| |
|---|
| ШАХСАН ҚЎЛИГА ТОПШИРИЛСИН |
| EXPRES |

86-расм «Шахсан қўлига топширилсин» белгиси бўлган почта жўнатмасига ёпиштириладиган ёрлиқ намунаси

**398** Авиажўнатмаларга уларнинг ўлчами, оғирлиги ва ўровига умумий белгиланган талаблар қўйилади. Авиажўнатмаларни қабул қилишда 1,3-шакллардаги квитанцияларга қўшимча равишда *«Авиа»* деб ёзилади. Ҳар бир жўнатилаётган авиажўнатмага мовий рангдаги ёрлиқ ёпиштирилади ёки *«Par avion» - «Авиа»* ёзувли тамға изи туширилади (87-расм).

| |
|---|
| **АВИА** |
| **PAR AVION** |

87-расм Авиажўнатмаларга ёпиштириладиган ёрлиқ намунаси

Халқаро почта алмашуви жойидан хорижга йўлланадиган почта солинган қопларнинг оғирлиги 30 кг дан ошмаслиги керак.

## 6.8 Халқаро почта жўнатмалари тўпламини қабул қилиш

**399** Корхона, муассаса ва ташкилотлар посилкаларни ёпиқ ҳолда, божхона органларининг *«Жўнатишга рухсат этилган»* белгили 103-А-шаклдаги рўйхат бўйича зарур нусхадаги CN 23-божхона декларациялари, CP 71- бланкаларини илова қилган ҳолда жўнатадилар. Божхона учун мўлжалланган божхона декларация-сининг бир нусхаси корхона, муассаса ва ташкилотнинг раҳбари ёки унинг ўринбосари томонидан лавозими кўрсатилиб имзоланади ҳамда жўнатувчи-корхона, муассаса, ташкилотнинг муҳри билан тасдиқланади.

CN 23 божхона декларациясининг шу нусхасида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг тегишли эксперт бошқармаси томонидан берилган рухсатноманинг рақами ёзилган бўлиши керак.

Халқаро хатларни йўллашда 103-А-шаклдаги рўйхатлар 3 нусхада тузилади, улардан бири хатлар билан йўлланади, қиммати эълон қилинган хатлар, майда пакетлар ва посилкаларни йўллашда улар 2 нусхада тузилади.

Буюртмали бандеролларни жўнатишда 103-А шаклдаги рўйхатлар тўрт нусхада тузилади, уларнинг иккитаси бандерол билан жўнатилади.

103-А шаклдаги рўйхатлар корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари (ўринбосарлари) томонидан уларнинг лавозимларини кўрсатган ҳолда имзоланади ва корхона, ташкилот, муассасанинг муҳри билан тасдиқланади. Корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарларининг 103-А шаклдаги рўйхатлари ва божхона декларацияларидаги имзолари бир хил бўлиши керак.

103-А шаклдаги рўйхатларда *«Рўйхат»* сўзидан кейин алоқа ходимлари томонидан тартиб рақамлари (1 дан 1000 гача) қўйиб чиқилади. Почта алоқаси объектининг бошқа кассаларида ҳам рўйхатни рақамлаш шу тартибда олиб борилади, лекин унга кассанинг ҳарфли ёки рақамли литери қўшилади. Рўйхатга олинадиган почта жўнатмаларининг ҳар бири рўйхатларга номма-ном ёзилади.

103-А шаклдаги рўйхатлар корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар томонидан ушбу Қоидаларнинг 282-бандида белгиланган тартибга кўра тайёрланади. Рўйхатлар босма усулида ёки ручкада улардаги мавжуд қатъий устунлар бўйича тўлдирилади. 1 дан 5 гача бўлган устунларни жўнатувчи тўлдиради.

Жўнатувчилар 103-А шаклдаги рўйхатнинг юқори қисмида республика Ташқи иқтисодий алоқалар органлари томонидан жўнатиш учун берилган рухсатноманинг рақамини кўрсатишлари керак.

103-А шаклдаги рўйхатлар бўйича қабул қилинадиган почта жўнатмалари умумий қабул қилинган тартибда расмийлаштирилади. Алоқа ходими рўйхатнинг тўғри тўлдирилганлигини текширади, почта жўнатмалари ва жўнатувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатдаги маълумотларни рўйхатдаги ёзув билан солиштиради, оғирлиги, жўнатиш ҳақини, ҚҚС суммасини ажратиб кўрсатади. Рўйхат охирида алоқа ходими тақвим тамға изини туширади, аниқ қилиб *«Қабул қилдим»* деб ёзади, ўз фамилияси, лавозимини кўрсатади ва имзо қўяди.

Ушбу корхона, ташкилот, муассасадан қабул қилинган почта жўнатмалари тўпламига 1-шаклдаги ёки 3-шаклдаги дафтардан битта умумий квитанция ёзилади, унда почта жўнатмаларининг рақамлари ______сондан ______сонгача қўйиб чиқилади, *«Қаерга»* сатрида рўйхат бўйича қабул қилинган почта жўнатмалари сони кўрсатилади, *«Кимга»* сатрида *«Рўйхат бўйича»* белгиси қўйилади, *«Тўлов»* устунида эса олинган тўловнинг умумий суммаси кўрсатилади, бунга қўшимча оғирлиги ва эълон қилинган қиймат учун тўлов, ҚҚС суммасини ажратиб ёзилади.

### 6.9 Корхоналар, ташкилотлар ва муассасалардан босма нашрларни махсус «М» белгили қопларда қабул қилиш

**400** «М» белгили қопларда жўнатиладиган жойланмалар бандерол каби ўралади ва унинг ўровида олувчи ва жўнатувчининг тўлиқ манзили кўрсатилади. «М» қопларини жўнатиш учун, почта алоқаси корхонасининг идиши (тара)дан фойдаланилади.

Босма нашрлар солинган махсус қоплар жўнатувчи томонидан муҳрланган (пломбаланган) бўлиши керак.

Буюртмали тартибда юбориладиган босма нашрлар жойланган махсус қоплар корхона, ташкилот, ва муассасалардан уч нусхада тузилган 103-А шаклдаги алоҳида рўйхат бўйича қабул қилинади, унда улар қатъий равишда мамлакатлар ва олувчилар бўйича ёзиб қўйилади. Бундай почта жўнатмалари тегишли халқаро почта алмашувининг жойларига 16-шаклдаги юкхат билан рўйхатнинг бир нусхасини илова қилиб жўнатилади.

### 6.10 Халқаро почта жўнатмаларини қайта юбориш ва қайтариш

**401** Халқаро почта жўнатмаларини қайта юбориш жўнатувчилар ёки олувчиларнинг аризаларига кўра амалга оширилади.

**402** Ўзбекистон Республикаси ичида посилкаларни қайта юбориш учун олувчилардан ички тарифларга кўра ҳақ ундирилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қайта юбориладиган халқаро почта жўнатмалари ички почта жўнатмалари учун кўзда тутилган тартибда, белгиланган жойнинг тўғридан-тўғри янги почта алоқаси объектига тўғридан-тўғри юборилади. Посилкалар дастлабки почта алоқаси объектига келган қопларда жўнатилади.

**403** Посилкаларни ҳорижга қайта юбориш учун олувчилардан Ўзбекистон Республикасидан жўнатилаётган халқаро посилкани жўнатиш учун ҳақ ундирилади.

Ҳорижга қайта юбориш лозим бўлган почта жўнатмалари улар қабул қилиб олинган халқаро почта алмашуви жойларига юборилади.

**404** Божли посилка ёки майда пакет республика ҳудудида, лекин ўз вилояти (Қорақалпоғистон Республикаси)дан ташқарига қайта юборилган ҳолларда қайта юборишни амалга оширувчи почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқа боғламаси, почтамт) посилка ёки майда пакет назоратдан ўтказилган халқаро почта алмашуви жойига қайта юборганлик тўғрисида билдиришнома жўнатади, унда почта жўнатмасининг жўнатиш ва ялпи рақамлари, уни бжўнатиш жойи ва мўлжалланган манзили, олувчининг номи, почта жўнатмаси қаерга ва қачон қайта юборилишини, қайта юбориш сабабларини, божхона божи суммасини кўрсатади. Билдиришномага почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқа боғламаси, почтамт) раҳбари (ўринбосари) имзо қўяди ва тақвим тамға изи билан тасдиқланади.

**405** Қиммати эълон қилинган халқаро хатлар ва майда пакетлар ёпиқ буюмлар ичида қайта юборилиб, 16-шаклдаги юкхатда хатни жўнатувчи мамлакат ва пунктининг номи, жўнатиш ва ялпи рақами ёзиб қўйилади, қиммати эълон қилинган хатларни, шунингдек божли майда пакетларни ёзишда эса эълон қилинган қиймат суммаси ва божхона божи суммаси сўмларда қўшиб қўйилади. Халқаро буюртмали жўнатмалар 11-шаклдаги реестрда уни жўнатувчи мамлакат ва жўнатиш рақами кўрсатилиб, алоҳида йиғимларда қайта жўнатилади.

**406** Ҳориждан олинган, берилмаган почта жўнатмалари белгиланган сақлаш муддати ўтгандан сўнг халқаро почта алмашуви жойига жўнатилади. Олувчи топилмаганлиги ёки вафот этгани, олишдан бош тортиши ва шу каби сабабларга кўра қайтариладиган хат-хабарлар жўнатилувчи халқаро хат-хабарлар учун кўзда тутилган тартибда жўнатилади.

**407** Хориждан қайтарилиши ёки қайта жўнатилиши керак бўлган ҳар бир халқаро почта жўнатмасига, посилкалардан ташқари, CN 15 ёрлиқ қўшиб қўйилади.

Посилка қайтарилганда ёки қайта жўнатилганда 19-шаклдаги ёрлиқ посилка солинган қопга бириктирилган бирканинг манзил томонига ёпиштириб қўйилади.

Маълумотнома ёки ёрлиққа ёзилган почта жўнатмасининг қайтарилиши тўғрисидаги маълумотлар почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқа боғламаси, почтамт) раҳбари (ўринбосари)нинг имзоси билан албатта тасдиқланади ва тақвим тамға изи туширилади. **Ўровларда топширилмаганлик сабаблари тўғрисидаги белгиларни қўйишга рухсат этилмайди.**

**408** Олувчиларга топширишнинг имкони бўлмаган (манзилда яшамайди, олишдан воз кечиш вафот эттанлиги сабабли, манзил тўлиқ эмас ва ҳ.о.) божли ва божсиз майда пакетлар ва посилкалар дарҳол божхона назоратидан ўтган жойдаги халқаро почта алмашуви жойларига юборилади. Посилкалар юборилган қоплар очилмайди.

Халқаро почта алмашуви жойида топшрилмаган посилкалар жойланган қоп очилади ва CP 71 бланкалари бўйича жўнатувчининг кўрсатмасига мувофиқ посилкани нима қилиш кераклиги аниқланади. Олувчига посилка берилмай қолган ҳолда бланкада «Жўнатувчини хабардор қилиш» тўғрисидаги белги бор бўлганда рекламациялар бўлимига топширилмаганлик сабабини кўрсатиб ва CP 71 бланкасини илова қилиб, сўров жўнатилади. Рекламация бўлимидан кўрсатма олингунча посилкалар таъминланган тартибда сақланади.

Бланкаларда жўнатувчининг хабардор қилиш тўғрисидаги белги мавжуд бўлган, божхона идоралари томонидан ўтказилмаган посилкаларга ҳам худди шундай ишлов берилади.

Агар бланкада жўнатувчининг кўрсатмаси билан бир вақтда бир-бирига зид бир неча белги мавжуд бўлса, у ҳолда бундай посилкалар жўнатилган жойига олдиндан сўров юборилмасдан қайтарилади.

Жўнатишдан олдин посилкали қоп синчиклаб кўздан кечирилади ва назорат қилувчи шахс иштирокида тортилади, натижалар тўғрисида 19-шаклдаги ёрлиққа белги қўйилади. Бундан ташқари қоп ёрлиғида дастлабки манзил ўчириб ташланади ва «Қ» ҳарфи, алмашув жойининг номи ва посилкани қайтариш сабаби кўрсатилади. Белги назорат қилувчи шахс томонидан имзоланади. Қоп ёрлиғининг орқа томонида посилкани сақлаш, қайта юбориш ва ҳаказолар учун устига қўшиб ҳисобланган тўлов суммаси кўрсатилади.

Посилканинг ўрови (бланка)да кўрсатилган олувчининг фамилияси ва кўрсатилган ҳужжатдаги фамилия бир-биридан фарқ қилиш оқибатида олувчига посилка топширилмаган ҳолларда манзилидаги почта алоқаси объекти биринчи навбатда жўнатилувчи почта билан

тобелигига қараб почта алоқаси ҳудудий ташкилотига сўров йўллайди, у эса ўз навбатида биринчи жўнатилувчи почта билан рекламация бўлимига топширилмаган посилкани нима қилиш кераклиги тўғрисида хат-сўров жўнатади. Сўровда қуйидагилар кўрсатилади: жўнатиш рақами, посилкани алмашув жойи томонидан берилган ялпи (тартиб) рақами, уни жўнатган мамлакатнинг тўлиқ номи, аниқ манзили, олувчи ва жўнатувчининг фамилияси, исми, шарифи.

409 Қайтарилаётган посилка солинган қопни кўздан кечиришда ўрови шикастланганини ёки оғирликда фарқ мавжудлиги аниқланса, у ҳолда жойланмани текшириш учун қоп очилади, бу ҳақда далолатнома тузилади. Жойланмада етишмовчилик бўлса, дарҳол текширув ўтказилади.

## 7 Почтани жўнатиш ва алмаштириш

### 7.1 Почтани жўнатишнинг умумий тартиби

410 Почтани жўнатишдан олдин қопга қуйидагилар солинади:

а) энг кам иш ҳақининг ўн баробаридан юқори бўлган қиммати эълон қилинган посилкалар (катта ўлчамлилардан ташқари), халқаро почта алмашуви жойидан жўнатиладиган халқаро посилкалар, майда посилкалар, нуқсон посилкалар (оқиб турганларидан ташқари), 51-шаклдаги далолатнома билан, қиммати эълон қилинган хатлар ва қиммати эълон қилинган бандероллар, ер усти транспорти билан ташиладиган майда пакетлар;

б) энг кам иш ҳақининг бир баробаридан юқори бўлган қиммати эълон қилинган посилкалар, майда посилкалар, ҳаво транспортида ташиладиган қиммати эълон қилинган ҳамма хатлар ва қиммати эълон қилинган бандероллар;

в) барча турдаги транспорт воситалари билан ташиладиган ёзма хат-хабарлар, катта ўлчамли - харитали, схемали ва шу каби банде-роллардан ташқари.

Қиммати эълон қилинган хатлар ва қиммати эълон қилинган бандероллар, майда посилкалар почта алоқаси темир йўл объектлари бўлмаган алмашув пунктларида битта-иккита почта жўнатмаси мавжуд бўлганда 16-шаклдаги умумий юкхатга ёзиб қуйиб, почта вагонига очиқ топширилиши ва вагондан берилиши мумкин.

Контейнерларда қуйидагилар ташилади:

а) посилкалар;

б) даврий нашрлар солинган қоплар ва тўпламлар;

в) ёзма хат-хабарларсолинган қоплар (маҳаллий йўналишларда);

г) халқаро қоплар;

д) суғуртали қоплар;

е) бўш буюмлар ва почта идиш (тара)лари солинган қоплар.

Янги сабзавот ва мевалар жойланган посилкалар контейнерларда, фақат контейнерларнинг йўлда бир кеча-кундуздан ортиқ бўлмаслиги шарти билан ташилиши мумкин.

Нақд пуллар, лоторея билетлари, экспресс-почта, шунингдек *«Эҳтиёт қилинг»* белгиси бўлган катта ўлчамли, тирик арилар ва ўсимликлар солинган посилкалар, қиммати эълон қилинган хатлар солинган суғуртали қопларни контейнерларда ташиш тақиқланади.

411 Суғуртали почта жўнатмалари брезент, каноп, жут ва зиғир поя толали қопларда жўнатилади.

*«Эҳтиёт қилинг»* белгиси бўлган посилкалар ва қиммати эълон қилинган бандеролларни, янги узилган мева ва сабзавотлар, асаларилар ва ўсимликлар жойланган посилкаларни қопларда жўнатишга рухсат этилмайди.

412 Берк буюмларда юборилиши керак бўлган посилкалар, қиммати эълон қилинган хатлар ва қиммати эълон қилинган бандероллар икки нусхада тузиладиган 16-шаклдаги юкхатта ёзилади. 16-шаклдаги юкхатда берк буюмнинг номи ва унинг рақами кўрсатилади (зиғир толали қоплар учун - манзил ёрлиғи бўйича, контейнерлар, брезент қоплар учун - трафарет бўйича). Иш ҳажми унча катта бўлмаган алоқа бўлимларидан тобелигига кўра почта алоқаси объектларига буюртмали хат-хабарлар ва пул ўтказмалари бўлган йигиндилари, буюртмали бандероллар, буюртмали хатлар ва *«O'z qo'liga topshirilsin»*, *«Sudga chaqiruv qog'ozi»* белгили буюртмали почта варақчаларини, олинганлиги тўғрисидаги буюртмали ва тезкор (телеграф) хабарномалар билан жўнатишда, улар шунингдек 16-шаклдаги юкхатта бошқа почта жўнатмалари билан бирга қўшиб ёзилади. 16-шаклдаги юкхатнинг биринчи нусхаси унга қўшиб ёзилган почта жўнатмалари ва посилкалар бланкалари билан бирга қоп (контейнер чунтаги)га солинади, бунда 16-шаклдаги юкхат ва бланкалар олдиндан каноп ип билан боғланади ёки конвертта солинади. Юкхатнинг нусхаси почтани жўнатувчи почта алоқаси объектида қолади.

**Қиммати эълон қилинган хатлар (йиғиндиси) бошқа суғурталанган почталардан алоҳида қопларда жўнатилади.**

Хат-хабарларни ер транспортида жўнатиш ёки ҳаво кемалари орқали юборишнинг айрим босқичларида қиммати эълон қилинган хатлар (йигиндилар), уларнинг сони кам бўлганда, суғуртали қопларда посилкалар ва бошқа суғуртали почта жўнатмалари билан бирга юборишга рухсат этилади. Бунда қиммати эълон қилинган хатлар (йигиндилар) қоғозга ўралади ва маҳкам қилиб боғланади, 17-шаклдаги ёрлиқларда *«Qimmati e'lon qilingan xatlar bilan»* деб кўрсатилади.

**413** Суғуртали қопга 17-шаклдаги манзил ёрлиғи (38-расм) ёпиштирилади, унга берк буюм қаердан ва қаерга бораётгани, унинг рақами ёзилади. Ёрлиққа тамға изи туширилади, сўнгра юкхатни тузган ва буюмни беркитган ходимлар томонидан имзоланади. Штатида, почтальонларни ҳисобга олмаганда, фақат алоқа бўлим бошлиғи бўлган алоқа бўлимларида 17-шаклдаги ёрлиққа бошлиқнинг ўзи имзо қўяди.

Ҳаво транспортида жўнатиладиган суғуртали қопларда **манзил ёрлиқлари суғурта муҳри учун ўйиб чуқурлик қилинган фанер биркаларга ёпиштирилиши** керак.

Суғуртали почта жўнатмалари ва оддий посилкалар бор бўлган берк буюмлар муҳрланади ёки пломбаланади.

Ҳар бир контейнерга икки нусхада умумий юкхат тузилади. Юкхатнинг биринчи нусхаси билан биргаликда контейнер чўнтагига солинади, иккинчи нусхаси контейнерни беркитган почта алоқаси объектида қолади.

**414** Почтани барча турдаги транспорт билан жўнатиш қуйидагича:

а) алоқа бўлимларида-шахсан бошлиқлар ёки уларнинг ўринбосарлари томонидан;

б) почта алоқаси ҳудудий ташкилотлари, почта алоқаси объектлари (почта алоқа боғламалари, почтамтлар, алмашув пунктлари)да - бу вазифалар почта алоқаси ҳудудий ташкилотлари ёки почта алоқаси объектлари (почта алоқа боғламаси, почтамт) раҳбарининг буйруғи билан белгиланган ходимлар томонидан амалга оширилади.

Почтани жўнатишдан олдин бу шахслар: почта ва илова қилинадиган ҳужжатларининг тўғри расмийлаштирилганлигини текширишлари; 16-шаклдаги юкхатларга имзо қўйишлари; почта ва ҳужжатларни кузатувчи ходимга 16–шаклдаги умумий юкхатнинг нусхасида ёки 24-шаклдаги йўналиш юкхатида тилхат билан топширишлари ва почтани эҳтиётлик билан ортилишини, ўз вақтида ва тўла сақланган ҳолда жўнатилишини таъминлашлари шарт.

**415** Суғуртали қоплар, хат–хабар солинган қопларнинг охирги рухсат этилган оғирлиги - 10 кг, газета тўпламлари - 10 кг, журнал тўпламлари - 10 кг.

Халқаро почта алмашув жойлари билан хорижий мамлакатлар ўртасида жўнатилувчи халқаро қоплар 30 кг гача бўлган оғирликда, почта объектининг ўзи жойлаган қоплар эса 20 кг гача бўлган оғирликда бўлиши мумкин.

**416** Почтани кузатиш ва алмаштириш вазифаси юклатилган ходимларга почта алоқаси объектидан чиқишдан олдин почта алоқаси объекти раҳбарини имзоси бўлган 81-шаклдаги (88-расм) почтани алмаштириш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома тилхат билан

берилади. Агар алоқа бўлими бошлиқларининг ўзи почта вагони билан почта алмашувига келсалар, ёнларида худди шундай гувоҳномалар бўлиши керак. 81-шаклдаги гувоҳнома почта алоқаси объекти ёки почта вагонига топширилган почтага 16-шаклдаги юкхатни кўрсатиш билан бир вақтда тақдим этилади.

Айрим почта жўнатмалари ва ҳужжатларни сақлаш учун почтани кузатувчи алоқа ходимига қути ёки жомадон (сумка) берилади. Бундан ташқари, зарур бўлган ҳолларда, унга қурол ва уни олиб юриш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома, қопларнинг тўлиқ алмаштирилишини таъминлаш учун етарли миқдорда бўш қоплар, тунги вақтларда эса қўл чироқ ҳам берилади.

| | |
|---|---|
| ___ - сон ГУВОҲНОМА<br>______________________<br>______________________га<br>______________________<br>______________станцияга<br><br>почта вагонлари билан_______<br><br>__________йўналиш бўйича<br>почта алоқаси объектлари билан<br>ҳаво кемалари билан _______<br><br>____________________кузатиб<br>бориш ва почта вагон-лари билан почта алмашуви ҳуқуқига эга бўлиш учун берилди<br>____________________<br>____________________<br>(кузатиб борувчининг шахсий имзоси)<br><br>[ам]<br>Бошлиқ______________<br>(почта алоқаси<br>______________<br>(объектининг номи)<br>______________<br>______________<br>(имзо) | 81-шакл<br><br>Кузатиб борувчининг сурати ва шахсий имзосисиз ҳақиқий эмас<br><br>200_й. "__"_____________да берилган<br><br>200_й. ______________гача ҳақиқийдир<br><br>[ ] (мухр изи)<br>Бошлиқ ______________<br>(почта алоқаси<br>______________<br>объектининг номи)<br>______________<br>______________<br>(имзо)<br><br>Муддати 200__й. "__"_____ гача узайтирилган<br><br>[ ] (мухр изи)<br>Бошлик ______________<br>( почта алоқаси<br>______________<br>объектининг номи)<br>______________<br>______________<br>(имзо) |

88-расм Почтани кузатиб бориш ва алмаштириш ҳуқуқини берувчи 81-шаклдаги гувоҳноманинг намунаси

**417** Почта йўналишлари бўйича қимматбаҳо буюмлар учун мўлжалланган қулфланувчи сандиқлар ёки контейнерлар билан жиҳозланган кузови берк ва эшиги қулфланувчи автомашиналарда ташилади, от аравадан фойдаланилганда эса - почтани сақланишини таъминловчи араваларда ташилади. Агар почта очиқ кузовли автомашинада ёки усти очиқ аравада ташилаётган бўлса, у зич қилиб жойлаштирилади, брезент билан ёпилади ва унинг йўлда сақланишини таъминланадиган ҳамда чанг ва намдан сақлайдиган қилиб боғланади.

**418** Алоқа ходими почтани кузатиб бориш учун почтани қабул қилаётганда суғуртали, ҳукуматга оид ва халқаро қоплар ҳамда қиммати энг кам иш ҳақининг беш бароборидан ортиқ деб эълон қилинган посилкаларни номма-ном текширади. Қолган почта санаб қабул қилинади. Шу билан бир вақтда манзиллар, ўровлар бутлиги, чоклар, боғланган жой (қоғоз тасмалари), муҳр (пломбалар)нинг бутлиги, почта жўнатмалари ва буюмларнинг тўғри беркитилганлиги, шунингдек ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилганлиги кўздан кечирилади. Қабул қилинган почта учун қабул қилинган буюмларнинг сони (сўз билан) тўғрисида тилхат берилади, масалан: *«Уттиз бешта буюмни қабул қилиб олдим Исломов»* (имзо) ва почта қабул қилинган вақт кўрсатилади.

Ўровлари, боғлам (тасма)лари ва муҳр (пломба)лари шикастланган почта жўнатмалари ва буюмлари почта алоқаси объектларидан қабул қилинмайди; бу ҳақда 16-шаклдаги юкхатлар ва уларнинг нусхаларига белги қўйилади.

**419** Почтани қабул қилиб олинган вақтдан уни манзилига топширгунга қадар унга тилхат берган алоқа ходими унинг сақла-ниши ва почта йўналиши бўйлаб ўз вақтида жўнаши учун тўлиқ жавобгардир.

Почта транспортида, почтани кузатувчи алоқа ходимидан ташқари, йўналиш бўйича кузатиб бориш ва алмаштириш тартибини назорат қилувчи шахсларгина (тегишли гувоҳнома мавжуд бўлганда) юришлари мумкин.

**420** Почтани туманлараро ва туман ичи йўналишлари бўйича жиҳозланган автомашинада ташиш ўриндошлик асосида **«Почтани ташишда уни кузатиш ва қўриқлаш бўйича Йўриқнома»** га асосан, кузатувчи вазифаси юклатилган ҳайдовчининг бир ўзи томонидан амалга оширилиши мумкин.

Почтани беркитилган ва муҳрланган (пломбаланган, назорат қулфи билан ёпилган) автомобил кузовларида, шунингдек очиқ бортли автомобиллардаги контейнерларда кузатувчи ходимларсиз жўнатишга ҳам рухсат этилади.

**421** Компьютердан фойдаланиб почтага ишлов бериш техноло-гиясини жорий қилишда почта алоқаси объектлари ички ишлаб

чиқариш технологиясини ўзгартиришлари мумкин, бироқ ёзув машинкасида ёзилган барча жўнатилувчи ҳужжатлар ушбу Қоидаларнинг талабларига мувофиқ бўлиши керак.

422 Халқаро почта алмашуви жойлари томонидан почтани жўнатиш ва алмаштириш тартиби Бутунжаҳон почта иттифоқининг ҳужжатлари, халқаро почта алмашуви жойларида халқаро почтага ишлов бериш ва жўнатиш Қоидалари, халқаро почта алмашуви пунктларининг почтани қабул қилиш ва жўнатиш Қоидалари билан тартибга солинади.

## 7.2 Почта жўнатмаларини автомобил ва от - улов йўналишлари бўйича жўнатиш. Шу йўналишларда жойлашган почта алоқаси объектлари билан почта алмашуви

423 Почта алоқаси объектлари (почта алоқа боғламалари, почтамтлар, алмашув пунктлари) ва алоқа бўлимлари ўртасидаги почта алмашувида ҳар бир алоқа бўлимининг манзилига 16-шаклдаги алоҳида юкхатлар икки нусхада тузилади. Посилкалар, суғуртали, ҳукуматга оид ва халқаро қоплар, контейнерлар, хат-хабарлар солинган қоплар 16-шаклдаги юкхатга номма-ном ёзилади, газета ва журналлар солинган қопларнинг эса-умумий сони ёзилади. Бундан ташқари, ушбу йўналиш бўйича жўнатилиши лозим бўлган барча почта алмашувлар тартибида 24-шаклдаги юкхатга фақат сони билан ёзилади, бу юкхат ҳар бир йўналишга икки (зарур бўлганда уч) нусхада тузилади. 24-шаклдаги йўналиш юкхатларнинг олд томонида алоқа бўлимларига жўнатиладиган почта (89-расм), орқа томонига эса бир йўналишдаги алоқа бўлимларининг почта алоқаси объектига (90-расм) жўнатиладиган почта жўнатмалари ёзилади. Йўналишда жойлашган бирор-бир почта алоқаси объекти учун жўнатиладиган почта жўнатмаси бўлмаса, 24-шаклдаги йўналиш юкхатига *«Почта йўқ»* белгиси қўйилади.

424 Почтани кузатувчи алоқа ходимига 24-шаклдаги йўналиш юкхатининг биринчи нусхаси (зарур бўлганда, учинчи нусхаси), 16-шаклдаги алоҳида юкхатларнинг биринчи нусхаси ва йўналишдаги ҳар бир почта алоқаси объекти учун почта берилади. Қабул қилинган почта учун почта кузатувчи 24-шаклдаги йўналиш юкхатининг иккинчи нусхасига имзо қўйиб, почта қабул қилинган вақти ва олинган нарсалар сонини кўрсатади.

425 Почта жўнатмалар битта алоқа ходими томонидан кузатилганда почта алмашуви почта алоқаси объектига кирмасдан машина борти (арава) ёнида амалга оширилади. Почта жўнатмаларини қулфланадиган ёпиқ кузов билан жиҳозланган автомашиналарда ташиш ҳоллари бундан мустасно.

Почта 200*1* йил *"25"* *март*
соат *10* *45* *дақиқа* да
*Наимов* кузатувида жўнатилди

24-шакл

*Ромитон-Газли-Ромитон* дан
(йўналиш номи)

жўнатилган почтага

(почтани жўнатиш жойи тақвим тамға изи)

# ЙЎНАЛИШ ЮКХАТИ

| Почта жўнатилаётган жойнинг номи | Сони | | | | | | | | | | | Буюмларнинг умумий сони (сўз билан) | Почтанинг келиш вақти | | Почтанинг олинганлиги тўғрисидаги тилхат (буюмлар сони сўз билан) | Тақвим тамға изи |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Контейнерлар | сугуртали қоплар | хат-хабарли қоплар | матбуотли қоп ва тўпламлар | хукуматга оид қоплар | халқаро қоплар | қиймати эълон қилинган "Эҳтиёт қилинг" белгили бандероллар | "Эҳтиёт қилинг" белгили посилкалар | Эълон қилинган қиймати энг кам иш ҳақининг 5 бараваригача бўлган посилкалар | Эълон қилинган қиймати энг кам иш ҳақининг 5 бараваригача бўлган посилкалар | бўш буюмлар | | соат | дақиқа | | |
| *Уба* | | *1* | *3* | *30* | - | - | - | *1* | - | *70* | - | *бир юз бешта* | *11* | *15* | *бир юз беш* *Авазов* | |
| *Наримонов номли* | | *1* | *2* | *20* | - | - | - | - | - | *60* | - | *саксон учта* | *11* | *45* | *саксон уч* *Холов* | |
| *Газли* | | *2* | *1* | *10* | - | - | - | - | - | *80* | - | *тўқсон учта* | *12* | *15* | *тўқсон уч* *Саидова* | |
| Жами: | | *4* | *6* | *60* | | | | *1* | | *210* | | *Икки юз саксон битта* | | | | |

Почтани жўнатдилар:
Участка (навбатчилик) бошлиги *Бердиев*
(имзо)

Оператор *Соатов*
(имзо)

*Икки юз саксон битта* почтани
*Наимов* қабул қилди
(имзо)
*10* соат *30* дақиқа

89 - расм 24-шаклдаги йўналиш юкхатининг олд томонини ёзиш ва расмийлаштириш

*Алоқа бўлими* дан
*Ромитон почта алоқа боғламасига* жўнатилган почтага
(почтамт, почта алоқа боғламаси, ПБ)

## ЙЎНАЛИШ ЮКХАТИ

| Почтани жунатган почта алокаси объекти-нинг номи | Сони | | | | | | | | | | | Буюмлар-нинг умумий сони (сўз билан) | Почтани жўнатиш вақти | | Почтанинг олинганлиги тилхати (буюмлар сони сўз билан) ёзувни амалга оширган АБ бошлиги (ўринбосари) нинг имзоси |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | контейнерлар | Суғурта қоплари | хат-хабарли қоплар | матбуотли қоп ва тўплар | хужжатта оид қоплар | халқаро қоплар | қиймати эълон қилинган "Эҳтиёт қилинг" белгили бандероллар | "Эҳтиёт қилинг" белгили посилкалар | эълон қилинган қиймати энг кам иш ҳақининг беш бароборидан юқори бўлган посилкалар | эълон қилинган қиймати энг кам иш ҳақининг беш бароборигача бўлган посилкалар | бўш буюмлар | | соат | дақ. | |
| *Газли* | | *2* | *2* | - | - | - | - | *1* | - | *40* | - | *қирқ беш* | *12* | *20* | ***ББ Саидова*** |
| *Наримонов номли* | | *1* | *1* | - | - | - | - | - | - | *20* | - | *йигирма икки* | *12* | *50* | ***ББУ Холов*** |
| *Уба* | | | | - | - | - | - | - | - | | - | *Почта йўқ* | *13* | *20* | ***ББ Авазов*** |



(почтани олиш жойи тақвим тамға изи)

Почта 200*1* йил *25 март* да соат *4* *00* дақиқада келди

Топширилган почта текширилди, ҳужжатлар билан солиштирилди ва тўлиқ қабул қилинди

Почта алмашуви бўйича масъул навбатчи *Маҳмудов*
(имзо)

Кузатиб борувчи ***Наимов*** соат *14* *15* дақиқада топширди
(имзо)

90 - расм 24-шаклдаги йўналиш юкхатининг орқа томонини ёзиш ва расмийлаштириш намунаси

**Почта жўнатмаларини қаровсиз қолдириш ёки уни қўриқлашни бошқа шахсга топшириш ман қилинади.**

**426** Почта алоқаси объектида мавжуд бўлган, шу йўналишда жойлашган бошқа объект учун мўлжалланган почта жўнатмалари ушбу объектда тузиладиган 16-шаклдаги алоҳида юкхатга ёзиб қўйилади. Сўнгра 16-шаклдаги юкхатда қайд қилинган почта жўнатмалар 24-шаклдаги йўналиш юкхатига йўналишнинг бошланғич ёки охирги пунктида ёзилган ёзувлардан сўнг, бўш жойга ёзиб қўйилади. 16-шаклдаги юкхат икки нусхада тузилади: биринчиси почта кузатувчиси (алмашувчи)га топширилади, иккинчисига эса у почта жўнатмаларини қабул қилганлиги тўғрисида имзо қўяди. 24-шаклдаги йўналиш юкхатида почта жўнатмаларини қабул қилиш ва жўнатиш тўғрисидаги ёзувлар биринчи нусха (зарур бўлганда нусха кўчирувчи қоғоз орқали биринчи ва учинчи нусхалар)да амалга оширилади. Алоқа бўлимида жўнатиладиган почта жўнатмаси бўлмаса, 24- шаклдаги йўналиш юкхатида бу хақда алоқа бўлими бошлиғи (ўринбосари) томонидан *«Почта йўқ»* деган белги қўйилади, бу унинг имзоси ва тақвим тамға изи билан тасдиқланади.

**427** Узоқ масофадаги йўналишларда почтани кузатувчи алоқа ходимини алмаштиришда, алмашув амалга ошириладиган почта алоқаси объекти бир кузатувчи алоқа ходимининг биттасидан почтани қабул қилиб олади ва уни 16-шаклдаги алоҳида юкхатлар билан бирга бошқасига, қайта тузилган 24–шаклдаги юкхат билан топширади.

**428** Йўналишнинг бошланғич пунктига қайтилганда 24-шаклдаги йўналиш юкхатининг бир (икки) нусхаси ва 16-шаклдаги алоҳида юкхатлар топширилади ҳамда «Почтани қабул қилиш ва ишлов бериш» Қоидаларнинг 8-бўлимида кўзда тутилган тартибда қабул қилинади. Бундан ташқари, қабул қилувчилар йўналишда жойлашган почта алоқаси объектига почтани тўғри расмийлаштирилиб, топширилганлигини текширадилар ва текшириш натижалари ҳақида 24-шаклдаги йўналиш юкхатига белги қўядилар. Шундан сўнг, почтани кузатиб келган алоқа ходими рейс бошланиши олдидан олинган гувоҳнома, қурол, қути (жомадан, сумка), бўш қопларни топширади. Шу билан бир вақтда почта ҳаракати жадвалининг бажарилиши текширилади. Бирор бир бузилишлар аниқланганда чора-тадбирлар кўрилади.

**429** Жадвалда кўзда тутилган магистрал почта йўналиши бўйича почта жўнатилмаганда «Ўзбекистон почтаси» ДАК ва почта алоқасининг тегишли ҳудудий ташкилотларига зудлик билан телеграмма жўнатилади. Туманлараро ва туман ички почта йўналишлари бўйича почта жўнатилмаганда ўз тобелигига кўра почта алоқаси ҳудудий ташкилотига телеграмма жўнатилади. Телеграм-маларда йўналишларнинг номи, ундаги почта алоқаси объектларининг сони, санаси ва жўнатилмаганлик сабаби, кўрилган чора-тадбирлар кўрсатилади.

Жадвалда кўзда тутилган почта транспортининг жўнатилмаганлиги ёки унинг муддатдан ортиқча туриб қолиши тўғрисида у билан почта алмашувини амалга оширувчи барча почта алоқаси объектларига телеграф (телефон) орқали хабар қилинади.

**7.3 Почта вагонлари билан почта алмашуви.**
**Почта алоқаси объектларидан почтани жўнатиш**

**430** Почта вагонлари билан почта алмашувини почта алоқаси объектлари амалга оширадилар.

Почта алоқасининг ҳудудий ташкилотлари поездлар ҳаракатининг янги жадвали жорий қилингунгача бир ойдан кечиктирмай «Ўзбекистон почтаси» ДАК билан келишилган ҳолда, почта алоқасининг бўйсунувчи объектлари қайси поездлар билан почта алмашувини амалга оширишини белгилайди ва у ҳақда почта вагонлари бригадасини бошқарувчи Халқаро почтамтга хабар қилади.

**431** Халқаро йўналишларда қатновчи почта вагонлари билан почта алмашуви тартиби **Бутунжаҳон почта иттифоқи ҳужжатлари, Халқаро почта алмашуви пунктларида Халқаро почтани қабул қилиш ва жўнатиш қоидалари ҳамда ушбу Қоидалар** билан тартибга солинади.

**Умумий характердаги кўрсатмаларга рухсат этилмайди.**

**432** Алмашув пунктига эга бўлган объектларда почта вагонлари билан тўғридан-тўғри почта алмашувини шаҳар алоқа бўлимлари амалга оширмайдилар, балки почта алоқаси ҳудудий ташкилотининг алмашув пункти орқали топширадилар ва қабул қиладилар. Почтани алмашув пунктига жўнатувчи почта алоқа боғламалари, почтамтлар ҳар бир жўнатиш учун 16-шаклдаги битта умумий юкхатни уч нусхада тузадилар.

16-шаклдаги умумий юкхатлар ушбу почта алоқаси объектларида почтага ишлов бериш технологик жараёнлари хусусиятларини қўллаган ҳолда (ишлов берилаётган почтанинг тури ёки гуруҳлари бўйича алоҳида-алоҳида) тузилади. 16-шаклдаги умумий юкхатга жўнатилаётган почтага тегишли бўлган барча 16-шаклдаги алоҳида юкхатлар ёзилади.

Жўнатиш учун тайёрланган почта жўнатмалари 16-шаклдаги алоҳида юкхатларнинг биринчи нусхаси билан бирга, 16-шаклдаги умумий юкхатнинг иккита нусхаси почта кузатувчисига, учинчи нусхасига имзо қўйдириб топширилади.

**433** Почта вагонларидан қабул қилиб олинган, шаҳарга манзилланган почта жўнатмалари Халқаро почтамтда ва почта алмашуви пунктларида 16-шаклдаги юкхатларга ушбу Қоидаларнинг 412-бандида кўзда тутилган тартибда ёзиб қўйилади.

Имкони борича тупламли посилкалар олувчиларга тўғридан-тўғри Халқаро почтамт ёки алмашув пунктларида топширилади.

Почта кузатувчи Халқаро почтамт ва алмашув пунктларида почта жўнатмаларини ва 16-шаклдаги алоҳида юкхатларни қабул қилиб, 16-шаклдаги умумий юкхатларнинг нусхаларига имзо қуяди.

**434** Почта вагонига топширилиши керак бўлган берк буюмлар ва почта жўнатмалари уч нусхада тузиладиган 16-шаклдаги умумий юкхатта ёзиб қўйилади. Агар почта алмашувини алоқа бўлими бошлиғи (ўринбосари) нинг шахсан ўзи амалга оширса, у ҳолда юк хат икки нусхада тузилади.

16-шаклдаги юкхатта шахсий берк буюмларни ёзишда уларнинг номлари ва манзил ёрлиқларида қўйилган рақамлари, транзит буюмларни ёзишда эса улар қаердан келаёттанлиги ҳам кўрсатилади. Агар почта қопларда жўнатилаётган бўлса, у ҳолда 16-шаклдаги юкхатда улардаги жойланмаларнинг ўзига хослиги (хусусияти) тўғрисида алоҳида белги қўйилади, масалан: *«Ҳукуматга оид»*, *«Халқаро Суғуртали»*, *«Буюртмали»*, *«Қиммати эълон қилинган хатлар билан»*, *«Оддий»*, *«Идиш (тара)»*. Агар берк буюмлар 16-шаклдаги юкхатда манзилидан узоққа жўнатилаёттан бўлса, у ҳолда бу буюмнинг манзили ҳам кўрсатилади.

**435** Берк буюмлар, шунингдек очиқ ҳолда жўнатиладиган почта жўнатмалари 16 -шаклдаги умумий юкхатга қуйидаги кетма-кетликда ёзиб қўйилади:

контейнерлар;

ҳукуматга оид, халқаро ва суғуртали қоплар;

хат-хабар солинган қоплар;

даврий матбуот жойланган қоп ва тупламлар;

бадиий иловалар солинган қоплар;

асаларили посилкалар;

қиммати энг кам иш ҳақининг беш баробаридан кўп бўлган қиммати эълон қилинган посилкалар;

оддий ва қиммати энг кам иш ҳақининг беш баробаригача бўлган қиммати эълон қилинган посилкалар;

бўш қоплар («Идиш (тара)»).

Барча буюмлар ва почта жўнатмалари 16-шаклдаги умумий юкхатта ёзиб қўйилганидан сўнг, 16-шаклдаги алоҳида юкхатларида турлари бўйича буюм ва почта жўнатмаларининг сони, 16-шаклдаги алоҳида юкхат қаерга кетаёттани (транзит гуруҳлар учун - қаердан келаёттани), унинг тузилган санаси кўрсатиб ёзилади. Ёзишдан аввал *«Алоҳида юкхатлар бўйича»* деган белги қўйилиб, остига чизиқ чизилади. Барча ёзувлардан сўнг ёзиб қўйилган буюмлар ва почта жўнатмалари сонининг якуни чиқарилади (сўз билан) 16-шаклдаги умумий юкхат уни тузган алоқа ходими ва почтани жўнатиш учун жавобгар (масъул) бўлган шахс томонидан имзоланади. Сўнгра, 16-

шаклдаги юкхатга тақвим тамға изи туширилади. Бундан ташқари, 16-шаклдаги умумий юкхатда почта жўнатилган соат ва дақиқа, почтани кузатувчи алоқа ходимининг фамилияси, шунингдек «қопга қоп» алмашуви учун қоплар сони ёзиб қўйилади. «Буюмлар ва почта жўнатмаларининг номи» деган устунда ёзиб қўйилган почта жўнатмалари ва буюмларининг турлари бўйича сони рақамларда кўрсатилади (91-расм). Агар ушбу почта вагони билан жўнатиладиган почта бўлмаса, у ҳолда 16-шаклдаги юкхатга *«Почта йўқ»* деб ёзилади. Бундай 16-шаклдаги юкхатлар алмашув вақтида тилхатсиз берилади.

436 Энг кам иш ҳақининг беш баробаридан кўп бўлган қиммати эълон қилинган, шунингдек тўғридан-тўғри гуруҳлар тузилмайдиган *«Hukumatga oid»*, *«Ehtiyot qiling»*, *«Avia»*, *«Mo'yna veterinariya guvohnomasi bilan»*, *«Mevalar»*, *«Sabzavotlar»* белгили посилкалар почта алоқаси ҳудудий ташкилотининг алмашув пунктидан жўнатилаёт-ганда, сонидан қатъи назар, тўғридан-тўғри алмашув почта вагонига манзилланган 16-шаклдаги алоҳида юкхатларга ёзиб қўйилади, 16-шаклдаги алоҳида юкхатлар вагонга берилган 16-шаклдаги умумий юкхатга қўшиб ёзиб қўйилади. Почта алоқаси объектлари бундай посилкаларни, сони кам (10 донагача) бўлганда, тўғридан - тўғри алмашув почта вагони манзилига берилган 16-шаклдаги умумий юкхатта ёзиб қўйилади. Почта вагонининг икки соатлик юриш доирасидаги алмашув пунктлари учун, шаҳар атрофида қатновчи поездлар учун эса дастлабки учта алмашув пунктлари учун посилкалар, агар улардан тўғридан-тўғри гуруҳлар тузилмаган бўлса, 16-шаклдаги умумий юкхатта киритиладиган 16-шаклдаги алоҳида юкхатларга ёзиб қўйилади.

437 Почта вагони билан жўнатиш учун тайёрлаб қўйилган почта ҳужжатлар билан бирга почтани кузатувчи алоқа ходимига 16-шаклдаги юкхатнинг икки нусхаси топширилади, учинчи нусхасига эса, у почтани қабул қилиб олганлиги тўғрисида имзо қўяди. Иш ҳажми катта бўлган почта алоқаси объектлари почта вагонлари билан почта алмашуви учун камида иккита алоқа ходимини ажратади. Почта - багаж поездларининг почта вагонлари билан почта алмашуви учун поезд тўхтаб турган вақт ичида барча вагонлар билан алмашувни таъминлаш учун етарли миқдорда алоқа ходимлари ажратилади.

438 Почта алмашувини амалга оширувчи алоқа ходимлари, уни вокзалга олиб келиб, почта вагони тўхтайдиган жойга поезд келиши белгиланган вақтдан камида 10 дақиқа аввал етказишади.

439 Почта алмашуви поезднинг тўхтаб туриши учун белгиланган вақтда амалга оширилади. Бошланғич ва охирги пунктларда почтани ортиш ва тушириб олиш учун зарур бўлган муддат тегишли почта алоқаси объекларининг раҳбарлари томонидан, қабул қилиниши ва топширилиши керак бўлган почта сони, шунингдек алмашув шароитларини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

16-шакл

Почта соат 21 28 дақиқада
*Саидова* кузатувида жўнатилди
(фамилия)
5 - сон гувоҳнома
___ қоплар алмашиши лозим

*жўнатилган почтага*
*ЮКХАТ*

*Когон АП* дан

*917-поезд 200 - ПВ 5-вагон* га

____ -сон қопда
контейнерда




(жўнатиш жойи тақвим тамға изи)

| Почта жўнатмалари буюмларининг номи | Сони |
|---|---|
| Контейнерлар ...................... | |
| Суғуртали қоплар ............... | *1* |
| Хат-хабарли қоплар | *1* |
| Матбуотли қоп ва тўпламлар | - |
| Ҳукуматга оид қоплар | |
| Халқаро қоплар ............... | |
| Қиммати эълон қилинган хатлар ................................ | |
| Қиммати эълон қилинган бандероллар ...................... | |
| «Эҳтиёт қилинг» белгили посилкалар .................... | |
| Эълон қилинган қиммати энг кам ойлик маошнинг беш баробаридан кўп бўлган посилкалар | 29 |
| Бўш буюмлар ..................... | *1* |
| | |
| Жами ..................... | *32* |

| т/р | Почта жўнат-малари ва буюмларининг номи | Ра-қами | Қиймати эълон қилинган, сўмда | Устама тўлов суммаси, сўмда | Қаерга, қаердан | Алоҳида белгилари | Келувчи суғуртали почта жўнатма-ларининг рақами |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | *Сугур.қоп* | *бр 63/2* | *1000* | | *Тошкент-Тўй-тепа* | | |
| 2 | *Буюрт. қоплар.* | *29* | | | - | | |
| 3 | *пос.* | *75* | | | *Бухоро 18* | | |
| 4 | -«- | *121* | | | *Газли* | | |
| 5 | -«- | *125* | | | *Газли* | | |
| 6 | *бўш. бр. қоплар* | *514* | | | *Тошкент* | | |
| 7 | | *Алоҳида юкхат бўйича* | | | | | |
| 8 | *Пос. - 15* | | | *5/1 дан* | *Тошкентга* | | |
| 9 | -«- *-11* | | | *4/1 дан* | *Андижонга* | | |
| 10 | | *Жами: Ўттиз икки* | | | | | |
| 11 | *Смена бошлиғи* | | | | *Абдуллаева* | | |
| 12 | *Оператор* | | | | *Воҳидова* | | |

91-расм 16-шаклдаги умумий юкхатни тузиш ва расмийлаштириш намунаси

Поезд кечикканда ва тўхтаб туриш вақти қисқартирилганда почта алмашуви қисқа муддатда таъминланади. **Почтанинг тўлиқ алмашуви тугамаганлиги сабабли поездни тўхтатиш мосламаси билан тўхтатиш қатиъян ман этилади.**

**440** Почта алмашувига келган алоқа ходими, кузатиб бориш ва алмаштириш ҳуқуқини берувчи 81-шаклдаги гувоҳномани ҳамда олиб келинган почтага 16-шаклдаги юкхатни кўрсатади.

Аввал почта вагонидан почта берилади, сўнг эса қабул қилинади. Поезд тўхтаб туриш вақтининг давомийлиги 5 дақиқа ва ундан камроқ қилиб белгиланган пунктларда почта билан келган алоқа ходими почта вагонига кирмасидан почта алмашувини амалга оширади.

**441** Бошланғич ва охирги пунктларда почта санаб қабул қилинади ва топширилади, номма-ном текшириб, қабул қилинадиган ҳукуматта оид, халқаро ва суғуртали қоплар, контейнерлар, энг кам иш ҳақининг беш баробаридан кўп бўлган қиммати эълон қилинган посилкалар бундан мустасно, Поезд қисқа вақтга тўхтайдиган оралиқ пунктларда ҳукуматта оид, халқаро ва суғуртали қоплар, қиммати энг кам иш ҳақининг беш баробаридан юқори деб эълон қилинган посилкалар вақт камлиги сабабли санаб қабул қилиниши, поезд жўнаши билан эса дарҳол номма-ном текширилиши шарт. Қабул қилинаётган почта овоз чиқариб саналади. Қабул қилинган почтанинг сони қабул қилувчи томонидан хужжатлардаги натижалар билан солиштирилади. Алоқа ходимлари почтани алмаштиришда, қабул қилинаётган почта жўнатмалари ва буюмларининг манзилларини кўздан кечириб чиқишлари, шунингдек ўровлар, чоклар, боғлам (лента)лар ва муҳр (пломба)ларнинг бутунлигини текширишлари шарт.

Почтанинг ҳужжатларга тўғри келмаслиги ва унинг режадан ташқари топширилиши учун почта вагони ходимлари жовобгардирлар.

**Зарур бўлган ҳолларда, почта вагонлари ҳаракатланишининг охирги пунктларида почта алоқаси ҳудудий ташкилотлари Халқаро почтамт раҳбарияти билан келишувига кўра почтани номма-ном текшириб қабул қилинишини белгилашлари мумкин.**

**442** Почта алмашуви вақтида топширилиши керак бўлган барча почта жўнатмаларини почта вагонидан тушириш таъминланади. Биринчи навбатда ҳукуматта оид почта, экспресс почта, ёзма хат-хабарлар солинган қоплар, қоплар ва матбуотли тўпламлар, суғуртали почта, кинофильм тасмалари солинган посилкалар, айрим участкаларда ер усти транспорти орқали жўнатиладиган авиапосилкалар топширилади ва қабул қилинади.

Барча тайёрлаб қўйилган почтани почта вагонининг омборхоналарига жойлаштириш имкони бўлганда ҳам ҳудди шундай кетма-кетликда топширилади ва қабул қилинадаи. Бундай ҳолларда 16-шаклдаги юкхат бўйича ортилмаган почта санаб ўтилади ва са-

баби кўрсатилади. Бу белгини почта вагони бошлиғи ва почта алмашувида қатнашувчи (кузатувчи) алоқа ходими имзолайдилар.

Почта вагонларининг бошланғич ва охирги пунктларида, шунингдек, почта вагонларини улаш пунктларида почтани қабул қилиш ва топшириш навбати Халқаро почтамт ва тегишли почта алоқаси ҳудудий ташкилотлари ўртасидаги келишувга кўра жойларда белгиланади.

443 Почта алоқаси ҳудудий ташкилотларининг алмашув пунктларида посилкалар почта вагонига йўналиш омборхонасига гурухлаб ва транзит омборхонасига алоҳида йўналиш режасига мувофиқ топширилади. Бунда энг узоққа борадиган почта биринчи навбатда топширилади.

Почта вагонларининг юк кўтариш имкониятини ва омборхона-ларда почтани ортиш учун жой мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда юк ортилади. Зарур бўлган ҳолларда, вагон омборхоналарида кейинги алмашув пунктларидаги почтани қабул қилиб олиш учун жой қолдирилади.

444 Почта вагонларига почтани қабул қилиш ушбу Қоидаларнинг 418-бандида белгиланган тартибда амалга оширилади. Почта вагонига қабул қилинган почта учун тилхат берилади ва 16-шаклдаги юкхат тақвим тамға изи орқали тасдиқланади.

445 Суғуртали почта жўнатмалари ва ўровлари шикастланган буюмлар, муҳри майдаланган ва ноаниқ, пломбаси шикастланган, боғлам тасмалари узилган, нотўғри беркитилган, шунингдек оғирлигининг камлиги аниқ кўриниб турган посилкалар почта вагонига ва почта вагонидан қабул қилинмайди. Бундай ҳолларда 16-шаклдаги юкхат ва унинг нусхасига (нусха кўчирувчи қоғоз орқали) почтани қабул қилувчи ва топширувчининг имзоси билан тахминан қуйидаги мазмунда белги қўйилади: *«Фарғонадан Қаршига жўнатилган 136-сон посилка қабул қилинмади - муҳри йўқ»* ёки *«Тошкентдан Бухорога жўнатилган 5236 - сон суғуртали қоп қабул қилинмади - муҳр изи ноаниқ».* Поезднинг туриш вақти чекланганлиги бундай белгиларни қўйиш имконини бермаса, ҳақиқатан қабул қилинган буюмларнинг сонига қараб тилхат берилади. Агар бунда энг кам иш ҳақининг беш бароба-ридан кўп бўлган қиммати эълон қилинган суғуртали қоп ёки посилка қабул қилинмаган бўлса, у ҳолда почта вагони бригадаси ёки алмашув жойи почта алоқаси объекти зудлик билан тегишли почта алоқаси ҳудудий ташкилотининг манзилига телеграмма беради, бошқа ҳолларда эса 30-шаклдаги билдиришномани икки нусхада тузадилар.

Ўрови намланган ва жойланмасида бузилиш аломатлари сезилган посилкалар манзилига уларнинг ташқи ҳолати ҳақидаги 51-шаклдаги далолатнома билан бирга жўнатилиши, унда посилка қандай шароитда ёки қайси почта жўнатмасидан (тўлиқ юбориш маълумотларини тўлиқ кўрсатган ҳолда) нам бўлиб қолгани кўрсатилиши керак.

Почта вагони бригадаси томонидан қабул қилинмаган ёпиқ буюмлар ёки почта жўнатмалари носозлик ёки шикастланганлик сабабини текшириш ва тегишли чораларни кўриш учун почта алоқаси объектига қайтарилади.

Почта вагонидан қабул қилиб олинмаган нобутун ёпиқ буюмлар ва посилкалар 51-шаклдаги далолатнома билан расмийлаштирилади ҳамда қайта ўраб жойлаш учун Халқаро почтамтга қайтарилади. 51-шаклдаги далолатномада посилка ёки буюмнинг ташқи ҳолати кўрсатилади. Янги мева ва сабзавотлар солинган ҳамда *«Ehtiyot qiling»* ёрлиғи ёпиштирилган посилкалардан ташқари, нобутун посилка ва буюмлар 51-шаклдаги далолатноманинг биринчи нусхаси билан бирга қопга жойланади ҳамда 16-шаклдаги алоҳида юкхат бўйича алмашув пунктига топширилади. 16-шаклдаги ички юкхатта қуйидагича белги қўйилади: *«_____ дан жўнатилган эълон қилинган қиммати _____сўм бўлган _____ сон посилка қайта ўраб жойлаш учун далолатнома билан қайтарилмоқда».*

Қопга сиғмайдиган посилка ёки почта буюми, шунингдек янги мева ва сабзавот жойланган ҳамда *«Ehtiyot qiling»* белгиси бўлган посилкалар очиқ ҳолда 16-шаклдаги юкхатда *«Далолатнома билан қайта ўраб жойлаш учун»* деб кўрсатиб топширилади. Бунда унинг шикастланган жойлари почта вагонининг суғурта муҳри билан муҳрланади. 51-шаклдаги далолатноманинг биринчи нусхаси 16-шаклдаги юкхатга, иккинчи нусхаси эса 16-шаклдаги юкхатнинг иккинчи нусхасига қўшиб қўйилади.

Почта вагони йўналишининг охирги пунктидаги почта алмашуви вақтида шикастланганлиги аниқланган почта жўнатмалари ва буюмлари сайёр бригададан барча ҳолларда қабул қилиб олинади. Уларни очишда охирги пунктдаги почта алоқаси объекти ходимлари билан бирга почта вагонининг бошлиғи (ўринбосари) иштирок этиши, ҳамда 51-шаклдаги далолатномани имзолаши керак. Почта вагонининг қайта улаш пунктларида ҳам нуқсон почта худди шу тартибда расмийлаштирилади.

**Вагонга қабул қилинган почта жўнатмалари ёки буюмлари шикастланганлиги туфайли йўналиши бўйича келаётган йўлидан ортга қайтарилмайди.**

**446** Почта вагонидан почтани қабул қилиш пайтида почта жўнатмасининг боғловлари, муҳри ёки ўрови шикастланган ҳолларда, почта жўнатмаси ёки буюми очилмайди, балки почта вагонининг суғурта муҳри билан муҳрланади. Бу ҳақда 16-шаклдаги юкхатга, агар у посилка бўлса, бланкасига ҳам белги қўйилади. Белги почта алмашувида иштирок этган алоқа ходимларининг имзолари ва почта вагонининг тақвим тамға изи билан тасдиқланади.

**447** Почтани топшириш пайтида бошқа жойга жўнатиладиган буюм ёки почта жўнатмалари аниқланса, улар вагонга қабул қилин-

майди. Бу ҳақда 16-шаклдаги юкхатта ва унинг нусхасига (нусха кўчирувчи қоғоз орқали) қабул қилувчи ҳамда топширувчи алоқа ходимларининг имзоларидан сўнг, нималар қабул қилинмагани ва унинг сабаблари тўғрисида белги қўйилади.

**448** Почта алоқаси объектидан почтани қабул қилишда 16-шаклдаги юкхатда қайд этилган почта жўнатмалари ёки ёпиқ буюм йўқ бўлса, почта вагони ходими фақат қабул қилинган почта сонлари учунгина тилхат беради. Бундай ҳолда 16-шаклдаги юкхатта ва унинг нусхасига (нусха кўчирувчи қоғоз орқали) почтани қабул қилувчи ҳамда топширувчи алоқа ходими имзосидан сўнг ёзув ёзиб қўйилади, масалан: *«Хўжайли гуруҳида ёзиб қўйилган ўттиз иккита посилка ўрнига ўттизта посилка қабул қилинди»*. Почта вагони йўналиши бўйича кетаётганда почта номма-ном текширилади ва почтани топширган почта алоқаси объекти бошлиғининг номига дарҳол телеграмма жўнатилиб, унда айнан нималар қабул қилинмаганлиги кўрсатилади.

Поезднинг тўхтаб туриш вақтида, қайси почта жўнатмаси ёки буюм олинмаганлигини аниқлаш имкони бўлганда 16-шаклдаги юкхат ва унинг нусхасида ушбу почта жўнатмаси ёки буюмнинг рақами, мўлжалланганган ва жўнатилган жойи кўрсатилади.

Қайд этилмаган суғуртали қоплар, суғуртали почта жўнатмалари, ёзма хат-хабарли қопларни қабул қилишда почтани қайд этмасдан топширишга йўл қўйган почта алоқаси объекти ёки почта вагони бригадасига дарҳол телеграмма жўнатилади.

**449** Почта вагонига почта тўлиқ қабул қилиб олинмаганда ва поезднинг қисқа вақтта тўхташи сабабли қабул қилинган почта учун тилхат берилмаганда, сайёр ходимлар қайси почта жўнатмалари ва буюмлари 16-шаклдаги юкхатта биноан олинмай қолганини дарҳол аниқлашлари ҳамда почта алоқаси объектига қабул қилинган почта жўнатмалари ва буюмларининг умумий сонини, олинмаган почта жўнатмалари ва буюмларининг номлари ҳамда рақамларини телеграф орқали хабар қилишлари керак. Почта вагонидан почта тўлиқ олинмаганда, аслида қабул қилинган почта сони учун тилхат берилади. Почта вагони бошлиғи вагонда қандай почта жўнатмалари ва буюмлари қолганлигини почта вагонининг келиш йўлидан телеграмма орқали тасдиқлаши керак. Иккала ҳолда ҳам телеграммалар йўлда биринчи учраган телеграф мавжуд бўлган алмашув пунктига 16-шаклдаги юкхатта қайд этилган ҳолда топширилади. Телеграммаларнинг нусхалари почта вагони бригадаси ҳужжатларига қўшиб тикиб қўйилади.

**450** Почта алмашуви ҳали йўлга қўйилмаган почта алоқаси объекти томонидан почта вагонига элтиб берилган ёки почта алоқаси объектининг дам олиш куни элтиб берилмаган почтани сайёр бригада ҳеч қандай қаршиликсиз қабул қилишга ва унга тилхат ёзиб беришга мажбурдир.

**451** Агар почта кузатувчиси топширилган почта учун 16-шаклдаги юкхат нусхасини почта алоқаси объектига тилхат билан элтиб берса ва бунда почта вагони тақвим тамғасининг изи бўлмаса, поезд йўналиши бўйича йўлдаги почта алоқаси объектига почта вагонининг бошлиғи номига почта қабул қилиб олинганлигини тасдиқлашини илтимос қилиб телеграф сўровини жўнатади. Почта вагони бошлиғи бундай телеграммани олиб, дарҳол телеграф орқали қабул қилинган почтанинг турлари бўйича сонини тасдиқлайди, масалан: *«21 ноябрда юкхат бўйича битта хат-хабарли қоп, битта суғуртали қоп, учта посилка қабул қилинди. қ ПВБ Матчанова».*

Почта вагонидан яширин нуқсон (яширин чоклар, ниқобланган қўшимча тугун, уқиб бўлмайдиган суғурта муҳри ва ҳ.к.) бўлган посилка ёки суғуртали қоп қабул қилинган ҳолда масъул навбатчи кузатувчидан почтани қабул қилиб олгандан сўнг зудлик билан Халқаро почтамт манзилига телеграмма йўллайди, унда аниқланган камчиликнинг тури ва посилка (суғуртали қоп)нинг ҳақиқий оғирлигини кўрсатади.

**452** Алоқа ходими почта вагонига почта кузатиб бориш ва алмаштириш ҳуқуқини берувчи 81-шаклдаги гувоҳномасиз ёки 16-шаклдаги юкхатсиз келган бўлса, унда почта қабул қилиб олинади, лекин унга фақат матбуотли қоплар ва тўпламлар ҳамда ёзма хат-хабарлар берилади. Почта вагонининг 16-шаклдаги юкхатни иккала нусхасида ҳам нусха кўчирувчи қоғоз орқали қуйидаги мазмунда қайднома ёзилади: *«Почта кузатувчиси ____________ (қоида бузилиши кўрсатилсин) келгани сабабли унга ____________ почта вагонидан хат-хабарли қоплар ва матбуотли қоп ва тўпламлар берилди. Қолган почта берилмади».* Почта алмашуви тўлиқ амалга оширилмаганлиги тўғрисида почта вагони бошлиғи қоидани бузган ходим ишлайдиган почта алоқаси ҳудудий ташкилотининг раҳбарига телеграмма орқали хабар қилади. Телеграмма тахминан қуйидаги шаклда тузилади:

*Фарғона «Фарғона почтаси» Директорига*

*Қўқон почта алмашув пункти ходимлари 25 ноябрда 925-сон Тошкент-Андижон поездига почта алмашуви учун гувоҳномасиз келишган. 42 та буюмдан иборат бўлган суғурта почтаси Марғилонда топширилди = ПВБ Раҳматуллаев*

Агар почта 16-шаклдаги юкхатсиз элтиб берилган бўлса, у ҳолда телеграммада қабул қилинган почтанинг турлари бўйича сони кўрсатилади. Телеграмманинг нусхаси почта вагони ҳужжатларига қўшиб тикиб қўйилади. 16-шаклдаги юкхатсиз элтиб берилган почтани почта вагонинг бригада аъзолари нусха кўчирувчи қоғоз орқали икки нусхада тузиладиган 16-шаклдаги юкхатта ҳақиқий қабул қилинганлиги бўйича ёзиб қўядилар, унда қабул қилинган почта жўнатмалари ва буюмларининг

номлари ҳамда сони турлари бўйича ёзилади. Поезд узоқ тўхтаб турадиган ҳолларда почта буюмлари ва почта жўнатмалари 16-шаклдаги юкхатга номма-ном ёзилади. Ёзишдан олдин 16-шаклдаги юкхатда *«Почта________дан (корхонанинг номи кўрсатилсин) юкхатсиз келтирилган»* деб кўрсатилади. Тузилган 16-шаклдаги юкхат почтани топширувчи ва қабул қилувчи алоқа ходими томонидан имзоланади, масалан: *«Почтани кузатувчиси Саидов топширди. Тўрт буюмни ПВБ Имомов қабул қилди»*. 16-шаклдаги юкхатнинг биринчи нусхаси почта вагонида қолади, иккинчи нусхаси эса почтани кузатувчи ходимга берилади. Агар поезд тўхтаб турган вақтда 16-шаклдаги юкхатни номма-ном тузиш имкони бўлмаса, у йўлда тузилади. Бундай 16-шаклдаги юкхатнинг сарлавҳасида *«Иккиламчи батафсил»* деб кўрсатилади. 16-шаклдаги иккиламчи юкхатнинг биринчи нусхаси почтани 16-шаклдаги юкхатсиз қабул қилинган почта алоқаси объектининг раҳбарига хизматга оид хат билан юборилади, иккинчи нусхаси эса почта вагони ҳужжатларига қўшиб тикилади.

**453** Почта алоқаси объектининг ходими почта алмашувига келмаганда почта вагони бошлиғи йўналиш бўйича навбатдаги пунктдан почта алмашуви бўлмаганлиги тўғрисида телеграмма жўнатади. Телеграмма ушбу Қоидаларларнинг 452-бандида кўрса-тилган тартибда тузилади ва жўнатилади. Телеграмманинг нусхаси почта вагони ҳужжатларига қўшиб қўйилади.

### 7.4 Почтани йўловчи вагонларнинг купеларида ёки юк багаж билан жўнатиш

**454** Ёзма хат-хабарлар ва газеталар тезюрар ҳамда йўловчи поездларнинг багажли вагонларида, шунингдек умумий фойдаланишдаги автобусларда жўнатилиши мумкин.

Иш ҳажми катта бўлмаган маҳаллий линияларда йўловчи вагонларнинг купеларида битта ёки иккита алоқа ходимининг кузатувида почта ташилиши мумкин. Купеда йўловчилардан ажратилган, почта ва қимматбаҳо буюмларнинг сақланишини таъминловчи тегишли жиҳозлари бўлган ҳолларда, почта жўнатмаларига йўлда, почта вагонлари учун кўзда тутилган тартибда, ишлов берилади. Бундай шароитлар мавжуд бўлмаганда фақат матбуот ва ёзма хат-хабарлар берк буюмларда, йўлда ишлов берилмасдан ташилади.

Жўнатиш пунктларининг почта алоқаси объектлари хат-хабарлар ва газеталарни юкбагаж билан режали жўнатиш белгиланганлиги тўғрисида қабул қилувчи пунктларни олдиндан хабардор қилишлари шарт. Агар бирор сабабга кўра хат-хабарлар юк багаж билан жўнатилмаган ёки режадан ташқари поезд орқали жўнатилган бўлса, жўнатиш пунктининг почта алоқаси объектлари бу ҳақда тегишли пунктга телеграф (телефон) орқали хабар беришлари шарт. Юкбагаж билан жўна-

тилган почта ва огоҳлантирувчи телеграмма (телефонограмма) олинмаган ҳолларда, бу ҳақда почтани юкбагаж билан жўнатишни амалга оширувчи почта алоқаси объектига телеграф (телефон) орқали хабар қилинади.

455 Хат-хабарлар солинган қоплар, шунингдек матбуотли қоплар ва тўпламларнинг манзил ёрлиқларида, шунингдек 16-шаклдаги юкхатда: қоп (тўплам) қайси бекатда топширилиши, манзили, қоп (тўплам) қаердан келаёттани, уларнинг оғирлиги ва рақами, жойланманинг тури, поезд рақами ёки автобуснинг йўналиши кўрсатилади.

456 Юкбагаж билан жўнатиладиган, почта топшириладиган ҳар бир пунктда 16-шаклдаги юкхатлар икки нусхада тузилади. Бундан ташқари, 35-шаклдаги тарқатиш қайдномаси уч нусхада тузилади (92-расм). 35-шаклдаги тарқатиш қайдномасига 16-шаклдаги юкхатда почтани топшириш пунктлари кетма-кет келиш тартибида қайд этилган қоп (тўплам)лар ёзиб қўйилади. Тарқатиш қайдномаларини рақамлаш ой давомида олиб борилади.

35-шакл

*17*- сон ТАРКАТИШ ҚАЙДНОМАСИ

*Тошкент* т.й.
(жўнатиш пунктининг номи)

станциясида топширилган газетали қоплар ва тўпламлар, хат-хабарли қопларни жўнатиш учун

*2001 йил 20 апрелда 53 - сон поезд билан*
(жўнатиш санаси, поезд ёки автобус маршрути рақами)
*Халкаро почтамт хисобидан*

| Жўнатилган станция номи | Жўнатилган жойдаги почта алоқаси объектининг номи | Буюмлар сони | Буюмлар оғирлиги, кг | Олинганлик тўғрисида тилхат |
|---|---|---|---|---|
| *Алохида* | *юкхат буйича* | | | |
| *Самарканд* | *Самарқанд АП* | *2* | *20* | |
| *Когон* | *Когон АП* | *2* | *15* | |
| *Урганч* | *Урганч АП* | *2* | *23* | |
| Жами: | *6 (олтита) буюм* | | *58* | |

Цех бошлиғи *Каримов*
(имзо)
Оператор *Рахимов*
(имзо)

92 - расм Тарқатиш қайдномасининг намунаси

457 Юк багаж билан жўнатиладиган почта солинган қоплар багаж омборхонасига бошланғич пунктда поезднинг жўнашигача камида 30 дақиқадан кечиктирмай ва оралиқ бекатларда поезд келишидан камида 50 дақиқа аввал тарқатиш қайдномасининг иккинчи нусхасида тилхат билан топширилади.

Тарқатиш қайдномасининг биринчи нусхаси алоҳида юкхатларнинг асл нусхалари билан бирга багажни қабул қилиш -топшириш вазифасини бажарувчи ходимга берилади. Қайдноманинг иккинчи нусхаси юкбагаж, квитанция ва алоҳида юкхатларнинг нусхалари билан жўнатиш пунктидаги почта алоқа объектининг ҳужжатларига қўшиб тикиб қўйилади. Қайдноманинг учинчи нусхаси багаж омборхонасида қолади.

Почтани юклаш ва тушириш ишларини бажариш учун темир йўл ходимлари томонидан таъминланади.

Бекат бошлиқлари билан келишувга кўра хат-хабарли қоплар ва матбуотли қоп (тўплам)лар ҳужжатлар расмийлаштирилгандан сўнг алоқа ходимлари томонидан тўғридан-тўғри багажли вагонга топширилиши мумкин.

458 Багаж вагонидан почта ҳужжатлар бўйича текширув орқали қабул қилинади. Буюмлар сони ҳужжатдаги ёзувларга мос келмаганда ёки ўровига зарар етгани (нуқсон) аниқланганда, бу ҳақда 51-шаклдаги далолатнома уч нусхада тузилади, у қабул қилувчи алоқа ходими ва багажни қабул қилиш - топшириш вазифасини бажарувчи ходим томонидан имзоланади. Поезд қисқа вақтга тўхтаганда ва 51-шакладаги далолатномани тузиш имкони бўлмаганда, қабул қилиш - топшириш етишмайдиган қоп (тўплам)ни рўйхатдан чиқариб ташлаш тўғрисида ёки ўровнинг шикастлангани тўғрисида ҳужжатларга белги қўйиши керак. Бу ҳолда 51-шаклдаги далолатнома поезд жўнагандан сўнг дарҳол темир йўл станциясининг вакили иштирокида алоқа ходими томонидан тузилади. 51-шаклдаги далолатноманинг биринчи нусхаси алоқа ходимида қолади, иккинчи нусхаси қабул қилиш - топшириш вазифасини бажарувчи ходимга ёки далолатнома тузилган пунктдаги темир йўл бекати вакилига берилади, учинчи нусхаси почта алоқаси объекти томонидан почтани жўнатган почта алоқаси объектига текшириш учун йўлланади.

## 7.5 Ҳаво кемаларида почтани жўнатиш ва алмаштириш

459 Почтани ташишда авиакорхоналар ва почта алоқаси объектларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг ҳаво кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Почта алоқаси тўғрисида»ги Қонуни, ҳаво йўллари бўйича Ўзбекистон Республикасининг почтасини ташиш Қоидаларлари,

ушбу Қоидаларлар ҳамда тузилаётган шартномалар билан белгиланади.

**460** Почтани ҳаво транспорти билан жўнатиш учун почта алоқаси объектлари оддий ва буюртмали хатлар, қиммати эълон қилинган хатлар, оддий ва буюртмали бандероллар, қиммати эълон қилинган бандероллар, майда посилкалар ва энг кам иш ҳақининг бир баробаридан кўп бўлган қиммати эълон қилинган посилкаларни ҳаво кемаси қўнадиган ҳар бир пунктгача алоҳида қопларга жойлайдилар. Бошқа посилкалар, шу жумладан *«Ehtiyot qiling»* белгиси қўйилганлари қопга беркитилмасдан, очиқ ҳолда жўнатилади.

*«Ehtiyot qiling»* белгиси қўйилган, энг кам иш ҳақининг бир баробаридан ортиқ бўлган қиммати эълон қилинган авиапосилкалар фақат, доимий ер усти алоқаси бўлмаган пунктларга жўнатилади. Ҳар бир рейс учун бундай авиапосилкалар сони 10 та дан ошмаслиги керак.

**461** Жадвалга мувофиқ биттадан ортиқ қўниш жойига эга бўлган ҳаво кемаларида очиқ ҳолда жўнатиладиган посилкалар почта алоқаси объектларида уларни ҳаво транспортига топшириш вақтида тамға изи туширилиши керак.

Посилкалар қуйидаги тартибда тамғаланади: посилканинг чап ён томонига (2-шаклдаги ёрлиқ жойлашган жойда) 10 х 5 см ўлчамдаги тамға изи босиладиган ёрлиқ ёпиштирилади, унда қизил рангда *«________ га топширилсин (манзилланган жойдаги аэропорт номи ёки ташиш ҳужжатларида қайси манзилгача расмийлаштирилганига боғлиқ ҳолда қайта юкланадиган пункт)»* деб ёзилади. Ёзув йирик ва аниқ бўлиши керак.

Авиапосилкаларни бир рейсдан бошқасига юклаш пунктларида почта алоқаси объектлари қайта маркалашни, уларнинг олдинги ёрлиқларига чизиб қўйиш ва посилка топширилган аэропорт номи кўрсатилган янгисини ёпиштириш йўли билан амалга оширади.

Ҳаво кемаларининг тўғри борувчи рейслари билан (йўлда ҳеч ерда қўнмасдан) жўнатиладиган посилкалар тамғаланмайди.

**462** Ёпиқ ҳолда жўнатилувчи посилкаларнинг бланкалари посилкалар ва 16-шаклдаги юкхатлар билан биргаликда қопларга солиниб, беркитилади. Посилкалар очиқ ҳолда жўнатилганда бланкалари ҳаво кемасининг ҳар бир қўниш пункти учун алоҳида, махсус конвертларга солинади.

**463** Ҳаво кемаларида жўнатиладиган қопларга муҳр босиш учун чуқур ўйиқлари бўлган (93-расм) фанер биркаларга ёпиштирилган 14-шаклдаги манзил ёрлиқлари бириктирилади, уларда қуйидагилар кўрсатилади; қопда жўнатилаётган почта жўнатмаларининг тоифаси ёки тури *(«Hukumatga oid», «Xalqaro», - «Sug'urtali» ва б.)*, қоп топшириладиган аэропортнинг аниқ номи, манзил, жўна-

тиш жойи қопнинг рақами ва оғирлиги. Ёрлиқ қопни беркитган алоқа ходимлари томонидан имзоланади ва суғурта тамға изи туширилади. Манзил ёрлиқлари диагонали бўйича фарқланиб турувчи рангли чизиқ билан фарқланади:

а) ҳукуматга оид, халқаро ва суғуртали почта қоплари учун - қизил рангли;

б) хат-хабарлар солинган қоплар учун - кўк рангли.



14-шакл

*Суғуртали* АВИА
(хат-хабарлар тоифаси)

Қаерга *Фарғона*

*Фарғона* да топширилсин

*Халқаро почтамт* дан

*7011* - сон қоп

Оғирлиги *8* кг - г

*Юнусов, Отамуллаев* беркитди (лар)
(имзо)

(жўнатиш жойи тақвим тамға изи)

93 - расм 14-шаклдаги манзил ёрлиғини расмийлаштириш намунаси

464 Почта қопларининг оғирлиги 5 кг дан кам бўлмаслиги керак. Ҳаво кемасининг битта қўниш пунктига мўлжалланган, оғирлиги 5 кг гача бўлган хат-хабарлар жойланган қоплар почта алоқаси объектлари томонидан битта умумий қопга беркитилади, унга 16-шаклдаги юкхат қўшиб қўйилади. 16-шаклдаги юкхатнинг нусхаси почта алоқаси объектларида қолади. Истисно тариқасида фақат ҳукуматга оид, халқаро ва суғуртали почта қопларини жўнатиш учун, шунингдек алоҳида қўниш пунктига оғирлиги 5 кг гача бўлган биттадан кўп бўлмаган қопларни жўнатишда оғирлигини камайтиришга йўл қўйилади.

465 Почтани ҳаво кемаларида жўнатиш учун почта алоқаси объектлари томонидан қуйидагилар:

а) почта жўнатмалари ва буюмларига (94-расм) 16-а шаклдаги алоҳида юкхатлар икки нусхада;

б) ҳаво кемасининг ҳар бир оралиқ ва охирги қўниш пункт-

ларига жўнатиладиган почтага 16-а шаклдаги умумий юкхатлар уч нусхада (95-расм);

в) ҳаво кемасининг ҳар бир рейси билан жўнатиш учун топшириладиган барча почтага 16-б шаклдаги рейс юкхати икки нусхада (96-расм) ёзилади.

Ҳукуматта оид, халқаро ва суғурта почта жўнатмалари солинган қопларга ҳамда энг кам иш ҳақининг бир бароридан кўп бўлган қиммати эълон қилинган *«Ehtiyot qiling»* белгили посилкалар учун ҳаво кемасининг ҳар бир қўниш пунктига, ушбу почтанинг сонидан қатъи назар, алоҳида юкхат тузилади. Бу юкхатнинг юқоридаги ўнг бурчагига тамға изи туширилади ёки қўлда *«Sug'urtali»* белгиси қўйилади.

Алоҳида юкхатлар, шунингдек ҳукуматта оид, халқаро ва суғуртали почта қоплари гуруҳига, хат-хабарли қоплар, энг кам иш ҳақининг бир бароридан кўп бўлган қиммати эълон қилинган *«Ehtiyot qiling»* белгили посилкалар гуруҳи, посилкалар ва нашрларга ҳам алоҳида юкхатлар ёзилади.

Алоҳида юкхатлар ҳаво кемасининг қўниш пунктидаги почта алоқаси объекти йўлланган манзилига 16а-шаклдаги умумий юкхатга (посилкалардан ташқари) ёзиб қўйилади. Шу юкхатнинг ўзига 16-шаклдаги алоҳида юкхатларга киритилмаган почта буюмлари ва жўнатмалари (ҳукуматта оид, халқаро, суғуртали қоплар энг кам иш ҳақининг бир бароваридан кўп бўлган қиммати эълон қилинган, «Эҳтиёт қилинг» белгили посилкалардан ташқари) ёзиб қўйилади. Ҳаво кемасининг ҳар бир қўниш пунктига битта умумий юкхат тузилиши керак. Умумий юкхатнинг биринчи ва иккинчи нусхалари уларга қўшиб ёзиб қўйилган алоҳида юкхатларнинг биринчи нусхалари билан бирга ҳаво кемаси орқали жўнатиладиган почта жўнатмаларининг ҳужжатлари солинган конвертларга жойланади. Суғуртали почта жўнатмаларга тегишли алоҳида юкхатлар умумий юкхат билан бирга конвертга жойланади. Конвертнинг чап томонида почта жўнатмалари манзилланган аэропорт пунктининг номи, рейси ва ҳаво кемасининг рақами, почтани жўнатувчи почта алоқаси объектининг номи, конвертга солинган юкхатлар сони кўрсатилади. Конвертнинг ўнг томонида почта буюмлари ва жўнатмаларининг сони (турлари бўйича), почтанинг умумий оғирлиги ва якуни кўрсатилади. Конвертларда кўрсатилган маълумотлар алоқа ходими томонидан имзоланади ва тақвим тамға изи туширилиб, тасдиқланади. (97-расм).

**466** 16 б-шаклдаги рейс юкхатига 16а-шаклдаги умумий юкхатлар қўшиб ёзиб қўйилади. Ўша ернинг ўзида почтани ташиёттан ҳаво кемасининг қўниш пунктлари, почта қаерга жўнатилаётгани, унинг турлари бўйича сони, умумий сони ва ҳар бир қўнадиган пунктгача бўлган оғирлиги, почтани контейнерларда юборишда эса, контейнер рақами, уларнинг умумий оғирлиги ва соф оғирлиги кўрсатилади. Ҳаво кемасининг ҳар бир рейсига битта рейс юкхати тузилиши керак.

**Жўнатилган авиапочтага**

**АЛОҲИДА ЮКХАТ**

*XU 1327* - сон рейс

*Халқаро почтамт* дан
(жўнатиш жойи)

*Бухоро* га
(манзилланган жой)




(жўнатиш жойи тақвим тамға изи)

| Почта жўнатмалари ва буюмларнинг номи | Сони | Оғирлиги, кг |
|---|---|---|
| | | |
| Ҳукуматга оид жўнатмали қоплар ................. | | |
| Халқаро жўнатмали қоплар .......................... | | |
| Суғуртали жўнатмали қоплар ......................... | | |
| Ёзма хат-хабарли қоплар ................................ | *3* | *22,2* |
| Даврий нашрли қоплар ва тўпламлар ............... | | |
| Эълон қилинган қиммати энг кам иш ҳақининг бир баробаридан кўп бўлган «Эҳтиёт қилинг» белгили посилкалар ............... | | |
| Оддий ва эълон қилинган қиммати энг кам иш ҳақининг беш баробаригача бўлган посилкалар | | |
| | | |
| Жами | *3* | *22,2* |

16-а шакл

| Манзилланган жой | Жўнатиш жойи | Тури | Қоплар (посилкалар) нинг рақами | Қиммати эълон қилинган сумма, сўм | Қопдаги жойланма | Оғирлиги, кг |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ***Бухоро*** | ***«Халқаро почтамт»*** | *қоп* | *112* | | ***хат-хабар.*** | ***8,5*** |
| ***Бухоро*** | ***«Халқаро почтамт»*** | *-//-* | *17* | | *-//-* | ***6,0*** |
| ***Бухоро*** | ***«Халқаро почтамт»*** | *-//-* | *407* | | *-//-* | ***7,7*** |
| | Жами | | *Уч* | | | *22,2* |
| | ***Бригадир*** ***Назаров*** | | Оператор | ***Саматов*** | | |
| | | | | | | |

94 - расм Ҳаво кемаларида жўнатилувчи почтага 16-шаклдаги алоҳида юкхатни тузиш ва расмийлаштириш намунаси

16-а шакл

Жўнатилган авиапочтага

## УМУМИЙ ЮКХАТ

*XU - 1327* сон рейс

*Халқаро почтамт* дан
(жўнатиш жойи)

*Бухоро* га
(манзилланган жой)




(жўнатиш жойи тақвим тамға изи)

| Почта жўнатмалари ва буюмларининг номи | Сони | Оғирлиги, кг |
|---|---|---|
| Ҳукуматга оид жўнатмали қоплар .............................. | | |
| Халқаро жўнатмали қоплар ........................................ | | |
| Суғуртали жўнатмали қоплар .................................... | | |
| Ёзма хат-хабарли қоплар ............................................. | *4* | *29,9* |
| Даврий нашрли қоплар ва тўпламлар ........................ | *15* | *141,0* |
| Бўш буюмлар.................................................................... | | |
| Оддий ва эълон қилинган қиммати энг кам иш ҳақининг беш баробаригача бўлган посилкалар | *10* | *66,7* |
| Эълон қилинган қиммати энг кам иш ҳақининг бир баробаридан кўп бўлган «Эҳтиёт қилинг» белгили посилкалар...................................................... | | |
| Контейнерлар ..................................умумий оғирлиги | | |
| ............................................................... соф оғирлиги | | |
| Жами....... | *29* | *237,6* |

| Белгиланган жойи | Жўнатиш жойи | Тури | Қоплар (посилкалар)нинг рақамлари | Эълон қилинган қиммати, сўм | Қопдаги жойланма | Сони | Оғирлиги, кг | Контейнерлар: Рақами | Контейнерлар: Умумий оғирлиги, кг | Контейнерлар: соф оғирлиги, кг |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| *Бухоро* | *Тошкент почтамт* | *қоп* | *12* | | *хат-хабар* | *1* | *7,7* | | | |
| **Алоҳида юкхат ва рўйхат бўйича:** | | | | | | | | | | |
| *ПБ Бухоро* | *Тошкент Халқаро почтамт* | *қоп* | | | *хат-хабар* | *3* | *22,2* | | | |
| *Бухоро почтамт* | *Тошкент Халқаро почтамт* | *қоп* | | | *даврий мат.* | *15* | *141,0* | | | |
| *Олот* | *Тошкент Халқаро почтамт* | *пос.* | | | | *10* | *66,7* | | | |
| *Жами* | *Йигирма тўққиз* | | | | | *29* | *237,6* | | | |

*Смена бошлиғи* *Садиқов* (имзо) *Бригадир* *Назаров* (имзо)

95 - расм Ҳаво кемаларида жўнатилувчи почтага 16-а шаклдаги умумий юкхатни тузиш ва расмийлаштириш намунаси

16-б шакл

2001 йил « 10 » феврал да жўнатилган авиапочтага

## РЕЙС ЮКХАТИ

O'ZBEKISTON * 10 02 01 * * е * TOSHKENT XP ПЛ

*XU-1051* - сон рейс

*Халқаро почтамт* дан

(почтани жўнатувчи почта алоқаси объектининг номи)

*Тошкент - Урганч* йўналиши бўйича

(йўналиш номи)

(жўнатиш жойи тақвим тамға изи)

| Самолётнинг қўниш пункти | Рақами | Умумий | Соф | Ҳукуматга оид жўнатмали | Халқаро жўнатмали | Суғуртали жўнатмали | Ёзма хат-хабарли | Даврий нашрли | Оддий ва эълон қилинган қиймати энг кам иш ҳақининг беш баробаридан кўп бўлган | Эълон қилинган қиммати энг кам иш ҳақининг бир баробаридан кўп бўлган «Эҳтиёт қилинг» белгили | Буюмлар | Оғирлиги кг |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | оғирлиги, кг | | қоплар | | | | | посилкалар | | | |
| | контейнерлар | | | сони | | | | | сони | | жами | |
| *Урганч* | | | | | | *5* | | | *10* | | *15* | *92* |
| *Жами* | | | | | | *5* | | | *10* | | *15* | *92* |

*Смена бошлиғи* *Саргунбаева*

(лавозим ва имзоси)

*Бригадир* *Иброҳимов*

(лавозим ва имзоси)

96 - расм Ҳаво кемаларида жўнатилувчи почтага 16-б шаклдаги рейс юкхатини ёзиш ва расмийлаштириш намунаси

33-шакл

**Самолёт билан жўнатиладиган почтага илова кужжат**

**К О Н В Е Р Т И**

*Халқаро почтамт* ___ дан
(почтани жўнатувчи почта алоқаси объектининг номи)

*1327* - рақамли самолёт
*19* рейс рақами

*Бухоро* ___ га
(почта манзиллангалган аэропорт номи)

| Почта жўнатмалари ва буюмларининг номи | Сони | Оғирлиги кг |
|---|---|---|
| Ҳукуматга оид жўнатмали қоплар... | *1* | *5* |
| Халқаро жўнатмали қоплар...... | *2* | *40* |
| Суғурталн жўнатмали қоплар ... | *1* | *7* |
| Ёзма хат-хабарли қоплар ......... | *2* | *13* |
| Даврий нашрли қоплар........... | *13* | *102* |
| Оддий ва эълон қилинган қиммати энг кам иш ҳақининг беш баробаригача бўлган посилкалар ............................... | *2* | *15* |
| Эълон қилинган қиммати бир ойлик энг кам иш ҳақидан юқори бўлган «Эҳтиёт қилинг» белгили посилкалар .................. | | |
| Жами ............ | *21* | *182* |

Юкхат ва рўйхатлар сони
___ варақ

O'ZBEKISTON
10 02 01
TOSHKENT XP N2

(жўнатиш жойи тақвим тамғаси изи)

*бригадир*
(лавозими)

*Файзиева*
(имзо)

97-расм Ҳаво кемаларида жўнатиладиган почтага илова ҳужжатлари бўлган пакетни расмийлаштириш намунаси

Почта алоқаси объектининг ходими авиакорхонадан юкхатлар ва конвертда кўрсатиладиган рейс рақамини олдиндан аниқлайди. Жўнатиш учун тайёрланган почта йўналиш юкхати ва ичига ҳужжатлар солинган конверт билан бирга почта алоқаси объектидан почтани қабул қилиб олишга вакил қилинган авиакорхонанинг юк ташиш хизмати ходимига берилади. Почта қабул қилиб олингани тўғрисидаги тилхатда сўз билан қабул қилиб олинган буюмларнинг сони, қабул қилинган сана ва вақт, қабул қилувчининг лавозими ва фамилияси кўрсатилади. Тилхат юк ташиш хизмати ходимининг шахсий муҳри ёки авиакорхона тамғаси билан тасдиқланади. Рейс юкхатининг нусхаси юк ташиш хизмати ходимининг тилхати билан почта алоқаси объектида қолади, почта жўнатилганлиги тўғрисидаги авиакорхона белгиси қўйилган асл нусха эса, жўнатиш жойидаги аэропортда сақланади.

**467** Ҳаво кемасининг бир қўниш пунктига эга айрим маҳаллий ҳаво йўлларида ва почта жўнатмалар тўғридан-тўғри экипаж аъзосига (учувчига, борт кузатувчисига) топшириладиган йўналишларда, 16б-шаклдаги рейс юкхати ёзилмаса ҳам бўлади. Бу ҳолда 16а-шаклдаги умумий юкхати тўрт нусхада ёзилади. Қабул қилинган ва топширилган почта жўнатмалари учун тилхат 16а-шаклдаги умумий юкхатларнинг нусхаларида амалга оширилади. Ҳаво кемасининг қўниш пунктига почта жўнатмалари ёки буюмларининг ҳар бир тури учун гуруҳлар тузиб бўлмайдиган даражада кам сон почта жўнатилганда, 16а-шаклдаги алоҳидаги юкхатлар ёзилмаса ҳам бўлади. Ҳукуматта оид, халқаро суғуртали почта қоплари ва энг кам иш ҳақининг бир бароборидан кўп бўлган қиммати эълон қилинган *«Ehtiyot qiling»* белгили посилкалардан ташқари, барча почта жўнатмалари тўғридан-тўғри 16а-шаклдаги умумий юкхатта ёзилади.

**468** Ҳукуматга оид, халқаро, суғуртали почта қоплари ва энг кам иш ҳақининг бир баробаридан кўп бўлган қиммати эълон қилинган *«Ehtiyot qiling»* белгили посилкалар аэропорт ходими ёки экипаж аъзоси (учувчи, борт кузатувчиси)га гуруҳлаб, бошқа почта жўнатмалридан алоҳида 16а-шаклдаги юкхатлар бўйича текширилиб кўрсатилади ва номма-ном қабул қилинади, қолган почта жўнатма-лари эса - ўровининг бутунлиги, муҳрлар (пломбалар) ва боғловлар бутлигини кўздан кечириб, санаб қабул қилинади. Алоқа ходим-ларидан қабул қилинган почта учиш майдонига етказилади ва ҳаво кемасига аэропорт ходимлари ҳамда воситалари ёрдамида ортилади.

**469** Аэропорт ҳудудида жойлашган почта алоқаси объекталридан почтани ҳаво кемасига ташиб келиш ва ортиш, шунингдек, почта жўнатмалрини ҳаво кемасидан тушириш, почта алоқаси объектларигача ташиш ишлари аэропорт ходимлари ва воситалари ёрдамида амалга оширилади. Почта алоқаси объектлари бўлмаган аэропортларда почта жўнатмалрини ҳаво кемаларига ортип ва тушириш ишлари аэропортларнинг ходимлари ва воситалари ёрдамида, аэропортдан почта алоқаси объектларигача (аэропортдан ташқарисидаги) эса почта алоқаси объектларининг ходимлари ва воситалари ёрдамида амалга оширилади. Агар аэропортда почта алоқаси объекти бўлмаса, алоқа ходимига почта жўнатмалари аэропорт омборхонасида берилади. Почта алоқаси объекти шартномаларда кўрсатилган муддатларда почтани қабул қилиб олиш учун аэропортта ўз вакилларини юборишни таъминлайди.

**470** Алоқа ходими почта жўнатмалрини авиакорхона юк ташиш хизмати ходими (тижорат юклари учун масъул шахс)дан қабул қилаётганда қуйидагиларни:

конвертларда ушбу рейснинг ҳар бир қўниш пунктидан олинган 16а - шаклдаги умумий юкхатлар, шунингдек 16а - шаклдаги алоҳидаги юкхатларнинг мавжудлигини;

ҳукуматга оид, халқаро, суғуртали қоплар ва энг кам иш ҳақининг бир баробаридан кўп бўлган деб қиммати эълон қилинган *«Ehtiyot qiling»* белгили посилкалар номма-ном, қолган почта буюмлари ва жўнатмаларини санаб олишда 16а - шаклдаги умумий юкхатлар бўйича уларнинг ўровлари, боғламлари бутунлигини ва муҳри, пломбалари, қоғоз тасмаларининг бутлигини синчиклаб кўриліб текширилади.

Почта жўнатмаларини қабул қилиб бўлгандан сўнг, алоқа ходими 16а – шаклдаги умумий юкхатларнинг нусхаларига қабул қилинган буюмларнинг сонини сўз билан кўрсатиб, имзо қўяди. Агар почта жўнатмалари почта алоқаси объектида қабул қилинаётган бўлса, тилхат тақвим тамға изини тушириб, тасдиқланади.

**471** Ҳаво кемаси рейсининг оралиқ ёки охирги пунктида носоз бўлган почта жўнатмаси олинганида, почта жўнатмаси ёки 16а-шаклдаги юкхатга ёзиб қўйилган буюмлар олинмаганда, ҳукуматга оид, халқаро, суғуртали қоплар ва энг кам иш ҳақининг бир баробаридан кўп бўлган қиммати эълон қилинган *«Ehtiyot qiling»* белгили посилкалар алмашиб қолганда, почта ҳужжатларисиз ёки ҳужжатлар почта жўнатмаларисиз қабул қилинганда 52-шаклдаги идоралараро далолатнома (98-расм) тўрт нусхада: икки нусхаси-почта алоқаси объекти учун ва икки нусхаси-авиакорхона учун тузилади. Далолатноманинг барча нусхаси бир хил хуқуқий кучга эга. Далолатномада Ўзбекистон Республикаси почта жўнатмаларини **Ҳаво йўллари бўйича ташиш қоидаларининг** бузилиш сабабларини текширишда, тўғри якун ва хулоса чиқаришга имкон берувчи маълу-мотлар кўрсатилиши керак. Далолатнома, лавозимлари шартнома билан белгиланган почта алоқаси объектлари ва авиакорхоналарнинг ходимлари томонидан имзоланади. Имзолар почта алоқаси объектининг тақвим тамға изи ва юкларни ташиш хизмати ходимининг шахсий тамға изини тушириш билан тасдиқланади.

**472** Агар почта жўнатмалари қабул қилингани тўғрисидаги тилхат берилгандан кейин посилка, хат-хабарлар солинган қоплар, нашрли қоплар ва тўпламлар алмашгани маълум бўлса, у ҳолда почта алоқаси объекти ходимларининг имзоси билан 51-шаклдаги далолат-нома тузилади. Бироқ почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқа боғламаси, почтамт) текширув ўтказ-гандан сўнг ва авиакорхонанинг бунда айбдорлиги аниқлангандан кейин ҳам бу ҳақда 51-шаклдаги идоралараро далолатнома тузилади.

**473** Посилка, хат-хабарлар солинган қоплар, нашрли қоплар ва тўпламлар алмашган барча ҳолларда ҳаво кемасига юк ортган жойнинг почта алоқаси объектига почта жўнатмаси ёки буюми олинмаганлиги (алмашгани) тўғрисида текшириш учун телеграмма жўнатилади.

**474 Почта жўнатмаларининг** ўрови, боғламлари ва қоплар, посилкаларнинг пломбалари (муҳрлари, қоғоз тасмалари) шикастланганда бу почта жўнатмалари ёки буюмлари тарозида тортилади ва уларнинг ҳақиқий оғирлиги ёрлиқ ва хужжатларда кўрсатилган оғирлиги билан солиштирилади. Почта жўнатмалари ёки буюмлардаги жойланмаларни текширишда авиакорхонанинг вакили иштирокида алоқа ходимлари томонидан очилади. Бундай ҳолларда идоралараро далолатномага қўшимча равишда 51-шаклдаги далолатнома тузилиб, уни очишда иштирок этган почта алоқаси объекти ва авиакорхона ходимлари томонидан имзоланади. Қабул қилинган почта жўнатмалари учун тилхат далолатнома имзолангандан сўнг алоқа ходими томонидан берилади.

**475** Манзилланган пунктда авиакорхонанинг айби билан топширилмаган почта жўнатмалари бошқа почта ҳужжатларидан алоҳида расмийлаштирилган ҳолда, биринчи учиб кетадиган ҳаво кемасида манзилига бепул қайта жўнатилади. Рейс (умумий) юкхатига алоқа ходими томонидан *«Почта олиб ўтиб кетилган. Бепул қайта жўнатилди»* белгиси қўйилади. Агар яқин вақт ичида ҳаво кемаси рейси бўлмаса, у ҳолда, бу почта алоқаси ҳудудий ташкилоти билан келишув бўйича манзилланган пунктта темир йўл орқали ёки бошқа турдаги транспорт билан почта жўнатмасини ташишда хатоликка йўл қўйган авиакорхона ҳисобидан жўнатилиши мумкин.

**476** Почта жўнатмалари ҳужжатларсиз қабул қилинганда алоқа ходими авиакорхона юк ташиш хизмати вакили (тижорат юклари учун масъул шахс) билан биргаликда идоралараро далолатномани тўрт нусхада ва почта жўнатмалари учун юкхатни *«Почта жўнатмалари ҳужжатсиз қабул қилинган, далолатнома тузилган»* белгиси билан уч нусхада юк хатни тузади. Юкхат ва далолатноманинг биринчи нусхаси почта жўнатмаларини қабул қилиб олган почта алоқаси объектида қолади, юкхатнинг иккинчи нусхаси, алоқа ходимининг тилхати ҳамда далолатноманинг икки нусхаси билан бирга авиакорхона юк ташиш хизмати вакили (тижорат юклари учун масъул шахс)га берилади, юкхатнинг учинчи нусхаси ва далолатноманинг бир нусхаси почта жўнатмаларини жўнатган почта алоқаси объектига йўлланади. Ҳукуматга оид, халқаро, суғуртали почта ва энг кам иш ҳақининг бир бароборидан ортиқ бўлган қиммати эълон қилинган *«Ehtiyot qiling»* белгили посилкалар ҳужжатларсиз қабул қилинганда далолатнома беш нусхада тузилади, уларнинг биридан жарима қўллашда фойдаланилади. Бундан ташқари, ҳаво кемасига юк ортган жойнинг почта алоқаси объектига телеграмма жўнатилиб, унда почта турлари бўйича ҳужжатсиз қабул қилинган қоп (посилка)ларнинг сони кўрсатилади.

52-шакл

Авиакорхона бошлиғи

________________________
(фамилия, имзо)

200_ й «__» ________
(сана)

(корхонага берилган муҳр изи)

Почтани алмаштириш пункти

________________________
(фамилия, имзо)

200_ й «__» ________
(сана)

(корхонага берилган муҳр изи)

## ДАЛОЛАТНОМА

*2001 й. 20 апрел 17 соат 40 дақиқа*
(санаси, вақти)

*Бухоро*
(аэропорт номи)

Ушбу далолатнома _____*Бухоро ПБ*_____ да
(почта алоқаси корхонаси номи)

*Бухоро аэропортининг почта экспедитори Саидов иштирокида*
(аэропорт номи, вакилнинг фамилияси ва лавозими)

шу ҳақда тузилдики, яъни 200*1* й. *20 апрел* да автокорхона томонидан ЎзР почтани
(сана)

Ҳаво йўллари бўйича почтани ташиш қоидалари ва почтани ҳаво транспортида ташиш шартномасининг қуйидагича ифодаланган шартлари (бузилишнинг муайян тавсифини, самолёт рақами, рейснинг рақами, бузилиш санаси ва б. кўрсатилсин) нинг бузилишига йўл қўйилган. *2001 й. 20.04. соат 17. 25 дақ.да Тошкент - Бухоро йўналишидаги XU-1329 рейсдаги самолёт бортидан 50 та почта олинди. 2001 йил 20.04.даги Халқаро почтамтнинг умумий юкхати бўйича 51 та буюм бор бўлиб, жумладан 4 та қоп ёзма хат-хабарлар, 13 та суғуртали қоплар, 34 та авиапосилкалардир. Бухоро АП га 28 - сон баҳоси 150 сўм. оғирлиги 5,5 кг бўлган, 2001 йил 20.04.да 34-чи посилканинг алоҳида юкхатига кўчиб ёзилган 705001 Бухоро манзили билан Тошкент - 85 дан Воҳидова номига жўнатилган авиапосилка етказиб берилмаган.*

Далолатнома текшириш, чора кўриш учун тузилди ва моддий зарарни ўрнини қоплаш учун асос бўлади.

Алмашиш пунктининг смена бошлиғи

*Содиқов*
(имзо)

Бригадир *Акбарова*
(имзо)

(аэропорт юк ташиш хизмати тақвимли тамға изи)

Аэропортнинг юк ташишини ташкил қилиш хизмати навбатчилик бошлиғи (диспетчер)

*Тоиров*
(имзо)

Почтани қабул қилиш-текширишга масъул, почтани саралаш агенти

*Саидов*
(имзо)

(почта алоқаси объекти тўрт бурчакли муҳрининг изи)

98-расм Авиакорхона вакиллари билан биргаликда 52-шаклдаги идоралараро далолатномани тузиш намунаси

477 Агар почта жўнатмалари бирор сабабга кўра, рейсдаги ҳаво кемасида жўнатилмаган бўлса, у қўнадиган барча пунктларга почта жўнатилмагани ҳақида телеграмма берилади.

Почта жўнатмалари рейсдан ташқари ҳаво кемаларида жўнатилганда ҳам, у мўлжалланган пунктларга телеграмма берилади.

478 Айрим ҳаво йўллари бўйлаб ҳаво кемаларининг ҳаракати тўхтатилганда, рейс бекор қилинганда ёки ҳаво кемаларининг учиши узоқ муддатта кечиктирилганда ва почта жўнатмаларини қисқа муддат ичида жўнатишга имкон бўлмаганда, почта жўнатмалари аэропортдаги почта алоқаси объектига, агар у бўлмаса энг яқин почта алоқаси объектига бошқа турдаги транспортда жўнатиш учун топширилади. Бу ҳақда идоралараро далолатнома тўрт нусхада тузилиб, унга почта алоқаси объекти ва авиакорхоналарнинг ходимлари имзо қўядилар. Далолатноманинг бир нусхаси почта жўнатмаларини жўнатувчи пунктнинг почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқа боғламаси, почтамт)га авиакорхоналар билан ташиб берилган почта жўнатмаларини ҳисоб-китоб қилиш ва почта алоқаси объекти билан қоплар идиш (тара) бўйича ҳисоблаш учун жўнатилади. Иккинчи ва учинчи нусхалари авиакорхонага берилади, тўртинчи нусхаси эса далолатнома тузилган жойдаги почта алоқаси объектида қолади. Почта жўнатмаларини олинганлиги тўғрисида почта жўнатмаларини жўнатиш пунктларига телеграммалар йўлланади.

479 Почта алмашувини ва уни ҳаво кемаларида жўнатишни ташкил этиш билан боғлиқ ҳамда ушбу бўлимга кирмаган масалалар **Ўзбекистон Республикаси почта жўнатмаларини ҳаво йўллари бўйича ташиш қоидаларлари** билан тартибга солинади.

### 7.6 Махсус вазифали почта алоқа боғламалари (таркибий бўлинмалари) билан почта алмашуви

480 Махсус мўлжалланган почта алоқаси қуйидагиларга бўлинади:

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг махсус алоқаси;

давлат фельдъегерлик алоқаси;

Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирлигининг фельдегер почта алоқаси.

481 Умумий фойдаланишдаги почта алоқаси ва махсус мўлжалланган почта алоқаси ўртасидаги ўзаро муносабатлар шартнома асосида белгиланади.

482 Махсус мўлжалланган почта алоқа боғламалари (таркибий бўлинмалари) ўртасидаги почта жўнатмалари манзилланган почта алоқа боғламалари (таркибий бўлинмалари)га тегишли бўлган махсус муҳрланган ёки тамғаланган берк буюмларда жўнатилади.

Махсус мўлжалланган (таркибий бўлинмалари) почта алоқаси объектларига республика ичида жўнатиш учун, улар томонидан ушбу Қоидаларларга мувофиқ расмийлаштирилган ва ишлов берилган посилкаларни почта алоқа боғламалари топширишлари мумкин.

483 Махсус мўлжалланган почта алоқа боғламалари (таркибий бўлинмалари) почтани тўғридан-тўғри почта алоқаси объектлари билан ва айрим ҳолларда, почта вагонлари билан почта жўнатмалари алмашувини амалга оширадилар. Махсус мўлжалланган почта алоқа боғламаси (таркибий бўлинмаси)нинг вакили махсус мўлжалланган почта алоқа боғламаси (таркибий бўлинмаси) томонидан берилган 81-шаклдаги почтани кузатиш ва алмаштириш ҳуқуқини берувчи гувоҳномани ва элтиб берилган почта жўнатмалари ёзилган 16-шаклдаги юкхатни кўрсатиши керак.

484 Махсус мўлжалланган почта алоқа боғламаси (таркибий бўлинмаси)нинг вакили почта вагони билан алмашувга келган ҳолларда, почта алоқасининг маҳаллий объектига уни кейинги махсус мўлжалланган почта алоқа боғламалари (таркибий бўлинмалари)га бериш учун топширилади.

485 Почта махсус мўлжалланган почта алоқа боғламалари (таркибий бўлинмалари)дан фақат доимий бўлган иш жойи ёки бир омборхонага почтани топшириш пункти кўрсатилган алоҳида юкхатлар билан почта алоқаси объектлари ёки почта вагонлари томонидан қабул қилинади. Қопли ёрлиқларда: қоп қаердан ва қаерга кетаётганлиги, унинг рақами ва оғирлиги, самолёт билан жўнатилганда эса, бундан ташқари, почтани топшириш пункти ҳам кўрсатилади. Почта алоқаси объектлари ва почта вагонларига махсус мўлжалланган почта алоқа боғламалари (таркибий бўлинмалари)-нинг умумий 16-шаклдаги юкхатларини қайта тузиш тақиқланади. Бу юкхатлар манзилланганлиги бўйича махсус мўлжалланган почта алоқа боғламалари (таркибий бўлинмалари)гача жўнатилган почта жўнат-малари билан бирга бориши керак.

486 Алоҳидаги 16-шакл юкхатлар бўйича келган барча почта жўнатмалари махсус мўлжалланган почта алоқа боғламаси (таркибий бўлинмаси) га берилгунга қадар ёки почта вагонига топширилгунга қадар таъминланган тартибда сақланади.

487 Почта жўнатмаларини кузатувчи махсус вазифали почта алоқа боғламаси (таркибий бўлинмалари)нинг вакили «Ўзбекистон почтаси» ДАК томонидан берилган ҳужжатлар бўйича почта вагонларида юриш ҳуқуқига эга.

## 8 Почталарни қабул қилиб олиш ва ишлов бериш

### 8.1 Темир йўл қошидаги почта алоқаси объектларида почта жўнатмаларига ишлов бериш тўғрисидаги умумий қоидалар

488 Темир йўл қошидаги почта алоқаси объектларида почта жўнатмаларига ушбу объектда ишлов беришнинг ўзига хос хусусиятларини (механизациялаштирилган ёки қўлда бажарилишини) ҳисобга олган ҳолда умумий ўрнатилган тартибларда ишлов берилади.

489 Кўрсатиб ўтилган объектларда қуйидаги жойларга манзилланган посилкаларнинг гуруҳларини тайёрлайди:

а) ушбу объектга;

б) тўғридан-тўғри почта алмашувини амалга оширувчи почта вагонлари йўналишларига;

в) вилоятлар (Қорақалпоғистон Республикаси)га почта алоқаси объектлари учун посилкаларни ушбу объектда саралаб турларга ажратиш учун.

Тайёрлаган гуруҳларнинг 16–шаклдаги юкхатлари шу объект ҳужжатларига тикиб қўйилади.

490 Ишлов берилмайдиган транзит посилка гуруҳлари йўналишининг тўғрилигини ҳисобга олиб, санаб қабул қилинади ва жўнатилади. Манзилланган пунктдаги почта алоқаси объектлари уларни қайта ишлов беришда номма–ном текширувини амалга оширади. Транзит гуруҳида манзил бўйича нотўғри жўнатилган посилка аниқланганда юкхатдан ўчирилади, якуни эса текширувда иштирок этган шахс томонидан тузатилади ва имзоланади. Улар томонидан ўчирилган посилканинг тўғрисидаги тегишли маълумотлар 16-шаклдаги умумий юкхатга ҳам ёзиб қўйилади.

16-шаклдаги юкхатларга ёзилган ёзувлар (номма–ном, умумий) тақвим тамға изи билан тасдиқланади.

Нотўғри юборилган посилка манзилланган жойига белгиланган тартибда жўнатилади.

Транзит гуруҳида нотўғри юборилган посилка аниқланганда, барча гуруҳлар тегишлича расмийлаштирилиб (ушбу Қоидалар-ларнинг 447-банди), номма-ном текширилади.

491 Тўғридан-тўғри алмашувини амалга оширувчи почта вагонлари орқали жўнатилиши керак бўлган суғуртали почта жўнатмалари (қиммати эълон қилинган хатлар, қиммати эълон қилинган бандероллар, майда посилкалар)нинг бутлигини таъминлаш учун почта алоқаси темир йўл қошидаги объектлари, уларни, ушбу Қоидаларларнинг 410-бандида кўрсатилган талабларга қўшимча равишда, суғуртали қопларга беркитади.

492 Ушбу почта алоқаси объектида ишлов берилмайдиган

транзит почта жўнатмалари (суғуртали ва хат-хабарлар солинган қоплар, посилка гуруҳлари, контейнерлар) почта объектига келиб тушган 16-шаклдаги умумий юкхатлар билан келгусида жўнатиш учун ёзиб қўйилади.

Ушбу объектда жўнатиш учун ишлов берилган почта жўнатмалари ҳам худди шу тартибда ёзиб қўйилади.

493 Вилоят (Қорақалпоғистон Республикаси) марказларида жойлашган темир йўл қошидаги почта алоқаси объектлари 16-шаклдаги умумий юкхатларни:

а) ҳукуматга оид (ёзма хат-хабарлар солинган қоплардан ташқари) ва халқаро почта, суғуртали қоплар, энг кам иш ҳақининг беш баробаридан ортиқ бўлган қиммати эълон қилинган посилкалар ва айрим участкаларда ер усти тарнспорти билан жўнатиладиган авиажўнатмаларга;

б) ёзма хат-хабарлар, шу жумладан ҳукуматга оид хат-хабарларга;

в) оддий посилкалар ва энг кам иш ҳақининг беш баробаридан ортиқ бўлган қиммати эълон қилинган посилкаларга;

г) почта идиш (тара)ларига алоҳида тузадилар.

Йўналишнинг бошланғич пунктларида почта вагонларига топшириладиган посилкалар гуруҳига 16-шаклдаги умумий юкхатларни почта ортиб бўлингандан сўнг тўғридан-тўғри почта вагонларида тузишга рухсат этилади.

Почта жўнатмасини қайд этмасдан топширилишига йўл қўймаслик мақсадида почта жўнатмасини топширувчи алоқа ходими топширилаётган посилкалар гуруҳига қайдномалар олиб бориши мумкин. топширилаётган посилкалар почта вагонига ортилгандан сўнг, у почта вагонида тузилган 16-шаклдаги умумий юкхатлар билан солиштирилади.

Зарур бўлганда, қўшимча почта вагонлари сайёр ходимларнинг кузатувисиз ёки бир кузатувчи электр монтёр кузатувида жўнатилганда посилкалар гуруҳи индексацияланади. Гуруҳга берилган индекс ҳар бир посилкага ва шу гуруҳ бланкаларига қўйиб чиқилади. Худди шу индекслар 16-шаклдаги умумий юкхатнинг почта вагонига ёзилган ҳар бир гуруҳ қаршисига қўйилади.

494 Бошқа сменага топшириладиган почта жўнатмаларига 16-шаклдаги умумий юкхат тузилиб, унга топширилаётган почтага тегишли юкхатлар ҳам киритилади.

Почта жўнатмаларини смена бўйича цехлар, участкалар ўртасида топшириш 16-шаклдаги юкхат бўйича номма-ном ёзиб амалга оширилади.

495 Жўнатилувчи ва келувчи почтага оид 16-шаклдаги юкхатлар бўйича темир йўл қошидаги почта алоқаси объектларидан

келган ва жўнатилган почта жўнатмалари ҳисобга олинади. Бунинг учун бригада, цех, участкаларда 14-шаклдаги йўл варақасининг орқа томонида келтирилган намуна бўйича қайдномалар тузилади. Смена тугагач бор почта жўнатмалари ва буюмлари қолдиғи санаб чиқилиб, ҳақиқий бўлган почта билан солиштирилади. Фарқ чиқса, сабаби аниқланади ва зарур чоралар кўрилади.

### 8.2 Темир йўл қошидаги почта алоқаси объектларида ишлов берилган почта ҳужжатларини назорат қилиш

**496** Ҳар бир темир йўл қошидаги почта алоқаси объектида ушбу почта алоқаси объектлари томонидан ишлов берилган почта ҳужжатларини текшириш амалга оширилади.

**497** Темир йўл қошидаги почта алоқаси объектларида ишлов берилган почтага ҳужжатларни назорат қилишда топширилган почтага тилхат олингани, барча почта жўнатмалари ва буюмларнинг баланси, келувчи ва жўнатилувчи 16-шаклдаги юкхатларнинг тўғри расмийлаштирилгани ва мавжудлиги текширилади.

Қабул қилинган ва жўнатилган почта жўнатмаларининг юкхатларидаги ёзувларни номма-ном солиштириш йўли билан ҳукуматга оид, халқаро ва суғуртали қопларни, контейнерларни, қимммати эълон қилинган хатлар, энг кам иш ҳақининг бир баробаридан ортиқ бўлган қимммати эълон қилинган посилкаларни қабул қилинганлиги ва топширилганлиги аниқланади.

Назорат қилувчи шахс бошқа почта алоқаси объектларида аниқланган камчиликларнинг 51-шаклдаги далолатномалар ва 30-шаклдаги билдиришномалар билан расмийлаштирилишини текшириши шарт. Иш куни (смена) давомида ишлов берилган почта ҳужжатларини текшириш унинг назоратга келиб тушган вақтидан бошлаб кўпи билан 48 соат ичида тугалланиши керак. Қабул қилинган ва топширилган почтанинг сони фарқ қилганда бунинг сабаблари аниқланиши керак.

**498** Текширув тугагандан сўнг назорат қилувчи шахс ҳужжатлар тўпламининг устига ўз имзоси билан *«Хатоликлар йўқ»* деб белги қўяди ва текширилган санани кўрсатади. Агар ҳужжатларни текширишда хатоликка йўл қўйилгани аниқланса, у ҳолда назорат қилувчи шахс хатоликлар маълумотномасини икки нусхада тузади. Бу ҳақда ҳужжатлар тўпламининг муқовасига *«Хатоликлар маълумотномаси илова қилинди»* деб белги қўйилади ва у тузилган сана кўрсатилади. Маълумотноманинг биринчи нусхаси ҳужжатлар тўпламига ёпиштирилиб қўйилади, иккинчи нусхаси эса ўз тобелигига кўра темир йўл қошидаги почта алоқаси объектларининг раҳбарига топширилади.

**499** Агар текшириш вақтида бирорта почта жўнатмаси ёки буюм топширилмаганлиги аниқланса, бу ҳақда хатоликлар маълумот-номасига ёзиб қўйишдан ташқари 51-шаклдаги далолатнома тузилиб, у ҳужжатни текширган алоқа ходими томонидан имзоланади. Почта жўнатмаси ёки буюмнинг камомади тўғрисида темир йўл қошидаги почта алоқаси объектининг раҳбарига хабар берилади, 51-шаклдаги далолатнома бўйича текширув ўтказилади ва почта жўнатмаси ёки буюмни қидириш чоралари кўрилади.

**500** Ҳужжатларни текшириш натижалари ўз гобелига кўра темир йўл қошидаги почта алоқаси объектларининг раҳбарлари томонидан кўриб чиқилади ва ҳужжатларни архивга топшириш тўғрисида қарор қабул қилинади, бу ҳақда ҳужжатлар муқовасида улар томонидан белги қўйилади.

### 8.3 Почтани қабул қилиш ва текширишнинг умумий тартиби. Текширишда аниқланган шикастланиш ва хатоликларни расмийлаштириш

**501** Почта алоқаси объектига элтиб берилган почта жўнатмалари кузатувчидан почта жўнатмаларни қабул қилиб олиш ва жўнатиш вазифаси юклатилган лавозимдаги шахслар томонидан қабул қилинади. Почта жўнатмаларини қабул қилиб олувчи алоқа ходимлари қуйидагиларни:

16-шаклдаги умумий юкхатда махсус назорат ўтказилганлиги тўғрисидаги белги - «Махсус назорат» тамғасининг изи борлигини текшириши. 16-шаклдаги умумий юкхатларда махсус назорат ўтказилганлиги тўғрисидаги белги йўқ бўлган ҳолларда, барча почта жўнатмалари умумий тартибда қабул қилинади, почта алоқаси объектининг раҳбари номига эса 30-шаклдаги билдиришнома ушбу Қоидаларларнинг 506-508 бандларига мувофиқ ёзилади.

16-шаклдаги юкхатлар бўйича ҳукуматга оид, халқаро ва суғуртали қоплар, контейнерлар, энг кам иш ҳақининг беш бараваридан кўп бўлган қиммати эълон қилинган посилкаларни номманом текшириши керак. Қолган почта жўнатмаларини санаб қабул қилинади, кейин номма-ном текширилади.

Элтиб берилган почта жўнатмалари ва берк буюмларнинг ташқи ҳолатини синчиклаб кўздан кечириш (ўровлар, муҳрлар, тамғалар, боғловлар, тасмаларнинг бутлигини), уларнинг жойланиши ва йўналиши тўғрилигини текшириши керак.

Шундан кейин 24-шаклдаги йўналиш юкхати ёки 16-шаклдаги юкхатга почта жўнатмаларни қабул қилиш ва текширишда иштирок этган алоқа ходимлари имзо қўядилар, тақвим тамға изи туширилади, қабул қилинган почта жўнатмаларни сони ва қабул қилинган вақти кўрсатилади.

Посилкаларни саралаш ва уларга ишлов беришда узлуксиз узатиш механизациялашган воситалар билан жиҳозланган почта алоқаси ҳудудий ташкилотлари ёки почта алоқаси объектларида раҳбарларнинг фармойишлари бўйича почта жўнатмаларнинг муҳрларини бутлиги, беркитилиши ва уларни почта алоқаси ҳудудий ташкилотлари ёки почта алоқаси объектларида ишнинг кейинги босқичларда ишлов бериш учун йўналтирилиши тўғрилигини текшириб, номма-ном текширмасдан санаб қабул қилишни белгилаш мумкин.

**502** Ушбу почта алоқаси ҳудудий ташкилотлари ёки ушбу почта объектига йўлланган суғуртали ва халқаро қоплар, контейнерлар икки алоқа ходими иштирокида очилиши шарт, штатида бир ходим бўлган (почтальонларни ҳисобга олмаганда) алоқа бўлимлари бундан мустасно. Жойланма санаб чиқилади ва 16-шаклдаги ички юкхат бўйича номма-ном текширилади, почта жўнатмаларининг ташқи ҳолати текширилади. Берк буюмларни очувчи алоқа ходимлари 16-шаклдаги юкхатта имзо қўядилар.

Қопдаги жойланма олингандан сўнг унда почта жўнатмалари қолиб кетмаслиги учун синчиклаб кўздан кечирилади. Шу мақсадда қоплар очилган жой ҳам кўздан кечирилади.

Механизациялашган усулда посилкаларни саралашни амалга оширадиган почта алоқаси ҳудудий ташкилотлари ёки почта алоқаси объектлари раҳбарларига контейнерларда келган посилкаларни санаш билан уларнинг ташқи кўринишини синчиклаб кўздан кечириб, текшириш белгилаш ҳуқуқи берилади.

Ҳукуматга оид ва авиапочтали қоплар биринчи навбатда очилади ва улардаги почта жўнатмалари дарҳол кейинги ишлов бериш учун жўнатилади.

Почта буюмларини очишда фақат ипнинг битта ўрами қирқилади, бунда тамға ёки муҳрнинг шикастланишига йўл қўйилмайди.

Қулфловчи қурилмадан фойдаланиб беркитилган қоп исталган ясси металл буюм (пластина, пичоқ) билан почта алоқаси объекти номининг изи туширилган тамғани горизонтал қисми бўйича кўтариш ва сингунча бураш йўли билан очилади. Шундан сўнг қопқоқдаги тирқиш орқали ўтган симнинг тутмаси бўшатилади. **Қопни очишда сиқувчи қурилмани бузиш ва симни қирқиш ман этилади.**

Транзит ва қайта йўлланувчи берк буюмлар ҳамда жўнатмалар йиғиндилари очилмайди.

Қиммати эълон қилинган транзит хатлар ва қиммати эълон қилинган бандероллар, шунингдек транзит посилкалар бланкаларига тақвим тамға изи туширилмайди.

**503** Текширувдан кейин келувчи ва транзит почта жўнатмалари, улар қабул қилинган 16-шаклдаги юкхатларда тилхат орқали, кейинги ишлов бериладиган иш жойларига йўлланади. Маҳаллий

шароитга ва келаётган қиммати эълон қилинган хатлар, қиммати эълон қилинган бандероллар, майда пакетлар, ёзма хат-хабарли қоплар ва посилкаларнинг сонига боғлиқ ҳолда узатиш, ушбу объектда номма-ном ёзиш билан тузиладиган 16-шаклаги юкхатлар бўйича амалга оширилиши мумкин.

**504** Агар почта йўналиши бўйича почтани кузатувчи алоқа ходими почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объектига жойланмаси олиниши мумкин бўлган белгиларга эга посилкани топширмоқчи бўлса: ўрови шикастлангани, муҳри анча синиб кетган ёки ноаниқ бўлган, боғловлари узилган, боғлови жуда чўзилиб кетган (ечиб олиш мумкин), нотўғри беркитилган ёки оғирлиги камлиги яққол кўриниб турган ва 51-шаклдаги далолатнома бўйича нуқсонли деб расмийлаштирилмаган бўлса, бундай посилка почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти томонидан қабул қилинмайди, лекин албатта оғирлиги ўлчаб кўрилади. 16-шаклдаги юкхатда ва 24-шаклдаги йўналиш юкхатида нусха кўчирувчи қоғоз орқали почта жўнатмаларини қабул қилувчи ва топширувчи алоқа ходими томонидан тахминан қуйидаги мазмундаги белги ёзилади: *«2003 йил 15 январдаги Урганчдан Тошкентга юборилган боғлови узилган, оғирлиги 9 кг 500 г бўлган 26-сонли посилка қабул қилинмади»* имзолари қўйилади. Худди шундай белги бланкада ҳам ёзилади. Бу ёзув посилкани қабул қилмаган почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объектининг тақвим тамға изи билан тасдиқланади. Бундай посилка уни йўналишга берган почта алоқаси объектига қайтарилади.

**505** Олинган почтани текширишда почта жўнатмаларини қабул қилиш, унга ишлов бериш, жўнатиш тартиби бузилганлиги ёки ўровининг нобутунлиги аниқланса, 30-шаклдаги билдиришнома ёки 51-шаклдаги далолатнома тузилади.

**506** 30-шаклдаги билдиришномалар қуйидаги ҳолларда тузилади:

а) 16-шаклдаги умумий юкхатларда махсус назорат ўтказилганлиги тўғрисидаги белгилар ёки - «Махсус назорат» тамғасининг изи йўқ бўлганда;

б) почта жўнатмалари ва буюмлари нотўғри жўнатилганда ҳамда белгиланган режадан ташқари жўнатилганда, шунингдек уларни жўнатишнинг белгиланган муддатлари қўпол равишда бузилганда;

в) транзит почта алоқаси объектлари ва почта алоқаси объектларида манзилланган жойнинг почта жўнатмаларини рўйхатга олинадиган ҳужжатларига ёзилмаган почта жўнатмалари, пул ўтказмалари ёки жўнатмалар йиғиндилар, ҳукуматга оид, халқаро, суғуртали қоплар, ёзма хат-хабарли қоплар, контейнерлар, почта идиш (тара)лари солинган қопларни қабул қилганда;

г) рўйхатга олинган почта жўнатмалари, пул ўтказмалари ва буюмларни, 11-шаклдаги реестрлар ва 16-шаклдаги юкхатларни тақвим тамға изисиз, имзоларсиз, изоҳларсиз қилинган тузатишлар билан қабул қилганда;

д) почта жўнатмаси олинганлиги ва пул ўтказмаси тўланганлиги тўғрисидаги нотўғри расмийлаштирилган хабарнома қабул қилинганда;

е) почта жўнатмаси учун тариф тўлови нотўғри олингани аниқланганда;

ж) ПЎИНҚМда пул ўтказмаси операциялари бўйича ҳисоботни олишда пул ўтказмаларининг рақамлари 5-шаклдаги дафтарлар ва 103-шаклдаги рўйхат маълумотларига тўғри келмаганда;

з) қабул қилинган ва тўланган пул ўтказмалари бўйича маълумотларни ПЎИНҚМга ўз вақтида берилганда ёки нотўғри маълумотлар (дискет ёки бошқа ахборт ташувчилар) топширилганда. Бунда 30-шаклдаги билдиришномада почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объектининг номи, маълумотлар (дискет ёки бошқа ахборот ташувчилар) рақами, санаси ва шикастланиш тури кўрсатилади.

Моддий жавобгарликка олиб келмайдиган, ушбу Қоидалар ва бошқа норматив ҳужжатларнинг талаблари бажарилмаган ҳолларда ҳам 30-шаклдаги билдиршнома тузилади.

507 30-шаклдаги билдиришномаларда қабул қилинган почта жўнатмалари, пул ўтказмалари, почта буюмлари, илова қилинган ҳужжатлари ҳақида қуйидаги маълумотлар кўрсатиб ўтилади: почта жўнатмаси ёки пул ўтказмасининг рақами, қабул қилиш жойи ва санаси, қаердан, қандай ҳужжатлар билан келган ва ш.ў., текширувда аниқланган барча камчиликлар кўрсатиб ўтилади (99-расм). Нотўғри йўналтирилган, бошқа манзилга жўнатилган жўнатмалар оддий ва буюртмали хатлар, пул ўтказмалари, бандеролларни жўнатишнинг белгиланган муддатлари қўпол равишда бузилгани аниқланганда, билдиришномаларга манзил ёрлиғи илова қилинади. Нотўғри йўналтирилган ёрлиқнинг орқа томонига белгиланган манзили, бошқа манзилга йўлланган почта жўнатмаси, пул ўтказмасининг тури ва уни қаерга тўғри йўналтириш кераклиги, кечикиш ҳолларида эса, жўнатиш ва келиб тушиш санаси кўрсатилади. Бу белгилар тақвим тамға изи ва текширувчи алоқа ходимининг имзоси билан тасдиқланади. 30-шаклдаги билдириш-номада илова қилинаётган ёрлиқлар ва бошқа ашёвий далилларнинг сони ёзиб қўйилади, масалан: *«9-шаклдаги 3 та ёрлиқ юборилмоқда»*. Нотўғри йўлланган, белгиланган режадан ташқари жўнатилган ва кечиккан посилкалар, қиммати эълон қилинган хатлар, қиммати эълон қилинган бандероллар, қоплар ва контейнерлар ҳақидаги маълумотлар тўғридан-тўғри 30-шаклдаги билдиришномаларга ёзиб қўйилади.

Фақат конвертда жўнатилади

30-шакл

Почта қоидаларининг бузилиши ва почта жўнатмаларини жўнатиш тўловларининг тўла бўлмаганлиги ҳақида

**БИЛДИРИШНОМА**

*Когон ПБ* га
(бузилишга йўл қўйган почта алоқаси объектининг номи)

*Бухоро 5* да
(почта алоқаси объектининг номи)

200*1* й. *«25» апрелда* тузилди.

Мазмуни: *Когон ПБ дан 2001 йил 22 апрелдаги 25-сон суғуртали қопда 5 дона буюм Наманган почтамтида 2001 йил 18 апрелда қабул қилинган эълон қилинган қиммати 50 сўм бўлган 84-сон хат рўйхатсиз олинди.*

*АББ Ахмедов*
(лавозим, имзо)

*Опр. Комилов*
(лавозим, имзо)




(тақвим тамға изи)

99-расм 30-шаклдаги билдиришномани тузиш ва расмийлаштириш намунаси

**508** Почта жўнатмалари, пул ўтказмалари ва буюмлари, нотўғри йўналтирилган ва белгиланган режадан ташқари жўнатилган ҳолларда почта жўнатмалари, пул ўтказмаларининг қабул қилиш жойларига билдиршномалар бир нусхада тузилади бундан ташқари ҳолларда эса, 30-шаклдаги билдиришномалар икки нусхада тузилади. Билдиришноманинг биринчи нусхаси стандарг конвертларда қоидалар, йўриқномалар ва фармойишларини бузилишига йўл қўйган ўз тобелигига кўра почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқа боғламаси, почтамт)нинг раҳбари номига жўнатилади, иккинчи нусхаси эса, келувчи юкхат (реестр-)га қўшиб қўйилади.

**509** Транзит объектда, манзилидаги почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объектида қайд қилинмасдан қабул қилинган почта жўнатмалари ва берк буюмлар, улар қабул қилинган ҳужжатлар бўйича қуйидаги намунадагидек ёзиб қўйилади: *«2003*

*йил 14 январда Урганчдан жўнатилган 602-сонли рўйхатда бўлмаган буюртмали бандерол қабул қилинди» ёки «2003 йил 16 январда Нукусдан жўнатилган қиммати 2400 сўм деб эълон қилинган 116-сонли рўйхатда бўлмаган посилка қабул қилинди».*

Олинган почтани текшириш учун жавобгар ходимнинг имзоси билан ушбу ёзувлар тасдиқланади. Транзит объектлар бундай почта жўнатмаларини ҳужжатларга одатдаги тартибда қайд қилиб, кейин жўнатадилар.

**510** 30-шаклдаги билдиришномалар олинганда почта алоқаси ҳудудий ташкилотлари ёки почта алоқаси объектлари (почта алоқа боғламалари, почтамтлар)нинг раҳбарлари уларнинг рўйхатга олинишини таъминлайдилар, айбдор алоқа ходимини аниқлайдилар, сабабини суриштириб биладилар, хатони ҳисобга оладилар ва тегишли чораларни кўрадилар.

**511** 51-шаклдаги далолатномалар қуйидаги ҳолларда тузилади:

а) 16-шаклдаги юкхатларга қўшиб қайд қилинган почта жўнатмалари ва берк буюмлар олинмаганда ёки қайд қилинганлар ўрнига 16-шаклдаги юкхатларда кўрсатилмаган бошқа жўнатмалар ва буюмлар олинганда;

б) берк буюмлар ва жўнатмалар йиғиндиларида илова қилинган ҳужжатлари, шунингдек 16-шаклдаги умумий юкхатларга ёзилиб қўйилган 16-шаклдаги алоҳида юкхатлар бўлмаганда;

в) берк буюмлар ва жўнатмалар йигиндиларида, шунингдек ёзиб қўйилган буюртмали бандеролларда жойланмалар етишмаганда;

г) посилка, қиммати эълон қилинган хатлар ва қиммати эълон қилинган бандероллар, майда пакет, халқаро қопнинг оғирлиги тўғри келмаганда; посилкада 2-шаклдаги ёрлиқ бўлмаганда ёки бланкадаги оғирлиги тўғрисидаги аниқ маълумотларнинг унда йўқлиги билан бир вақтда тузитишлар мавжуд бўлганда;

д) транзит берк буюмлар, шунингдек транзит ва келувчи посилкалар, қиммати эълон қилинган хатлар ва қиммати эълон қилинган бандероллар очилганда ҳамда қайтадан ўралганда (ушбу Қоидаларларнинг 525-бандида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно);

е) нуқсонли суғурта почта жўнатмаси аниқланганда;

ж) ПУИНҚМ да 57-шаклдаги рўйхатга ёзиб қўйилган 5-шаклдаги дафтарлар тўлиқ олинмаганда;

з) шикастланган ёки уларнинг очилганлигини билдирувчи излар бўлган ҳарбий хатлар олинганда.

**512** 51-шаклдаги далолатномада тузилган санаси, вақти ва жойи, почта жўнатмаси қайси почта алоқаси ҳудудий ташкилоти, почта алоқаси объекти ёки почта вагонидан ва қандай ҳужжатлар

билан олинган (олинмагани), унинг тури, рақами, эълон қилинган қиммати ва устама тўлов суммаси, қабул қилиш жойидаги ва манзилланган почта алоқаси объектлари, оғирлиги, жўнатиш санаси ва ойи, жўнатувчи ҳамда олувчининг манзили ва номлари кўрсатилади. Кейин масаланинг моҳияти баён қилинади ва далолатнома неча нусхада тузилгани ва қаерга йўллангани кўрсатилади. Далолатнома назорат қилувчи шахс ва почта жўнатмасига ишлов бериш ҳамда текширишда иштирок этган алоқа ходимлари томонидан имзоланади ва тақвим тамға изи билан тасдиқланади (100, 101а, 101б, 102а, 102б - расмлар). Суғуртали почта жўнатмасини очишга оид 51-шаклдаги далолатномани тузишда ушбу Қоидаларларнинг 521-бандига амал қилиш лозим.

**513** 51-шаклдаги далолатнома уч нусхада тузилади ва 51-шаклдаги жўнатиладиган далолатномаларни рўйхатта олиш дафтарида қайд қилинади (103-расм).

51-шаклдаги далолатномалар хизматга оид буюртмали бандеролларда жўнатилиб, уларнинг жўнатилиш рақамлари далолатнома рақамлари ҳисобланади.

51-шаклдаги далолатноманинг биринчи нусхаси почта жўнатмаси билан бирга юборилади, иккинчи нусхаси навбатдаги жўнатила-диган почта билан Халқаро почтамт раҳбарига юборилади. 51-шаклдаги далолатноманинг учинчи нусхаси 51-шаклдаги далолат-номани тузган почта алоқаси ҳудудий ташкилотлари ёки почта алоқаси объектлари ёҳуд почта вагони ҳужжатларига тикиб қўйилади. Агар, 51-шаклдаги далолатномани почта жўнатмаси (берк буюм) билан жўнатишнинг зарурияти бўлмаса, у икки нусхада тузилади ва Халқаро почтамт раҳбарига 51-шаклдаги далолатноманинг биринчи нусхаси жўнатилади.

Почта вагонларида тузилган 51-шаклдаги далолатнома ва 30-шаклдаги билдиришномалар (биринчи нусхалари), навбатдаги жўнатиладиган почта билан бирга навбатдаги алмашиш пунктида белгиланган манзилга жўнатилади.

Почта жўнатмаларини очишда 51-шаклдаги далолатномалар тўрт нусхада тузилади. 51-шаклдаги далолатноманинг тўртинчи нусхаси биринчи нусхаси билан бирга почта жўнатмасини олувчисига бериш учун жўнатилади.

Контейнерлар ва суғуртали қопларда жўнатилган почта жўнатмаларига нисбатан суиистеъмол қилиш ҳолатлари аниқлан-ганда, 51-шаклдаги далолатномаларда уларнинг ташқи ҳолати батафсил тавсифланади ва ашёвий далиллар (пломбалар, манзил ёрлиқлари ёки муҳрли ёрлиқлар) илова қилинади.

14 – сон ДАЛОЛАТНОМА 51-шакл

2001 й. "15" май соат 13 50 дақиқада Когон ПБ да тузилди.
(почтани олиш жойи почта алоқаси объектининг номи, йил, кун, ой)

шу ҳақдаки 917 поездининг 805 п.в 2001 й. «15» май да
(почтани жўнатиш жойи поч. ал. объектининг номи)

ПВБ Богиров кузатувида (34 -сон гувоҳнома) умумий юкхат бўйича
(фамилияси)

72 та буюм. НАВОИ ПБ дан 2001 й. «13» май 13 соат 30 дақиқада
(поч. ал. объек. номи)

Алоҳида юкхат бўйича келиб тушган 25 та буюмни номма-ном текширганда
705010 Коракул ш., Бухоро вил. Ашрафпи кўч. 5-уй манзили бўйича
(белгиланган жойнинг тўлиқ манзили)

Олим Рашидович Муродов нинг номига
(олувчининг фамилияси)

Навоий вил., Зарафшон дан 200 1 й. "11" май да жўнатилган
(шаҳар, вилоят, туман почта ал. объектининг номи)

эълон қилинган қиммати 2000 сўм. __ - устама туловли, огирлиги 8 кг 200 г бўлган 248 - сон кўшиб ёзилган посилканинг йўқлиги маълум бўлди.
(почта жўнатма тури)

Жўнатувчи ва унинг манзили Шоира Рашидовна Муродова
Навоий вил., Зарафшон. Новая кучаси, 1-уй, 60-хонадон

Бланка келиб тушди (келиб тушди, тушмади)

Юқорида кўрсатилган қўшиб ёзилган мавжудлари орасида бўлмаган посилка урнига
705004 Бухоро ш., -4, Б. Олмазор кўч., 10 манзили бўйича
(манзилланган жойнинг тулиқ манзили)

Юсуф Хамидович Сатторов нинг номига
(олувчининг фамилияси)

Навоий вил., Учкудук дан 200 3 й. "12" майда берилган
(почта жўн.қаб.қилиш жойи поч.ал.об.номи)

эълон қилинган қиммати 1000 сўм, ___- устама тўловли, огирлиги 7 кг 500 г бўлган 820 - сон кўшиб ёзилмаган посилка олинди.
(поч.жўнатмасининг тури)

Жўнатувчи ва унинг манзили Халил Саидович Сатторов
706880 Навоий вил., Учкудук ш. Вокзальная куч. 25 уй, 48-хонадон

Бланка келиб тушмади (келиб тушди, тушмади)

ҚАРОР ҚИЛИНДИ: 1. Ҳужжатларга қўшиб ёзмасдан келиб тушган посилкага
(почта жўнат. тури)

(бланканинг 11б-шаклдаги нусхаси тузилди, 16-шаклдаги юкхатга қўшиб ёзилсин ва белгиланган жойга юборилсин. ~~олувчига берилсин~~)
(кераксизи учирилсин)

2. Ушбу далолатнома 3 нусхада тузилсин. Асл нусхаси Навоий ПБ га
(поч.ал.объектининг номи)

текшириш учун юборилсин, 2-нусхаси Халқаро почтамт га текшириш учун
(поч.алоқа объектининг номи)

юборилсин, 3-нусхаси Когон ПБ нинг ҳужжатларига қўшиб қўйилсин.
(далолат.тузган поч.ал.объект. номи)

Далолатномани туздилар: Бошлиқ Олимова
(лавозим, фамилия, имзо)
Оператор Саматов
(лавозим, фамилия, имзо)
Саралович Абдуллаев
(лавозим, фамилия, имзо)




(тақвим тамга изи)

100-расм Юкхатларга қўшиб ёзилган ёпиқ буюм ва почта жўнатмалари олинмаганлигига 51-шакл далолатномасини тузиш ва расмийлаштириш намунаси

**_5_ - сон ДАЛОЛАТНОМА** 51-шакл

*Ташкент почтамтининг саралаш ва айирбошлаш участкасида* 200*1* й. *"24" май* соат *14* *50* дақиқада тузилди, шу хақдаки
(почтани олиш жойи почта алоқаси объектининг номи) (йил, кун, ой)

*Халқаро почтамт* почтаси билан *Хайдарова* нинг кузатувида ( *25* - сон гувохнома)
(почтани жўнатиш жойи поч.ал.объектининг номи) (фамилияси)

200*1* й. *"24" май* даги умумий юкхат бўйича *150* та буюм соат *"14"* *"10"* дакикада хакикатдан хам *"150"* та буюм келиб тушди.

Номма-ном текшириш натижасида ҳужжатларга қўшиб ёзилган қуйидаги посилкалар *посилка*
(почта жўнатмаси тури)

| т/р | Алоҳида юкхат бўйича | Почта жўнатмасининг рақами | Эълон қилинган қиймати, (сўм) | Устама тўлов (сўм) | Оғирлиги (кг) | Узатиш санаси | Узатиш жойи | Жўнатувчи ва унинг тўлиқ манзили | Олувчи ва унинг тўлиқ манзили | Эслатма |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| *1* | *Бухоро АП* дан (почт.ал.объект-нинг номи) 200*1* й.*20 май*да *10* та буюм | *175* | *1500* | - | *7,9* | *2001й.18.05* | *Олот Бухоро* | *СУ - 5* | *Тошкент, СУ-15 Муқимий кўч, 15* | *116-шаклдаги бланка келиб тушди* |
| *2* | *Урганча ОП* дан (поч.ал.объекти-нинг номи) 200*1* й.*20 май*да *5* та буюм | *53* | *1000* | - | *4,6* | *2001й.19.05.* | *Питняк Хоразм* | *Питняк Хоразм Озод кўч. Фотон заводи* | *Тошкент Фотон заводи* | *116-шаклдаги бланка келиб тушди* |

(орқа томонига қаранг)

101 а - расм Ёпиқ буюм ва почта жўнатмалари алмашиб қолганда 51-шаклдаги далолатноманинг олд томонини тўлдириш ва расмийлаштириш намунаси

(51-шаклнинг орқа томони)

Юкорила кўрсатилган, лекин мавжудлари орасида бўлган *посилкаларнинг* ўрнига қуйидаги қўшиб ёзилмаган *посилкалар* олинди
(почта жўнатманинг номи) (почта жўнатманинг номи)

| т/р | Почта жўнат-масининг рақами | Эълон қилинган қиммати (сўм) | Устама тўлов (сўм) | Оғир-лиги (кг) | Жўнати ш санаси | Жўнатиш жойи | Жўнатувчи ва унинг манзили | Олувчи ва унинг тўлиқ манзили | Эслатма |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| *1* | *76* | *1500* | - | *5,2* | *18.05. 01г.* | *Ромитон Бухоро* | *Ромитон, Нокзор кўч, 39-уй Норгизова* | *Тошкент, Олмазор кўч, 35-уй" Зухра" фирмаси* | *116-шаклдаги бл. келиб тушмади* |
| *2* | *41* | *1000* | - | *6,6* | *19.05. 01г.* | *Хива Хоразм* | *Хива Тинчлик кўч, уй Матчонова* | *Тошкент, Олмос кўч, 29-уй 10-хон Олимовага* | *116-шаклдаги бланка. келиб тушмади* |

ҚАРОР ҚИЛИНДИ: 1 ҳужжатларга ёзилмаган холда келган *посилкалар* (116 - шаклдаги бланкаларининг
(почт. жўнатманинг тури)
нусхаларини тузилсин, 16-шаклдаги юкхатга қўшиб ёзилсин, манзили бўйича юборилсин, ~~олувчига берилсин~~)
(кераксизи ўчирилсин)

2. Мазкур далолатнома 3-нусхада тузилсин. Асл нусхаси *Халқаро почтамт* га текшириш учун
(почта келган почта алоқа обектининг номи)
юборилсин, 2-нусхаси *«Тошкент почтамти» нинг саралаш ва алмашув участкаси* нинг ҳужжатларига
(далолатномани тузган почта алоқаси объектининг номи)
қўшиб қўйилсин, 3-нусхаси *«Тошкент почтамти»* га юборилсин.
(поч. алоқаси юқори турувчи объектнинг номи)



(тақвим тамға изи)

Далолатномани туздилар: *Қайта ишлаш ва айирбошлаш участкасининг бошлиғи* *Махмудов*
(лавозим, фамилия, имзо)

*Масъул навбатчи* *Рустамова*
(лавозим, фамилия, имзо)

*Оператор* *Виноградова*
(лавозим, фамилия, имзо)

101 б - расм Ёпиқ буюм ва почта жўнатмалари алмашиб қолганда 51-шаклдаги далолатноманинг орқа томонини тўлдириш ва расмийлаштириш намунаси

51-шакл

*14* -сон *ДАЛОЛАТНОМА*

200*3* й. «*10*» *феврал* да *Халқаро почтамт* да тузилган
(йил, кун ой) (поч. олиш жойи поч.ал.объектининг номи)
шу ҳақдаки, *917 - поезд 205 - ПВ* даги почта билан 200*3* й *«10» феврал* даги
(поч.жўн. жойи поч.ал.об.номи)
*ПВБ Икромов* кузатувида (*15*- сон гувоҳнома) умумий юкхат бўйича «*45*» та
(фамилияси)
буюм *кўрсатилган ПВ* дан *«10» феврал* да алоҳида юкхат бўйича *35* та буюмдан
иборат, соат «*13*» «*30*» мин.да келган эълон қилинган қиммати *1000* сўм *-*
устама тўловли, оғирлиги *6* кг *900* г деб ҳисобланган *(2-шаклдаги ёрлиқ, коплаги ёрлиқ, ўров бўйича)* *152* -сон *посилка* *Хоразм вил. Хива 1*
(кераксизи ўчирилсин) (поч.жўнат.номи) (шаҳар, вилоят, туман
*П.Маҳмудов кўчаси, 25 хонадон* га жўнатилган.
200*3* йил *«8» февралда* жўнатилган
*700000, Тошкент, почтамт, Ц-1, 62 уй, 15-хонадон* манзили бўйича
(манзилланган жойнинг тўлиқ манзили)
*Эркин Саматов* нинг номига
(олувчининг фамилияси)
Жўнатувчи ва унинг манзили *Улуғбек Миркамалов*
*741401, Хоразм вил., Хива - 1, П. Маҳмуд кўч, 25-уй*
Сиртқи кўздан кечирилганда қуйидагилар маълум бўлди: (ўров, боғлов, ташқи чоклар ва муҳрларнинг кўриниши ва ҳолати кўрсатилсин)
*посилкадан нимадир сизиб чиқмоқда*
Ўрови *фанер қути бутун, зарарланмаган*
Боғлови *каноп ип, бутун*
Чоклари
Муҳрлари *Сурғучи бутун, боғлов учлари Хива1 АБ нинг суғурта муҳри билан муҳрланган*
*посилканинг* соф оғирлиги *6* кг *100* г бўлиб чиқди.
(поч.жўнатманинг тури)
Яъни ______ га кўп, *800* га кам
Шу сабабдан *посилка* бузиб очилди
(почта жўнатмасининг тури)
Жойланма текширилганда қуйидагилар маълум бўлди: (почта жўнатмасида сақланиб қолган ҳар бир буюмлар, нарсаларнинг ҳолати, улчами, оғирлиги санаб ўтилади)
*1 Ичида бехили мураббо бўлган синган шиша банка (синган шишанинг ва мураббо қолдиғининг оғирлиги 1 кг 700 г); 2 Анор 2 кг; 3 1 та бутилка (0,5 л) Доғистон коняги-800 г; 4 Эркакларнинг оқ жун куйлаги (қўлда тўқилган, полиэтилен халтада)-0,5 кг. Жойланманинг умумий оғирлиги - 0,5 кг ни ташкил этди.*

102 а-расм почта жўнатмалари жойланмасининг бузилиши ва етишмаслигида 51-шаклдаги далолатноманинг олд томонини тузиш ва расмийлаштириш нусхаси

(51-шаклнинг орқа томони)

Идиш (тара) оғирлиги *1 кг 100 г*

Қарор қилинди: юқорида санаб ўтилган жойланма, хусусан:

*1 Синиқ шиша ва мураббо қолдиғи ташлаб юборилсин*

*2 Анорлар, 1 шиша коньяк, жун кўйлак*

*ўша қути* ўровига ўраб жойлансин

*посилканинг* чоклари ва боғловлари

(почта жўнатманинг тури)

*«Халқаро почтамт»* сурғучда мухри билан муҳрлансин.

(почта алоқаси объектининг номи)

*посилканинг* оғирлиги қайта ўраб жойлаб, тортилганда

(почта жўнатмасининг тури)

*4* кг *400* граммлиги аниқланди.

Мазкур далолатнома 4 нусхада тузилди.

Асл ва 4-нусхаларини *посилка* билан бирга

(почта жўнатмасининг тури)

белгиланган манзилга юборилсин, ~~олувчига берилсин~~

(кераксизини ўчирилсин)

2-нусхаси *Хива-1 га жўнатувчига билдириш учун* юборилсин.

(поч. жўн.қаб.қилин жойи поч.алоқ. объектининг номи)

3-нусхаси *Халқаро почтамт* нинг

(далолатномани тузган почта алоқа объектининг номи)

ҳужжатларига қўшиб қўйилсин

Далолатномани туздилар: *Цех бошлиғи Раҳимов*

(лавозим, фамилия, имзо)

*Смена бошлиғи Атаниязов*

(лавозим, фамилия, имзо)

*Сараловчи Нуриишева*

(лавозим, фамилия, имзо)




(тақвим тамға изи)

102 б-расм Почта жўнатмалари жойланмасининг бузилиши ва етишмаслигида 51-шаклдаги далолатноманинг орқа томонини тузиш ва расмийлаштириш намунаси

| Далолатноманинг тартиб рақами | Тузиш санаси | Қисқа мазмуни | Далолатнома қачон ва қаерга йўлланган | Тасдиқлов олинмаганлиги тўғрисидаги эслатма йўлланган сана | Тасдиқловнинг олинган санаси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| | | | | | |

103 - расм 51-шаклдаги жўнатилувчи далолатномаларнинг қайд дафтари

**514** Алоқа бўлимида тузилган 51-шаклдаги далолатномалар дарҳол (навбатдаги жўнатиладиган почта билан) ўз тобелигига кўра почта алоқаси ҳудудий ташкилотлари ёки почта алоқаси объектлари (почта алоқа боғламалари, почтамт)га белгиланган тартибда рўйхатга олиш ва кейинги иш кунидан кечиктирмай (далолатнома келган вақтдан бошлаб) нуқсонга йўл қўйган почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объектига узатиш учун берилиши керак. Почта жўнатмаси йўқотилгани ёки жойланмаларнинг бир қисми етишмаслиги сабабли тузилган 51-шаклдаги далолатномалар бўйича, далолатнома тузган почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқа боғламаси, почтамт) томонидан, бундан ташқари идоравий текширув ўтказилади, иш ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларига берилади.

**515** Шикастланган ёки нотўғри расмийлаштирилган почта жўнатмалари ва берк буюмлар билан олинган бланкаларда, шунингдек қайд қилинмаган почта жўнатмалари ва буюмлари тўлиқ олинмаган ҳужжатларда 51-шаклдаги далолатнома тузилгани ҳақида белги қўйилади. Ҳужжатларга 51-шаклдаги далолатноманинг бир нусхаси илова қилинади.

**516** Юкхатга ёзиб қўйилган посилка ўрнига келган посилка учун 116-шаклдаги (117-шаклдаги) стандарт бланкада дубликат тузилади, у билан посилка белгиланган манзилга жўнатилади. Дубликатга келган посилка тўғрисидаги барча маълумотлар, шу жумладан 2-шаклдаги ёрлиғининг маълумотлари киритилади. Дубликат бланкасига уни тузган алоқа ходими имзо қўяди ва тақвим тамға изи билан тасдиқлайди. Посилкаси бўлмаган 116-шаклдаги бланка почта жўнатмаларини жўнатган почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқа боғламаси, почтамт)га 51-шаклдаги далолатнома билан бирга жўнатилади. Почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқа боғламаси, почтамт) 51-шаклдаги далолатнома билан 116-шаклдаги бланкани олиб, дарҳол йўқолган посилкани излаб топиш учун чораларни кўриши керак.

**517** Ходимлари хатога йўл қўйган почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқа боғламаси, почтамт) раҳбарлари 51-шаклдаги далолатномани олишлари билан ўша куннинг ўзида:

почта жўнатмаларининг кўп сон алмашувида келувчи 51-шаклдаги далолатномаларни махсус қайд дафтарда ҳисобга олишни таъминлашлари керак (104-расм). Рақамлаш йил давомида олиб борилади;

кам сонли почта жўнатмалари алмашувида - умумий қайд дафтарида ҳужжатларни рўйхатдан ўтказилишини таъминлашлари керак.

| т/р | Келиб тушган сана | Ким томонидан тузилган, далолатнома рақами ва санаси, | Қисқа мазмуни | Далолатнома қайси участка, цех, бригада учун тузилган | Текширувлар натижаси | Нуқсон қайд этилгани тўғрисидаги белги |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 |
| | | | | | | |

104 - расм 51-шаклдаги келувчи далолатномаларнинг қайд дафтари

51-шаклдаги ҳар бир далолатнома бўйича текширув ўтказилади. Идоравий текширувни талаб этмайдиган 51-шаклдаги далолатномалар икки кун давомида бажарилади, текширув ўтказилишини талаб этувчи далолатномалар эса 10 кун давомида бажарилади. **51-шаклдаги далолатномаларни қайтариб юбориш қатъиян ман этилади.**

Агар текширув почта вагони бригадаси билан боғлиқ бўлса, у ҳолда идоравий текширув вақти, шунингдек ишни ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларига топшириш муддатлари далолатнома олинган пайтдан бошлаб, бригаданинг йўлда бўлиш вақтигача узайтирилади.

**518** Почта жўнатмаларини суиистеъмол қилиш ҳоллари аниқланганда идоравий текширув (тергов) иши ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларига берилади. Ҳар бир 51-шаклдаги далолатнома бўйича текширув натижалари ва кўрилган чоралар тўғрисида 51-шаклдаги далолатномани тузган почта алоқаси объектига хабар қилинади. 51-шаклдаги далолатномада етишмайдиган маълумотлар, шунингдек текширув учун зарур бўлган бошқа ишлаб чиқариш ҳужжатлари қўшимча равишда сўраб олинади. 51-шаклдаги далолатномалар текширувни ўтказган почта алоқа ҳудудий ташкилотлари ёки почта алоқаси объектлари (почта алоқа боғламаси, почтамт)да қолади.

51-шаклдаги келувчи далолатномаларни ҳисобга олиш қайд дафтарида олиб борилган ишлар ва уларнинг бажарилиши ҳар ойда таҳлил қилиб борилади.

### 8.4 Почта жўнатмалари ва буюмларни очиш тартиби

**519** Почта жўнатмалари ва буюмлар айрим ҳолларда почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқа боғламаси, почтамт) раҳбарининг фармойиши бўйича, шунингдек дастлабки маълумотлар (манзили ювилиб кетганда, ёрлиқлар узилиб кетганда) бўлмаганда, жойланмаларнинг бутлигига шубҳа туғилганда (ўров, боғлов, муҳрлар ва қоғоз тасманинг жойланмани очиш имко-нини яратувчи шикастланган, оғирлигида фарқ бўлган) ёки ташқи белгиларига қараб жойланманинг шикастланганига, бузилганлиги тахмин қилинганда ёҳуд жўнатилиши ман қилинган жойланмалар бор бўлганда, олувчининг талаби бўйича очилади.

**Бутун ҳолатдаги устама тўловли почта жўнатмалари олувчининг талабига биноан фақат устама тўлов тўлангандан сўнг очилади.**

**520** Почта жўнатмалари ва буюмлар почта алоқаси объектининг раҳбари (ўринбосари), операция цех (участка)лари мавжуд бўлган почта алоқаси ҳудудий ташкилотлари ёки почта алоқаси объектлари (почта алоқа боғламалари, почтамт)да эса қуйида кўрсатилган ходим-лардан бирининг: цех (участка) бошлиғи (ўринбоса-

ри), масъул навбатчи (смена бошлиғи), почта алоқаси хизматининг маъсул ходими иштирокида очилади. Очиш шундай ҳисоб-китоб билан амалга ошириладики, бунда почта жўнатмасининг ўрови, пломба, муҳрлар, боғлов, чоклар далилий ашё сифатида сақланади.

**521** Почта жўнатмалари ёки буюмларнинг алмашуви амалга оширилаёттан вақтда, ишлов бериш ёҳуд ортиш вақтида боғловлари, муҳрлари, ўрови шикастланганда, улар очилмайди, балки тегишли почта алоқаси объектининг суғурта муҳри билан муҳрланади, шу билан бирга муҳрлашдан аввал почта жўнатмаси ёки буюмнинг оғирлиги албатта текширилади. Почта вагонларида почта жўнатма-лари ва буюмларнинг оғирлиги текширилмайди.

Почта жўнатмалари ва буюмларини муҳрланганлиги тўғрисида 16-шаклдаги юкхатда белги қўйилади, шу билан бирга бланкада бу белги тақвим тамға изи ва алоқа ходимининг имзоси билан тасдиқланади.

Почта жўнатмалари ва буюмларини очиш тўғрисидаги 51-шаклдаги далолатномани тузишда, уларни ташқи ҳолати, почта жўнатмаси ва буюмининг оғирлиги, жойланмаларни текширишда нималар аниқланганини (ҳар бир предмет, унинг ўлчови, оғирлиги, почта жўнатмасининг ичида бўш жойнинг бор-йўқлиги, шунингдек почта жўнатмаси ёки буюмининг қайта беркитилгандан кейинги умумий оғирлиги алоҳида ва батафсил санаб ўтилади) тўлиқ ифодаланади. Бундан ташқари, 51-шаклдаги далолатномада идиш (тара)нинг оғирлиги, жойланма нима қилинганлиги, почта жўнатмаси ёки ёпиқ буюм қайта беркитилгандан сўнг қандай муҳр билан муҳрлангани, 51-шаклдаги далолатнома ва унинг нусхалари қаерга жўнатилгани ёзилади.

**522** Транзит ёпиқ буюм қайта беркитилгандан сўнг, унга янги манзил ёрлиғи бириктирилади ва қайта беркитишни амалга оширган почта алоқаси объекти томонидан муҳр (пломба)ланади.

**523** Транзит посилкаларни очиб кўрилганда аниқланган жойланманинг ишлатиш учун яроқсиз ҳолга келган қисми олиниб, йўқ қилинади. Жойланманинг сақланиб қолган қисми посилка ўровига беркитилади ва белгиланган манзилга жўнатилади. 51-шаклдаги далолатнома бланкасига бириктирилади ва унга *«Далолатнома билан бирга»* белгиси қўйилади. Агар қайта беркитил-гандан сўнг посилка ўрови жойланманинг бутлигини таъминламаса, у ҳолда посилка белгиланган манзилга қопда жўнатилади (мевалар ва *«Ehtiyot qiling»* белгили посилкалардан ташқари). Бузилган жойланма-ларнинг қисман ёки тўлиқ йўқ қилингани тўғрисидаги, шунингдек почта орқали жўнатиш ман қилинган жойланманинг мусодара қилингани тўғрисидаги 51-шаклдаги далолатноманинг нусхаси жўна-тувчига маълум қилиш учун почта жўнатмасини жўнатган жойнинг почта алоқаси объектига буюртмали бандерол сифатида жўнатилади.

524 107-шаклдаги руйхати мавжуд бўлган транзит қиммати эълон қилинган хат ёки қиммати эълон қилинган бандеролни очишда ичидаги жойланмалар руйхати бўйича текширилади, қиммати эълон қилинган ёпиқ хат эса - унинг ичига солинган илова ҳужжати бўйича текширилади. Шундан сўнг қиммати эълон қилинган хат ва қиммати эълон қилинган бандерол жойланмаси эски ўрови билан бирга янги ўровга солиб ёпилади, унда манзил ва жўнатиш маълумотлари кўрсатилади.

Қиммати эълон қилинган хат ва қиммати эълон қилинган бандерол қайта беркитишни амалга оширган почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқа боғламаси, почтамт) томонидан муҳрланади ва сўнгра почта алоқаси объектигача «тўғридан-тўғри» қопда жўнатилади. Хат ёки бандерол билан бирга 51-шаклдаги далолатноманинг икки нусхаси ҳам жўнатилади, бу хатда 16-шаклдаги юкхатда *«Далолатнома билан бирга»* белгиси қўйилади.

525 Агар ичида 107-шаклдаги руйхат мавжуд бўлган транзит сугуртали қоп, шунингдек қиммати эълон қилинган бандерол, қиммати эълон қилинган хат, қиммати эълон қилинган посилкалар очилганда жойланма тўлиқ ва зарарланмаган бўлса, у ҳолда 51-шаклдаги далолатнома тузилмайди. Бундай ҳолларда 16-шаклдаги ички юкхат (107-шаклдаги руйхат)да бундай белги қўйилади: *«____________ сабабли* (очиш сабаби)____________*да* (почта алоқаси объектининг номи) *очилди. Жойланма тўлиқ ва 16-шаклдаги юкхатга (107-шаклдаги руйхатга) мос келади».* Бу белги тақвим тамға изи ва қайта беркитишда иштирок этган алоқа ходимларининг имзоси билан тасдиқланади. Қайта беркитилган почта жўнатмаси ёки буюмга илова қилинган 16-шаклдаги юкхатда қуйидагича белги қўйилади: «______________________ (очиш ва қайта беркитишни амалга оширган почта алоқаси объектининг номи) *муҳри билан жўнатилади».* Бундан ташқари, шундай белги посилкага тегишли бўлган бланкага ҳам қўйилади.

## 9 Олувчиларнинг манзилларини аниқлаш. Почта жўнатмалари ва пул ўтказмаларини сақлаш муддатлари, уларни қайта жўнатиш ва қайтариш. Тарқатилмаган почта жўнатмалари, тўланмаган пул ўтказмалари

### 9.1 Олувчиларнинг манзилларини аниқлаш. Белгиланган жойдаги почта алоқаси объектларида почта жўнатмалари, пул ўтказмаларини сақлаш муддатлари

526 Олувчиларнинг фамилияси, исми-шарифи бўлган ҳолларда олувчилар аниқланмангани сабабли топширилмаган (ушбу Қоидаларнинг 75-банди) оддий хатлар ва почта варақчалари, шунингдек

бандеролларнинг ва рўйхатга олинадиган почта жўнатмалари, пул ўтказмалари билдиришномалари кейинги кундан кечиктирмай маълу-мотлар олиш учун маҳаллий манзил бюро (гуруҳ)ларига топширилади. Бу билдиришномалар икки нусхада тузилган 11-шаклдаги реестрга имзо қўйдириб берилади, реестрга ёзиш умумий сон бўйича (турлари бўйича) амалга оширилади. Реестрнинг бир нусхаси билдириш-номалар билан манзил бюроси (гуруҳи)га берилади, иккинчи нусхаси эса уни қабул қилиб олинганлиги тўғрисида тилхат билан почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объектида қолади.

**527** Манзил бюроси (гуруҳи) олувчиларнинг манзиллари бўйича маълумотларни 20-шаклдаги маълумотноманинг орқа томонида кўрсатади, ўз тамғаси билан тасдиқлайди ва почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объектига манзил бюроси (гуруҳи)га қабул қилинган билдиришномалар реестрнинг биринчи нусхаси билан тилхат орқали қайтариб берилади.

**528** Олувчининг манзилини аниқлаш учун манзил бюроси (гуруҳ)га берилган билдиришнома учун тўлов миқдори ва ҳисоб-китоб муддатлари почта алоқаси ҳудудий ташкилотлари ёки почта алоқаси объектлари ва манзил бюроси (гуруҳлари) ўртасидаги битимга кўра аниқланади.

**529** Олувчининг турар жойи аниқлангандан сўнг, почта жўнатмасида «Манзили аниқланганлиги учун тўлансин» тамғасининг изи туширилади ва маълумотларни тўплаш учун тўлов суммаси ёзилади, бу пул олувчидан 47-шаклдаги квитанция ёзиб жўнатмани топшириш вақтида ундирилади. Почта жўнатмаси мўлжалланган манзилга ушбу Қоидаларнинг 532 - 534 - бандларида кўзда тутилган тартибда элтиб берилади ёки жўнатилади.

**530** Олувчиларга улар келмаганлик ёки вақтинча бўлмаганликлари сабабли топшириш имкони бўлмаган почта жўнатмалари, пул ўтказмалари, шунингдек *«Йўқлаб олинадиган»* деб манзил- ланган газета ва журналлар белгиланган манзилдаги почта алоқаси ҳудудий ташкилотлари ёки почта алоқаси объектларида бир ой давомида сақланади. Адабий иловалар почта алоқасининг ҳудудий ташкилотлари ёки почта алоқаси объектига келган кундан бошлаб камида 6 ой давомида сақланади. Олувчи вақтинча хизмат сафарига, меҳнат таътилига ва ҳақазоларга кетганда, унинг илтимосига кўра ва почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти раҳбари (ўринбосари)нинг фармойиши бўйича почта жўнатмалари, пул ўтказмаларини, шу жумладан «Йўқлаб олинадиган» деб манзилланган газета ва журналларни сақлаш муддати улар келиб тушган кундан бошлаб икки ойгача узайтирилиши мумкин.

## 9.2 Ички почта жўнатмалари, пул ўтказмаларини қайта жўнатиш ва қайтариш

531 Агар почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объектига олувчининг янги турар жойи маълум бўлса ёки ундан почта жўнатмаси пул ўтказмасини янги манзилга элтиб бериш тўғрисида ариза тушган бўлса, почта жўнатмаси, пул ўтказмаси дарҳол қайта жўнатилади.

532 Топширилмаган почта жўнатмалари, тўланмаган пул ўтказмалари почта алоқаси ҳудудий ташкилотлари ёки почта алоқаси объекти томонидан бу почта жўнатмалари ва пул ўтказмаларида кўрсатилган жўнатувчининг манзиллари бўйича, қуйидаги ҳолларда қайтарилади:

а) уларни сақлаш муддати ўтгандан сўнг;

б) жўнатувчиларнинг аризасига биноан;

в) олувчилар почта жўнатмалари, пул ўтказмаларини олишдан воз кечганларида;

г) олувчи қидириб топилмаганда ва бу ҳақда манзил бюроси (гуруҳи), турар жойдан фойдаланиш корхонаси, маҳалла қўмитаси, қишлоқ, овул кенгаши (кенгеси), қишлоқ хўжалик корхонаси, корхона, ташкилот, муассасанинг маълумотномаси бўлганда;

д) олувчи вафот этганда;

е) *«Sudga chaqiruv qog'ozi»* белгили буюртмали хатлар почта алоқасининг элтиб бериш объектига келиб тушган кундан бошлаб етти кун ўтгач олувчига топширилмаганда;

ж) олувчи, фойдаланувчининг қутиси кўрсатилмаганда ёки нотўғри кўрсатилганда.

Агар олувчига устама тўловли пул ўтказмасини тўлашнинг имкони бўлмаса, у берилган жойига қайтарилмайди, балки ПУИНҚМга навбатдаги пул ўтказмаси ҳисоботи билан сақлаш учун жўнатилади.

*«Йўқлаб олинадиган»* белгиси билан манзилланган газеталар белгиланган сақлаш муддати ўтгандан сўнг макулатурага топширилади, журналлар ва уларга иловалар эса, алоқа бўлимларига 16-шаклдаги юкхат бўйича сотиш учун берилади, улар 16-шаклдаги юкхатга номи, рақамлари ва нархини кўрсатиб ёзилади.

533 Почта жўнатмаси, пул ўтказмасини қайта жўнатиш ёки қайтаришдан олдин почта жўнатмаси, пул ўтказмасини топширишнинг барча чоралари кўрилган- кўрилмагани синчиклаб текширилади; уни қайта жўнатиш ёки қайтариш учун барча асослар етарли эканлиги текширилади.

Оддий хат-хабар 20-шаклдаги маълумотномалар билан қайта жўнатилади (қайтарилади) ва олувчиларга топширилади. Оддий почта

жўнатмаси олувчи (жўнатувчи)нинг аризасига кўра қайта жўнатилганда ёки қайтарилганда, шунингдек, рўйхатга олинадиган почта жўнатмалари қайта жўнатилганда ёки қайтарилганда унинг ўрови, пул ўтказмаси (пул ўтказмаси телеграммалари)нинг, посилка бланкасининг орқа томонида қайта жўнатиш (қайтариш)нинг сабаби тўғрисида белги қўйилиб, у тақвим тамға изи билан тасдиқланади. 8-шаклдаги дафтарда ва 20-шаклдаги назорат дафтарида ҳам қайтарилган ёки жўнатилган санани кўрсатиб, худди шундай белги қўйилади.

114-шаклдаги тезкор (телеграф) пул ўтказмаси ҳали етиб келма-ганда, пул ўтказма телеграммасини қайта жўнатиш ёки қайтаришда, унинг орқа томонига назорат-герадьдли муҳр изи туширилади ва тезкор (телеграф) пул ўтказмаси ҳали олинмагани тўғрисидаги белги қўйилиб, алоқа ходимининг имзоси билан тасдиқланади.

Қайта жўнатиладиган ва қайтариладиган посилка, қиммати эълон қилинган хатлар, қиммати эълон қилинган бандероллар, пул ўтказмаларига (агар биринчи билдиришномани олувчилар қайтармаган бўлса) 22-шаклдаги билдиришнома ёзилади, унда қайта жўнатиш (қайтариш) сабаблари ва санаси кўрсатилади. Билдириш-номаларни кириш рақамлари бўйича жўнатмалар бланкаларини сақлайдиган қутига қўйилади.

Билдиришномаларни топшириш кунлари бўйича тикиб қўйилада. Почта жўнатмалари, пул ўтказмаларини қайта жўнатиш ёки қайтариш санаси тўғрисидаги белги 16-шаклдаги кириш юкхатлари, 11-шаклдаги реестрда, сабаби эса қайта жўнатилаётган ёки қайтари-лаётган қиммати эълон қилинган хатлар, қиммати эълон қилинган бандероллар, посилкалар, пул ўтказмаларига ёзилган 16-шаклдаги юкхатлар, 11-шаклдаги реестрларнинг нусхаларида амалга оширилади.

Почта жўнатмалари, пул ўтказмаларинниг қайта жўнатилиши ва қайтарилишининг тўғрилигини почта алоқаси объектларининг раҳбарлари (ўринбосарлари), почта алоқаси ҳудудий ташкилотларида-назорат қилувчи шахс текширади, улар почта жўнатмаси, пул ўтказмасини қайта жўнатиш ёки қайтариш сабаблари тўғрисидаги хулосани имзолашади. Уларнинг имзосисиз қайта жўнатишга ёки қайтаришга йўл қўйилмайди.

Манзил бюроси (гуруҳи)нинг маълумотлари ёзилган билдиришномалар почта алоқаси ҳудудий ташкилотлари ва почта алоқаси объектларида қайта жўнатилган ёки қайтарилган почта жўнатмалари, пул ўтказмаларининг 11-шаклдаги реестрлари ва 16-шаклдаги юкхатлари билан бирга сақланади.

534 Қайта жўнатиладиган ёки қайтариладиган почта жўнатма-ларидаги, посилкалар ёки пул ўтказмалари бланкаларидаги аввалги манзиллари ва индекслар устидан чизиқ тортиб ўчирилади, манзил томонида эса қуйидагилар ёзилади:

қайта жўнатишда - «*ҚЖ*» ҳарфи ва мўлжалланган янги пункт номи;

қайтаришда – «*Қ*» ҳарфи ва почта жўнатмаси қайта жўнатиладиган пунктнинг номи (105-расм).

«*ҚЖ*» ва «*Қ*» ҳарфлари остига қизил қалам ёки ручкада чизиқ чизилади.

Қайта жўнатишда янги манзил қуйидагича тўлиқ ёзилади:

хатларда, бандеролларда, пул ўтказмалари ва посилка бланка-ларининг орқа томонида

почта варақчаларида - уларнинг манзил томонига бириктириб қўйиладиган 20-шаклдаги маълумотномада;

посилкаларда - уларнинг манзил томонларига бириктириб қўйиладиган 19-шаклдаги ёрлиқда ёки унга тегишли тамға изида (106-расм).

Полиэтилен ўровли қайта жўнатиладиган ва қайтариладиган бандероллар қоғозга ўралади (боғланади ва муҳрланади), янги ўровга барча зарур маълумотлар кўчирилади.

Қайта жўнатиладиган ва қайтариладиган пул ўтказмалари, қиммати эълон қилинган хатлар, қиммати эълон қилинган бандероллар ва посилкалар 11-шаклдаги реестрлар ёки 16-шаклдаги юкхатларга «*ҚЖ*» ёки «*Қ*» ҳарфларини кўрсатиб номма-ном ёзиб қўйилади ҳамда агар 11-шаклдаги реестр ёки 16-шаклдаги юкхат қайта жўнатиладиган (қайта жўнатиладиган) пул ўтказмаси, почта жўнатмаси белгиланган жойгача бормаса, қуйидаги маълумотларни кўрсатиб, номма-ном ёзиб қўйилади: жўнатиш рақами, жўнатиш жойи ва қайта жўнатилиш.

Буюртмали ва тезкор (телеграф) хабарномали *«O'z qo'liga topshirilcin», «Sudga chaqiruv qog'ozi»* белгили буюртмали хатлар қайта жўнатилган ёки қайтарилганда юқорида кўрсатилган тартибда 11-шаклдаги реестрга ёзиб қўйилади.

Қайтариладиган ва қайта жўнатиладиган пул ўтказмалари 11-шаклдаги (қабул қилинган пул ўтказмаларидан) алоҳида реестрга ёзиб қўйилади, унинг юқорисига *«Қайта жўнатилувчи»* ёки *«Қайтарилувчи»* белгиси қўйилади, ҳар бир пул ўтказмаси ёзувининг қаршисига эса жўнатиш (қайта жўнатиш) сабаби ва келувчи тартиб рақами кўрсатилади. Бу пул ўтказмалари реестр билан бирга конвертга жойланади, унга *«Пул ўтказмалари буюртмали жўнатмалар йиғиндиси»* деб ёзилади ва пул ўтказмалари тўланган жойдаги почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объектига жўнатилади.




105-расм Қайта жўнатиладиган хатни расмийлаштириш намунаси


Кайта жўнати.лмоқда 19-шакл

~~Қайтарилмоқда~~

Кўқон ш. Фарғона вилояти,
2-сон мактаб га
(каерга )

O'ZBEKISTON
08 04 01
TOSHKENT 10
(жўнатиш жойи тақвим тамға изи)

Сабаби жўнатувчининг аризасига асосан

Ўровнинг сирт.қи ҳолати соз ҳолатда

Оғирлиги 7 кг 400 г

ББ Олимов
(лавозим ва имзо)

ОПР Зоҳидова
(лавозим ва имзо)

106-расм Қайта жўнатиладиган посилкага 19-шаклдаги ёрлиқни расмийлаштириш намунаси

535 Жўнатувчининг ёки олувчининг ёзма аризасига кўра оддий ёки тезкор (телеграф) пул ўтказмаси телеграф орқали юборилиши мумкин. Бу ҳолда янги жўнатилиш жойига пул ўтказмасининг телеграммаси жўнатилади, унинг хизматга оид сарлавҳасида пул ўтказмасини қайта жўнатувчи почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объектининг номи кўрсатилади. Матндан олдин қуйидагилар ёзилади: *«Қайта жўнатилаётган»* сўзи, пул ўтказмасининг янги жойи ва манзили, кейин *«Пул ўтказма»* сўзи ва унинг берилиш рақами, пул ўтказмасини берган дастлабки почта алоқаси объекти ва унинг рақами белгиланиши, *«оддий» ёки «тезкор (телеграф)»* сўзи, берилган сана ва ой сўз билан, кейин эса одатдаги пул ўтказмасининг телеграмма маълумотлари.

Қайта жўнатилувчи тезкор (телеграф) пул ўтказмаси пул ўтказмасининг телеграммасини ёзиш намунаси:

*Тошкент 4/155 28 12/3 1420 =*

*Қайта жўнатилувчи Самарқанд 17 Улуғбек тўққиз хонадон саккиз =*

*Пул ўтказма бир каср уч бир Қарши*
*2 158-01-02 учинчи мартдаги тезкор (телеграф) пул ўтказма*
*Алиева Сайёра Ахмедовнага 3000 уч минг*
*Алиевадан = АББ 4 Антонова-*

(назорат-геральдли муҳр)

536 Олувчиларга тўланмаган пул ўтказмасининг телеграммалари 114-шаклдаги тезкор (телеграф) пул ўтказмаси бланкасида кўрсатилган жўнатувчининг ёзилган манзилига почта орқали қайтарилади.

Жўнатувчининг аризасига кўра оддий ёки тезкор (телеграф) пул ўтказмаси телеграф орқали қайтарилиши мумкин. Бу ҳолда пул ўтказмасининг телеграммаси қуйидаги тартибда тузилади: пул ўтказмаси манзилланган жой, жўнатувчининг манзили, пул ўтказмасини бериш жойидаги почта алоқаси ҳудудий ташкилотининг ёки почта алоқаси объектининг рақамли белгилари кўрсатилади, *«Қайтарилувчи»* сўзи ёзилади ва қайтарилиш сабаби кўрсатилади, *«Пул ўтказмаси»* сўзи ва унинг рақами, «оддий» ёки *«тезкор (телеграф)»* сўзи, берилган кун ва ой (сўз билан), *«манзилланган»* сўзи, кейин олувчининг фамилияси, исми - шарифи ёки пул ўтказмаси юбориладиган ташкилотнинг номи, *«тўлансин»* сўзи ва пул ўтказмасининг суммаси, *«жўнатувчига»* сўзи, унинг фамилияси, исми-шарифи ёки ташкилот номи; шифр (агар талаб қилинса) ва почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти раҳбари (ўринбосари)-нинг имзоси.

Жўнатилган жойига қайтарилаётган пул ўтказмасига пул ўтказмаси телеграммасининг ёзиш намунаси:

*Тошкент 100/190 38 10/4 1220 =*
*Фарғона 2 Хамза икки хонадон йигирма = 163-01-02*
*жўнатувчининг аризасига кўра қайтарилаётган олтинчи апрелдаги тезкор (телеграф) пул ўтказма уч каср бир уч тўрт Солиев Шокир Алимовичга манзилланган 1000 бир минг жўнатувчи Солиева Дилбар Искандаровнага тўлансин*
*саккиз тўрт = АББ 100 Агзамкулова-*

(назорат-геральдли муҳр)

Пул ўтказмаси тўланган жойидан бошқа жойга қайтарилганда унинг рақамидан сўнг пул ўтказмасини жўнатган почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти ва рақамли белгиланиши кўрсатилади.

Жўнатилган жойига қайтарилмайдиган пул ўтказмасига пул ўтказма телеграммасини ёзиш намунаси:

*Наманган 1/203 36 20/4 1030 =*
*Андижон 7 Дўстлик олти хонадон уч =*
*Жўнатувчининг аризасига кўра қайтарилаётган бешинчи апрелдаги тезкор (телеграф) пул ўтказма икки каср уч икки Тошкент олтмиш саккизинчи бўлим 024-42-68 Алаев Омон Косимовичга манзилланган 200 икки юз жўнатувчи Саргубоев Шухрат Азизовичга тўлансин = АББ 1 Азизова -*

(назорат-геральдли муҳр)

**537** Оддий ва тезкор (телеграф) пул ўтказмалари, қиммати эълон қилинган хатлар ва қиммати эълон қилинган бандероллар, посилкалар қайтарилгани ва қайта жўнатилгани учун «Алоқа хизматлари учун тарифлар» прейскурантига мувофиқ тўлов ундирилади;

а) пул ўтказмалари учун-фақат телеграф орқали берилгани учун;

б) хатлар, бандероллар ва посилкалар учун-уларни жўнатиш учун белгиланган тариф бўйича оғирлиги учун.

Олувчилар воз кечган ёки белгиланган сақлаш муддати мобайнида улар олмаган почта жўнатмалари жўнатувчиларига уларнинг ҳисобидан қайтарилади.

Почта жўнатмалари, пул ўтказмаларини телеграф орқали қайтариш ва/ёки қайта жўнатиш учун тўловни олишда 47-шаклдаги дафтардан квитанция берилади.

**538** Агар оддий ёки тезкор (телеграф) пул ўтказмасини телеграф орқали қайта жўнатиш (қайтариш) учун тўлов тўланмаган бўлса

пул ўтказмасининг телеграммасини тузишда, *«Пул ўтказма сўзидан олдин» «Қайта жўнатиш (қайтариш) тўлови ундирилсин»* деб кўрсатилиши керак.

Агар қайта жўнатиш ёки қайтариш учун тўлов тўланмаган бўлса, қайтарилаётган ёки қайта жўнатилаётган пул ўтказмасига пул ўтказмасининг телеграммаси қуйидагича ёзилади:

*Нукус 10/190 42 10/4 1220 =*

*Тошкент 2 Уйғур икки, йигирманчи хонадон = 024-42-02 жўнатувчининг аризасига кўра қайтарилувчи олтинчи апрелдаги тезкор (телеграф) пул ўтказмани қайтарилиш тўлови ундирилсин уч каср бир уч тўрт Алимова Динора Комиловнага манзилланган 1000 бир минг сўм жўнатувчи Алимов Ҳабибулло Комиловичга тўлансин бир уч = АББ 10 Муҳамедов -*

(назорат - геральдли муҳр)

539 Телеграф орқали қайта жўнатилган ёки қайтарилган оддий пул ўтказмаси телеграмма кетидан жўнатилади. Икки марта пул тўланишини олдини олиш мақсадида пул ўтказмасида *«Почта»* сўзи ўчирилиб, унинг ўрнига ручка билан *«Тезкор (телеграф)»* деб ёзиб қўйилади. Унинг орқа томонига *«   - сон телеграммага . . . дан»* деб қўшиб ёзилади (26-шаклдаги назорат дафтари бўйича пул ўтказмасининг телеграмма рақами ва пул ўтказмасини қайта жўнатган ёки қайтарган почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объектининг номи). Пул ўтказмасидаги олувчининг аввалги манзили ўчирилади, орқа томонга эса тўлиқ манзил кўрсатилиб, қайта жўнатиш ёки қайтариш сабаби тўғрисидаги белги қўйилади. Олувчининг тилхати ва кўрсатилган суммани кўрсатиш учун мўлжалланган жой чизиб қўйилади.

Телеграф орқали қайта жўнатилаётган ёки қайтарилаётган 114-шаклдаги тезкор (телеграф) пул ўтказма бланкасининг орқа томонида назорат қилувчи шахс пул ўтказмаси қачон, қаерга (тўлиқ манзил), нима сабабдан қайтарилган ёки қайта жўнатилгани тўғрисида белги қўяди ва унинг 26-шаклдаги дафтар бўйича рақамини кўрсатади, шунингдек пул ўтказмасини қайтарган (қайта жўнатган) почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объектининг номини кўрсатади, яъни *«.______-сон телеграммага . . . дан»*, жўнатилаётган жойнинг 26-шаклдаги назорат дафтари бўйича кўрсатилган рақами эса ўчирилади. 114-шаклдаги тезкор (телеграф) пул ўтказма бланкаси телеграмма кетидан почта орқали жўнатилади. Пул ўтказма телеграммасининг бланкасида ҳам шундай белгилар қўйилади, кейин телеграмма ручка билан хочсимон чизиб қўйилади ва почта алоқаси объектида билдиришнома билан бирга сақланади.

**540** Пул ўтказма телеграммасини почта орқали қайта жўнатиш ёки қайтаришда унга 114-шаклдаги тезкор (телеграф) пул ўтказмаси бланкаси қўшиб (тикиб) қўйилади ва мўлжалланган жойига жўнатилади.

Пул ўтказма телеграммаси қайта жўнатилгандан ёки қайтарилгандан сўнг 114-шаклдаги тезкор (телеграф) пул ўтказмаси бланкаси олинганда олувчининг аввалги манзили ўчирилади ва у юқорида кўрсатилган тартибда расмийлаштирилгандан сўнг пул ўтказмасининг телеграммаси ортидан зудлик билан жўнатилади (қайта жўнатилади ёки қайтарилади).

**541** Қайтарилган почта жўнатмаси келувчи почта жўнатмаларини бериш учун кўзда тутилган умумий тартибда жўнатувчига топширилади.

Корхона, ташкилот ва муассасалар томонидан жўнатиладиган пул ўтказмалари уларнинг ҳисоб рақамларига пул ўтказиш йўли билан қайтарилади.

Қайтарилган пул ўтказмаси бўйича иккинчи марта тўлашнинг олдини олиш учун жўнатувчига пул тўлашдан олдин, аввал пул тўланган ёки тўланмаганлиги ҳақида маълумот олинади. Тезкор (телеграф) пул ўтказмасини тўлашдан олдин жўнатилган жойдаги почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти қайтарилган пул ўтказма телеграммасида кўрсатилган маълумотларни жўнатилувчи пул ўтказма телеграммасидаги маълумотлар билан солиштирилади.

Агар жўнатувчига манзили бўйича ҳали жўнатилмаган рўйхатта олинадиган почта жўнатмалари, пул ўтказмалари қайтарилса, у 8-шаклдаги дафтарга ёки бир нусхада тузиладиган 16-шаклдаги юкхатда, 11-шаклдаги реестрда қайтариш сабабларини кўрсатиб ёзилади ва келган рўйхатта олинадиган почта жўнатмалари, пул ўтказмаларини бериш учун кўзда тутилган тартибда топширилади.

**542** Манзилидаги почта алоқасининг ҳудудий ташкилотлари ёки почта алоқаси объектларида почта жўнатмалари, пул ўтказмаларини қайта жўнатиш ёки қайтариш тўғрисида олинган фармойишлар бажарилгандан сўнг, қайта жўнатиладиган ёки қайтарладиган почта жўнатмалари, пул ўтказмаларига илова қилинган 16-шаклдаги юкхатлар ва 11-шаклдаги реестрларнинг нусхаларига қўшиб қўйилади.

### 9.3 Ҳарбий почта жўнатмалари, пул ўтказмаларини қайта жўнатиш ва қайтариш

**543** Белгиланган почта алоқаси ҳудудий ташкилотлари ёки почта алоқаси объекти хизмат кўрсатмайдиган ҳарбий қисм ва муассасаларга ёки кўчиб кетган ҳарбий қисмларга йўлланган почта жўнатмалари ФПАБ га жўнатилади. 20-шаклдаги маълумотномаларда ва 19-шаклдаги ёрлиқларда *«Ҳарбий қисм рўйхатга олинма-*

*ган»* белгиси қўйилади. Кўп миқдордаги хат-хабарни жўнатишда ушбу Қоидаларнинг 533 - бандига мувофиқ расмийлаштирилган бундай белги ҳар бир почта жўнатмасига қўйилмай, балки почта жўнатмалари йиғиндисига қўйилади. **Почта жўнатмаларини ҳарбий қисм ва муассасаларнинг тўғридан-тўғри янги турар жойига қайта жўнатишга йўл қўйилмайди.**

544 Почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти томонидан ҳарбий қисмлар (муассасалар)нинг олувчиларига берилмаган оддий, буюртмали почта жўнатмалари ва суғуртали почта жўнатмаларининг 22-шаклдаги билдиришномалари қайтарилганда оддий, буюртмали почта жўнатмаларининг манзил томонида ва 22-шаклдаги билдиришномаларнинг орқа томонида топширилма-ганлик сабаблари тўғрисида ёзиб қўйилади, масалан, *«Олувчи қисмда йўқ», «Олувчи кетган» (қаерга кетганлиги кўрсатилади)*, сўнг уларга ҳарбий почтальон (ҳарбий қисм вакили) имзо қўяди, *«Пакетлар учун»* муҳрининг изи билан тасдиқланади.

Қайтарилган буюртмали почта жўнатмаларига алоқа ходимлари 11-шаклдаги реестрни тузади, унда уларнинг рақамларини ва қабул қилинган жойларини кўрсатади. 11-шаклдаги реестр бир нусхада тузилади ва почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти учун кирим ҳужжати ҳисобланади.

Ҳар бир ҳарбий қисм (муассаса) қайтариладиган ёки қайта жўнатиладиган посилкага бланканинг дубликатини тузади, унда дастлабки манзилни ўчиради ва янги манзилини ёзади. Бланка дубликатининг юқорисига: *«Қайта юборилаётган ҳарбийга оид»* ёки *«Қайтарилаётган ҳарбийга оид»* деб ёзилади. Худди шундай белги посилка, қиммати эълон қилинган хат, қиммати эълон қилинган бандероллар манзил томонининг юқори қисмида кўрсатилади. Бланка дубликатининг орқа томонида, шунингдек қиммати эълон қилинган хатлар ёки қиммати эълон қилинган бандероллар, буюртмали хатлар ёки буюртмали бандеролларнинг орқа томонида қайта юбориш ёки қайтаришнинг сабаби кўрсатилади ва у ҳарбий қисм (муассаса)нинг муҳри билан тасдиқланади.

Почта алоқаси ҳудудий ташкилотлари ёки почта алоқаси объектлари ўзлари хизмат кўрсатадиган ҳарбий қисмлар (муасса-салар)нинг қўмондонлиги билан келишилган муддатларда, ҳар ойда шу қисм (муассаса)ларнинг ваколатланган вакилларига 114-шаклдаги тезкор (телеграф) пул ўтказмасидан суммалари қайтарилиши керак бўлган пул ўтказмалари жўнатувчиларининг манзилини ёзиб олишига имкон яратиб беришлари керак. Ёзиб олинган манзилларни алоқа ходими текшириши, ёзувларнинг тўғрилиги эса унинг имзоси ва тақвимли тамға изи билан тасдиқланиши керак.

Пул ўтказмалари бўйича аввал олинган пулларни қайта жўнатишда ёки қайтаришда ҳарбий қисм (муассаса) янги пул ўтказмаси

бланкасини тўлдиради. Пул ўтказмаларини жўнатиш учун тўлов умумий асосларда тўланади.

545 Почта алоқаси ҳудудий ташкилотлари ёки почта алоқаси объектларига қайтарилган оддий, буюртмали почта жўнатмалари ва суғуртали почта жўнатмаларининг билдиришномларига ҳарбий қисм томонидан қўйилган белгилар асосида алоқа ходими ички почта жўнатмалари учун белгиланган тартибда топширилмаган почта жўнатмаларини қайта жўнатади ёки қайтаради.

546 Ҳарбий қисм (муассаса)лардан қабул қилинган почта жўнатмаларини қайта жўнатиш ёки қайтариш тўғрисида ҳарбий қисм (муассаса)га аввал берилган 2-шаклдаги реестр-ишончномаси, 8-шаклдаги дафтар ёки 11-шаклдаги реестрда сабабини кўрсатиб белги қўйилади.

547 Ҳарбий қисм (муассаса)лардан қабул қилинадиган 2-шаклдаги реестр-ишончномалар бўйича аввал берилган, лекин олувчиларга топширилмаган ва қайтарилиши ёки қайта жўнатилиши керак бўлган посилкалар, қиммати эълон қилинган хатлар ва қиммати эълон қилинган бандероллар синчиклаб кўздан кечирилиши керак. Агар ўровларнинг, боғлов (тасма)ларнинг ва муҳр(пломба)лар-нинг ҳолати жойланмаларнинг бутлигига шубҳа уйғотса, шунингдек оғирлигида фарқ бўлса, почта жўнатмаси қайта беркитиши ва умумий асосда янгидан топшириш учун ҳарбий қисм (муассаса)га қайтарилади.

548 Ҳарбий қисм (муассаса)дан қабул қилинган қайта жўнатилиши ёки қайтарилиши керак бўлган ҳар бир посилка, қиммати эълон қилинган хат ёки қиммати эълон қилинган бандеролга 1-шаклдаги дафтардан квитанция берилади. Квитанция навбатдаги рақам билан рақамланади, каср чизиғи остида эса почта жўнатмасининг бирламчи (дастлабки) рақами кўрсатилади. Тўлов умумий асосларда амалга оширилади.

### 9.4 Қабул қилиш жойидаги почта алоқаси объектларида қайтарилган почта жўнатмалари, пул ўтказмаларини сақлаш. Тарқатилмаган почта жўнатмалари, тўланмаган пул ўтказмалари

#### 9.4.1 Қайтарилган почта жўнатмалари, пул ўтказмаларини сақлаш муддатлари. Уларни тарқатилмаганлар қаторига ўтказиш тартиби

**549 Почта жўнатмалари, пул ўтказмалари фақат уларни топширишга бўлган барча имкониятлардан фойдаланиб бўлингандан сўнг ва топширилмаганлик сабаби синчиклаб текширилгандан сўнг тарқатилмаганлар қаторига ўтказилади.**

Зарур бўлган ҳолларда, барча почта жўнатмасига, пул ўтказма-нинг бланкасига манзил бюроси (гуруҳи)нинг маълумотномаси қўшиб қўйилади.

**550** Тарқатилмаган почта жўнатмалари почта алоқасининг ҳудудий ташкилотлари ва почта алоқаси объектлари (почта алоқа боғламаси, почтамтлар)да, тўланмаган пул ўтказмалари эса - ПЎИНҚМ да сақланади.

Тўланмаган пул ўтказмалари почта алоқаси ҳудудий ташки-лот-лари ва почта алоқаси объектлари (почта алоқа боғламалари, почтамт) томонидан пул ўтказмасининг навбатдаги ҳисоботи би-лан жўнатилади.

Хатлар ёки бандеролларнинг ўровида, посилкалар ёки пул ўтказмалари бланкаларининг орқа томонида **тарқатилмаганлар қаторига ўтказилганлигининг сабаби кўрсатилади.** Бу белгининг асослиги почта алоқаси объектининг бошлиғи (ўринбосари) томо-нидан, почта алоқасининг ҳудудий ташкилотларида-назорат қилув-чи шахс томнидан текширилади ва имзоланади. Почта жўнатмала-рининг манзил томонида *«Сақлаш учун»* деб ёзилган бўлиши керак.

Тарқатилмаган почта жўнатмалари, тўланмаган пул ўтказмалари почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқа боғламаси, почтамт)га бир ойда камида бир марта сақлаш учун топширилади. Оддий ва буюртмали почта жўнатмалари 11-шаклдаги реестр билан жўнатилади, унда оддий хатлар умумий сони билан, бу-юртмали хатлар ва буюртмали бандероллар - рақамлари ва қабул қилиш жойлари билан ёзилади. Посилкалар, қиммати эълон қилинган хатлар ва қиммати эълон қилинган бандероллар 16-шаклдаги юкхатлар билан бирга унга рақамларини каср билан (суратида 1-шаклдаги дафтар бўйича рақами, махражида 16-шаклдаги юкхат бўйича кириш рақами), қимма-ти эълон қилинган сумма ва қабул қилиш жойининг номини, тегишли ҳолларда эса - устама тўлов суммасини ҳам ёзиб жўнатилади. Посилка-ларни ёзишда, бундан ташқари, посилкаларни тарқатилмаганлар қато-рига ўтказиш вақтигача уни қайта жўнатиш, қайтариш ва сақлаш учун жўнатувчидан олинмай қолган барча тўлов ёзиб қўйилади.

Шикастланган, шунингдек манзиллари ювилиб кетган почта жўнатмаларининг берилиш маълумотларини аниқлаш мумкин бўлма-са, улар турлари бўйича сон билан ёзиб қўйилади.

Тўланмаган пул ўтказмалари 11-шаклдаги алоҳида реестрга, рақамлари каср билан (суратда 5-шаклдаги дафтар ёки почта- кас-са аппарати, электрон мажмуа бўйича рақами, махражда - 11-шак-лдаги реестр бўйича кириш рақами) ёзилиб, ҳар бир пул ўтказма-сининг суммаси ва пул ўтказмаларининг умумий сони кўрсатилади. Устама тўловли тўланмаган пул ўтказмларини ёзиб қўйишда сум-мадан кейин, бундан ташқари, қабул қилиш жойи ҳам кўрсатилади.

Пул ўтказмалари ва почта жўнатмаларини сақлаш учун топширишда 11-шаклдаги реестр ва 16-шаклдаги юкхатларнинг юқори қисмида *«Тўланмаган», «Тарқатилмаган»* белгиси қўйилади. Бу ҳужжатлар икки нусхада тузилади ва цех (участка), алоқа бўлимининг бошлиғи (ўринбосари) томонидан имзоланади. Биринчи нусхаси почта жўнатмалари, пул ўтказмалари билан бирга жўнатилади, иккинчи нусхаси цех (участка), алоқа бўлимида қолади. Посилкалар, қиммати эълон қилинган хатлар ва қиммати эълон қилинган бандероллар охирги сақлаш жойига исталган сонда берк буюмларда, ёзма почта жўнатмалари ва пул ўтказмалари эса алоҳида йигиндиларда жўнатилади. Манзил ёрлиқларида *«Тарқатилмаган», «Тўланмаган»* белгилари ёзиб қўйилади.

Тарқатилмаган рўйхатта олинадиган почта жўнатмалари, тўланмаган пул ўтказмаларини сақлаш учун жўнатиш (узатиш) вақти тўғрисида 8-шаклдаги дафтарга, 20-шаклдаги назорат дафтарига, 16-шаклдаги юкхатларга, 11-шаклдаги реестрларга берилган посилка, қиммати эълон қилинган хатлар ва қиммати эълон қилинган бандероллар, пул ўтказмалари бланкаларини сақлайдиган қутилардаги билдиришномаларга тегишли ёзувлар ёзиб қўйилади.

### 9.4.2 Охирги сақлаш жойларида тарқатилмаган почта жўнатмаларига, тўланмаган пул ўтказмларига ишлов бериш ва уларни ҳисобга олиш. Почта жўнатмаларини очиш ва унинг жойланмаларини сотиш

**551** Почта алоқаси ҳудудий ташкилотлари ёки почта алоқаси объектлари (почта алоқа боғламалари, почтамтлар)да жўнатмалар йигиндиси ва берк буюмлар тарқатилмаган почта жўнатмалари билан, ПУИНҚМда эса тўланмаган пул ўтказмаларининг бланкалари билан тарқатилмаган почта жўнатмалари, тўланмаган пул ўтказмаларининг бланкалари сақланадиган тўғридан - тўғри иш жойига ажратиш ва текшириш учун, улар қабул қилинган ҳужжатларда тилхат билан берилади. Агар тарқатилмаган почта жўнатмалари, тўланмаган пул ўтказмаларида уларнинг олувчиларга ёки жўнатувчи-ларга топширилмагани сабаблари ҳақида етарлича асосли маълумот-номалар бўлмаса, шунингдек маълумотномаларда назорат қилувчи шахснинг имзоси бўлмаса, бундай почта жўнатмалари, пул ўтказмалари қайта расмийлаштириш учун қайтарилади. Почта жўнат-масининг оғирлиги етишмаслиги, очилганлик излари, уровларнинг, боғловларнинг, муҳрларнинг ва ҳ.к. нинг шикастлангани айниқ-ланганда, 51-шаклдаги далолатнома тузилади ва текширув

ўтказилади.

552 Охирги сақлаш жойларида тарқатилмаган почта жўнатмалари 21-шаклдаги дафтар бўйича, тўланмаган пул ўтказмалари эса - алоҳида йўриқномада кўзда тутилган махсус дафтар бўйича ҳисобга олинади ва таъминланган тартибда сақланади.

Сақлаш учун келаётган почта жўнатмаларининг сонига боғлиқ ҳолда 21-шаклдаги китоб почта жўнатмаларининг айрим турлари бўйича ёки барча турлар учун биргаликда олиб борилади (107-расм).

Оддий хат-хабарлар дафтарга умумий сони билан, рўйхатга олинадиганлари эса номма-ном ёзилади. Шикастланган, шунингдек манзиллари ўчиб кетган почта жўнатмалари, агар унинг берилиш маълумотларини аниқлаш мумкин бўлмаса, турлари бўйича ҳисоблаш билан ёзилади. 21-шаклдаги дафтар ёки тўланмаган пул ўтказма-ларини ҳисобга олиш махсус дафтари рақамланади, ип ўтказиб боғланади, муҳрланади ва почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқа боғламаси, почтамт) ёки ПЎИНҚМ раҳбари (ўринбосари)нинг имзоси билан тасдиқланади.

553 Сақланишда бўлган почта жўнатмаси, пул ўтказмасини жўнатувчи (олувчи)га бериш тўғрисида мижознинг ҳужжатлар билан асосланган аризаси ёки почта алоқасининг ҳудудий ташкилотлари ёки почта алоқаси объектларининг ёзма рухсатномаси олингандан кейин бериш учун жўнатилади (қайта жўнатилади). Бундай ҳолларда 21-шаклдаги дафтарда ёки тўланмаган пул ўтказмаларини ҳисобга олишнинг махсус дафтарида почта жўнатмаси ё пул ўтказмаси қачон, қаерга ва қандай ҳужжат асосида жўнатилгани (қайта жўнатилгани) тўғрисида белги ёзиб қўйилади.

Пул ўтказмалари бланкаларини сақлаш жойидан қайтариш ва тўлаш тўғрисидаги ариза почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқа боғламаси, почтамт)нинг раҳбари (ўринбосари) томонидан имзоланган хат билан бирга ПЎИНҚМга йўлланади.

554 Тарқатилмаган почта жўнатмаларини вақтинча сақлаш қонун ҳужжатларида кўзда тутилган тартибда, олти ой мобайнида почта алоқасининг ҳудудий ташкилотлари ва почта алоқаси объектлари (почта алоқа боғламалари, почтамтлар) томонидан амалга оширилади.

Тўланмаган пул ўтказмаларини вақтинча сақлаш ўн саккиз ой мобайнида ПЎИНҚМ да амалга оширилади, шундан сўнг пул ўтказмалари маҳаллий бюджетнинг даромадларига ўтказилади.

(21-шаклдаги дафтарнинг ички варақлари)

| Тартиб рақами | Тарқатил-маган почта жўнатма-сининг олинган вақти | Почта жўнатма-сининг тури | Почта жўнатма-сининг узатиш жойи, санаси ва рақами | Почта жўнатмаси кимга ва қаерга манзилланган. Оддий почта жўнатмалари-нинг умумий сони | Почта жўнатма-ларининг эълон қилинган қиймати сўмда | Ундириб олишга тегишли тўлов суммаси | | Очиш ва далолат-нома тузиш санаси |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | сўм | тийин | |
| *1* | *10.03.01* | | *Тошкент* | *Бухоро* | | | | *08.07.01* |
| | | *б/банд.* | *24.01.01*<br>*36 - сон* | *Халиловга* | | | | |
| *2* | *15.03.01* | *оддий* | | | | | | |
| | | *хатлар* | | *10* | | | | *08.07.01* |
| *3* | *20.03.01* | *посилка* | *Тошкент* | *Самарқанд* | *150* | - | - | *08.07.01* |
| | | | *17.01.01*<br>*59 - сон* | *Николаевга* | | | | |
| | | | | | | | | |

107 - расм Тарқатилмаган почта жўнатмаларини 21-шаклдаги дафтарга ёзиш намунаси

555 Тарқатилмаган почта жўнатмалари уларнинг жойланма-ларини сотиш учун чоракда камида бир марта очилади. Почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқасининг объекти (почта алоқа боғламаси, почтамт)нинг раҳбари (ўринбосари), ходими ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича жамият вакиллари томонидан очиш амалга оширилади. Посилкалар, қиммати эълон қилинган хатлар ва қиммати эълон қилинган бандеролларни очишда комиссия таркибига қўшимча равишда савдо ташкилотларининг вакиллари ҳам киритилади. Почта жўнатмаларини очиш тўғрисида далолатнома тузилиб, унда рўйхатга олинаётган почта жўнатмаларининг турлари номманом санаб ўтилади ва уларнинг тўлиқ жўнатилиш маълумотлари, шунингдек ҳар бир почта жўнатмасининг жойланмаси: қимматли қоғозлар, ҳужжатлар, пуллар, қимматбаҳо тошлар, нодир металлар ва бошқа буюмлар уларнинг тўлиқ тавсифи билан (оғирлиги, ўлчови, сони, баҳоси ва ҳ.к) ёзилади. Далолатномага оддий почта жўнатмаларидаги аниқланган жойлан-малар (ҳужжатлар, пуллар ва б.)ни санаб сони ёзилади. Далолатнома комиссиянинг барча аъзолари томонидан имзоланади.

556 Тарқатилмаган почта жўнатмаларидан олинган бойлик ва буюмлар беш кун муддат ичида қуйидаги ташкилотларга топширилади ёки жўнатилади:

а) пуллар, чет эл валютаси ва шу валютадан ёзиб берилган чеклар ушбу почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқа боғламаси, почтамт)га хизмат кўрсатувчи банк бўлимига;

б) қимматбаҳо қоғозлар (акциялар, вексиллар, чеклар ва б.қ)-фонд биржасига, олтин ёки кумуш тангалар, нодир металлар, қимматбаҳо тошлар ва улардан ясалган буюмлар, шунингдек нодир металлар ва қимматбаҳо тошлардан иборат бўлган бойликлар-савдо ташкилотларига.

Кўрсатилган бойликлар почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқа боғламаси, почтамт)га қиммати эълон қилинган почта жўнатмаси 107-шаклдаги жойланма рўйхати билан юборилади. Рўйхат почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқа боғламаси, почтамт) раҳбари ва бойликларни беркитишда иштирок этган ходим томонидан имзоланади;

в) давлат орденлари, медаллари ва уларга тегишли ҳужжатлар-шаҳар, туман ҳокимиятларига;

г) Давлат займлари облигациялари ва лотерея билетлари (агар улар бўйича ютуқларни бериш муддати тугамаган бўлса), омонат дафтарчалари ва банк ўтказмалари-банк бўлимларига;

д) ҳуқуқий йўналишдаги ҳужжатлар: мулкий ҳуқуққа тааллуқли тилхатлар, шартномалар, мажбуриятлар, нотариал ва бошқа ҳужжат-лар - маҳаллий нотариал идораларга;

е) фуқаролик ҳолатлари далолатномалари (туғилганлик ҳақидаги гувоҳномалар, улардан кўчирмалар ва ҳ.к.) - фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзувчи маҳаллий бўлимларга;

ж) пенсия гувоҳномалари (дафтарчалари) ва пенсия ишлари маҳаллий ижтимоий таъминот бўлимларига ёки пенсия тайинловчи бошқа ташкилотларга;

з) пасторт ва ҳарбий ҳужжатлар - ички ишларнинг маҳаллий идораларига;

и) аъзолик билетлари - тегишлилиги бўйича тегишли маҳаллий ташкилотларга;

к) дипломлар - халқ таълимининг маҳаллий идораларига;

л) меҳнат дафтарчалари - тегишли корхона, ташкилот, муассасаларга;

м) амалдаги почта тўлови белгилари киримга ёзилади ва улар баҳосининг суммаси бюджет ҳисобига ўтказилади. Муомаладан олиб ташланган ҳисобдан чиқарилган ва чет эл почта тўловининг белгилари (соф ва ҳисобдан чиқарилгани) «Ўзбекистон маркаси» Нашриёт марказига йўлланади.

Барча буюмлар рўйхатлар билан бирга зарур бўлган ҳолларда уларнинг оғирлигини, ўлчовини, навини, рақамини ва шу кабиларни тўлиқ кўрсатиб, тегишли ташкилотларга юборилади (қиммати эълон қилинган почта жўнатмаларида юборилади). Рўйхат икки нусхада тузилади: бири буюмлар билан бирга берилади (жўнатилади), иккинчи нусхаси эса ташкилот муҳри билан тасдиқланган, буюмни қабул қилинган тилхати билан (1-шаклдаги квитанция) почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқа боғламаси, почтамт)да қолади.

Рўйхатларнинг нусхалари тилхатлар ва 1-шаклдаги квитанция билан бирга шу кун мобайнида тарқатилмаган почта жўнатмаларини очиш далолатномалари билан бирга сақланади.

**557** Очилган почта жўнатмаларидан чиққан моддий бойликлар чакана савдо корхоналари орқали воситачилик асосида сотилади. Бунинг учун почта алоқасининг ҳудудий ташкилотлари ёки почта алоқаси объектлари (почта алоқа боғламалари, почтамтлар) дўконлар билан шартномалар тузадилар, уларда бундай буюмларни топшириш ва сотиш шартлари ва тартиби белгиланади.

Почта алоқаси ҳудудий ташкилотлари ёки почта алоқаси объектлари (почта алоқа боғламалари, почтамтлар)нинг харажатлари ўрни тўлдирилгандан сўнг, савдодан тушган пул маблағлари давлат бюджети даромадига ўтказилади. 21-шаклдаги дафтарда жойланмалар сотувидан олинган пулларнинг умумий суммаси, касса бўйича қачон ва қайси сумма кирим қилинганлиги, давлат бюджет даромадига ўтказилганлиги ёзилади.

558 Савдо ташкилотлари олишдан рад этган нарсалар (эски кийимлар, қиммати кам бўлган буюмлар ва б.) белгиланган нархда «Иккиламчи хом ашё» ташкилотига топширилади, истеъмол қилишга ярамайдиган озиқ-овқат маҳсулотлари эса йўқ қилинади.

559 Хатлар ва унинг ўровлари ёзишмаларнинг сири тўла сақланадиган қилиб тегишли далолатнома тузиш билан йўқ қилинади (қирқилади). Макулатура «Иккиламчи хом ашё» ташкилотларига топширилади. Бундан тушган сумма почта алоқасининг бошқа даромад ҳисобига кирим қилинади.

560 Жўнатувчи ёки олувчига тўланмаган пул ўтказмалари пулларни қабул қилиш кунидан бошлаб ўн саккиз ой давомида қайтариб олиш ҳуқуқи сақланади, шундан сўнг пул ўтказмалари маҳаллий бюджет фойдасига ўтказилади, ПУИНҚМ тўланмаган пул ўтказмаларини ҳисобга олиш дафтарида пулларни жўнатувчи (олувчи)га тўланганлиги ёки маҳаллий бюджет фойдасига кирим қилинганлиги ҳақида белги қўйилади.

561 Тарқатилмаган почта жўнатмаларини очиш ва жойланмаларини сотишнинг белгиланган тартибига риоя қилиниши учун почта алоқаси ҳудудий ташкилотлари ёки почта алоқаси объектлари (почта алоқа бўғламалари, почтамтлар)нинг раҳбарлари жавобгардирлар.

## 10 Операция кунининг бошланиши ва тугаши

### 10.1 Операция кунининг бошланишига тайёргарлик. Почта жўнатмаларини топшириш, пул ўтказмаларини тўлаш ва уларни топшириш қабул қилиш натижаларини якунлаш. Иш кунининг тугалланиши. Ишлаб чиқариш ҳужжатларини сақлаш

562 Иш куни бошланишидан аввал почта алоқаси объектларининг раҳбарлари (ўринбосар)лари ва бошқа назорат қилувчи шахслар шахсан қуйидагиларга мажбур:

а) омборларни муҳрлаб ёпишда иштирок этган алоқа ходимлари билан биргаликда уларни очишга;

б) иш жойларига квитанция дафтарларини, номли буюмларни, қутичалар (уларнинг ичидагилар)ни ва почта-касса аппаратлари калитларини қабул қилинган сана, ой ва вақти кўрсатилган махсус дафтарларга имзо қўйиб беришга;

в) 5-шаклдаги квитанция дафтарчасида (агар у биринчи марта берилаётган бўлса) ва 10-шаклдаги реестрга назорат-геральдли муҳрни босишга;

г) иш жойларини зарур бўлган почта тўлов белгилари, товарларининг турлари, почта ҳужжатлари ва эксплуатация материаллари билан таъминлашга;

д) тақвим тамға изларининг ушбу кун санасига мос келишини текшириш.

**563** Тақвим тамғани қабул қилиб оладиган алоқа ходими иш куни бошланишидан аввал, унда кун, ой, йилни кўрсатувчи (мослама)ни тўғрилаб суриб қўйиши шарт.

**564** Мижозлардан рўйхатта олинадиган почта жўнатмалари, пул ўтказмаларини қабул қилиб олувчи алоқа ходимлари кассада ишни бошлашларидан аввал тегишли квитанция дафтарларида фойдаланил-маган квитанцияларнинг мавжудлигини текширадилар.

Ҳар куни почта жўнатмалари, пул ўтказмаларини 1, 3, 5 ва 47-шаклдардаги квитанция дафтарларига ёзишдан аввал кун давомидаги квитанцияларнинг биринчи нусхасига ушбу кун санаси қўйилган тақвим тамға изи туширилади. Квитанцияларнинг нусхаси учун мўлжалланган кейинги ҳар бир варағининг юқорисига кун ва ой қўлда ёзилади.

**565** Мижозларга хизмат кўрсатувчи алоқа ходимларига почта тўлови белгиларининг бўнаги тилхат мажбурият бўйича берилади.

Товарларни сотиш учун тилхат - мажбурият почта тўлови белги-лари учун тилхат - мажбуриятдан алоҳида расмийлаштирилади.

Тилхат-мажбурият почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объектининг кассасида пул ҳужжати сифатида сақланади ва ҳар йилнинг 1 январидан янгиланади.

## ТИЛХАТ-МАЖБУРИЯТ

Ушбу тилхат-мажбурият________________________________
*(почта алоқасининг қайси объектига*
________________________________ берилди,
*эканлиги кўрсатилсин)*

шу ҳақдаким, мен________________________________________
*(бўнак олувчининг фамилияси, исми-*
________________________________________________________
*шарифи, лавозими)*
почта тўлови белгиларини уларнинг номинал нархи бўйича сотиш учун____________________________________________суммадаги
*(сўм сўз билан, тийин рақам билан)*
бўнакни олдим.

Бўнакни ўз вақтида тўлдириб туриш мажбуриятини ва тўлиқ моддий жавобгарликни ўз зиммамга оламан.

2003 й «_____»____________________

Бўнак олувчи___________________________
(имзо)

Почта алоқаси ҳудудий ташкилотлари ёки почта алоқаси объектларининг раҳбар (ўринбосар)лари ойда камида бир марта доимий равишда алоқа ходимларида бунакнинг мавжудлигини ва уларнинг ўз вақтида тўлдириб турилишини текширадилар. Текшириш натижалари тўғрисида тилхат - мажбуриятнинг орқа томонига белги қўйилади.

566 Иш куни (сменаси) тугагандан сўнг, рўйхатга олинадиган почта жўнатмалари, пул ўтказмаларини қабул қилувчи алоқа ходимлари квитанция дафтарларидаги қабул қилинган почта жўнатмалари, пул ўтказмаларининг якунларини, шунингдек уларни жўнатиш учун тўлов суммасини (зарур бўлганда ҚҚС суммасини ажратган ҳолда) ҳисоблайдилар ва бир иш куни (смена) давомида тўлдирилган квитанцияларнинг охирги нусхасида рақамлар билан ёзиб қўядилар. Қўшимча хизматлар учун тўлов алоҳида сатрга ёзилади. Агар посилкалар, қиммати эълон қилинган хатлар ва қиммати эълон қилинган бандероллар 1-шаклдаги битта дафтар бўйича қабул қилинган бўлса, у ҳолда бир кеча-кундузлик (смена) якуни бўйича қабул қилинган почта жўнатмаларининг ва улар учун тўлов суммаси, ҚҚС суммасини ажратган ҳолда, ҳар бир почта жўнатмасининг тури бўйича алоҳида кўрсатилади.

47-шаклдаги дафтарда тўловнинг умумий суммаси ва алоҳида сатрда қўшимча хизматлар учун тўловлар, ҚҚС суммасини ажратган ҳолда, кўрсатилади.

5-шаклдаги дафтарлардаги якунлаш тартиби ушбу Қоидаларнинг 146-149-бандларида кўрсатилган.

Ҳар бир иш куни (сменаси)нинг охирида назорат қилувчи шахс 11-шаклдаги реестрларнинг нусхалари бўйича саралаш (жўнатиш)га топширилган жўнатилувчи пул ўтказмаларининг сони ва суммасини ҳисоблайди. Қайта жўнатилган ва қайтарилган пул ўтказмалари алоҳида ҳисобланади.

Саралашга топширилган оддий ва тезкор (телеграф) пул ўтказмаларини ҳисобини чиқариш натижалари ушбу иш куни (сменаси)да 11-шаклдаги охирги реестрнинг нусхасида ёзилади, назорат қилувчи шахс томонидан имзоланади ва 5-шаклдаги дафтар бўйича бир кеча-кундузлик (смена) якунлар ҳисобининг маълумот-лари билан (почта-касса аппарати, электрон мажмуа бўйича) солиштирилади.

Қабул қилинган ва жўнатилган тезкор (телеграф) пул ўтказмаларининг сони 26-шаклдаги назорат китобидаги ёзув ёки телефон орқали узатилган охирги пул ўтказмали телеграмма якунлари билан 11-шаклдаги охирги реестрининг нусхасидаги ёзувлар билан солиштирилади ва назорат қилувчи шахс томонидан имзоланади.

567 Рўйхатга олинадиган почта жўнатмаларини топширувчи,

пул ўтказмаларини тўловчи алоқа ходимлари 8-шаклдаги дафтар бўйича 16-шаклдаги келган юкхатлар ва 11-шаклдаги реестрларда ёки тоза қоғоз варағида аввалги кун (смена)дан қолган, бир кун (смена)да келиб тушган, топширилган, тўланган, элтиб берилган ва қайтарилган, топширилмаган почта жўнатмаларининг қолдиғини, кейинги кун (смена)га тўланмай қолган пул ўтказмаларининг сонини кўрсатган ҳолда бир иш куни (смена) давомидаги почта жўнатмалари, пул ўтказмаларининг ҳаракатига якун ясайдилар.

Якун ясаш қулай ва тез бўлиши учун 8-шаклдаги дафтарда почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объектида топши-рилган почта жўнатмалари, тўланган пул ўтказмаларига 16-шаклдаги юкхатлар ва 11-шаклдаги реестрларда қуйидаги шаклдаги тамғаларни қўллаш тавсия этилади:

__________________*га қолдиқ*
__________________*келиб тушди*
__________________*топширилди*
__________________*тўланди*
__________________*қайта жўнатилди ва қайтарилди*
__________________*га қолдиқ*

Почта жўнатмалари, пул ўтказмаларини алоқа ходимлари смена алмашувида бир-бирига топширишда ушбу банднинг биринчи хат бошида кўрсатилган тартибда якунланади ва қўшимча равишда қуйидагича ёзилади:

*Қолдиқни топширди* ________________________
(имзо)

*Қолдиқни қабул қилди* ______________________
(имзо)

Кун охирида почта алоқаси ҳудудий ташкилотлари ёки почта алоқаси объектлари (почта алоқа боғламалари, почтамтлар)да, бундан ташқари буюмлар ва почта жўнатмаларининг бир кеча-кундузлик (смена) иш якуни 16-шаклдаги юкхатлар, пул ўтказмалариники эса 11-шаклдаги реестрлар бўйича ҳисобга олинади. Бу ҳужжатлардан охиргисининг орқа томонида ёки тоза қоғоз варағида қуйидагича ёзув бажарилади:

__________________________________________________*га қодиқ*

________________________________________ *почта билан келган*

______________________*жўнатилувчи ҳужжатлар қабул қилинган*

_____________________________*қайта жўнатилган ва қайтарилган*

_______________*тарқатиш ва элтиб бериш учун топширилган*

________________________ *почта билан жўнатилган*

________________________*га қолдиқ*

*Текширди*_________________________
(имзо)

*Топширди*_________________________
(имзо)

*Қабул қилди*______________________
(имзо)

**Келган қиммати эълон қилинган хатлар ва қиммати эълон қилинган бандероллар, посилкалар битта умумий рақам билан рақамланадиган почта алоқаси ҳудудий ташкилотлари ёки почта алоқаси объектларида почта жўнатмаларининг якуни ва ҳисоби уларнинг турлари бўйича ажратилиб, амалга оширилади.**

Суғуртали почта жўнатмалари ва буюмлар сонини ҳисобга олиш 14-шаклдаги йўл варағининг орқа томонидаги намунасига асосан тузилган қайднома бўйича олиб борилади. Қайднома иш жойларидаги иш жараёнларида қабул қилинган ва жўнатилган почта жўнатма-ларига асосланган ҳолда тузилади.

**568** Жўнатилган, келган ва топширилган почта жўнатмаларига ишлаб чиқариш ҳужжатлари посилка, қиммати эълон қилинган хат ва қиммати эълон қилинган бандеролларга билдиришномалардан ташқари, бу ҳужжатларнинг сонига қараб, смена, кун, беш кунлик, ўн кунлик, ярим ойлик ва ойликлар бўйича ҳар куни тўпламга тикиб қўйилади. Топширилган посилкалар, қиммати эълон қилинган хатлар ва қиммати эълон қилинган бандеролларга тегишли бўлган билдиришномалар кириш тартиб рақамлари бўйича уларни сақлаш қутисига териб қўйилади. Топширилган, қайта жўнатилган ва қайтарилган посилкаларга, қиммати эълон қилинган хат ва қиммати эълон қилинган бандеролларга тегишли билдиришномаларни тикиб қўйиш даврини почта алоқаси объектининг раҳбари уларни топшириш ҳамда уларни сақлаш қутиларига кириш тартиб рақамлари бўйича билдиришномалар билан тўлдирилишига қараб белгилайди.

Почта алоқаси объекти раҳбари (ўринбосари)нинг ихтиёри бўйича посилкалар, қиммати эълон қилинган хат ва қиммати эълон қилинган бандеролларни топширилиши бўйича иш ҳажмини, шунингдек ундан фойдаланиш қулайлигини ҳисобга олган ҳолда уларга тегишли ҳужжатларни қутичаларини белгилайди.

Тўланган йиғма пул ўтказмаларининг билдиришномаларини тикишдан аввал пул ўтказмаларини 10-шаклдаги реестрга ёзиш тартиби ёки уларнинг почта-касса аппарати электрон мажмуада расмийлаштириш кетма-кетлик тартибида танлаб олинади, уларнинг сони ва суммаси ҳисобланади, бошқа топширилган почта жўнатмаларнинг билдиришномлари эса кириш тартиб рақамлари бўйича тахлаб олинади ва почта жўнатмаларининг турлари бўйича алоҳида тўпламларга тикиб қўйилади.

**Посилкалар, қиммати эълон қилинган хатлар ва қиммати эълон қилинган бандеролларга билдиришномаларни почта жўнатмаларини топшириш кунлари бўйича тикиб қўйишга рухсат этилади.**

16-шакл юкхатлари ва 11-шакл реестрлари почтани жўнатиш ва қабул қилиш навбати тартибида танлаб олинади. Почта алоқасининг ҳудудий ташкилотлари ёки почта алоқасинипг йирик объектларида 16-шакл юкхати ва 11-шакл реестрлари алоҳида тўпламларга (ҳужжатлар сони кўп бўлганда жўнатилган ва келган почта жўнат-малари ва пул ўтказмаларига алоҳида), иш ҳажми катта бўлмаган объектларда эса битта тўпламга тикилиши мумкин.

Қабул қилинган почта жўнатмалари, пул ўтказмалари ва топши-рилган халқаро почта жўнатмалари, тўланган пул ўтказмаларининг ҳужжатлари алоҳида тўпламларга тикилади.

569 Тикилган ҳужжат (билдиришнома, юкхат, реестр)лардаги ҳар бир тўпламнинг устки муқовасида ҳужжатларнинг номи, почта алоқаси объектининг номи, қанча вақт оралиғида ҳужжатлар тикилгани кўрсатилади. Масалан, *«Наманган почтаси» почта алоқаси ҳудудий ташкилотининг почта алоқаси «Учқўрғон боғламаси томонидан 2001 йил 27 апрелда олинган почтага юкхатлар».*

570 Ишлаб чиқариш ҳужжатларини якунлаш, тикиш ва тегишли расмийлаштиришдан кейин операция куни (смена) тугалланишидан олдин алоқа ходими қуйидагиларга мажбур:

а) почта алоқаси объектининг раҳбари (ўринбосари) ёкиназорат қилувчи шахсга 1, 3, 5, 47-шаклдаги квитанция дафтарларини, номли буюмларни (олдиндан тозаланган) ва почта-касса аппаратлари калитларини тилхат билан топширишга.

Почта-касса аппаратлари, электрон мажмуада ишлаш вақтида ишлаб чиқариш ҳужжатларини топшириш тартиби тегишли йўриқ-номалар билан белгиланган;

б) белгиланган тартибда ҳисобот бериш, почта тўлови белгилари бўнагини тўлдириш ва темир сандиқча (ичидаги нарса)ни сақлаш учун топшириш;

в) иш жойини тартибга солиш ва иш столини қулфлаб қўйиш.

571 Иш куни тугаганидан сўнг почта алоқаси объектининг раҳбар (ўринбосар)лари ва бошқа назорат қилувчи шахслар шахсан қуйидагиларга мажбур:

а) алоқа ходимларидан квитанция дафтарлари ва номли буюмларни тилхат билан қабул қилиш;

б) зарур бўлганда алоқа ходимларига почта тўловлари белгилари, товарлар бўнагини тўлдириб бериш;

в) ишлаб чиқариш ҳужжатларини юритиш ва расмийлаштириш, якун ясашнинг тўғрилигини текшириш;

г) иш жойларини кўздан кечириб чиқиш: тартибга солинганми, уларнинг устида почта жўнатмалари, пул ўтказмалари ва ҳужжатлар қолиб кетмаганми, шунингдек сақлаш учун топширилмаган темир сандиқча (ичидаги нарса)лар қолиб кетмаганлигини текшириш;

д) пул ўтказмалари тўловларининг тўғрилигини, почта жўнатмалари, пул ўтказмалари ўз вақтида элтиб берилганлигини ва устама тўлов суммаларининг ўз вақтида жўнатилганлигини текшириш.

Устама тўлов суммаларининг тўғри кирим қилинганлиги ва уларнинг ўз вақтида жўнатилганлигини почта жўнатмаси топширилган билдиришномадаги ёзувларни (устама тўловли пул ўтказмасини қабул қилиш рақами ва санаси) 11-шаклдаги реестр ва 5-шаклдаги дафтар (почта-касса аппарати, электрон мажмуа кундалиги)дан олинган квитанция нусхаси билан солиштириб текширилади.

572 Почта алоқаси ҳудудий ташкилотлари ёки почта алоқаси объектлари (почта алоқа боғламалари, почтамтлар)да ҳужжатларнинг назоратдан сўнг тугалланган тўпламлари уларни сақлаш учун жавобгар шахсга, алоқа бўлимларида эса алоқа бўлими бошлиғи (ўринбосари)га топширилади.

**Иш жойларида ҳужжатлар тўпламини сақлашга рухсат этилмайди.**

573 Алоқа бўлимларининг қабул қилинган, топширилган, келган ва жўнатилган почта жўнатмалари ҳамда буюмлари, пул ўтказмаларига ҳужжатлари ярим йил вақт ўтгандан сўнг (ҳужжатли текширувдан сўнг 10 кундан кечиктирмай) сақлаш учун, тобелигига кўра, почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқа боғламаси, почтамт)га алоҳида қопларда жўнатилади. Қоплардаги жойланмаларга икки нусхада рўйхат тузилади, унда ҳужжатларнинг номи, қайси даврга тааллуқли (бошланган ва тугалланган сана), тўпламлар, дафтарлар сони кўрсатилади. Рўйхатнинг биринчи нусхаси қоп ичига солинади, иккинчи нусхаси эса алоқа бўлимида қолади ва алоҳида тўпламга тикиб қўйилади.

Сақлаш учун жўнатиладиган ҳужжатлар жойланган қоплар суғурта муҳри билан муҳрланади ва 16-шаклдаги умумий юкхатга ёзиб қўйилади.

Тўлиқ ва қисман фойдаланилган 1, 3, 5, 47-шаклдаги квитанция дафтарлари почта-касса аппаратлари, электрон мажмуа кундалик-лари, МС-42-шаклдаги касса маълумотномалари, 130-шаклдаги кунда-ликлар билан бирга ҳисобот даври тугаши билан қабул қилинган почта жўнатмалари учун тариф бўйича тўловни ва тўловни тўлиқ киримга олинганлигини текшириш учун почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқа боғламаси, почтамт)га рўйхат бўйича топширилади. Фойдаланилмаган квитан-циялар устидан хочсимон чизиқ чизилади.

**574** Почта алоқаси ҳудудий ташкилотлари ва почта алоқаси объектлари (почта алоқа боғламалари, почтамтлар)да барча ҳужжатлар, шу жумладан уларга бўйсунувчи алоқа бўлимларидан олинган ҳужжатлар ҳам, уларга тегишли бўлган бир ойлик муддат тугаши билан, сақлаш учун рўйхат бўйича архивга топширилади. Квитанция дафтарлари, 5-шаклдаги дафтар ва 10-шаклдаги реестр-лардан ташқари ва қабул қилинган почта жўнатмалари учун тўлов тариф бўйича тўлов тўлиқ киримга олинганлиги текширилгандан сўнг архивга топширилади. Барча ҳужжатлар рўйхат нусхасида тилхат билан топширилади.

Почта алоқаси ҳудудий ташкилотлари ва почта алоқаси объектлари (почта алоқа боғламалари, почтамтлар)нинг архивларида ишлаб чиқариш ҳужжатлари токчаларда махсус қутиларда ёки алоқа бўлимлари ва ойлари бўйича тўпламларга боғланган ҳолда сақланади. Ҳисобга олиш ва сақлаш муддатлари «СССР Алоқа вазирлиги, Иттифоқдош республикаларнинг Алоқа вазирликлари ва уларнинг раҳбарлиги остидаги алоқа корхоналари ҳамда ташкилотларидаги сақлаш муддатлари бўлган ҳужжатларнинг рўйхати» талабларига қатъиян мос келиши керак.

**575** Почта алоқаси ҳудудий ташкилотлари ва почта алоқаси объектлари (почта алоқаси боғламаси, почтамтлар)нинг раҳбарлари шахсан (улар йўқлигида ўринбосарлари) назорат қилувчи шахслар (улар бор бўлган жойда) томонидан амалга ошириладиган текширишларга боғлиқ бўлмаган ҳолда қуйидагиларга мажбурлар:

а) иш куни бошида операция зали ва иш жойларининг мижозларга маданий хизмат кўрсатиш учун тайёрлигини текшириш;

б) почта жўнатмалари ва пул ўтказмалари суммаларининг бутлиги таъминланганлигини доимий текшириб туриш;

в) почта жўнатмалари, пул ўтказмаларининг ўз вақтида ва тўлиқ келиши, ишлов берилиши, жўнатилиши ва элтиб берилишини назорат қилиш;

г) почта алмашгуви ва почта буюмларининг очилишида доимий равишда иштирок этиш;

д) шикоят ва таклифлар дафтарини ҳар куни кузатиб бориш ва уларда ёзилган шикоятлар бўйича зарур чораларни кўриш.

## 10.2 Пуллар, шартли бойликлар ва почта жўнатмаларни сақлаш

### 10.2.1 Пуллар, почта жўнатмалар сонини ва ҳақиқий қолдиғини, тўловнинг тўғри тўланганлигини текшириш. Пулларни бош (асосий) кассага топшириш

576 Почта алоқаси ҳудудий ташкилотлари ва почта алоқаси объектларининг раҳбарлари алоқа ходимларининг иштирокида ҳар бир иш жойида почта жўнатмалари ва буюмларининг сони ҳамда ҳақиқий қолдиғини ҳужжатлар бўйича кундалик текширувини таъминлашлари шарт. Бундай текширув қуйидагилар зиммасига юклатилади:

а) почта алоқаси ҳудудий ташкилотлари ёки почта алоқаси объектлари (почта алоқа боғламалари, почтамтлар)да - почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқа боғла-маси, почтамт) раҳбарининг буйруғи билан тайинланадиган ходимлар;

б) алоқа бўлимларида - бўлим бошлиқ (ўринбосар)лари;

Сменали ишловчи почта алоқаси объектларида почта жўнатма-лари ва буюмлари, пул ўтказмаларининг сони ва қолдиқлари ҳар смена бўйича алоҳида текширилади.

577 Почта жўнатмалари ва буюмлари, пул ўтказмаларининг сони ва қолдиқлари кирим ва чиқим ҳужжатларини солиштириш йўли билан ҳар куни текширилади. Бунда қуйидагилар аниқланади:

а) қабул қилинган, келган, жўнатилган ва топширилган почта жўнатмалари ва буюмлар, пул ўтказмаларининг ҳужжатларидаги якуни бўйича ҳисоб-китоб қилиш ва унинг тўғрилиги; дафтарлар ва ҳужжатлар бўйича кўрсатилган почта жўнатмалари ва буюмлар, пул ўтказмалари қолдиқларининг мавжуд қолдиққа мувофиқлиги;

б) топширилган барча почта жўнатмалари, тўланган пул ўтказмаларига билдиришномаларнинг мавжудлиги ва расмийлашти-рилишининг тўғрилиги (олувчиларнинг почта жўнатмалари, пул ўтказмаларини олганлиги тўғрисидаги тилхатларнинг, кўрсатилган ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотларнинг, тегишли ҳолларда эса, ишончномаларнинг ҳамда почта жўнатмасини топширган, пул ўтказмасини тўлаган алоқа ходими имзосининг мавжудлиги);

в) почта жўнатмалари, пул ўтказмалари олинганлиги тўғрисидаги хабарномаларнинг белгиланган манзилга ўз вақтида жўнатилиши;

г) устама тўлов ва божхона божи суммасини олувчилардан олиш ҳамда жўнатиш.

Текширув ўтказиш далиллари назорат қилувчи шахс томонидан текширилган ҳужжатларнинг ҳар бир тўпламига ва 8, 55-шакл китобига қўйилган имзоси орқали тасдиқланади. Телеграф алоқаси мавжуд бўлган почта алоқаси объектларида, бундан ташқари, ҳар куни жўнатилувчи ва келувчи пул ўтказмаси телеграммалар сонини телеграф билан ўзаро солиштириш амалга оширилади. Солиштириш тўғрисида назорат қилувчи шахс 26-шаклдаги китобда ва 11-шаклдаги реестрларда «Телеграф билан солиштирилди» деб ёзиб, имзо қўяди.

Келган, қабул қилинган, жўнатилган ёки топширилган почта жўнатмалари ва буюмлари, тўланган пул ўтказмалари сон жиҳатидан фарқ қилганда, дарҳол бунинг сабабини аниқлаш чоралари кўрилади ва натижаси почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқа боғламаси, почтамт)нинг юқори турувчи раҳбарларига маълум қилинади.

578 Ҳар бир почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ва/ёки почта алоқаси объектида қабул қилинган ва топширилган почта жўнатмалари, пул ўтказмалари учун тарифларни тўғри қўлланиши ва тўловнинг тўлиқ кирим қилиниши ҳар куни назорат қилинади, бу иш қуйидагилар зиммасига юклатилади:

а) почта алоқаси ҳудудий ташкилотлари ёки почта алоқаси объектлари (почта алоқа боғламаси, почтамт)да почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқа боғламаси, почтамт) бўйича буйруқ билан тайинланувчи алоқа ходимларига;

б) алоқа бўлимларида - алоқа бўлими бошлиқ (ўринбосар)лари ёки алоқа ходимларига.

Назорат қилувчи шахслар ҳар бир қабул қилинган ва топширилган рўйхатга олинадиган почта жўнатмаси, пул ўтказмаси учун почта жўнатмалари, пул ўтказмаларини элтиб бериш, қайтариш ва сақлаш учун тўловларнинг, почта тўлови белгилари, буюмларнинг сотилиши учун тушум пуллари, шунингдек божхона расмиятчиликлари учун тўловларнинг тўғри олингани ва кассага топширилганлигини текширадилар.

**Қабул қилинган почта жўнатмалари, пул ўтказмаларини тарифга тўғрилиги улар жўнатилишига (саралашга берилишига) қадар текширилади.**

579 Почта алоқаси ҳудудий ташкилотлари ёки почта алоқаси объектлари (почта алоқа боғламалари, почтамтлар)да, шунингдек, бир нечта операция кассалари мавжуд бўлган алоқа бўлимларидаги пуллар (жўнатувчилардан ва олувчилардан қабул қилинган тўлов, шунингдек пул ўтказмаси суммалари) операция кассаларидаги алоқа

ходимлари томонидан почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объектининг бош (асосий) кассасига **ЎзПТА нинг 2000 йил 20.03 да 108-сон буйруғи билан тасдиқланган «Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг почта алоқаси эксплуатацион корхоналари томонидан касса операцияларини юритиш Қоидалари»** (матн бўйича - **касса операцияларини юритиш қоидалари)**да белгиланган тартибда топширилади. Пуллар операция куни давомида уларнинг тўпламига кўра ва операция куни (смена) тугаганда-охирги ҳисоб-китоб учун топширилади. Почта тўлови белгилари почта товарлари, халқ истеъмол товарларининг сотили-шидан тушган пулларни топшириш билан бир вақтда ушбу алоқа ходимига берилган бўнак шунча суммага тўлдирилади.

**580** Бош (асосий) кассага пуллар ва шартли бойликларни қабул қилиш, уларни сақлаш ва операция кассаларига бериш қуйидагилар зиммасига юклатилади:

а) почта алоқаси ҳудудий ташкилотлари ёки почта алоқаси объектлари (почта алоқа боғламалари, почтамтлар)да - бош касса бошлиқлари ва алоҳида ажратилган алоқа ходимларига;

б) алоқа бўлимларида - бўлим бошлиқ (ўринбосар)ларига.

Бош касса ишларини олиб бориш юклатилган бош касса бошлиқлари ва алоҳида ажратилган алоқа ходимларининг шахсий таркиби почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқа боғламаси, почтамт) раҳбарининг буйруғи билан белгиланади.

Пуллар ва шартли бойликларнинг мавжудлигини ҳисобга олиш, сақлаш ва текшириш **Касса операцияларини юритиш қоидалари**га мувофиқ амалга оширилади.

### 10.2.2 Пуллар, почта жўнатмалари ва бошқа бойликларни сақлаш жойи ҳамда тартиби

**581** Пуллар, шартли бойликлар ва почта жўнатмаларини сақлаш учун почта алоқаси ҳудудий ташкилотларида ва почта алоқаси объектларида омборхоналар жиҳозланади, бунда пул суммаси сейфларда, шартли бойликлар эса - омборхоналарда ўрнатиладиган сейфларда ёки темир жавонларда сақланиши керак. Омборхона эшиклари темирдан ёки устидан темир қопланган бўлиши керак. Деразаларда ички эшик ва темир панжаралар бўлиши керак. Омборхона ички ва ташқи қулф билан ёпилади.

Пул ўтказмаларининг бланкалари махсус қутиларда таъминланган тартибда сақланади.

Почта алоқаси ҳудудий ташкилотлари ва почта алоқаси объектлари (почта алоқа боғламалари, почтамтлар)да бош касса учун

қўриқлаш сигнализацияси билан жиҳозланган алоҳида омборхона ажратилиши керак. Алоҳида омборхонаси бўлмаган алоқа бўлимларида бош касса бойликларини посилкалари омборида сақлаш мумкин, жой йўқлиги сабабли махсус омборхоналарни жиҳозлаш имкони бўлмаган жойларда эса пуллар ва шартли бойликлар сейфларда, суғурталанган почта жўнатмалари, маркаланган конвертлар ва почта варақчалари эса темир жавонларда сақланади. **Алоқа бўлимларини қўриқлаш сигнализацияси билан таъминлаш заруратини почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объектининг раҳбари маҳаллий шароитлардан келиб чиқиб, пуллар бутлигини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда белгилайди.**

582 Иш куни вақтида пуллар, шартли бойликлар, қиммати эълон қилинган хатлар ва қиммати эълон қилинган бандероллар, майда пакетлар иш жойларидаги шунинг учун мослаштирилган ва соз қулфларга эга бўлган жавон, қути ёки стол ғаладонларида сақланади.

Иш куни (смена) якунида товар ва почта тўлови белгиларининг бўнаклари текширилиб тўлдирилгандан сўнг темир жавон маъсул алоқа ходимлари томонидан қулфланади ва назорат муҳрлари билан муҳрланади.

583 Пуллар ва почта бойликлари сақланадиган омборхоналарга бегона кишилар, шу жумладан алоқа ходимлари киритилмайди.

### 10.2.3 Почта алоқаси объектларининг кассаларида пуллар ва бошқа бойликлар мавжудлигини текшириш

584 Алоқа бўлимларида пуллар кассаларда мавжудлиги ва уларнинг 130-шаклдаги кундаликда чиқарилган қолдиққа мос келиши ҳар куни текширилади. Текширувни алоқа бўлимининг бошлиғи (ўринбосари) ўтказади. Тафовутлар аниқланганда далолатнома тузилади, у жадвал бўйича биринчи бўлиб жўнатиладиган почта транспорти билан ўз тобелигига кўра почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқа боғламаси, почтамт)га жўнатилади. Махсус текширувни ўтказиш зарурлиги ва етишмаётган пулларни ундириш тўғрисидаги қарорни почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқа боғламаси, почтамт)нинг раҳбари қабул қилади.

Алоқа бўлимларидаги шартли ва бошқа бойликларнинг сони ҳар куни текширилади, почта тўлови белгилари, товарлар ва бошқа бойликлар ҳар ойнинг биринчи кунида инвентаризациядан (текширувда) ўтказилади.

Барча алоқа бўлимларида кассалар, бойликлар ва қатъий ҳисобдаги бланкаларни ярим йилда камида бир марта тўсатдан текширув

ўтказилади. Кассалар, бойликлар ва қатъий ҳисобдаги бланкаларни текшириш алоқа бўлимлари ҳужжатларини текшириш вақтида ҳам ўтказилади.

**585** Почта алоқаси ҳудудий ташкилотлари ва почта алоқаси объектларида (почта алоқа боғламалари, почтамтлар)даги бош кассаларда мавжуд бўлган нақд пуллар, пул ҳужжатлари ва бошқа бойликларни текширишлар, шунингдек тўсатдан ўтказиладиган текширишлар ваколатланган алоқа ходимлари томонидан **Касса операцияларини ўтказиш қоидаларига** мувофиқ ўтказилади.

### 10.2.4 Операция куни тугаши билан омборхоналарни муҳрлаш

**586** Касса ва почта жўнатмалари, пул ўтказмаларининг қолдиғи текширилгандан сўнг бойликлар сақланадиган жой (сейф, темир жавон)лар битта қулф билан, омборхоналар эса иккита қулф (ички ва ташқи) билан ёпилади. Почта алоқаси ҳудудий ташкилотлари ёки почта алоқаси объекти (почта алоқа боғламалари, почтамтлар, I-III гуруҳ алоқа бўлимлари) омборхоналарида жойлашган сейф ва темир жавонлар касса ишини юритиш ихтиёрида бўлган алоқа ходимининг назорат муҳри билан; омборхоналар эса-иккита муҳр: назорат қилувчи шахсда сақланувчи суғурта муҳри ва омборхонанинг бошқаруви бириктирилган алоқа ходимининг назорат муҳри билан муҳрланади. Қолган алоқа бўлимларидаги барча омборхоналар ва сақлаш жойлари фақат суғурта муҳри билан муҳрланади.

Суғурта муҳри ва омборхона ички қулфининг калити назорат қилувчи шахсда, «Назорат» деб ўйиб ёзилган муҳр, сейф калитлари ва омбор ташқи қулфининг калити эса уларга маълум бўлган ходимларда сақланади.

**587** Омборхона ва сейфлар уларни ёпган ва муҳрлаган алоқа ходимлари томонидан очилади. Омборхона ва сақлаш жойларини очишдан аввал эшиклар, дереза панжаралари, қулфлар ва муҳрларнинг, боғичлар ўтказиладиган махсус жойларнинг бутлиги, омборхоналарнинг ўзида эса деразада, девор, пол ва шифтларнинг бутлиги текширилади.

Муҳрлар кўчириб олинмай, боғич билан бирга қирқилади, шунда омборхона ёки бошқа сақлаш жойларини очгандан ва уни кузатиб чиққандан сўнг муҳрларнинг ҳақиқийлигини яна бир марта текшириш имкони бўлади.

**588** Ходимлар навбат (смена) алмашиб ишлайдиган почта алоқаси ҳудудий ташкилотлари ва почта алоқаси объектлари (почта алоқа боғламалари, почтамтлар, шаҳар алоқа бўлимлари)да пул ўтказмалари бланкалари, омборхонада сақланадиган почта жўнатмалари қолдиқларини назорат қилувчи шахсга якунлар чиқарилган ҳуж-

жатларга имзо қўйиш билан топширишга рухсат этилади. Бундай ҳолда омборхона назорат қилувчи шахс томонидан беркитилади ва кейинги иш куни унинг ўзи томонидан почта жўнатмалари, пул ўтказмаларининг бланкалари худди ўша ҳужжат-ларда тилхат билан топширилган алоқа ходими иштирокида очилади.

589 Омборхоналарнинг эшиклари, қулфлари, боғичлари ёки муҳрлари, деразалари, деворлари, поли ёкишифти, шунингдек ички сақлаш жойларининг эшик ва қулфлари омборхонага ёки бошқа сақлаш жойига кириш мақсадида шикастланган ҳолларда, буни аниқлаган алоқа ходимларидан бири омборхонага кирмасдан аввал бу ҳақда почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объектининг раҳбари (ўринбосари)га хабар қилади ва милиция идоралари вакилини чақиради.

Бундай ҳолларда почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объектининг раҳбари, бош бухгалтери ёки уларнинг ўринларини босувчи шахслар, шунингдек бош касса бошлиғи (оператори) милиция идораларининг рухсатини олганларидан сўнг касса операциялари бошлангунга қадар омборхонада сақланаётган пул маблағлари, шартли бойликлар, почта жўнатмалари ва пул ўтказмалар бланкалари сақланадиган қутининг почта жўнатмаларини сақлаш қутиларининг мавжудлигини текширади. Текшириш натижа-лари тўғрисида уч нусхада далолатнома тузилади, у текширувда иштирок этган барча шахслар томонидан имзоланади. Далолатнома-нинг бир нусхаси милиция идораларига берилади, иккинчиси почта алоқаси ҳудудий корхонасига юборилади, учинчи нусхаси эса почта алоқаси объектида қолади.

Агар кутилмаган ҳолатларда сағлаш жойларини уни ёпган ва муҳрлаган иштирокчилардан бирортаси йўқлигида очиш зарур бўлса, у ҳолда почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқа боғламаси, почтамт) раҳбари томонидан уч кишидан иборат комиссия тузилади ва улар иштирокида сақлаш жойлари очилиб, унда сақланаётган пул ва бошқа бойликлар текширилади.

**590 Омборхоналарда бошқа идораларга қарашли бўлган корхона, ташкилот ва муассасаларнинг сейфлари, темир жавонлари ва бошқа буюмларини сақлашга рухсат этилмайди.**

### 10.2.5 Пуллар ва почта жўнатмаларининг ўғирланиши ва камомади тўғрисида хабар бериш. Улар бўйича текширув ўтказиш

591 Пуллар, бойликлар ёки почта жўнатмаларининг камомади, ўғирланганлиги ёҳуд йўқолганлиги аниқланганда, алоқа бўлимининг бошлиғи бу ҳақда телеграф (телефон) орқали, телекоммуникация воситалари бўлмаганда эса почта орқали тобелигига кўра

почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почта алоқа боғламаси, почтамт) раҳбарига дарҳол хабар қилади.

Агар камомад суммаси энг кам иш ҳақининг беш баробаридан ортиқ бўлса почта алоқаси объекти (почта алоқа боғламаси, почтамт) бу ҳақда дарҳол почта алоқаси ҳудудий ташкилотини хабардор қилади. Камомад, ўғирликлар суммаси энг кам иш ҳақининг ўттиз баробаридан ортиқ бўлса, почта алоқаси ҳудудий ташилоти бу ҳақда «Ўзбекистон почтаси» ДАК га хабар беради. Камомад, ўғирликлар суммаси энг кам иш ҳақининг эллик баробарига тенг ва ундан ортиқ бўлганда эса «Ўзбекистон почтаси» ДАК бу ҳақда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига хабар қилади.

592 Камомад, ўғирлик ва йўқотишларнинг ҳар бир тури бўйича идоравий текширув ўтказилади, бу жараёнда айбдор бўлган шахслар аниқланиб, келтирилган зарарни қоплаш чоралари кўрилади. Ўғирлик, камомад, йўқотишлар бўйича ҳужжатлар тергов идораларига топширилади.

593 Ўзининг маъсулиятсизлиги, назоратсизлиги, хизматга оид хатолари билан ўғирлик ва суиистеъмол (жиноят) қилиш имко-ниятини яратган мансабдор шахслар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

594 Пул ўтказмалари бўйича қалбаки ва нотўғри тўловларни текширишда ПУИНҚМ дан тўланган пул ўтказмалар бланкалари талаб қилиб олиниши мумкин, улар идоравий текширув тугагандан сўнг дарҳол қайтарилиши керак.

595 Пуллар, почта жўнатмалари ва бойликларни ўғирлаш, камомад ва йўқотиш ҳоллари тўғрисида хабар қилиш тартиби **«Почта алоқаси корхоналарида суғуртали почта жўнатмаларини йўқотиш ва улар ичидаги етишмовчилик далиллари бўйича текширишлар ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома»**да белгилаб берилган.

596 Идоравий текширув давомида ўғирлик ва суиистеъмолчи-ликларни амалга ошириш имконини берувчи сабаб ҳамда шароитлар аниқланиши, шунингдек уларнинг бундан кейин содир бўлмаслиги учун чоралар кўрилиши керак.

597 Камомад, ўғирлик ва йўқотишлар суммаси статистика ва бухгалтерия ҳисоботида акс эттирилиши керак.

### 11 Ёзишма сирини сақлаш, почта жўнатмалари, пул ўтказмаларини ҳуқуқни сақлаш идоралари томонидан кўздан кечириш, тўхтатиб қолиш ва олиб қўйиш шартлари.

**598 Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ ёзишма сири қонун томонидан ҳимоя қилинади. Ёзишма сирини**

**бузгани учун алоқа ходимлари, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳоллардан ташқари, маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиладилар.**

599 Почта жўнатмалари тўғрисидаги маълумотлар почта жўнатмаларини топширишда, пул ўтказмаларини тўлашда талаб қилинадиган ҳужжатлар кўрсатилганда (Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш Қоидаларининг 117-банди) берилади.

600 Амалдаги қонун ҳужжатларида кўзда тутилган тартибда, етарлича асослар бўлганда, ҳуқуқни сақлаш идоралари почта жўнатмалари, пул ўтказмаларини хатлаш, шунингдек уларни кўздан кечириш ва олиб кетиш ҳуқуқига эга.

**Почта алоқаси ҳудудий ташкилотлари ёки почта алоқаси объектларида почта жўнатмалари, пул ўтказмаларини хатлаш прокурорнинг рухсати (қарори) билан ёки суд ажрими бўйича амалга оширилади.**

Почта жўнатмалари, пул ўтказмаларининг хатлаш тўғрисидаги қарор ёки ажрим унинг учун бу мажбурий бўлган тегишли почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объектининг раҳбарига юборилади. Почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти тўхтатиб қолинган почта жўнатмалари, пул ўтказмаларини кўздан кечириш ва олиб кетиш учун ҳуқуқни сақлаш идораси вакилларининг келиш вақти тўғрисида хабардор қилинади.

Почта жўнатмалари, пул ўтказмаларининг хатлаш ҳуқуқни сақлаш идоралари томонидан, бу чорани қўллаш зарурати қолмаган вақтда, бекор қилинади.

601 Почта жўнатмалари, пул ўтказмаларини кўздан кечириш ва олиб кетиш тергов идораларининг вакиллари томонидан гувоҳлар иштирокида ва почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объектининг раҳбари (ўринбосари)нинг иштирокида амалга оширилади.

Тўхтатиб қолинган ёзма хат-хабар кўздан кечирилаётган ҳар бир ҳолатда баённома тузилиб, унда айнан қайси почта ёки тезкор (телеграф) жўнатмалар кўздан кечириб чиқилгани, нима олиб қўйилгани ва олувчига нималар элтиб берилиши ёки вақтинча тўхтатиб қолиниши кераклиги, қандай ёзма хат-хабарлардан нусха кўчирилгани кўрсатилиши керак. Баённома икки нусхада тузилиб, бу ишни амалга оширишда иштирок этган шахслар, шунингдек ҳуқуқни сақлаш идораларининг вакили томонидан имзоланади. Баённоманинг бир нусхаси ҳуқуқни сақлаш идоралари вакилининг олиб кетилган почта жўнатмаси, пул ўтказмасини олганлиги тўғрисидаги тилхати билан алоқа ходимига топширилади.

Пул ўтказмаларининг олиб кетилган тўғрисида ПУИНҚМ га хабар қилинади.

Пул ўтказмасини хатлашда пуллар прокурорнинг рухсати ёки суд ажрими бўйича уларнинг ҳисоб рақамларига ўтказилади ёҳуд пул ўтказмалари почта жўнатмалари каби ҳуқуқни сақлаш идораларининг кўрсатмасига қадар почта алоқаси ташкилоти корхонаси ёки почта алоқаси объектида сақлаш учун қолдирилади.

602 Ишлаб чиқариш ҳужжатларини кўздан кечириш ва олиб кетиш ҳуқуқни сақлаш идораларининг қарори (сўрови ) бўйича амалга оширилади. Ишлаб чиқариш ҳужжатларини олиб кетишда икки нусхада баённома тузилади, унинг бир нусхаси почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объектининг раҳбарига топширилади.

**Терговни олиб бораётган шахсга барча дафтар ва ҳужжатларнинг тўплами берилмай, балки ушбу ишга тегишли тергов учун зарур бўлган фақат керакли дафтар вараги ёки ўша билдиришнома берилади.**

Ҳуқуқни сақлаш идораларига бериладиган ҳужжатлардан нусха кўчирилиб, тасдиқланади ва почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объектида қолдирилади.

603 Ҳуқуқни сақлаш идоралари томонидан олиб кетилган ёки хатланган почта жўнатмалари, пул ўтказмаларини қидириб топиш тўғрисида аризалар келиб тушганда почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти фақат шу идораларнинг розилиги билан, бу ҳақда жўнатувчини ёки олувчини хабардор қилиб қўйишлари мумкин.

**Жўнатувчилар ва олувчиларнинг ҳуқуқини сақлаш идоралари томонидан олиб кетилган почта жўнатмалари ва пул ўтказмалари учун моддий зарар ўрнини қоплашга эътирозлари почта алоқаси ҳудудий ташкилотлари ёки почта алоқаси объектлари (почта алоқа богламалари, почтамтлар) томонидан қаноатлантирилмайди.**

А илова
(мажбурий)

## АЛИФБО – ПРЕДМЕТ КЎРСАТКИЧИ


| А | Қоида бандлари | |
|---|---|---|
| Авиажўнатмалар | 70,278-281 | ХКҚ* |
| Авиажўнатмаларига ишлов бериш | 278-281 | |
| 6-шаклдаги «Авиа» ёрлиғи | 279 | |
| Автомобиль ёки от-улов йўналиши бўйича жўнатилувчи почтага 16-шаклдаги юкхат | 423 | |
| Алоқанинг қўшимча хизматлари | 3 | ХКҚ |
| Аниқланган ўғирликлар ва камомадлар тўғрисида хабар бериш | 591-597 | |
| Аризаларнинг ёзилиши | 138 | ХКҚ |
| **Б** | | |
| Бўнак тилхати | 565 | |
| Бандерол | 3,20,21,26 | ХКҚ |
| Бандероллар, хатлар ва почта варақчаларини қабул қилиш | 41-44 | |
| Беркитилган хат-хабарли қопларни жўнатиш учун бериш | 60 | |
| Беркитувчи қурилмалар | 83 | |
| 30-шаклдаги билдиришномалар ва 51-шаклдаги далолатномаларни тузиш | 505-514 | |
| Божли посилка | 338 | |
| Бож тўлови | 13 | |
| Божсиз жўнатма | 339 | |
| Божхон бож тўлови | 116,322,324 328,339 | |
| Божхона декларацияси | 319 | |
| Буюртмали йиғиндилар учун 11-шаклдаги манзил ёрлиғи | 54 | |
| Буюртмали почта жўнатмаларини 8-шаклдаги китобга қайд этиш | 64 | |
| Буюртмали хат ва бандероллар учун 3-шаклдаги ёрлиқ | 44 | |
| **В** | | |
| Вояга етмаганларга почта жўнатмаларини бериш | 112 | ХКҚ |
| 1,2 шаклдаги ветеринарлик гувоҳномаси | 102 | |


* Бу ерда ва бундан кейин матнда ХКҚ - Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш қаоидалари бандларига ҳаволалар

Д

Далолатнома бўйича пул ўтказмаларининг рўйхати 178-181
51-шаклдаги далолатнома 512-518
1-шаклдаги дафтар 79
3-шаклдаги дафтар 43
47-шаклдаги дафтар 117
5-шаклдаги дафтар 37
5-шаклдаги дафтарда якунлашни амалга ошириш 146-149

Ё

Ёзишмаларни сир сақлаш 598-603
Ёзма хат-хабарларни йигиндиларда беркитиш 51-54
Ёпиқ буюмларда жўнатилувчи почта жўнатмаларига 16-шаклдаги юкхат 412
Ёпиқ буюмлар ва почта жўнатмаларни 16-шаклдаги умумий юкхатга ёзиш 435

Ж

107-шаклдаги жойланмаларнинг рўйхати 76
Жойланманинг нобутунлигини ва/ёки камомадини расмийлаштириш 504-525 ХКҚ
Жўнатилувчи қиммати эълон қилинган хатлар ва/ёки қиммати эълон қилинган бандеролларга 16-шаклдаги юкхат 82
Жўнатилувчи буюртмали хатларга, буюртмали почта варақчалари ва буюртмали бандеролларни ҳужжатларига ёзиш 52
Жўнатилувчи ва транзит қиммати эълон қилинган хатларга ёки қиммати эълон қилинган бандерол-ларга ишлов бериш 80-83
Жўнатилувчи ва транзит посилкаларга ишлов бериш 106-109
Жўнатилувчи ва транзит хат хабарларга ишлов бериш 45-59
Жўнатилувчи майда пакет ҳужжатларига ёзиш 325
Жўнатилувчи майда пакетларга ишлов бериш 320-322
Жўнатилувчи посилка хужжатларига ёзиш 109
Жўнатилувчи посилкаларга 16-шаклдаги юкхат 109
Жўнатилувчи пул ўтказма ҳужжатларига ёзиш 52
Жўнатилувчи пул ўтказмаларни назорат қилиш ва жўнатиш 136-143
Жўнатилувчи пул жўнатмаларини саралаш учун бериш 133
Жўнатилувчи халқаро посилка ҳужжатларига ёзиш 337
Жўнатилувчи хат-хабарлар тамғаси 48, 49
Жўнатувчиларнинг ҳуқуқлари 131-134 ХКҚ

## И


Ички ишлар органларининг манзил бюроси (гуруҳи) 527
Ички почта жўнатмалари 3,12 ХКҚ
Ички почта жўнатмаларида жўнатиш учун ман этилган буюмлар 55 ХКҚ
Ички почта жўнатмаларини манзиллаш 64-66,68-70, 73 ХКҚ
Ички почта жўнатмаларини ўлчамлари 20 ХКҚ
Ички почта жўнатмаларини қабул қилиш (умумий тартиб) 36-39
Ички почта жўнатмаларини қайта жўнатиш ва қайтариш 532-542
Ички почта жўнатмаларининг кўринишлари 12 ХКҚ
Ички почта жўнатмаларининг оғирлиги 20 ХКҚ
Ички почта жўнатмаларини олинганлик тўғрисидаги хабарнома 227-244
Ички почта жўнатмаларининг тоифалари 70 ХКҚ
Ички почта жўнатмаларининг тўпламини қабул қилиш 282-292
Ички почта жўнатмаларининг тоифалари 3,70 ХКҚ
Ишлов бериш ва жўнатиш учун қабул қилинган посилкаларни бериш 106
Ишлов бериш ва жўнатиш учун қиммати эълон қилинган хатлар ваЁки қиммати эълон қилинган бандеролларни бериш 80
2-шаклдаги ишончнома - реестр 270,273-275


## Й


16б- шаклдаги йўналиш юкхати 465-467
«Йўқлаб олинадиган» белгили почта жўнатмаларини сақлаш қутиси 69
Йўқотишлар ва ўғирланишлар бўйича текширув 592-594, 596


## К


Кассаларни тўсатдан ўтказиладиган текшируви 584,585
Катта ўлчамли посилкалар 20, 62 ХКҚ
1-шаклдаги квитанция 79
3-шаклдаги квитанция 44
5-шаклдаги квитанция 130,131
47-шаклдаги квитанция 117
Келувчи майда пакетларга ишлов бериш 323-325
Келувчи посилкаларни омборхонага топшириш 110
Келувчи пул ўтказмаларга ишлов бериш 151-154
Келувчи пул ўтказмаларини назорат қилиш ва қайта ишлаш 150-154
Келувчи пул ўтказмаларини тўлаш учун бериш 150-154
Келувчи хат-хабарларга тамға изини тушириш 61
8-шаклдаги дафтар 64
55-шаклдаги дафтар 66
Кодлаштирилган телеграф сўровномаси 192
117-шаклдаги комбинациялаштан бланка 250
Корхона ва ташкилотдан босма нашрларни қабул қилиш 400

М


Майда пакетлар 319-325
Майда пакетларда жўнатишга рухсат этилган жойланма 51 ХКҚ
Майда пакетларни ўровлаш 319
Майда пакетларни қабул қилиш 319-321
Майда пакетларни қопларда беркитиш 109
Майда пакетларни бекитиш 321
Майда пакетларни топшириш 324,325
Майда посилкалар 95
17-шаклдаги манзил ёрлиғи 83
14-шаклдаги манзил ёрлиғи 463
Манзилли почта алоқаси объектлари (почта алоқа боғламалари, почтамтлар)да хат-хабарларга ишлов бериш 60-62
Маркаларни ҳисобдан чиқариш 48-50
Махсус тақвим тамға 12
Махсус мўлжалланган почта алоқа боғламалари билан почта алмашуви 480-487
20-шаклдаги маълумотнома 67
Мижознинг почта қутиси 3, 98,99 ХКҚ


Н


Назорат-геральдли муҳр 5,17
20-шаклдаги назорат қайд дафтари 158,159
26-шаклдаги назорат қайд дафтари 134
Номли буюмлар 4-21
Нотўғри расмийлаштирилган, жўнатилган ва кечиктирилган пул ўтказмаларини текшириш 197-203


O'QUV ZALI

О


Оддий ва буюртмали бандеролларда жўнатиш учун рухсат этилган жойланма 44 ХКҚ
Оддий пакетлар учун 9-шаклдаги манзил ёрлиғи 54
Олинган ва жўнатилган почта жўнатмаларининг якунини амалга ошириш 567,568
14-шаклдаги олинган, тезкор (телеграф) почта ўтказмаларини текшириш 188-196
Олувчиларнинг ҳуқуқлари 137 ХКҚ
Олувчининг манзилини аниқлаш 526-530
Омборхоналарни муҳрлаш 586-590
Операция кунининг бошланиши 562-564
Операция кунининг охири 566-571 ХКҚ


П


Пломбир 14
Посилка учун 2-шаклдаги ёрлиғи 99
Посилкага 16-шаклдаги юкхат 337
Посилкалар гуруҳи 108,109
Посилкаларга жўнатишга рухсат этилган жойланма 46 ХКҚ
Посилкаларга ишлов бериш 110-112

| | | |
|---|---|---|
| Посилкаларни қабул қилиш | 100-105 | |
| Посилкаларни боғлаш | 97 | |
| Посилкаларни муҳрлаш | 104,105 | |
| Посилкаларни саралаш | 108 | |
| Посилкаларни топшириш | 113-117 | |
| 116-шаклдаги посилка учун бланкани тўлдириш | 98 | |
| 81-шаклдаги почта алмашуви учун гувоҳнома | 416 | |
| Почта алоқаси объектининг номи туширилган металл пластина | 16 | |
| Почта алоқаси объектларининг ишлашини давомийлиги | 7 | ХКҚ |
| Почта алоқаси объектларининг операция хоналаридаги эълонлар | 6 | |
| Почта алоқаси хизматларининг рўйхати | 28-34,37 | |
| Почта алоқаси хизматларини тақдим этувчи почта алоқаси объектлари ва пунктлари | 3 | ХКҚ |
| Почта вагони билан почта алмашинуви | 430-453 | |
| Почта варақчаси | 3,12 | |
| Почта жўнатмалари бериладиган ҳужжатлар | 117 | ХКҚ |
| Почта жўнатмалари ва буюмларнинг айланмасини ҳисобга олиш | 567-569 | |
| Почта жўнатмалари олинганлиги тўғрисидаги навбатдаги хабарномалари | 245-248 | |
| Почта жўнатмаларини (умумий тартиб) топшириш | 96,100-103, 105-107, 110-112, 114-115 | ХКҚ |
| Почта жўнатмаларини бепул қайта жўнатиш | 139 | ХКҚ |
| Почта жўнатмаларини ва пул ўтказмаларини хабарнома билан топшириш | 231-240 | |
| Почта жўнатмаларини манзилига қўшимча ёзувлар | 70 | ХКҚ |
| Почта жўнатмаларини олиб қўйиш ва тўхтатиб туриш | 600-602 | |
| Почта жўнатмаларини олиш учун ишонч қоғози | 111,118-120 | ХКҚ |
| Почта жўнатмаларини очиқ жўнатиш | 412 | ХКҚ |
| Почта жўнатмаларини сақлаш муддати | 530 | |
| Почта жўнатмаларининг сони ва қолдиғини текшириш | 576,577 | |
| Почта жўнатмаларининг ўрнини тўлдириш | 147-161 | ХКҚ |
| Почта жўнатмаларининг баҳоси | 38 | |
| Почта жўнатмалари ва буюмларини очиш | 519-525 | |
| 17-шаклдаги почта идиш (тара)лари бўйича ҳисоб-китоблар варақчаси | 26 | |
| Почта идиши (тара)ни қайтариш | 27-34 | |
| Почта индекси | 3, 5,6,64 | ХКҚ |
| Почта пул ўтказмалари | 119 | ХКҚ |
| Почта тўлови белгиларининг бўнаги | 565 | |
| Почта ишлаб чиқариш ҳужжатларини сақлаш | 572-574 | |
| Почта-касса аппаратининг муҳри | 18 | |
| Почталарни олиш | 501-518 | |
| Почтальонлар ишини назорат қилиш | 67 | |
| Почтани хаво кемаларида жўнатиш | 459-479 | |
| Почтани автомобил ва от-улов йўналишлари бўйича жўнатиш | 423-429 | |
| Почтани жўнатиш (умумий тартиб) | 410-422 | |
| Почтани жўнатиш учун идиш | 21-35 | ХКҚ |
| Почтани йўловчи вагонларнинг купеларида жўнатиш | 454 | |
| Почтани кузатиш | 416-420 | |
| Почтани почта вагонига ортиш | 439-453 | ХКҚ |
| Почтани темир йўл орқали жўнатиш | 431-453 | |
| Почтани юк багаж билан жўнатиш | 454-458 | |

Пул ўтказмалари бланкаларини беркитиш 51
112-шаклдаги пул ўтказма бланкасини тўлдириш 123-124
Пул ўтказмаларини банк муассасалари орқали ўтказиш тўлов топшириқномаси 174-177
Пул ўтказмаларини назорат учун бериш 133
Пул ўтказма телеграммаларини тузиш 134,135
Пул ўтказмаларининг рўйхати 163-173
Пул ўтказмалар ҳисоботини жўнатиш 205-212
Пул ўтказмаларини қабул қилиш 119-129
Пул маблағлари ва почта қимматбаҳо бойлик-ларини сақлаш 581-583
Пул маблағларини ва шартли бойликлар мавжуд-лигини текшириш 584,585
120-шаклдаги пул маблағларининг келувчи тезкор (телеграф) ўтказмасининг пул ўтказма телеграмма бланкаси 134
115-шаклдаги пул маблағларининг келувчи тезкор (телеграф) ўтказмасининг пул ўтказма телеграмма бланкаси 155
112-шаклдаги пул маблағларининг оддий пул ўтказма бланкаси 123
114-шаклдаги пул маблағларининг тезкор (телеграф) ўтказмасининг бланкаси 123
Пул суммаларини ва почта бойликларини сақлаш жойи 581-583


## Р


«Par avion» ёрлиғи 398
3-шаклдаги реестр 272-276
10-шаклдаги реестр 182
11-шаклдаги реестр 51
10-шаклдаги реестрда якунлашни амалга ошириш 184-186
103-шаклдаги рўйхат 282,286-288, 399,400


## С


CN 22 шаклдаги ёрлиқ 319
CN 23 божхона бланкасини тўлдириш 332
CN 23-шаклдаги «Божхона» ёрлиғи 320
CP 71 шаклдаги бланка 331
CP 71 шаклдаги бланкасини тўлдириш 332
CP 74 шаклдаги ёрлиқ 334


## Т


Тўланган пул ўтказмаларини 10-шаклдаги реестрга қайд этиш 182,183
Тўланган пул ўтказмаларини назорат қилиш 187-195
Тўловни кассага топшириш 579
Тўловни ундиришнинг тўғрилигини текшириш 578
Тақвим тамға 12
Такрорланган хабарнома (22-шаклдаги) 109 ХКҚ
Тарқатилмаган почта жўнатмалари 549-560
Тарқатилмаган почта жўнатмаларини қайд этиш учун 21-шаклдаги дафтар 552
Тарқатилмаган почта жўнатмаларини ҳисобга олиш 552
Тарқатилмаган почта жўнатмаларини якуний сақлаш жойи 551
Тарқатилмаган почта жўнатмаларининг жойланма-ларини сотиш 557-561

| | | |
|---|---|---|
| Тарқатилмаган почта жўнатмаларни очиш | 552-561 | |
| Тарқатиш қайдномаси (35-шаклдаги) | 456 | ХКҚ |
| Тезлаштирилган пул ўтказмаларининг (телеграф) пул ўтказмали телеграммаларини назорат қилиш ва уларга ишлов бериш | 156-173 | |
| Телеграмма-хабарнома | 234 | |
| Телеграф хабарномаси» | 229 | |
| Телеграфга қабул қилинган ўтказма телеграммаларни бериш | 142 | |
| Телеграфдан пул ўтказма телеграммаларни бериш | 156 | |
| Телефон орқали пул ўтказма телеграммаларни бериш | 143 | |
| Темир йўл почтамтларида, почта ташиш бўлимларида қайта ишланган ҳужжатларни почтада назорат қилиш | 497-500 | |
| Темир йўл станцияларида жойлашган халқаро почта алмашуви пунктларида почтага ишлов бериш | 489-495 | |


### У


| | | |
|---|---|---|
| 6а-шаклдаги умумий юкхат | 465 | |
| 16-шаклдаги умумий юкхат | 435 | |
| Устама тўлов | 247-258 | |
| 113-шаклдаги устама тўлов бланкаси | 250 | |


### Ф


| | | |
|---|---|---|
| Фойдаланувчининг қутиси | 3, 39-41 | ХКҚ |
| Франкирлаш машинаси | 29,30,36 | |


### Х


| | | |
|---|---|---|
| Хабарларни топшириш | 70,71 | |
| 22-шаклдаги хабарнома | 65 | |
| 30-шаклдаги хабарнома | 505-507, 510 | |
| 119-шаклдаги хабарнома бланкасини тўлдириш | 227 | |
| Халқаро чиқувчи хат, почта варақча, бандерол ва «М» белгили қоп ҳужжатларига ёзиш | 315,316 | |
| Халқаро ёзма хат-хабарларни беркитиш | 315 | |
| Халқаро жавоб купони | 33 | ХКҚ |
| Халқаро ички почта жўнатмаларини олганлиги тўғрисида хабарнома | 395-398 | |
| Халқаро посилкаларга ишлов бериш | 337-341 | |
| Халқаро посилкаларда жўнатишга рухсат этилган жойланма | 52 | ХКҚ |
| Халқаро посилкаларни ўровлаш | 331 | |
| Халқаро посилкаларни қабул қилиш | 331-337 | |
| Халқаро посилкаларни топшириш | 343-348 | |
| Халқаро почта алмашуви пункти | 301 | |
| Халқаро почта алмашуви жойлари | 301 | |
| Халқаро почта жўнатмалари | 300-309 | |
| Халқаро почта жўнатмалари учун CN 04 шаклдаги ёрлиқ | 311 | |
| Халқаро почта жўнатмаларини қабул қилиш, уларга ишлов бериш ва йўллаш | 311-318 | |
| Халқаро почта жўнатмаларини қайта жўнатиш ва қайтариш | 401-409 | |
| Халқаро почта жўнатмаларини кўринишлари | 21 | ХКҚ |
| Халқаро почта жўнатмаларини манзиллаш | 64, 65,67, 70, 73 | ХКҚ |
| Халқаро почта жўнатмаларини оғирлиги | 26 | ХКҚ |

Халқаро почта жўнатмаларининг ўлчамлари 26 ХКҚ
Халқаро почта жўнатмаларининг тўпламини қабул қилиш 399
Халқаро почта жўнатмаларининг тоифалари 3,70 ХКҚ
Халқаро тезкор почта 3,21 ХКҚ
Халқаро хатлар, бандероллар ва «М» белгили қоплариии ўровлаш 309
Халқаро хатлар, варақчалар ва бандеролларга ишлов бериш 312-318
Халқаро хатлар, почта варақчалари, бандеролларни ва «М» белгили қопларини қабул қилиш 310,311
Халқаро хатларда, бандеролларда ва «М» белгили қопларда жўнатишга рухсат этилган жойланма 47,48 ХКҚ
Хат ва бандеролларни ўровлаш 60-61 ХКҚ
Хатлар учун почта қутилари 3,5,6,8,9,79
Хатлар, варакчалар ва бандеролларга ишлов бериш 63
Хат-хабарлари қоплар учун 10-шаклдаги манзил ёрлиғи 57
Хат-хабарларни саралаш 51
Хат-хабарли йиғинди 52
Хат-хабарни топшириш 70-75
Хизмат почта жўнатмалари 293-299
Ҳукуматга оид почта жўнатмалари 213-225

Ч

Судга чақирув қоғози 70,102, 109,125

Э

«Экспресс» почта жўнатмаларини қабул қилиш 79
Электрон почта 12
Элтиб берувчи почта алоқаси объектларида келувчи хат-хабарларга ишлов бериш 63-69
8-шаклдаги «Эҳтиёт қилинг» ёрлиғи 77,334

Ю

24-шаклдаги юкхат 423,424,426

Я

Яроқсиз маркалар 50

Ў

«Шахсан қўлига топширилсин» ёрлиғи 397
«Ўз қўлига топширилсин» белгили жўнатма 3, 70, 43
Ўтказма ҳисоботи 104 ХКҚ

Қ

Қабул қилинган буюртмали почта жўнатмаларини саралаш учун бериш 45
Қиммати эълон қилинган ёпиқ хат
Қиммати эълон қилинган халқаро хатларда жўнатишга рухсат этилган жойланма 48 ХКҚ
Қиммати эълон қилинган халқаро хатларни ёпиш 328
Қиммати эълон қилинган халқаро хатларни топшириш 329,330

Қиммати эълон қилинган хат ва қиммати эълон қилинган бандерол ҳужжатларига ёзиш 82
Қиммати эълон қилинган хат ҳужжатларига ёзиш 328
Қиммати эълон қилинган хатларда ва қиммати эълон қилинган бандеролларда жўнатишга рухсат этилган жойланма 43,45

ХКҚ

Қиммати эълон қилинган хатларни қабул қилиш 326-327
Қиммати эълон қилинган хатларни ва қиммати эълон қилинган бандеролларни ёзиш 82
Қиммати эълон қилинган хатларни ва қиммати эълон қилинган бандеролларни саралаш 80
Қиммати эълон қилинган хатларни ва қиммати эълон қилинган бандеролларни топшириш 87-92
Қиммати эълон қилинган хатларни ва қиммати эълон қилинган бандеролларни қабул қилиш
Қиммати эълон қилинган хатларнинг ўрови 326
Қопга қоп алмашуви 24
Қопларни беркитиш 57
Қопларни боғлаш 83

## Ҳ

Ҳаво кемалари орқали жўнатиладиган почта ҳужжатлари учун йиғинди
Ҳаво транспортида жўнатилувчи почта учун 16-б(рейс) шаклдаги юкхат
Ҳаво транспортида жўнатилувчи почта учун 16а-шаклдаги юкхат
Ҳисоб рақамлари 175
57- шаклдаги ҳисобот рўйхати 209

УДК ОКС РУз 03.220.60 Т 55

Асосий сўзлар: бандероллар, почта жўнатмаларини топшириш, пул ўтказмаларини, ёзма хат-хабарларни элтиб бериш, почта алмашуви, почтага ишлов бериш, почта алоқаси объектлари, пул ўтказмаларининг тўлови, ёзма хат-хабарлар, посилкалар, почта жўнатмалари

Фан-техника ва маркетинг
тадқиқотлари марказида
таржима қилинди

Директорнинг биринчи
ўринбосари — З. Б. Ғиёсов

Таржималар хизмати
бошлиғининг ўринбосари — М. Х. Бегматова

O'QUV ZAL

# ПОЧТА ҚОИДАЛАРИ

**Нашр учун маъсул:**
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
Адабиёт жамғармаси директори
**Қурбонмурод Жумаев**
Техник муҳарир
**Бахтиёр Хуррамов**
Мусаввир
**Акбарали Мамасолиев**

Теришга берилди 04.06.2004 й. Босишга рухсат этилди 30.06.2004 й. Қоғоз формати 60х84 1/32. Офсет босма усулида босилди. Нашр босма тобоғи 19. Нусхаси 4000.

Буюртма № 240

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт Жамғармаси нашриёти. 700000, Тошкент, Ж-Неру кўчаси,1уй.

Тараққиёт ИИЧ хусусий фирмаси Матбаа бўлими босмахонасида чоп қилинди.
Тошкент шаҳри, Талабалар кўчаси, 54-уй.

O'QUV ZALI